

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ЎЗБЕК ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН БЕШИНЧИ ЖИЛД

*** **

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ШАВҚИ НАВО

*** **

Матназар Абдулҳаким

ҲАЙРАТ МЕЗОНИ

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)

*** **

Комилжон РАҲИМОВ

ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАМДА УНИНГ
«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИ ҲАҚИДА

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шухрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,
Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Шухрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ЗУҲРИДДИН ИСОМИДДИНОВ

ШАВҚИ НАВО

Алишер Навоий ғазалларини ўқиб...



ИККИ ОҒИЗ

Чўлпон 1925 йилда ёзилган бир мақоласида таассуф билан *“Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!”* деб ёзган эди.

Улуғ шоирмизнинг бу эътирозига нима деб жавоб берсак экан?

Рост, мумтоз адабиётимиз хазинаси минг-минглаб байт-ғазаллар билан тўлиқ. Шунинг учун ҳам, кенг маънода – жаҳон адабиётининг барча хилма-хилликларини кўзда тутган ҳолда, назар ташласак, ўтмиш шоирларимизнинг ашъорида, аввало, мавзу камбағаллиги сезилади, аксаран, ишқий руҳдаги ғазаллар. Аҳёнда бир учрайдиган ҳажвий ёки маърифий йўналишдагилари ҳам улар олдида жуда-жуда оз. Бунинг устига, кўп шоирларнинг ғазаллари арузнинг бир неча вазнидагина. Чор-ночор, бу ишқий лирика намуналарида якранглик бор, деб эътироф этишга тўғри келади.

Аммо Шарқ дунёсидаги аксар ҳолат ва ҳодисалар зимнида Қуръон оятлари ва ҳадисларда баён этилган ҳукмлар, шариат аҳкомлари ва тариқат нақллари, исломий ривоятлар ётишини эсга оладиган бўлсак, бунинг сабаблари бирмунча ойдинлашадигандек. Чунончи, *“Агар Ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб битмас. Албатта, Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир”*, деган маънодаги оят (“Луқмон”, 27)га таянган ҳолда, сўз санъатининг асосий вазифаси халлоқи оламни мадҳ этишдан иборат, деб тушунилган. Бани башар нутқининг энг олий кўриниши бўлган шеъргона эмас, ҳатто ҳар бир қушнинг сайраши, жон-жониворнинг ўз тилидаги нағмалари ҳам худога ҳамд, тавбаи зоре, деб талқин этилган.

Дарвоқе, жонли табиатнинг ҳар бир товушини тириклик навоси, унга бу ҳаётни инъом этган зотнинг васфи деб қабул қилиш мумкин. Биз булбулнинг ҳар кунги навҳасини бир хил деб ўйлаймиз, лекин у ҳеч қачон такрор қилмайди, шунинг учун ҳамиша ёқимли эшитилади.

Ҳар бири энг камида бир девон тартиб берган ўтмишдаги улуғ шоирларимизнинг ҳар бир рубойиси ва ғазали ҳам, дафъатан қараганда шаклан ўхшаш, “бир хил” туйилса-да, асло якранг эмас, уларнинг ҳар бирида ўзгача васф, бошқача бир тараннум бор.

Айниқса, Навоийда. Унинг исталган байти – туркий тил куч-қудрати ва бойлигининг, маъноларга тўлиқлигига кўра эса шоир иқтидорининг нақадар муаззам бўлганлигининг далилидир. Шунинг учун ҳам исталган бир ғазали ёки дуч келган бир байти шарҳланмасин, ҳеч ким тугал таърифлаб бўлдим, бошқа изоҳга ўрин қолмади, деб айтолмайди. Синчиклаб назар ташласангиз, унинг тубидан янги маъно ва шунга яраша талқин чиқиб кела беради.

Масалан, шоирнинг барча девонларида биринчи келадиган “Ашрақат...” деб бошланувчи ғазалнинг матлаъси – илк байти талқини:

*Ашрақат мин акси шамсил каъси анворил худо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо.*

Ғазал шарҳига киришар экан, устоз Нажмиддин Комилов, аввало, *“Эрталаб чиққан қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринади ва Худонинг жамолини унинг тажаллисиди кўр, деб оламдан садо чиқди”*, дея байтнинг сўзма-сўз маъносини беради, кейин уни қуйидагича шарҳлайди: *“Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқу шавқи, қалб су-*

рури ифодаланган. Худудсиз бу олам яккаю ягона Аллоҳнинг тажаллий нури билан барҳаёт, мунаввар ва жозибали. Шаксиз, шу қудрат барча жисмларни бир-бири билан вобаста этади, улуғ мунтазамликда сақлайди, барқарор ва пойдор этади. Ушбу нур қуёш кўринишида беқиёс неъмат бўлиб, ҳар саҳар порлаши, барча жонзотлар, жумладан Инсон қалбини шодликка лиммо-лим этиши аён ҳақиқат. Аммо Қуёш ҳам бир тимсол, бир ташбеҳ, холос. Илоҳий ҳақиқат, тажаллий бундан-да улкан, ул жами борлиқни, жумладан, қуёшни ҳам қамраб олади. Бу Ҳақиқат ва беинтиҳо Қудратни ориф инсон, пири комил англаб этади. Бунга англаган ориф, валий зотлар ҳам қалблари порлаб, шу маърифат нуруни бошқаларга етказадилар. Ёр акси билан ошно этадилар.” (“Маънолар оламига сафар”, “Тамаддун” нашриёти, Тошкент – 2012, 14-15 б.).

Талқиндан келтирилган ушбу парчада ғазал матлаъсининг улуғворлиги, унинг сирли маъноларга эга эканлиги бус-бутун далилланади, Навоий кўзда тутган, аммо биз ҳали англаб етмаган бирталай маънолар кўзимиз олдига келтирилади, шу бир байт талқинидаёқ биз қай даражада буюк мутасаввиф шоир ижоди оламига кириб бораётганимизни ҳис этамиз, Оллоҳ таоло шоир қалбига солган ва тилига келтирган муаззам бадиият қошида ҳайратлана-ҳайратлана, мутолаа завқига ошно бўламиз.

Аммо Навоий асарларининг ўзини шунчаки ўқиган оддий китобхон кўп нарсани уқмагани каби, тасаввуф илмининг етук намояндаси бўлган Нажмиддин домланинг Навоийдан талқинларини содда китобхоннинг англаши ҳам осон эмас. Масалан, мен бирмунча жўнроқ тарзда, байтнинг “Ёр аксин майда кўр”, деб жомдин чиқти садо”, деган иккинчи мисрасида яна бир маъно кўргандай бўламан. Яъни май тўла жом узра энгашган одам (майхўр – ошиқ), шубҳасиз, май сиртида ўзининг аксини кўради. Яъни ёр – унинг ўзи бўлиб чиқади. Чунки ошиқнинг бутун фикру зикри кечаю кундуз фақат ёр хаёли билан яшашдан иборат бўладиган бўлса, ўзлиги йўқолади, унинг ўзи ёрга, ёрнинг бир қисмига, тажаллисига айланади. Мансур Ҳаллож “аналҳақ” деганда мана шуни кўзда тутган, дейдилар. Қўполроқ таъбир қиладиган бўлсак, дилида ёр ва унинг ишқидан бошқа ҳеч нарса қолмаган ошиқнинг ўзи ёрга айланади, у нимага назар солса, унда ёрни кўради, унинг учун дунёда ёрдан бошқа ҳеч нарса, жумладан, ўзи ҳам қолмайди. Май (ишқ) билан лаболаб бўлган жомга қарар экан, бунда ҳам ўзини – ёрни кўради.

Демак, аён бўладики, ҳар бир одам Навоийни ўқир экан, уни ўзича англarkan, ўз билими ва савиясига яраша, янги-янги маънолар топар экан. Навоийни ўзбекнинг, жами туркий халқларнинг Абулмаонийси (маънолар отаси) деб айтсак, янглишмасак керак. Дарвоқе, Алишер Назар билан суҳбатда Эркин Воҳидов шундай деган экан: “Ҳазратнинг муҳташам “Ҳазойинул маоний”сини бошлаб берган: “Ашрақат...” деб бошланувчи байтини Алихонтўра Соғуний бир соатга яқин шарҳ қилган эдилар. Кейин англасам, бу шарҳ тасаввуф илмидан ажиб бир сабоқ бўлган экан.”

Мумтоз адабиёт билимдони Алихонтўра Соғунийнинг ўтмиш шоирларимиз девонида учрайдиган ирсоли масал тариқидаги “жумбоқ” мисра ва байтларнинг тарҳини очиши ҳақида Эркин Воҳидов бошқа бир суҳбатида шундай деган экан:

“Эсимда бор, тоғамнинг улфатларига чой ташиб хизмат қилиб юриб, уларнинг шунақа ажойиб суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлганман. Алихон Соғуний, Чустий, Маъруфхўжа Баҳодиров, ака-ука Шожалиловлар қатнашадиган бу улфатчилик Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб шеърларини талқин қилиш билан ўтар эди. Мен бу даврага ўзим мағзини чақолмаган байтларни тайёрлаб кўярдим, кўпчилик бўлиб улар бу байтларни шарҳ қилишар эди... Фузулий девонида бир байт бор:

*Банимким ғамларим вордир, бийирин устина қўйсанг,
Чиқар кофир жаҳаннамдан, кулиб аҳли азоб ўйнар.*

Мазмуни бундай: Менинг шундай ғамларим борки, уларни туянинг устига қўйсанг, кофир жаҳаннамдан чиқади, азоб чекканлар қулади, ўйнайди... Ажабо, дейман, ғамни туянинг устига қўйиш нимасию, кофирнинг жаҳаннамдан чиқиши нимаси? Буларнинг қандай алоқаси бор? Хаттотнинг хатосимикин? Ундай десам, ҳамма девонларда шундай ёзилган.

Байтни ўқиб берганимда уни ҳеч ким шарҳ қилолмади. Мажлис тўрида Алихон Соғуний улфатларни имтиҳон қилгандай жилмайиб ўтирар эдилар. Ниҳоят, у киши, қани бир қўлни очинглар, деб Фузулий ҳақиқага узун дуо ўқиб, сўнг байтни шарҳ қилиб бердилар. Пайғамбаримиз айтмишларки, кофир абадулабад жаҳаннамда бўлади. Туя игнанинг тешигидан ўтса, кофир дўзахдан чиқади, яъни ҳеч қачон чиқмайди. Фузулий байти шу ҳадисга ишора экан. Менинг шундай ғамларим борки, улар туянинг устига ортилса, туя индекс озиб кетади ва игнанинг тешигидан ўтадиган ҳолга келадию кофир жаҳаннамдан чиқади..."

Бироқ шуниси ҳам борки, Навоий, Фузулий, Бедил каби мутасаввиф шоирлар ҳар бир байтга сингдирган инжа маъноларни инкишоф этар экансиз (ўз ҳолингизга яраша, албатта), унинг завқи сизни ғоят масрур этади.

Навоий ижоди ўн катта жилдликда (ундан аввал – ўнбеш ва йигирма жилдликларда) тажассум топган. Бироқ шоир ва унинг асарлари ҳақидаги тадқиқот ва таҳлиллар, илмий кузатиш, мақола ва монографияларни бир жойга жамласангиз, камида юз жилд майдонга келади. Чунки ўзбек адабиётшунослигидаги энг катта тадқиқ объект Навоий ижоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Бироқ ҳар сафар, масалан, ҳар ўн йилликда, чинакам навоийшунослик энди бошланаётгандай туйилаверади. Ким билади, ана ўша – ҳаёлимиздаги юз жилдга сиғарлик тадқиқотлар шоир ҳақида юзага келадиган асарларнинг, эҳтимол юздан биридир ҳали?

Бундан ... қирқ йиллар илгари Тил ва адабиёт институтида лаборант бўлиб ишлар эдим. Ёши ўтинқираб қолган хўжандлик бир олим институтга кичик илмий ходим бўлиб ишга келди. Исми Ҳожимурод экан, аммо ҳамма Муродий домла деб атарди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бир оёғининг тиззадан пасти ёғоч, аммо икки яноғи тарам-тарам қизғимтир, ниҳоятда мунаввар қиёфали бу одам баайни ўтмиш адабиёти руҳи билан яшар, айтадиган ҳар бир гапини мумтоз сўз санъатидаги бирон мисол билан далиллаб сўзлар эди.

Ёшлик – дадиллик экан-да, бир куни суҳбатлашиб ўтириб, бу кишига “Домла, агар сизга ўзингиз истаган бир замонда туғилиб яшаш ихтиёри берилса, қачон, қайси даврда яшашни хоҳлар эдингиз?” деб савол берибман, денг. Бўлмаса, отамдан ҳам ўн ёшлар катта одам. Мўйсафид, не-не қирғинбаротларни кўрган бу киши алланечук жавдираб қолди, кўзимга тикилиб туриб: “Ука, аввало, бориға шукур, – деди имондек сирини айтаётган бир оҳангда. – Аммо сиз айтган имконият бўлсаю, мен ҳазрат Навоий билан бир даврда яшаса эдим, у кишининг қўллариға бир марта бўлса ҳам сув қуя олсам, дунёдан беармон ўтган бўлардим...”

Бундай тилак Навоийни дилдан англаган, қалби ўта ҳассос одамлардагина бўлади. Афсуски, Навоий дунёсига, шоир руҳонияти ва бадиияти муҳитига руҳан яқин бўлган муродийлар сафи тобора сийраклашиб боряпти.

Навоийни тушунишдан ҳам кўра уни ҳис қилиш муҳим. Тўлиқроқ ҳис қилиш учун эса уни тушуниш лозим, албатта.

Бир маҳаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Автомобиль йўллари вазири бўлиб ишлаган Рустам Юнусов Навоийни англаш йўлидаги бир тажрибасини сўзлаб берган эди.

Етимликда ўсган, интернат тарбиясини олган Рустам Расулович то вазир бўлгунича де-

ярли русча тар бия йўриғида улғаяди. Шунчаликки, туш кўрса, туши ҳам рус тилида кечган. Бир куни ўзича ўтириб, “Навоий-Навоий дейишади, ростан ҳам шунчалар улўғмикин, бир ўқиб кўрай-чи”, деган қарорга келади. Шоирнинг ўн беш жилдлигини олдиради. Табиийки, аввалига бирон сатрини ҳам тушунмайди. Ноилож, рус тилида чиққан ўн томликни ёрдамга чақиради. Бирон байтни рус тилида ўқиб, уни ўзбекча нашрдан топади, шоирни байтма-байт ўрганишдай машаққатли меҳнат ёш вазирнинг тунги машғулотиغا айланади. Навоий унинг қалбига кириб, идрокига ўрнаша бошлайди.

– Шундай бир кун келдики, китобларнинг ўрнини алмаштирдим – энди аввал ўзбек тилидаги байтни ўқиб, қай бир жойини тушунмай қолсамгина русча матнни кўрадиган бўлдим, – деган эди Рустам ака. – Яна беш-олти ойдан кейин эса умуман рус тилидаги китобга ҳожат қолмади – Навоийни равон англайман. Истаган одам билан шоиримиз байтларини талқин қилиш бўйича баҳслашишга тайёрман...

Бу гаплар 1990 йил – ўзбек тили эндигина давлат тили мақомини олган маҳалда айтилган эди. Ўшандан бери, қанийди, ҳар бир вазиримиз Навоийни Рустам Юнусовдай тушунса, бу улўғ ижод оламига шу одамдай меҳр қўйса, деб ўйлайман. Бўлиб ҳам қолар.

Навоийни ҳар ким ўз ҳолига қараб ҳис этади, идрокига яраша англайди.

Ушбу сатрлар муаллифи навоийшунос эмас, Навоийни тушуниши Навоийга эътимодидан анча қуйи турадиган бир ихлосманд, холос. Мен Навоийни ўзбекнинг оламга очилган кўзи деб биламан. Биласиз, кўзга кўз тикиш осон эмас. Шунинг учун нигоҳимни ерга қаратган қўйи, Навоийни ўзим англаганча мутолаа қилиб, ҳосил қилган шавқимни сиз муҳтарам ўқувчилар билан ўртоқлашмоқчи бўлдим, холос. Шарҳлаш учун кўпроқ қўшиққа солинган ғазаллар танлаб олинди. Чунки кўп эшитамизу, уларнинг маъно-мазмунини унча аниқ-тиниқ англайвермаймиз. Қолаверса, мумтоз ашулаларни куйлашга киришаётган ёш хонандалар ҳам уларни тушуниб, маъзини чақиб ижро этадиган бўлса, шинавандаларга Навоийнинг муддаосини кўнгилдагидай қилиб етказа олишлари турган гап. Бу, аслида, илгаритдан бор анъана. Ҳожихон Болтаев, Маъруфхўжа Баҳодиров сингари улўғ ҳофизларимиз ўзлари ижро этадиган ашула матнини бир адабиётшунос даражасида таҳлил ва талқин қилишганини, баҳс ҳал бўлмаса, бошқа билимдонларга мурожаат қилиб, масаланинг тағига етганларини эшитганмиз.

Ушбу китобчага шоир ижоди ҳақидаги тўрт-беш мақола ҳамда қирқ ғазал, бир неча фарду мустазодлар баёни киритилган. Уларни талқин қилишда биз аксар шорихларнинг “ғазал матни, қийин сўзлар луғати, ғазалнинг насрий баёни ва ғазалнинг умумий мазмун-маъноси” йўлидан бормадик, балки “ғазал матни ва байтма-байт шарҳ” тарзида соддача изоҳлашни маъқул кўрдик. Қийин сўзлар изоҳи ва шоир муддаосига оид фикрлар ҳар байт шарҳи ва мақола якунида қисқача келтирилди. Ғазалларни эса ҳозирги алифбода биринчи мисрадаги сўнгги сўзнинг охириговушига кўра – маълум маънода, девон тузиш тартибида жойлаштиришга уриндик.

Шарҳланган ҳар бир ғазал матни якунида қавс аро икки рақам келади. Улардан биринчиси “Хазойинул маоний” тўпламидаги девон номини (1 – “Ғаройибус сиғар”; 2 – “Наводируш шабоб”; 3 – “Бадоеъул васат”; 4 – “Фавойидул кибар”), иккинчи рақам эса унинг айнаи девондаги нечанчи ғазал эканини билдиради.

Навоийшунос олимлар шарҳлаган айрим ғазалларни, уларнинг борлигидан беҳабар, таталаб тушунишга уринган ўринлар ҳам бўлса ажаб эмас. Аммо нима бўлганида ҳам, ҳар бир янги талқин шоирнинг руҳий олами, бадиияти сирларини инкишоф этиш йўлида қўйилган бир қадам бўлиб қолишидан умид қиламиз.

Камина ходимингиз Зухриддин.

НАВОИЙНИНГ ИДЕАЛИ

1978 йил эди. “Тошкент оқшоми” газетаси бир неча ой давомида уч-тўрт саволли бир сўровнома эълон қилди ва таниқли кишиларнинг унга берган жавобларини чоп этиб турди. Сўровномада “Сиз учун идеал инсон ким?” деган бир савол ҳам бор эди. Албатта, ҳар ким бунга жавобан, ўзи идеал одам деб билган кишисининг номини дарж этди, бунинг аксича, дунёда идеал шахс бўлиши мумкин эмас, деганлар ҳам бўлди. Бу сўровноманинг ёдимда қолганига сабаб, машҳур бир санъатшунос олим, “Мен учун икки идеал инсон бор. Уларнинг бири – КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнев, иккинчиси эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов”, дея “сиёсий хушёр” жавоб берган эди.

Ким билади, ўша кекса коммунистнинг сўзлари самимийдир, севган одамларини айтган бўлса бордир. Лекин... невай, Брежнев ё Рашидов иш-лавозимдан кетса, ўшанинг эртасига ҳам профессор шундай жавоб қилармидийкин, деган иштибоҳдаман. Бу орада бу икки идеал шахс ҳам, уларни идеаллаштирган домла ҳам оламдан ўтиб кетишди. Шунинг учун мен бу гапларни истехзо қилиб ёзаётганим йўқ. Аммо ким давлат раҳбари бўлса, унга сажда қилишга шай, туғилган болаларига унинг исмини, отасининг оти ва фамилиясини қўйиб, гердайиб эълон қилаётганлар ҳам кам эмас.

Яна бир тоифа кишилар борки, раҳбари ҳудожўй бўлса, намозу ниёзга берилади, бунинг акси юз берганда эса – ғирт атеист бўлиб олади. Таажжубки, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ўзини ҳақ деб билади, бошқаларга ҳам шуни уқтиради. Нимаям деймиз, идеалидаги шахсга таассуб қиляптида.

Хўш, идеал инсон борми ўзи ҳаётда, бор бўлса, ким ўзи у ва бундай олийшон одам қандай сифатларга эга бўлади?

Биз ҳар соҳада миллатимиз қуёши бўлган Алишер Навоийни ибрат намунаси деб биламиз, унинг тутумларини ўзимизга мезон қилиб олишга ҳаракат қиламиз. Шундай экан, Навоий кимни идеал шахс деб билганини, уни қандай васф этганини аниқлаш муҳим.

Бунга икки хил жавоб бор.

Биринчиси – Навоий ҳам, бошқа барча аҳли ислом сингари, Муҳаммад алайҳиссаломни идеал деб билган, бу аксиомани далиллашнинг эса ҳожати ҳам йўқ.

Иккинчиси эса адабиётшунос олимлар, Навоийнинг идеали – “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод образидир, шоир ўз идеалларини шу сиймода мужассам қилган, деб айтишади. Чунончи, “ЎзСЭ”нинг “Алишер Навоий” деган мақоласида “Фарҳод жаҳон адабиётида умумбашарий хислатларни жам этган **энг комил** образлардан биридир”, деб қайд этилади (1-том, Тошкент – 1971, 257- бет). Фарҳод – Навоий учун идеал инсон образи эканлиги ҳақидаги фикр ундан аввалроқ профессор Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида (Тошкент – 1965, 446- б.) ҳам берилган эди. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да эса “Навоий Фарҳод образи орқали **идеал инсон** ҳақидаги гуманистик қарашларини ифодалаб, энг юксак инсоний фазилатларни мадҳ этган”, деб битилади.

Аммо, мантиқан, кишининг идеали битта бўлишидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ўринда маълум бир зиддият юзага келаётгандай: Навоий учун идеал ким – Расули акрамми ёки ўз достонидаги Фарҳод?

Шу ўринда, бир “лирик чекиниш”. Яқинда бир уламо ўз қавми билан суҳбатлашиб ўлтирар экан, Навоийнинг “Келмади” радифли ғазалини талқин этишга уриниб, “Олимлар бу ғазалда қайсидир бир қиз тараннум этилган, деб айтишади, чунки улар Навоийнинг асл ғояларини билишмайди. Аслида, Алишер Навоий ёр деб Оллоҳни кўзда тутган”, дея XX аср ўзбек мумтоз адабиётшуносларини ялписига “брак”ка чиқарганини интернетда кўриб қолдим (<https://www.youtube.com/watch?v=Ext00CuTiWY>). “Унчалик эмасдир, қори иним, – дедим ичимда. – Сиз улар фаолият юритган замонлар руҳидан беҳабарсизда, башарти, улар ўша даврда Навоий Оллоҳни васф этган, деб айтишганида, унинг ижодини ўрганиш йўли тақа-тақ ёпилар, у ҳам Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний каби “диний-мистик” деган ёрлиққа муносиб кўрилар, биз Навоий ижодини тадқиқ этишга эндигина киришаётган бўлар эдик. У раҳматлилар бугунги хур замонлар келишини, мустақил бўлишимизни тушларида ҳам кўрмаган. Ўша шароитда минг азоб билан бу улуғ ижодкорни халққа тақдим этиш йўллари топишгани учун улар бошига маломат тошларини отиш ўрнига, руҳларига атаб тиловат қилиш жоиз эмасми?..”

Фалсафа фанида учинчиси истисно қонуни бор. Унга кўра, икки қарама-қарши фикрнинг ё униси, ё буниси тўғри бўлади. Иккови тенг ҳақ бўла олмайди. Аммо бу икки хил фикр сиртдангина бир-бирига зид бўлиб кўринса, уларни ўзаро мувофиқлаштиришга бўлган уринишни эклектикага мойил экан, деб қоралаш хато.

Бизнингча, Расули акрам ҳам, “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамони ҳам Алишер Навоийнинг идеалидир.

Энди ана шу фикрни исботлашга уриниб кўрамиз.

Ислом анъаналарига кўра, Муҳаммад алайҳиссаломни (бошқа пайғамбарларни ҳам) образ сифатида тасвирлаш мумкин эмас, унинг қиёфаси, руҳий кечинмалари ҳақида бадий тўқимага ўрин берилмайди. Шунинг учун унинг ҳаётномалари, ҳадисларга шарҳлар, пайғамбарлар тарихига оид адабиётлардаги материалларгина мавжуд. Бадий асарлар, театр сахнаси ва кинофильмларда Расулуллоҳ кўринмайди, ҳатто овози ҳам берилмайди, расми чизилмайди. Наът ғазаллар ва диний ривоятларда пайғамбар улуғланади, аммо образ даражасига етказилмайди. Бу – тақиқ мавзу. Ҳолбуки, у зотни улуғламай, ибрат қилиб кўрсатмай туриб, исломнинг ўзаги бўлган тарбия борасида яхшироқ натижага эришиш қийинлиги ҳам аён.

Биз исломнинг ўзаги тарбия дер эканмиз, бу фавқулодда гап эмас, зеро, пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзи, мен энг гўзал ахлоқ эгасиман ва хулқларни камолга етказиш учун юборилганман, деб марҳамат қилган.

– Хўш, образини яратиш мумкин бўлмаган бир шароитда Муҳаммад алайҳиссаломнинг фазилатлари қандай қилиб кўрсатилади?

– Бошқа образларга пайғамбар ҳаётига тааллуқли айрим воқеаларни, у зотнинг ўзгалар билан савол-жавоблари ва ҳоказоларни индириш орқали!

Улуғ сўз санъаткори Навоий ўз идеали бўлган пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаёти, ҳадисларида баён этган фикрларини у ёки бу муносабат билан, у ёки бу кўламда тасвирлаб ўтмаслиги мумкин эмас эди.

“Фарҳод ва Ширин” достонини ўқисангиз, бир қарашда Фарҳод қаёқдаю, Муҳаммад алайҳиссалом қаёқда, деган эътироз юзага чиқиши аниқ. Бироқ биз пайғамбар алайҳиссалом Фарҳод образининг прототипи қилиб олинган деётганимиз йўқ, балки у зотга тааллуқли у ёки бу жиҳатлар эпизодик тарзда, ўшанда ҳам анча мубҳам ва мураккаб бир шаклда

Фарҳодга нисбат бериб акс эттирилгани ва айнан ана шу ҳислатлари билан Фарҳод идеал образ даражасига кўтарилганини таъкидлаб ўтамиз, холос.

I. Муҳаммад алайҳиссалом ислом дини тарғиботига янги киришган пайтларда у зотни ўлдиришга жазм этган кишилар бўлган. Пайғамбар ҳаётига оид асарларда бунинг тафсилюти кўп. “Ким сени энди менинг қўлимдан қутқариб қола олади?!” дея азиз боши узра қилич кўтарган кимсаларга қараб, Расулуллоҳ “Оллоҳ қутқаради!” деб айтиши биланоқ қотил қўлидан қилич ерга тушиб, ҳоли ёмон бўлиб, шу сабабли исломни қабул қилгани бир неча бор қайд қилинган (Пайғамбар қошига ёмон ният билан келиб, ул зотнинг бир назари биланоқ исломга келган ҳазрат Умар ҳам уларнинг бири эди).

Навоий достонида тасвирланишича, Фарҳодни беҳуш ҳолда асир олиб, Хусрав қошига келтиришади. Табиб дорисидан ўзига келгач, Фарҳод Хусравга назар ташлайди. Фарҳодни асир олган Хусрав уни ўлдириш олдидан бир кўриш, савол-жавоб қилиб, “айби”ни бўйнига қўйиш ниятида эди, аммо уни кўриши биланоқ ҳолати ўзгаради, ёмон фикридан қайтади:

*Шукуҳидин етиб Хусравга тағйир,
Қилиб ишқи ўти кўнглига таъсир.
Унутти айламакни қатлу бедод,
Анга боқиб такаллум қилди бунёд.*

Яъни қотил Хусрав асир ҳолдаги Фарҳодга кўзи тушиши биланоқ, унинг шукуҳини кўрибоқ ўлдириш фикридан қайтади. Бу эса Расул алайҳиссалом ҳаётидаги бояги каби ҳолатларнинг ишорасидир.

II. Муҳаммад алайҳиссалом кишиларни имонга даъват эта бошлагач, бундан хавотирга тушган Макка мушриклари у зотга бир неча бор мурожаат қилишган ва “даъводан воз кечса”, эвазига бойлик, обрў ва ҳатто салтанат ваъда қилишган. Бироқ Расули акрам муддаоси бу эмаслигини, Ҳақ таоло амри билан иш юритаётганини айтиб, бундай “ёғлик” таклифларни рад этади. Чунончи, Алихон Соғуний “Тарихи Муҳаммадий” асарида ёзгандай:

“Ичларидан бировлари сўзга туриб, (деди):

– Эй Муҳаммад, ...бизлар бу иш устида сен билан очиқ сўзлашгани келдик... Агар бу ишдан мақсадинг мол топиш бўлса, мол йиғиб бериб, сени бой қилайлик, агар иззат-обрў истаган бўлсанг, бутун Қурайш қабиласи устига сени раис қилиб қўтарайлик, агар подшоҳ бўлиш кўнглингга тушган бўлса, сени подшоҳ қилиб, тахтга чиқарайлик. Йўқ, агар жанлар тарафидан сеҳрланган бўлсанг, мол-дунёмизни аямай, анинг чорасига киришайлик. Ё тузалурсан, ё бизни маъзур тутурсан... Мана шунга ўхшаш сўзларни айтиб, илгари Утба айтган сўзларни қайтадан такрор қилдилар.

Пайғамбаримиз алардин бу сўзларни эшитганлари сўнгида:

– Сизлар деганларингнинг ҳеч бириси менда йўқдир. Бу ишда менинг мақсадим мол топиш ёки обрў-мартаба орттириш эмас, ё сизларга подшоҳ бўлиш эмас. Лекин шуни билингларики, мени Аллоҳ таоло инсон олами устига пайғамбар қилиб юборди, ўз тарафидан менга Қуръон отлиғ улуғ китоб индирди. Бу китобда инсонлар учун икки жаҳонда саодат топиш йўлларини кўрсатди. Мўминларни жаннат неъматлағри ила суюнтиришга, кофирларни дўзах азоби ила қўрқитишга мени буюрди. Танғрим буйруқларини сизларга етказдим, устимга юкланган ялавочлик (элчилик) вазифасини адо қилдим, ҳар ҳолда сизларга хайрихоҳдурман. Ҳеч қандай бошқа муддаом йўқдур. Агар сўзимни қабул қилсанглари, келтирган динимизга кир-

санглар, дунё ва охират саодатидан топган улўғ насибаларингдур. Агар бу сўзимни рад этиб, мени ёлғончига чиқарсанглар, у ҳолда Аллоҳ амрини қўтиб, сабр қилишдан бошқа чорам йўқдур, – дедилар” (“Мовароуннаҳр”, 2017, 57- б.).

Ана энди “Фарҳод ва Ширин” достонининг энг кульминацион ўринларидан бири бўлган 41-бобини олиб қаранг. Унда Фарҳод Хусрав билан баҳслашади, аниқроғи, Хусравнинг саволларига оқилона, мантиқий жавоблар қайтариб, уни мот қилади:

Дедиким: Ишқдин йўқ жуз зиён буд!

Деди: Бу келди савдо аҳлиға суд.

Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур!

Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур!

Деди: Ол ганжу қўй меҳрин ниҳони!

Деди: Туфроққа бермон кимёни!

Деди: Жонингға ҳижрон кинакашдур.

Деди: Чун бор васл уммиди хушдур.

Дедиким: Шаҳға бўлма ширкатандеш!

Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Деди: Жонингға бу ишдин алам бор!

Деди: Ишқ ичра жондин кимга ғам бор?

Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!

Деди: Бечора, кеч бу мултамасдин!

Деди: Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!

Деди: Ишқида мақсудумға етгум.

Деди: Бу ишда йўқ сендин йироқ қатл!

Деди: Бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Нечаким бўлди мушқил сўз хитоби,

Басе осон анга етти жавоби...

Муҳаммад алайҳиссаломнинг рақиблари унга эътиқодини тарк этиши эвазига нимани ваъда қилишган бўлса (бойлик, қабила раислиги, подшоҳлик), Хусрав ҳам Фарҳодга Ширинга ишқини унутиши бадалига худди шу нарсаларни беришни бўйнига олади (*Ол ганжу қўй меҳрин ниҳони! – Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!*). Фарҳод ҳам, деярли пайғамбар алайҳиссалом берган жавобларни айтиб, Хусравни лолу малул этади.

Савол туғилиши мумкин – Хусрав билан Фарҳоднинг ўзаро баҳси Навоийдан аввал “Хамса” ижод этган Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достонларида ҳам бор, ҳўш, улар ҳам ана шу ғояни илгари суришмаганми?

Навоийнинг ғойибона устозлари ва пешқадамлари бўлган бу икки сиймога чандон ҳурмат бажо келтирган ҳолда, улар Фарҳод образини ўз қарашларининг тажассуми (бош қаҳрамон) қилиб олмаганларининг ўзиёқ бу саволга жавоб тасдиқ маъносида бўлмаслигини айтиш керак. Биз бу икки дostonдаги мазкур баҳсу жавоб билан ҳам танишиб чиқдик. Албатта, улар ҳам юксак бадииятга эга. Қолаверса, шу баҳс эпизоди борлиги Навоийга туртки берганки, “Фарҳод ва Ширин” дostonида айна эпизод мавжуд. Ҳатто диалоглар мисра бошида “Бигуфт”, “бигуфто” (Навоийда “деди”, “дедиким”) сўзларининг келиши ва уларнинг ҳажми (25-26 байт) бир хиллиги ҳам ҳар уч дostonда бир-бирига монанд. Бироқ “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги бу диалогнинг аввалгиларидан муҳим бир фарқи бор: “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Ширин ва Хусрав” дostonларидаги диалоглар рақибларнинг омонсиз тортишуви эмас, икки суҳбатдошнинг муколимасидан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, биз таъкидлаб кўрсатган савол-жавоблар – бойлик берай, ё истасанг подшоҳлик берай, бу ҳавасдан кеч, ёки ўлдираман каби макр ва пўписалар ва унга Фарҳоднинг мардонавор, оқиллона жавоблари (Муҳаммад алайҳиссаломга қилинган ваъда ва таҳдидлар ҳамда у зотнинг кофирларга жавобига монанд байтлар) Низомийнинг ҳам, Деҳлавийнинг ҳам дostonида йўқ.

III. Фарҳодда идеал инсонга хос бўладиган ҳамма нарса – камтарлик, улуғворлик, бойлик, давлат ва шавкатга ружу қўймаслик, ҳар жиҳатдан поклик, шу билан бирга, омма томонидан эътибор ва иззат етарлича бор:

*Бўлуб шаҳлар эшигининг гадойи,
Ва лекин ул гадолар хоки пойи.
Анга тенг подшолиғ, ё гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.*

Фарҳод юксак насл-насаб эгаси (шаҳзода) бўлсада, камбағал, оддий одамларга қалбан яқинроқ. Унинг бу хислати ҳам Муҳаммад алайҳиссаломга бориб туташади. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам насаби жиҳатидан қурайш қабиласининг энг улуғ хонадонига мансуб, аммо даъвати энг аввало, фақир ва мискин кишилар қалбидан жой олган, ислом дини зодагонлар ва бойлар ичида эмас, дастлаб асосан меҳнат аҳли орасида ёйила бошлаган.

IV. Муҳаммад алайҳиссалом ҳамиша ростгўй бўлган, нафақат тилида, балки дилида ҳам ўзгаларга нисбатан асло ғубор бўлмаган. Чунки унинг қалбида “Шаққи садр” воқеасидан сўнг эзгуликдан бошқа нарсага ўрин қолган эмас. Шунинг учун ҳам у кишини шарафлаб, одамлар Муҳаммад амин (ростгўй, ишончли киши) деб аташган ва ҳамма ҳурмат қилган.

Алишер Навоий Фарҳод таърифида шундай деб ёзади:

*Демон ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.
Мунунгдек тийнати покига лойиқ
Дуосин айтибон поки халойиқ.*

*(Кўнгли ҳам пок, кўзи ҳам пок демайман,
Тили пок, сўзи пок, ўзи пок, деб ҳам ўтирмайман.*

*Шундай пок тийнатлилигига яраша
Жами халойиқ уни дуо қилар эди).*

V. Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонини “меҳнатнома”, “меҳнат достони” деб атаган. Меҳнат сўзининг асл маъноси, ҳозиргидай машғулоти, иш фаолияти эмас, мусибат, бадбахтлик, ранжу азоб, уқубат, машаққатдир. Шунинг учун ҳам шоир Фарҳод исмининг маъноси-ни бадиий шарҳлар экан, шундай деб ёзган эди:

*Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирар ҳарф ибтидодин айлабон фард...*

Яъни Фарҳод исмининг ўзи ҳам “фироқ”, “рашк”, “ҳажр”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг илк ҳарфларидан таркиб топган. Ҳаёти эса доим машаққат билан – аввал илму ҳунар эгаллаш меҳнатида, кейин эса ишқ ва у туфайли бошига келган балолар исканжасида ўтиб итмомига етади.

Носириддин Рабғузийнинг ёзишича, айнан пайғамбарларга Оллоҳ таоло энг катта балоларни синаш учун тақдир қилар экан. Бошқа набийлар тарихини келтириб ўтирмасдан, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётномасига назар ташлашнинг ўзиёқ бу нақлнинг тўғри эканига асос бўла олади ва бу далил ҳам Фарҳод образи Расулulloҳга қай бир жиҳатлари билан монанд эканини кўрсатади.

VI. Энг оғир дамларда Фарҳодга Шопур ҳамроҳлик қилади, уни доимо қўллаб-қувватлайди, ҳолидан хабар олиб туради. Уни доимо беғараз қўллаб-қувватлаб юрувчи Шопур қай бир жиҳатлари билан ҳазрат Абу Бакрни киши ёдига солади. Хитойдан Армания мамлакатига Фарҳод Шопур билан бирга келади (Маккадан Ясриб шаҳрига Муҳаммад алайҳиссалом содиқ дўсти Абу Бакр билан бирга келгани каби).

Бу каби гоҳ асосли, гоҳ эса элас-элас тасаввур уйғотадиган муштаракликлар шу билан тугамайди, аммо бошқа тафсилотларга берилишнинг мавриди эмас.

Мумтоз шеърятнинг энг оммавий жанри ғазалдир. Ғазал жуда кўп ишлангани боис беҳад сайқал топган, мазмунан ҳам, шаклан ҳам хилма-хил турларга ажралиб ривожланган. Чунончи, мазмунига кўра, ҳамд (Оллоҳ таолога бағишланган) ғазаллар, наът (Муҳаммад алайҳиссалом мадҳидаги) ғазаллар, мадҳ (бирон улуғ одамга бағишланган) ғазаллар, фахрия (ўзига бағишланган) ғазаллар сингари.

Назаримизда, улуғ Алишернинг “Ҳамса”сини ҳам қай бир жиҳатларига кўра ана шундай тасниф қилиш мумкин. Ҳар бир дoston – моҳиятан, катта бир ғазал, компаративистлар тили билан айтадиган бўлсак, эпик қўшиқдир. Кенг маънода олганда, фалсафий-дидактик йўналишдаги “Ҳайратул аброр”ни ҳамд дoston, деса бўлади. Чунки унда оқиллар дилини лол этган сир-синаотлар, Халлоқ яратган бу оламнинг турфа воқеликлари бобма-боб та-свирланган. Асардаги ҳар бир “мақолот” ва “ҳайрат”дан бевосита Парвардигорга мурожаат ва муножотлар ҳам ўрин олган.

Тартибга кўра, ҳамддан сўнг наът келади. “Ҳамса”нинг “Ҳайратул аброр”дан кейинги “Фарҳод ва Ширин” достониди Фарҳод образида Муҳаммад алайҳиссаломга ишоратлар мавжуд эканини далиллаган бўлдик.

Ўзининг Оллоҳга бўлган ишқи таърифини Навоий “Лайли ва Мажнун”да беради, бу асарни, руҳига кўра, фахрия дoston деб аташ мумкин.

Навоий улуғ салафлари – Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Жомийлар дostonларидаги тур-

фа воқеалардан чашна олган. “Сабъаи сайёр” дostonини салафларга бағишланган мадҳ doston деб қабул қилиш мумкин. Зерo, айнан шу dostonнинг бир эмас, икки бoбидa улар ҳақида сўз юритилган.

Шунингдек, “Садди Искандарий”нинг подшоҳ Искандар Зулқарнайн ҳақида экани ўзи уни Султон Ҳусайн Бойқарoга бағишланган мадҳ doston, деб аташга муайян даражада изн беради. Дарвоқе, Навoий айнан Ҳусайн Бойқарoни “Искандари соний” деб таърифлаган, бошқа dostonларида ҳам шу сифат билан улуғлаб, уларнинг ҳар бирида махсус бoб билан сийлаган.

Башарти бу мулоҳазаларда жон бор деб топилса, Фарҳод – Навoий идеал шахс деб билган киши ҳақидаги ғояларининг тажассуми, деб қабул қилиниши керак ва бу образ жуда кўп жиҳатлари билан пайғамбар алайҳиссаломга монанд келади. Ҳаёт ва турмуш ҳақидаги қараш ҳамда тушунчаларни бор бўйича эмас, балки гўзал бир шаклда, “пардаи асрор” ортига олиб тасвирлаган ҳолда тақдим этиш эса бадий адабиётнинг спецификасига хос энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Бадий адабиётнинг асосий хусусияти – ҳаётини “тўғридан-тўғри” равишда эмас, балки образли йўсинда кўрсатиш ва шу орқали кучли таъсир ўтказишдан иборат. Бунинг учун эпик асарларда инсон образи яратилади. Ижодкор ўз қарашларини шу образ тилидан баён этади.

Навоий ана шуни чинакам адабиёт деб билган. Ҳақиқатни ҳақиқат равишида айтиш бошқаю, аммо мажоз орқали таъсирчан бир ҳолда тақдим этиш бошқа, деб тушунган. Чунончи, яқин дўсти ва ходими Паҳлавон Муҳаммад ундан, туркигўй шоирлардан энг зўри ким, деб сўраганида, *“Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдур ва бу қавмнинг устои ва маликул каломидур”*, деб жавоб беради. Паҳлавон Муҳаммад шоирга, *“Нечук Саййид Насимий демадинг?”* деб яна савол беради. Бу саволга берилган қуйидаги жавоб Навoийнинг сўз санъатининг табиати ҳақидаги қарашини ифодалайди:

“Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур”.

Бунинг маъноси шуки, Насимий Оллоҳ таолога бўлган ишқини бевосита, яъни “Ё Оллоҳ, мен сенинг бандангдурман”, тарзида баён қилади, “мажоз тариқида” сўз айтувчи Лутфий эса образли қилиб, “Қаду оғзингга боқсам, оҳ дерман, Сени кўрган сайин “Оллоҳ!” дерман”, дея пардалаб тасвирлайди, бу мисраларда мажозий эмас, ҳақиқий ёр васф этилаётганини парда ортида қолувчи авом эмас, хос кишилар тушунади ва шу жиҳати билан Лутфий маликул калом ҳисобланиши керак...

Фикр билан бадий фикрнинг фарқи ана шунда.

НАВОЙНИНГ ЖУРЪАТИ ҲАҚИДА БОБУРНИНГ БИР ҚАЙДИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1504 йили – йигирма бир ёшида Ҳисор тоғлари оша Афғонистонга ўтиб, Кобул ва Ғазни вилоятларини эгаллади. 1506 йилда эса Султон Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан Шайбонийхонга қарши курашиш маслаҳати учун Ҳиротга йўл олди, аммо етиб келгунича Хуросон подшоҳи вафот этган эди. Бобур бу ерда Алишер Навоийнинг уйида бир қанча муддат яшади. Гарчи Ҳиротга келишидан асосий муддаоси Бадиуззамон мирзо ва унинг укаси Музаффар мирзо билан Шайбонийхонга қарши биргалашиб курашиш масаласида келишувга эришиш бўлса-да, ҳар бир масалада синчков бўлган Бобур бу ойлarda Ҳусайн Бойқаро салтанатининг ички ва ташқи сиёсати, шахзодалар ва сарой аъёнларининг тийнати, шаҳарнинг географияси, бу ердаги илмий ва адабий муҳит, хусусан, Алишер Навоий ижоди билан чуқур танишди, улар ҳақида “Бобурнома”да қисқа-қисқа қайдлар битиб қолдирди. Бу қайдлар шаклан ихчам бўлишига қарамай, мана, беш асрки, ҳамон ўз қийматини йўқотмай келяпти. Чунончи, Алишер Навоий ижодига баҳо бераркан, Бобур ёзади: *“Алишербек назири йўқ киши эди. То туркий тил билан шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча қўб ва ҳўб айтқон эмас”*.

Очиғини айтганда, Мир Алишер ижодини ўрганишга умрини бағишлаган юзлаб олимлар, минг-минглаб мухлислар бўлгани ҳолда, ҳеч ким Навоий асарларининг қийматини Бобур мана шу иккитагина жумлада баён қилгани қадар баҳолай олмаган. Бундан ташқари, Бобур туркий шеърят пайдо бўлганидан бери жами ижодкорларни кўзда тутган эди, кароматни қарангки, Навоийдан кейин ўтган яна беш асрлик тарихда ҳам бирон-бир туркий шоир ижодининг кўлами (“кўб”лиги) жиҳатидан ҳам, бадий савиянинг юксаклиги (“ҳўб”лиги) жиҳатидан ҳам Навоий даражасига ета олмади, яъни Бобурнинг камида беш-олти асрлик ўзбек адабиёти тараққиётини кўзда тутиб айтган бу фикри ундан кейинги яна шунча замонга ҳам мутааллиқ бўлди.

Диний бағрикенглик – ҳар кимга истаган эътиқодини бошқаларга тиқиштириш эркинлиги эмас. Унда юрт бузилади, мамлакат вайрон бўлади. Беш аср аввал буни Навоий яхши англаган ва бир лаҳза ҳам эл-юрт осойишталигини сақлаш борасида иккиланмаган. Султон Ҳусайн мирзо салтанат устига келгач, Хуросонда шиалик мазҳабини давлат дини деб эълон қилиш ниятида эди, аммо Навоий қатъий туриб, уни бундан қайтаришга муваффақ бўлади: *“Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ имомни хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди”*, деб қайд қилади Бобур.

Шу биргина фактнинг ўзи ҳам миллатимиз тарихида Навоийнинг ўрни нақадар катта эканини кўрсатиш учун кифоя. Ҳолбуки, Алишер Навоий теурийлар салтанати инқирозини орқага суриш, бу улкан давлатнинг парчаланиб кетишига йўл қўймаслик, мамлакатни обод қилишни бутун ҳаётининг мазмунига айлантирган.

“Бобурнома”да Алишер Навоийнинг яна бир хизмати ҳам гўё “шунчаки” эслаб ўтилади. Аммо унинг моҳияти шу қадар улуғки, Навоий шоир ва олим, давлат арбоби ва санъат ҳомийси, муҳтожлар мададкори ва ободончиликлар ташаббускори сифатида миллат ва тарих олдида қанчалик салмоқли хизматлаър қилган бўлса, Бобур қайд этган, аммо кўпчиликнинг эътиборига унчалик тушмай келаётган яна бир миссиясининг аҳамияти ҳам буларнинг ҳаммасидан кам эмас.

Гап шундаки, Султон Ҳусайн мирзо *“аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ*

имомни хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш-қучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди”. Бобурнома”. Тошкент – 1960, 222-бет (Тахтга ўтирганининг бошларида мамлакат элининг диний эътиқоди бўлган суннийликни бекор қилиб, ўн икки имомни хутбада ўқитиш – шиаликни давлат дини деб жорий қилиш ниятида бўлган экан. Алишербек ва яна баъзи бошқалар ман қилгач, ноилож қолади. Аммо кейинги барча иши ва хатти-ҳаракати аҳли суннат вал жамоат эътиқоди билан мувофиқ эди).

Ўттиз икки ёшида Ҳирот тахтига чиққан ва умрининг охиригача – ўттиз олти йил Хуросон подшоҳи бўлган Султон Ҳусайн мирзо бинни Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро бинни Мирзо Умаршайх бинни Амир Темурининг мураккаб шахсияти ҳақида тарихчи ва адабиётшунослар кўп фикр билдиришган. Дарҳақиқат, айнан унинг даврида Хуросон Темурийлар салтанатининг энг тараққий этган ҳудудига айланди, юртда нисбатан осойишталик ҳукм сурди, пойтахт Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида адабиёт, санъат, илм-фан ва маданият гуллаб-яшнади.

Султон Ҳусайн Бойқаро милодий 1438 йилда туғилган, Алишер Навоийдан икки-уч ёш катта эди. Вафоти санаси ҳам 1506 йилга тўғри келиб, Алишер Навоийдан кейин яна беш йил умр кўрди. Демак, Навоий олтмиш йил умр кўрган бўлса, Ҳусайн Бойқаро олтмиш саккиз ёшида вафот этган. Унинг даврида Хуросон мамлакати анча-мунча тараққиётга эришган ва атрофдаги давлатлар у билан ҳисоблашган.

Алишер Навоий Темурийлар салтанатининг йирик вакили бўлган Султон Ҳусайнга катта эътимод билан қараб, унинг хайрли ишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Унга атаб қасида ёзган, “Мажолисун нафоис” асарида, шунингдек, муаззам “Хамса”нинг деярли ҳар бир достонида бу подшоҳга бағишлаган боблар бор. “Ҳазойинул маоний”нинг ҳар бир девонидаги талай ғазалларда ҳам Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади. Чунончи:

*Эй Навоий, дема розисенму умрунг истаса,
Юз менинг умрумча султонимда бўлғай, кошки...*

Чунки Навоий Султон Ҳусайндай шоир ва шоҳ сиймосида одил ва фозил ҳукмдорни кўришни орзу қилар, у билан яхши муомалани сақлаб туриш орқали мамлакатнинг тинч-осойишталиги, ободлиги ва маъмуриликка ҳисса қўшиш ниятида бўлган.

Навоий умрининг охиригача Ҳусайн Бойқаро салтанатини асраш ва унинг куч-қудратини тинимсиз юксалтиришга интилди. Ёш йигит чоғида шахзода Ёдгор фитнасини бартараф этиш учун ўлимдан қўрқмай, биринчи бўлиб ёв ичига кириб бориб, фитначиларни қўлга олишда жонбозлик қилган бўлса, вафотидан бир неча ой илгари ота-бола – Султон Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғли Бадиуззамонни яраштириш учун бел боғлаб, бунга эришди.

Султон Ҳусайн мирзо, гарчи шахс сифатида мардона, жасур, шариатни маҳкам тутган киши бўлса-да, давлат бошлиғи сифатида иродасиз, ҳокимиятни бошқаришдан кўра у орқали келадиган айш-ишратни афзал кўрадиган шахс бўлган. Салтанат унинг учун истган ишини қилиш, эл-улус олдида чексиз ҳокимиятга эга бўлиш, одамлар устидан, шаръийми ё ношаръийми, бундан қатъи назар, ҳукм чиқариш воситаси бўлган. Қолаверса, бунча узоқ муддат бутун бир мамлакат юкини елкасига олиш машаққати-да кишини чарчатади, албатта. Шу боис ҳам у йиллар ўтгани сари тождор сифатидаги ўз бурчи ҳамда вазифаларини унутиб, айш-ишратга, майхўрликка берилади: “Аввал тахт олғон маҳалда беш-олти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичқуга тушди – қирқ йилга ёвуқим Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ

эдиким, намози пешиндан сўнг ичмагай” (“Бобурнома”, 222-бет). Аҳвол шу даражага етадики, бадмаст чоғларининг бирида Бадиуззамон мирзонинг ўғли, ўз невараси Мўмин мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонга имзо чекади...

Султон Ҳусайннинг ўз невараси Мўмин Мирзони қатл қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекиши бу таназзулнинг кульминацияси бўлса, Навоийни Астробод шахрига ҳоким қилиб жўнатиш баҳонаси билан уни Ҳиротдан бадарға қилиши эса бу таназзул орқага қайтмайдиган характерда эканини аён кўрсатди.

Мозий ҳақида, ўтмишда яшаб ўтган у ёки бу тарихий шахс тўғрисида фикр билдириш – қалтис масала. Бунда, аввало, Расули акрамнинг вафот этганлар ортидан ёмонлаб юрмасликка, мабодо эслаганда яхши жиҳатларини тилга олишга буюрганини ёдда тутиш лозим. Иккинчидан, биз ўша пайтда юз берган ва кишини шундай қарорга келишга мажбур қилган сабабларнинг ҳаммасидан воқиф эмаслигимиз оқибатида бирёқлама ҳукм чиқариб қўйиш мумкин. Аммо тарихни ўрганишдан мақсад – сабоқ олишдир, авлодларга ибрат қилиб кўрсатиш учун эса ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни ҳам таҳлилга тортиш лозим бўлади. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанат устига келган кунларида шиаликни давлат дини деб эълон қилмоқчи бўлгани масаласини ҳам.

Шу орада мавзуга тааллуқли бир жиҳатга тўхталиб ўтайлик. Баъзилар Султон Ҳусайн мирзонинг шиаликка рағбати бошқаларнинг қутқуси билан юзага келган, деб айтадилар ва унинг хотини Хадичабегим номини далил сифатида тилга оладилар.

Хадичабегим, аслида, подшоҳ Султон Абусаид мирзонинг хотини эди. Аммо 1469 йили у урушда ўлдирилгач, тахтни эгаллаган Султон Ҳусайн мирзо ҳали тарқаб кетмаган ҳарам жориялари ичида подшоҳнинг бева қолган хотини, 19 яшар гўзал Хадичабегимни кўриб қолади ва идда муддати ўтгач, унга уйланади. Кейинчалик Хадичабегим ноз-ишвалари, ўткир ақли ва булардан ҳам аввал мақсадга ўта интилувчан табиати боис сарой маликаси даражасига етади. Хадичабегим эътиқодда шиа бўлиб, шиаликнинг ҳам энг ашаддий оқими бўлган рофизия эътиқодида эди.

Бобур ҳам бунини алоҳида таъкидлайди: “ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй (сержан) хотун эди, рофизия ҳам экандур” (231-бет).

Хадичабегимнинг мудҳиш ишлари кўп бўлган. Биргина мисол: у ўз ўғли Музаффар мирзо отасидан кейин тахтни эгаллашини истагани учун ҳам подшоҳнинг аввалги хотинидан бўлган фарзанди Бадиуззамоннинг ўғлини – тахт вориси деб қаралаётган Мўмин мирзони ўлдиртиришга эришган.

Аммо, назаримизда, Султон Ҳусайннинг бояги нияти юзага келишига Хадичабегимнинг алоқаси йўқдай. Чунки Ҳусайн Бойқаро бу қарорини тахтни эгаллаган дастлабки кунлар ёки ҳафталарда (“аввал тахт олғонда”) амалга оширишга интиланган, бу пайтда эса Хадичабегим унинг хотини эмас, бинобарин, маслаҳатгўйи ҳам эмас эди. Султон Ҳусайн Бойқаро бу аёлга тахтга чиққанидан кейин камида беш ойдан сўнг уйланган. Эри ўлган аёл учун шаръий идда муддати – камида тўрт ою ўн кундир. Демак, Хадичабегимнинг истакларини подшоҳ маъқул деб топадиган бўлгунигача бирон йил вақт керак бўлар эди...

Аммо шуниси аниқки, ўша даврда Хуросонда суннийлик ва шиалик мазҳаблари ўртасидаги кураш ниҳоятда кескинлашиб, таҳликали тус олган. 1510 йилда Ҳиротни қўлга кiritган Исмоил Сафавий мамлакатда шиаликни давлат дини деб эълон қилишга қарши курашган Алишер Навоийнинг ёнидаги “баъзилар”дан бири бўлган Мавлоно Абдурахмон Жомийни таҳқирлаш учун “Жомий” тахаллусини ўзгартириб, “Хомий” деб аташни буюради, унинг қабрини очиш ва суякларини сочиб ташлашга фармон беради (тўғри, бир қанча

йиллардан сўнг бу ишига афсусланиб, “Мен фариштаннинг қабрини буздирибман”, дея бир газалида гуноҳини бўйнига олган).

Маълум бўладики, Навоий юрт ичида шиаликни жорий эттиришга кескин қарши чиққан. Турган гап, шоҳ амрига қарши туришнинг оқибатини шоир жуда яхши билган. Бунинг натижасида у энг камида яқингинада тайинланган муҳрдорлик лавозимидан азл қилиниб, ўзи қувғинга учраши ҳам мумкин эди. Аммо эътиқодда қатъийлик устун келади, Навоий бутун қадр-қиммати, обрў-эътиборини ўртага тикиб, подшоҳни бу бемаъни қарордан қайтаришга муваффақ бўлади.

Мактабда... домлаларимиз “Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ҳаммактаб дўсти бўлган, Бойқаро тахтга чиққанида Навоийни ўзига муҳрдор қилиб олган, муҳрдорлик эса – юксак мартаба: подшоҳбиронишга фармон берганида, муҳрдормаъкул топса, унга муҳр қўйган, муҳр босмаса, фармон йўққа чиққан”, деб ўқитишган эди. Албатта, муаллимларимизнинг бу фикрлари бизга гўзал эртақдай туйилар, нафақат Навоийга, балки ўша бағрикенг замона подшоҳига ҳам ихлосимиз ортар эди. Аммо кейинроқ, дорилфунунда ўқир эканмиз, муҳрдорлик – девонхона мудир дегандай гап, кимнинг ҳадди бор султонга қарши чиқиб, унинг фармонига муҳр босмасликка, деб ўқитишди. Эҳтимол, буниси тўғрироқдир, аммо нима учундир, ҳатто ҳозир ҳам, мактабдаги ўша гапларга ишонгим келади. Ким билади, “муқаррабус султон” (султоннинг энг яқин кишиси) унвонини олган Навоийда подшоҳнинг у ёки бу фармонини ман қилиш ҳукуқи бўлгандир. Зеро, Султон Хусайн Бойқаронинг табиатида ана шундай жўмардлик ҳам бор эди: қийин вақтларда ёнида бўлган Музаффар барлос деган содиқ бир амирга нимаики мол-мулкни қўлга киритса, учдан бир қисмини беришга шартлашгани ва унга амал қилгани маълум. Ёшлиқда ҳаммактаб дўсти Навоийнинг ақл-заковатига эътимоди боис султон унга шундай ваколат берган бўлса, нежаб?

Хуллас, Навоийнинг жиддий қаршилигидан сўнг Султон Хусайн мирзо шаштидан тушиб, аввалги аҳдидан қайтади. Шу билан мамлакат аҳлини бошқа мазҳабга ўтказиш асносида эл ичида чиқадиган ғулу ва қўзғолонларнинг олди олинадиган, минг-минглаб кишиларнинг ўзаро тўқнашуви оқибатида юз берадиган қонли можаролар, қирғинлар бартараф бўлади.

Навоий даврида энг йирик Темурий давлат Хуросон эди. Башарти бу ерда шиаликка ўтиш амалга ошса, ён-атрофдаги бошқа мамлакатлар, хусусан, Мовароуннаҳр билан тинч-осойишта муносабатда бўлиш имконияти ҳам йўққа чиқар эди. Демак, амир Алишер Навоий нафақат бир мамлакат ичида давлат билан раият орасидаги, балки мамлакатлараро урушларнинг олдини олишга ҳам муваффақ бўлади. Мутафаккир шоирнинг шу хизмати билан халқнинг бир қисми бу, иккинчи қисми эса бошқа эътиқодга амал қилиб, бунинг орқасида доимий можаролашишдан эмин бўлди. Навоийнинг ҳозирда унча айтилавермайдиган, аммо бениҳоя улуғ шу саъй-ҳаракати туфайли туркий (ўзбек) халқининг ва шу заминда азалдан истиқомат қилиб келаётган яна бир қанча элларнинг охири кўринмайдиган урушлари, унда беҳисоб одамларнинг қирилиб кетиши олди олинган. Шу маънода, Алишер Навоий – халқ халоскори деб аталишга сазовор бўла олган улуғ арбоб ҳамдир.

АДАБИЁТИМИЗНИНГ МАВЛУД ОЙИ

Ҳар йили февраль ойи яқинлашар экан, зиёли элимиз сўз санъатининг икки бемисл сиймоси – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларини нишонлаш тараддудига тушади. Февраль ўзбек адабиёти учун баайни мавлуд кунларидир, зеро, 9 февраль Алишер Навоий таваллуд топган сана бўлса, орадан беш кун ўтгач, 14 февралда

Бобур туғилганини нишонлаймиз. Шунинг учун ҳам февраль ойини интиқлик билан кутамиз, бутун мамлакатимизда, ўзбеклар яшайдиган бошқа юртларда бу кунлар байрамга айланиб кетади, илмий анжуманлар, симпозиумлар, адабий кечалар ўтказилади, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналарию дипломатик ваколатхоналарида ҳам ажнабий фан, маданият ва адабиёт вакиллари иштирокида бу икки сиймо таваллуди нишонланади, уюштирилган маданий тадбирларда улар жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссанинг янги-янги қирралари инкишоф этилади.

Бобур дунёга келгани 1483 йилда Алишер Навоий қирқ икки ёшга кирган, ижодий камолоти ҳадди аълосига етган палла эди. Айнан Бобур туғилган йили Навоий ўзбек адабиётининг энг буюк ҳужжати – “Хамса”ни ёзишга қўл урдики, бунда ҳам ғайришуурий бир ҳикмат бордай. Бобурнинг эса шоирлик истеъдоди подшоҳлик ва саркардалик қобилияти билан деярли бир вақтда нишона берган, у жуда эрта – ҳали бир мучал ёшига тўлиб-тўлмай Андижон тахтига чиққан бўлса, худди ўша кезларда дастлабки ғазалларини ёзиб, олис Ҳиротга, ғойибона устози Алишер Навоий назарига ҳавола этган.

Алишер Навоий пиру салафларига ҳам, ҳамаср ижод аҳлига ҳам, адабиёт ва санъат даргоҳига энди кириб келаётган ёш авлод вакилларига ҳам бирдай эътибор берганини, бирон соҳада бадиий истеъдоди “йилт” этиб учқун чиқарган одамларга меҳр-мурувват кўрсатиб, бағрига олганини яхши биламиз. Навоий ҳар бир ижодкорнинг асарини синчиклаб ўрганган. Умрининг охирги йилларида ёзган “Мажолисун нафоис” мажмуасида ҳатто биргина байт билан танилган шоирларни ҳам тилга олиб, унинг ҳақида нимаики билса, ёзиб қолдирган, шу орқали ана шу ижодкорнинг тарихдан ўзига муносиб жой эгаллашига, унутилиб кетмаслигига ҳаракат қилган.

Аммо Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номи Навоий асарларида учрамайди. Ҳолбуки, Бобурнинг шаҳодат беришича, Алишер Навоий Бобурни ғойибона билган, унга мактуб ҳам юборган: *“бир навбат менга китобати (хати) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юбориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим, жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”*. Бобурнинг Навоийга юборган ғазаллари ёш подшоҳнинг энг қудратли темурий салтанат малик уш-шуаросига мактуби эмас, балки навжувон шоирнинг туркий сўз шаҳаншоҳига юкуниб, унинг назарига тушиш, илтифотига сазовор бўлиш умидидаги мактуби эди. Аммо тарихнинг кажрафтори шундай бўлдики, қай бир сабаблар туфайли Навоий асарларида ёш шоир Бобур эса олинмайди. Чамаси, тафриқа ва ғавғо уч бера бошлаган бу паллаларда Бобурнинг хати ва шеърий машқларидан намуналар Навоий қўлига етиб бормагандир. Ҳолбуки, Алишер Навоий вафотидан сўнг бошқа бирон шоир эмас, санъати, адабиёти ва маданияти билан ном чиқарган ўша Ҳиротдаги Навоийнинг юзлаб шогирд ва муҳиблари эмас, айнан олис Мовароуннаҳрдан минг ташвишлар билан от чоптириб етиб борган Бобур Навоийдан қолган табаррук қаламни ўз қўлига олди, туркий сўз яловбардорининг илгидан тушган байроқни боши узра кўтарди, адабиётимиз бўстони бир лаҳза ҳам хувиллаб қолмади.

Миллат қуёши, туркий халқларнинг энг буюк шоири Навоийнинг шеърий тафаккури (ўз иқрорига кўра) шу даражада олийки, кўнглига қандай фикр келса, ўша оннинг ўзида у тилдан шеър бўлиб қуйилган. Лекин бу шунчаки назм эмас, ҳатто бирон-бир маънони гўзал ифода этган ажиб ва нажиб шеърлар ҳам эмас, балки ҳар байти бетакрор ва мукамал ифода топган фалсафий шеърят!

Нафақат лирикаси, балки улкан “Хамса”даги, бошқа асарларидаги қарийб ҳар бир байт нелигини ва қайдан келганлигини тушунтириш амри маҳол бўлган илоҳий файз нуридан баҳравор. Ижоди бунчалик кўламли шоир эса дунёда кам.

Шайбонийхонга қарши кучларни бирлаштириш ниятида Хуросон пойтахти Ҳирот шахрига келган Бобур дастлаб Навоийни эсга олди, айнан Навоий яшаган ҳовлида истиқомат қилди, шундай таҳликали дамда, жуда оз фурсат ичида Алишер Навоий мероси билан тўлиқ танишиб, шоир ижодига ҳанузгача ҳеч ким бера олмаган таърифни битди: *“То туркий тил била шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча қўб ва ҳўб айтқон эрмас...”*

Бобур-ку, бу таърифни Алишер Навоий вафотидан беш йил ўтиб-ўтмай, боз, беш-олти асрлик мустақил тарихга эга ўтмиш шеърятимизни кўзда тутиб айтган эди, аммо орадан беш аср ва яна йигирма йил ўтди ҳамки, каромат янғлиғ бу сўзлар ҳануз устувор – ҳеч бир туркий халқ ичидан Навоийдай буюк шоир ўшандан кейин ҳам етишиб чиқмади ва тобора аён бўлиб бормоқдаки, чиқиши даргумон ҳам экан...

Биз Алишер Навоийни, устод Мақсуд Шайхзода таърифлаганидек, “ғазал мулкининг султони” деб атаймиз. Зеро, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар тарихида тўрт китобдан иборат чор девон тартиб бериш фақат Навоийгагина насиб қилган. “Ҳазойинул маоний”да 2600 та ғазал, яна бошқа ўнлаб жанрлардаги юзлаб шеърӣ дурдоналар (жами 45 минг мисра атрофида) жамулжам бўлган.

Аммо шунга қарамай, Алишер Навоийнинг издоши ва халафи бўлмиш Бобурнинг оламга машҳур “Вақоеъ” (“Бобурнома”) мемуарини, бу асарнинг дунёвий мавқеини ёдда тутган ҳолда, мумтоз адабиётимизнинг Навоий “Ҳамса”сидан кейинги иккинчи энг улуғ асари, дейишга журъат этамиз. Бу асар туркий тилдаги дастлабки йирик наср намунаси бўлиб-гина қолмай, бутун Шарқ оламидаги илк реалистик бадий асар ҳам ҳисобланади ва шу жиҳати билан ҳам у Бобур номини бутун дунёга танитди.

Шунинг учун ҳам февраль ойини – бу икки муаззам ижодкор таваллуд топган муборак кунларни “адабиётимизнинг мавлуд ойи” деб атасак, унчалик хатога кетмасак керак.

Алишер Навоий сингари ўзидан улкан бадий мерос қолдирган шоирлар дунё адабиёти тарихида бармоқ билан санарли даражада оз. Боягина эслаб ўтганимиз “Ҳамса” ва “Ҳазойин ул-маоний” билан бирга “Лисонут тайр” достони, “Девони Фоний”, яна бошқа ўнлаб диний-маърифӣ, илмӣ ва тарихӣ мемуарлар йигирма жилдлик асарлар тўпламини ташкил этганининг ўзи ҳам Навоийнинг нақадар кўламли ижодкор бўлганини кўрсатади.

Шу ўринда жаҳон маданияти тарихининг зўр билимдонларидан бири академик Н.И.Конрадининг бир гапини эсга олиш ўринли. Конрад Навоийнинг “Садди Искандарӣ” достонидаги биргина деталь – Искандарнинг вафоти олдидан яқинларига айтган васиятини келтиради:

*Вале қилсангиз наъш аро устувор,
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор*

*Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким – ришта ёқутдин.*

*Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:*

*“Бу панжаки, бармоғлари чекти саф
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди каф.*

Кафи ичра олди жаҳон кишварин,

Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.

*Чу урди ажал илги табли раҳил,
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил.*

*Жаҳондин шал илги мисоли борур,
Нечукким, чинор илги холи борур.*

*Ангаким, мададкор бўлғай билик,
Жаҳон шуғлидин бори чеккай илик”.*

“Искандар вафот этади. Васиятига кўра, унинг жасадини дафн этиш учун севимли маскани – Мисрдаги Искандария шахрига тобутга солиб олиб кетадилар... Ва тобутдан унинг қўлини чиқариб қўйишади. Бу қўлда ҳеч нарса йўқ. Тобутдан чиқиб турган мана шу бўм-бўш қўл – ҳайратланарли даражада кучли бадиий образдир. Башарти Алишер бошқа ҳеч нарса ижод қилмай, биргина мана шу образни яратган бўлганида ҳам, биз кўз ўнгимизда даҳо шоир турганини англаган бўлар эдик”, деб таъкидлаган эди аллома.

Навоийнинг эътирофича, Худо берган истеъдоди шу қадар бўлганки, қандай фикрламасин, у тилидан шеър бўлиб дунёга келган, шу боис шоирнинг ўзи, “Фирдавсий “Шоҳнома”ни ўттиз йилда ёзган эди, мен агар жаҳд қилсам, бундай асарни ўттиз ойда биткараб эдим”, дейди. Дарифки, Алишер Навоий ҳаётининг асосий қисми мамлакат ташвишларини бартараф этиш – уни ташқи ва ички ёвлар қутқусидан асраш, подшоҳ билан яқинлигидан фойдаланиб, уни эзгу ишларга йўллаш учун саъй-ҳаракат қилиш, уруш ва низолар олдини олиш, муҳрдорлик, вазирлик, Астрободга ҳокимлик ва юртни ободонлаштириш – сон-саноқсиз бинойи хайрлар қуриш, аҳли дилларга ҳомийлик қилиш ва ҳоказоларга сарф бўлган. Шунга қарамай, шоир муаззам улуғ бадиий мерос қолдиришга муваффақ бўлди.

Буни ҳаммадан яхшироқ англаган ва Оллоҳ инъом этган истеъдодни юксак қадрлаган одам ҳам яна Навоийнинг ўзи эди: “Умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, – деб ёзади мутафаккир, – сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай...” Бу бениҳоя улуғ истак эди ва у нимаси биландир (балки, услубан) Сулаймон алайҳиссаломнинг Оллоҳдан “Ё Танграм, менга мenden кейин ҳеч кимга муяссар бўлмайдиган бир давлат ва салтанат бергил”, деб қилган илтижосига ўхшайди. Ҳасти Сулаймон каби ҳасти Навоийнинг бу астойдил тилаги ҳам ижобат бўлган экан: орадан неча юз йиллар ўтди, аммо Навоий сўзининг мартабаси ҳамон мислсиз юксакликда барқарор.

Тасодифми бу ёки тақдирми, Навоий таваллудининг яна бир йирик санаси – беш юзу эллик йиллиги элимизнинг мустақилликни қўлга киритишига тўғри келди. Шу боис 1991 йил Ўзбекистонда “Навоий йили” деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас. Беш аср муқаддам бошқа биров эмас, айнан ҳазрат Алишер Навоий мустақил бир тил сифатида она тилимизнинг қаддини тиклаш, қадрини ўрнига қўйиш, уни қадимий бир элнинг Худо берган бир тили сифатида эъзозлаш, уни бошқа тилларнинг тазйиқли таъсиридан озод қилиш, туркигўй ижодкорлар қалбида миллий ҳис-туйғуларни уйғотиш учун кураш бошлаган эди. Орадан яна чорак аср ўтди.

“Алишербек назари йўқ киши эди... – деб баҳо беради Бобур. – Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Мунча бинойи хайрким ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай...”

Алишер Навоийнинг ана шу фазилатлари Бобурнинг ўзига ибрат бўлмаганида, у улугъ шоирнинг бу хислатларини таъкидламаган бўларди. Бобур ҳам Алишер Навоий каби ҳамиша ва ҳамма ерда, айниқса, Ҳиндистонни ишғол этгач, ободончилик ва маърифатпарварликка астойдил бел боғлади, Агра ва Деҳли шаҳарларида улкан иморатлар тиклади, ўз атрофига ҳунар ва санъат аҳлини йиғди, уларга ҳомийлик қилди.

Навоий ижоди Бобур учун мактаб вазифасини ўтаган, Бобур Навоий асарларини ўқиб-ўрганган, шоир асарлари мавзусида, ўшалар руҳида асарлар битган:

*Ғурбатта ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрубон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.*

(Алишер Навоий)

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳната киши.
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севинмас эмиш, албатта, киши.*

(Бобур)

Яна бир мисол билан кифояланамиз:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар нечаки севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

(Алишер Навоий)

*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.*

(Бобур)

Шу ўринда иккинчи мисолга бир оғиз тўхталсак. Унда Навоийнинг рубойиси билан Бобурнинг бир ғазали матлаъси муқояса қилиняпти. Буларнинг шаклигина эмас, мазмуни ҳам бошқа-бошқа (севмоқ ва яхшилиқнинг йўқлиги). Аммо гап улар ифодасидаги инжаликда. Бобур ғазалини талқин этган уламоларимиз ҳам, уни бошқа тилларга ўгирган мутаржимлар ҳам Навоийда мушаккал бўлган ва Бобур давом эттирган шу икки байтдаги ружуъ санъатини англамаётганлари афсусланарли. Зеро, Навоий "...ҳар нимани севмоқ шу даражада бўлсаки, ундан ортиқ севиш мумкин бўлмаса, мен ўша энг юқори даражадагидан ҳам ортиқроқ севаман сени", деб муболаға қилса, Бобур ҳам худди шу ифода шаклини қўллаб, "жаҳон аҳли орасида шундай бир кимса бўлсаки, яхшилиқда ҳеч ким унга ета олмайдиган бўлса, ана ўша одамдан ҳам яхшилиқ кутма", деган ҳасратли хулосани баён этган. Бобур асарларининг таржима ва талқинларида эса бу бадий санъат ҳам, ундаги бетимсол маъно ҳам тамом чеккага чиқиб, "яхшилиги йўқ одамдан яхшилиқ кутмоқ жоиз эмас", қабилида жўн бир талқинни ўқиймиз, вассалом...

Таржима ва шарҳлардаги мана шундай ноқисликлар боис нуктадон шоир Бобур чет эл-

ларда асосан подшоҳ ва “Бобурнома” муаллифи сифатида машҳур. Ҳолбуки, у инсон ички кечинмалари инжа ифодаланган ғазал ва рубоийлари билан ҳам жаҳоннинг энг олд сўз санъаткорлари қаторидан ўрин олишга ҳақли.

Бобур сингари туғма зеҳнли одам тарихда кам учрайди. У отасидан қолган тахтни эгаллаган ўн икки ёшидан бошлаб талотўплар ичига тушади. Қизи Гулбаданбегим ёзганидек, “тўлиқ ўн бир йил давомида Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатой, темурий ва ўзбек султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг саноғини батафсил баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсонлидир. Охир, ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб жами 250га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда, худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар”. Шунча жангу жадаллар ичида ҳам Бобур ижоддан тўхтамагани устига, йигирма ёшида “Хатти Бобурий”ни – 29 ҳарфли, зер-забарсиз янги ўзбек алифбосини ихтиро қилгани ҳайратга сазовор ҳодисадир. Бобурдан, шунингдек, аруз тизими қоидаларига оид улкан ҳажмли “Муфассал” асари, ислом арконларининг тартиби баён қилинган беш китоб (булардан “Китобус салот” бизга етиб келган) мерос бўлиб қолган...

Бобур бадий сўз соҳасида Алишер Навоийга издош бўлса, саркардалик ва тахт соҳиби сифатида бобокалони Амир Темурнинг ниятлари валиаҳд шаҳзода Пирмуҳаммад ёинки Халил Султонлар орқали эмас, балки айнан Бобур орқали рўёбга чиқди: Темурий шоҳлар жами 138 йил (1370-1507 йй.) ҳукмронлик қилган бўлсалар, Темурнинг чевараси Бобур асос солган сулола 333 йил (1526-1858 йй.) давлатни бошқарди ва шундай қилиб, Соҳибқирон Амир Темур асос солган давлатнинг салкам ярим минг йил (488 йил) тарих саҳнасида туриши таъминланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшга тўлгунига қадар, яъни отаси Умаршайх мирзо жарга қулаб “шунқор бўлиши”дан аввал ҳам темурий шаҳзодалардан бири сифатида мактаб таълимини олганлиги ёки махсус тайинланган устоз кўмагида савод чиқариб, муайян даражада билим эгаллаганлиги шубҳасиз. Бироқ ўша даҳшатли воқеадан кейин у – эндигина мучал ёшига етган чоғида подшоҳ бўлади, номи хутбага қўшиб ўқилади. Бундан кейинги ўттиз олти йиллик умри эса бетиним жанг-жадаллар, ғалаба ва мағлубиятлар билан кечди. Қизи Гулбаданбегим ҳақли равишда қайд қилганидек, “Соҳибқирон (Амир Темур – З.И.) замонидан тортиб, то Фирдавсмалкон (Бобур) ҳазратлари замонигача ўтган султонлардан ҳеч қайсиси бу киши (Бобур) сингари нотинч бўлмаган”¹. Дарвоқе, булар Бобур қаламига мансуб “Вақоеъ” (“Бобурнома”)да ҳам, қизи Гулбаданбегим ёзган “Хумоюннома”да ҳам, ҳатто Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида ҳам муфассал битилган. Бобур мирзо мадраса кўрмаган, ёвқур бек ва амирлардан бўлак унинг ёнида бирон-бир илм йўлидаги устози ҳам бўлмаган. Бобур нимаки ёзган бўлса, бунга унинг ўша, ўн икки ёшга қадар олган билими асос бўлди. Қолгани – унинг ҳаёт мактабида ўқиб-ўрганиб, бошидан ўтган синоатлардан чиқарган хулосалари негизда барпо этилган.

Бобурнинг ана шу беҳисоб урушлар, музокаралар, тож-тахт ташвиши орасида бадий ва маънавий қиммати беқиёс бўлган девон тартиб бериши, филологик илмларнинг энг мушқули – шеършунослик билан шуғулланиб, аруз тизими тўғрисида “Муфассал” деган асар ёзгани, Хўжа Аҳрорга азбаройи ихлосидан унинг насрда битилган “Волидия” асарини назмга солиб таржима қилгани, Исломнинг беш арконига бағишлаб, шеърини йўлда маърифий рисоалар битгани, йигирма ёшида “Хатти Бобурий” ихтиро қилиб, бу хат билан Қуръони Каримни кўчиргани, хусусан, бутун мусулмон дунёсида илк бор реалис-

¹ Гулбаданбегим. Хумоюннома, Т., 1998, 29-бет

тик услубдаги автобиографик мемуар барпо этгани ҳайратланарлидир. Дунё халқлари орасида ўзаро маданий алоқалар кенг тус олган ҳозирги кунда “Вақоеъ” жаҳондаги турли тилларга таржима қилиниб, талай халқларнинг маънавий хазинасидан ўрин олди. Бу асарда улуғ шоир Бобурнинг насрда ҳам тенгсиз бир ижодкор бўлгани яққол кўринади. Улкан салтанат соҳибининг оддий одам сифатидаги ўй-хаёллари, орзу-армонлари, но-зик мутойибалари, одоб-ахлоқ, давлат арбобларининг этикети, мамлакат ишларини юри-тиш борасидаги кузатишлардан тортиб, турли дов-дарахтлар, ўт-ўланлар, уларнинг номи, этимологиясига қадар кенг ва қизиқарли маълумотлар муаллифнинг қомусий билимга, бе-тимсол салоҳиятга эга бўлганлигини кўрсатиб туради.

Бобур “Вақоеъ”да турли ўлкаларнинг табиати, тоғ ва дарёлари, эл-улуси, уларнинг тари-хи, этнографияси, тили, адабиёти, тирикчилик воситалари, дунёқараши ҳақида, ўша ерда-ги наботот ва ҳайвонот сингари беҳисоб соҳалар тўғрисида шу қадар кўп маълумотларни жам этадики, уларнинг аксари ҳанузгача ўз илмий қимматини сақлаб келмоқда. Биргина филология соҳасини олсак, у ана шу саргузашт мемуари саҳифаларида “йўл-йўлакай” би-тиб ўтган айрим сўз ва атамаларнинг келиб чиқишига оид фаразлар ҳам, Навоий ҳақида бор-йўғи бир саҳифада Хондамирнинг Навоий ҳақида ёзган бутун бир “Макоримул ахлоқ” рисоласида топилмайдиган энг қимматли маълумотлардан тортиб, мутафаккир шоир шеъриятига баҳо берганда “то туркий тил била шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эрмас” деган бир оғиз қайди, мана, орадан беш аср ўтса ҳамки, каромат сингари, ўз аҳамиятини йўқотмай келяпти.

Албатта, улуғ шоир ва давлат арбоби бу асарини ўз ҳаётининг тарихномаси, авлодларга ўғит тариқасида битган. Шу билан бирга, тарихга баҳо беришда ундаги турфа сабаб ва оқи-батларни англашда ҳам “Вақоеъ”нинг аҳамияти тенгсиз. Шоир унинг пировардида ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

Бобур ўзбек адабиётида рубоий жанри тараққиётини янги босқичга кўтарган ижодкор-дир. Шоир девонидан қарийб икки юз рубоий ўрин олган. Уларнинг бир қисми анъанавий тарзда ёр васфига бағишланган бўлса, бошқа бир қисми кундалик воқеа-ҳодисалар таъси-рида дунёга келган. Аммо Бобур рубоийлари ҳам мазмунан, ҳам шаклан мукамаллиги, жо-зибадорлиги сўз ўйинлари, бадий санъатлари билан эътиборга сазовор.

*Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар,
То даҳрдурур, будур анинг расмиким –
Айриб кишини азизидин, хор айлар...*

Сўз танлаш Бобур услубида алоҳида ўрин тутади. Адиб баъзи ўринларда шундай сўз ва иборалар қўллайдик, унинг маъносини ижодкорнинг ўша дамдаги кайфиятидан ёки унинг айрим одамлар ва ҳодисаларга бўлган муносабатидан қидиришга тўғри келади. Му-аллиф бир сўз ёки иборани жумлаларда такрор қўлламайди. Масалан, асардан ўрин олган “**кўп**” сўзига берилган муқобилларга назар ташласак, бу маъно – *беш, беҳад, бисёр, бебадал,*

бепоён, вофир, зиёд, кулли, мабзул, маъфур, муфрид, пул, пур, сер, фаровон, бешумор, кўчум, чўх, чўп, ғалаба, қалин ва яна бошқа вариантларда берилганини кўрамиз. Бу каби маънодош сўзларга деярли ҳар саҳифада дуч келинади ва уларнинг ҳар бири ўз жойида қўлланганлиги муаллиф маҳоратига далилдир.

Аждодларимиздан ўтиб келган бу каби сўз ва иборалар ҳам халқимиз сўз хазинасининг мулки, албатта. Ҳозирда луғавий истифодада қайта ўз ўрнини топаётган аксар тарихий сўз ва хилма-хил истилоҳлар Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий ва бошқа алломаларимизнинг асарларида нозик дид билан ишлатилган ва мумтоз шеърятимизнинг довуғи-ни оширган.

Гарчи жуда кўп кўҳна сўз ва иборалар “эскирган” деб ҳисобланадиган бўлса ҳам, ҳали улар барҳаёт – муомаладан чиқмайди. Аксинча, янги-янги маънолар касб этиб, эврилиб, ёшариб боради. “Замонавий” авомга тушунарли бўлмаган калималарни тилдан чиқариш эмас, балки омма маърифатини уларни тушуниш даражасига кўтариш керак. Бунда изоҳлаш, тафсир, шарҳ, талқин мақсадга мувофиқ.

Бобурнинг пурмаъно ғазаллари, “Вақоеъ” сингари олиймақом асарларининг хорижий тиллардаги мукамал таржималарини барпо этиш учун, аввало, уларни теран тушуниш шарт. Ҳамонки чет эллик мутаржимлар ҳали-ҳозир кимдир сатрма-сатр эплаб-сеплаб берган тағламалар орқали шеърни таниб бўлмас даражага келтириб таржима қилишаётган экан, хорижий тилларни яхши биладиган, Алишер Навоий ва Бобур сингари даҳо шоирлар асарларининг қаватма-қават маъноларини, нозик сўз ўйинларини, хуллас, жами бадииятини теран тушунадиган бошқа мутаржимлар топиш ва улар таржималарининг юксак сифатли бўлиб чиқишига кўмаклашиш керак.

Бунга эса ҳар йили февраль ойида бу икки улуғ шоир таваллудининг нишонланиши янги туртки беради, бу кунларда биз улар қаламидан чиққан асарларнинг янги-янги нашрлари билан танишамиз, улар терган бадиият инжуларининг порлоқ жилосидан кўзимиз яшнайдими, улар ижодиётининг теранликларини йиллар оша тобора кўпроқ идрок эта бориб, уларга муносиброқ авлод бўлишга интиламиз.

НАВОЙНИНГ СЎЗЛАРИ ВА НАВОЙИ ҲАҚИДА СЎЗЛАР

Адибнинг ижодий иқтидори унинг сўз бойлигида ҳам акс этади. Ёдимда, 1978 йил луғатшунос олим Эрнст Бегматов, “Ғафур Ғуломни бекорга мақташмас экан, – деган эди ўзи бош бўлиб чоп эттирган “Ўзбек тилининг имло луғати”нинг тақдиротида. – Ҳозирги ёзувчи ва шоирлар ичида энг кўп сўз қўллаган одам Ғафур Ғулом экан...”

Ўтмиш адабиётимизда тили энг бой ижодкор Алишер Навоий эканлиги эса шубҳасиз. Хўш, бу даҳо адиб ўз асарларида қанча сўз ишлатган?

Бу саволга бир-биридан жуда катта фарқ қиладиган икки хил жавоб бор. Етмишинчи йилларда тилшунос Баҳром Бафоев махсус шуғулланиб, “Алишер Навоий асарларида 26 мингга яқин сўз қўллаганлиги”ни ҳисоблаган, бу маълумот кўп жойларда айтиб келинар эди. Аммо яқиндан бери яна бир хабар адабий доираларда бот-бот тилга олинadиган бўлиб қолди.

“Қачонгача 80 минг сўз атрофида айланиб юрамиз?” – деб ёзади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Лола Ўроқова “Мукаммал изоҳли луғат эҳтиёжи” деган мақоласида. – Қачон ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғати чиқади? Ҳолбуки, Алишер Навоий бобомиз ўз асарларида бир миллиондан ортиқ сўз ишлатгани ҳақида ёзишган. Бу сўзларнинг аксарияти араб, форс, урду, хитой, мўғул сўзлари бўлганда ҳам миллион рақамининг ўзи Навоий ижоди, қолаверса, туркий тилнинг қудратига тугилган кўзгудир (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2020, 6 ноябрь).

Бир миллион ва йигирма олти минг. Бу икки рақам орасида озмунча эмас, қарийб қирқ барабар фарқ бор. Ҳатто айрим газета-журналларда “Навоий бир миллион уч юз минг сўз қўллаган”, деб ҳам ёзилапти.

Тилшунос олимимиз Бердак Юсуф яқинда беш жилдлик “Навоий тили луғати”ни тайёрлаб, унинг биринчи жилдини чоп эттирди. Бу улкан луғатда Навоий қўллаган биронта ҳам сўз тушиб қолмаслигига алоҳида эътибор берилган. Биринчи жилдда “А”дан “Д” охиригача, яъни “а”, “б”, “в”, “г”, “д” товушлари билан бошланадиган жами 4730 та сўз изоҳланган (*унинг ичида юзлаб киши исмлари ҳам бор ҳали*). Буёғи оддий арифметика амали: ана шу сонни кейинги тўрт жилдга кўпайтирсангиз, камида 24 мингга сўз келиб чиқади. Ва албатта, эндиги жилдлардан ўрин олажак “М” ва “Т” каби товуш билан бошланадиган арабча сўзлар шоир асарларида бисёр эканини назарда тутсак, Навоий асарларининг лексикони янада ошиб, 25-26 минг атрофида бўлиши ойдинлашади. Ана шу беш жилдлик луғат тўлиқ босилиб чиққач, Алишер Навоий асарларида нечта сўз қўллагани аниқ-тиниқ маълум бўлади.

Унда, “бир миллион”, “бир миллион уч юз минг” дегани қайдан чиқди?

Афтидан, айримлар шоир қўллаган сўз деганда бошқа нарсани англайдиганга ўхшайди. Чунончи, “ишқ” калимаси Навоий асарларида, икки минг олти юз эллик бир марта ишлатилган бўлса, “париваш” уч юз ўн икки бор учраса, буларни худди бошқа-бошқа сўз каби бир-бирига қўшиш керак эмас-ку. Мана, Навоийнинг бир байти:

Оразинг гулдур, гул узра сабзаи тар кокулунг,

Оллоҳ-оллоҳ, гул юзунг қилмиш муанбар кокулунг.

Унда 14 та сўз бор. Аммо “гул” сўзи уч, “оллоҳ” ва “кокулунг” сўзлари икки мартадан келади. Демак, байт да 10 та алоҳида сўз қўлланган. Афтидан, 1 миллион 300 минг сўз ҳақида лоф урган кишилар, Навоий барча асарларида нечта сўз ёзганини айтишади шекилли. Бунақа “мантиқ” асосида иш юритадиган бўлсак, қарийб 1 миллион мисра шеър ёзган Хусрав

Дехлавий нақ 6-7 миллион сўз қўллаган бўлиб кетади-ку?

Бу масалага тўхталаётганимизнинг боиси шуки, ҳар гал тил байрамида ёки Навоийнинг таваллуд кунларида “Ҳазрат 26 минг (ёки – бир миллион) сўз қўллаган, Пушкинда эса 21197 та сўз бор, бошқаларники эса шунга ҳам етмайди”, деган иддаолар айтилади. Тўғри, шоир ижодида сўз бойлиги муҳим, аммо лексиконнинг ўзи улуғликнинг энг муҳим белгиси ё мезони эмас-да. Назарий жиҳатдан, қай бир адиб беш-олти мингта сўз қўллаб ҳам, ҳали ҳеч ким ета олмаган даражага эришиши мумкин. Буни далиллашга яна Навоийнинг ўзи ёрдамга келади. Унинг ўспирин чоғида битган

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.*

деб бошланувчи ғазалини эшитган Лутфий туркийда битган ўн минг байтлик ашъорини ана шу биргина байтга алиштиришга рози эканини, ўшанда ҳам ўзини бахтли деб санагани айтган. Ҳолбуки, бу пайтда ёш шоир ижодида жуда кўп сўз қўллаб улгурганми эди?

Яна бир-икки эътироз.

Уни, мухтасар қилиб, Навоий нечта асар ёзган, деб ифодалаш мумкин. Исталган одамдан, ҳатто мактаб боласидан сўраб кўрсангиз ҳам, ҳеч иккиланмасдан бир неча мингта, деб тўғри жавоб беради. Чунки туркий ғазалларининг ўзи 2600 нафар бўлса, мумтоз лириканинг бошқа ўнлаб жанрларида ҳам қанчадан-қанча асарлари бор. Буёқда дostonлар, рисоалар... Аммо баъзи Навоий билимдонлари шоир 43 та, бошқалари эса сал кўпроқ асар ёзган, деб айтадилар. Чунки... Навоий ўз асарларига шунча сарлавҳа қўйган эмиш. Ажаб, бу фикр тўғри бўлса, унда Шекспирнинг шу-унча сонети... битта асар бўлиб чиқадими? Отойи каби умр бўйи фақат ғазал ёзган шоирлар битта асар ёзган, холосми? Девон тузмаган шоир эса, юзлаб ғазали бўлса-да, биронта ҳам асар ёзмаган саналадими?

Бизнингча, ҳар бир ғазал – мустақил бир асар. Рубоий, туюқ, мустахзод, мухаммас...нинг ҳар биттаси алоҳида ижод меваси. “Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас...” билан “Оразин ёпқоч...” ғазаллари, гарчи битта девонда ёнма-ён келса-да, бошқа-бошқа асарлар. Пушкиннинг ҳар бир шеъри, Шекспирнинг ҳар қайси сонети бошқа-бошқа асар саналгани каби, Навоийнинг ҳар бир ғазал ва рубоийси, туюқ ва фарди ҳам – алоҳида, мустақил ижод меваси, деб айтилиши даркор.

Бу масалага ҳам амалий томони борлиги учун тўхталяпмиз. Қоидага кўра, ҳар бир мустақил асар алоҳида саҳифадан бошлаб босилади. Аммо бир асарнинг турли қисмлари, масалан, қиссанинг кейинги фасли аввалгисининг давоми сифатида саҳифанинг ўртаси ё этагидан чоп этилаверади.

Бас, Навоийнинг ҳар бир ғазали янги саҳифада босилиши лозим. Аммо бизнинг ноширлар ҳар бир саҳифада аввалги ғазалнинг бир-икки байтини, сўнг бошқа ғазални, кейин учинчи ғазалнинг бир-икки байтини чоп этиш йўлига ўтиб олишган. Нимага, деб савол берсангиз, “қоғоз эконо́м” деб айтишади. Қоғозни, келиб-келиб, Навоийдан тежаймизми? “Ҳазойинул маоний”даги тўртала девоннинг бундан олтмиш йил муқаддам профессор Ҳамид Сулаймон тайёрлаган илмий-танқидий нашрида ҳар бир ғазал, ҳар бир мухаммас, мусаддас, мустазод ва ҳоказолар алоҳида саҳифада дарж этилган эди. Ҳатто ҳамд, наът ва муножотлар аёвсиз қисқартиб ташланган 15 жилдлик нашрда ҳам ҳар бир асар, у ғазалми, мухаммас ё бошқами – янги бетдан бошлаб босилган эди. Бу қандай ҳолки, Навоий шаъни юксакларга кўтариладиган мустақиллик даврига келиб, икки йирик нашр – 20 жилдлик

“Мукаммал асарлар тўплами” да ҳам, 10 жилдлик тўпламда ҳам шоирнинг ғазаллари, гўё барчаси бир асарнинг давоми сингари, бирига бири уланган ҳолда босиб чиқарилди. Бу эса ҳар бир ғазалдан алоҳида, унгагина хос бўлган баҳрани олишга тўсқинлик қилади, албатта.

Энди икки оғиз гап Навоийни тавсифлаш ҳақида. Мақсуд Шайхзода бир маҳал Навоийни “ғазал мулкининг султони” деб атаган. Бу – тўғри таъриф. Аммо кейинги пайтларда бу камдай туйилди чоғи, айримлар шоирни “сўз мулкининг султони” деб улуғлашга ўта бошлаганди. Тўғри, мақтов ҳаммага ёқади, аммо мен ишонаманки, агар Алишер Навоий тирик бўлганида, бу муболағани инкор этган бўларди. Навоий бунга муҳтож эмас.

Яна, қачон Навоий номи тилга олинса, албатта “ҳазрат” эпитетини қўшадиган, “ҳазрат”-сиз Алишер Навоий дея олмайдиган бўлиб қолдик. “Ҳазрат”, луғавий маънода, “олдимдаги”, “ҳузуримдаги”, “ҳозир бўлиб турган”, дегани. Тўғри, пайғамбарлар, улуғ кишилар номини тилга олганда эҳтиром ифодаси сифатида қўлланади. Аммо бир шахс номига бу эпитетни елимлаб ёпиштириб, ҳадеб “ҳазрат”лай берсак, унинг ҳам қадри тушиб, ўртамиёналашади. Бугун “ҳазрат” десак, эртага бу камдай туйилиб, “онҳазрат” дейишга ўтамиз, индинга эса яна бир нарсани ўйлаб топишимиз керак бўлади. Зеро, нутқда экспрессив воситалар орттирилгани сари импрессия (уларнинг кишига таъсири) сусайиб кета бериши бор гап.

Бир маҳал Озод Шарафиддинов домла “Шундай одамлар борки, исмининг ўзи унинг ҳар қандай унвонию олган мукофотидан юқори туради”, деб лутф қилган эди. Алишер Навоийнинг қутлуғ номига ҳадеб эпитет тақаш шарт эмас. Шоир биздан таърифу тавсифни эмас, асарларини ўқиб, уқишимизни кутади. Ижоди кўлами бўйича туркий халқларнинг энг улуғ шоири ва тили энг бой бўлган Навоийнинг “бир миллион сўз қўллаган” деган маҳоватга ҳам эҳтиёжи йўқ. Ундан кўра, ҳар биримиз ўз луғат бойлигимизни кўпайтириб, лоақал беш мингта сўзнинг маъносини билиб олайлик. Ўшанда Навоийнинг қай даражада улуғ эканини янада теранроқ ҳис этамиз.

ҒАЗАЛЛАР ТАЛҚИНИ

*Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.*

*Ҳар маеким онсиз ичтим топғали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.*

*Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга еткайменму, ваҳ, бу субҳи йўқ шомим била.*

*Қайда бўлсин музтариб кўнглумга ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.*

*Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайғомин эт,
Балки жон нақдин анга еткур бу пайғомим била.*

*Кўнглум ичра бут ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин оллинда борғунча бу исломим била.*

*Эй Навоий, ўлсам армон элтқумдур, ичмайин
Бир сабуҳи гулузори бодашомим била.*

(“Бадоеул васат”, 566)

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ёр фироқидан шикоятнинг янги бир талқинидир. Унда шоир ёрнинг лоақал бир марта бўлса ҳам ошиққа марҳамат кўрсатмагани, бу айрилиқ лирик қаҳрамонни ҳалок этиши мумкинлигини, балки шундай қийналгандан кўра ҳалок бўлиш беҳроқ эканини баён қилади.

Ғазал мумтоз хонандаларимиз томонидан куйга солинган. “Талқини наво” деб аталадиган бу ашула Комилжон Отаниёзов ва унинг издошлари томонидан ижро этилганини биламиз. Аммо бу ғазал қачон, қайси асрда шу куйга солингани номаълум.

Бу ғазал андуҳ ва армон ҳиссиётларининг ифодаси бўлиб, лирик қаҳрамон уни орзусига етказмаган ёрдан ҳасрат қилади. Ёр билан май ичишга мушарраф бўла олмаган ошиқнинг ҳижрон майи аччиғидан ўртаниши юксак бадий ифода топган.

*Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.*

Сарв бўйли, гул юзли ёрим билан бир қадаҳ май ичмадим, даврон бир нафас бўлса ҳам мени орзуларимга етказмади.

Сарв бўйли, гул юзли ёрим билан бирга ўтириб, бир қадаҳ бўлса ҳам, май ичиш насиб бўлмади. Нафақат ёр билан май ичишни муяссар этмади, балки бу чархи кажрафтор бир нафас бўлса ҳам мени орзуларимга етказиш маромида айланмади.

*Ҳар маеким онсиз ичтим топғали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.*

Ҳар қачон усиз ўтириб, ғамдан қутулиш учун май ичар бўлсам, Шу жомим ичида гўёки ғамнинг заҳри эзилганлигини кўрдим.

Гоҳи киши ғамларини унутиш учун май ичади, бир дам дунё ташвишларидан фориғ бўлгандай сезади ўзини. Аммо ёр билан ичилган бода одамни хушнуд этса, ёрсиз май уни баттар аламга солади. Бу ўринда тасаввуфий май – ёр (Оллоҳ) ишқи билан маст бўлишни англатишини ёдга олсак, ёрсиз қолишнинг ўзи инсон учун энг катта фожиа бўлиши англашилади.

*Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга еткайменму, ваҳ, бу субҳи йўқ шомим била.*

Тунга етиб бориши даргумон кунни ҳижронида ўлиб ўтказдим, Эвоҳ, бу тонги етмас кечада тонгга етиб бора олармикинман?

Ишқ азобидан бетоқат бўлган ошиққа кун ҳаддан ташқари узун – тун кела қолмайдиган бўлиб туйилса, тун яна баттар – тонги отмайдиган бепоён кеча бўлиб, бу қийинчиликлар ичра ошиқ ўз жонининг тонгга қадар узилмай туришига ҳам амин эмас.

*Қайда бўлсин музтариб кўнғлумга ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.*

Э дўстим, бу изтиробли кўнғлимга қаердан ором етсин, ахир дилоромим билан ҳатто бир дам ўлтириб, ором олмаган бўлсам?

Байтда ором ва изтироб сўзлари ўзаро қарама-қарши қўйилиб, дилга ором берувчи дилором бўлмаса, бу музтариб дил қаердан ором олсин, деб киноя қилинади. Рафиқ – ошиқ ҳолини англагувчи дўст, бу ўринда, ғазалхондир.

*Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайғомин эт,
Балки жон нақдин анга еткур бу пайғомим била.*

Эй сабо, бу фироқ мени ҳалок қилажagini у гулга етказ, Йўқ, бу хабарим билан бирга жоним хазинасини унга элт.

Пайғом – хабар дегани. Ўтмишда Шарқ анъанасига кўра, ошиқ ҳар қанча севмасин, ёр қошига ўзи бориб арз қила олмаган. Шунинг учун у бирон дўст (рафиқ) орқали ишқини билдирган. Шеърятга хос муболағани табиий деб англасак ҳамда сўфийлик анъанасида ёр – яратган зот эканини эсга олсак, ошиқнинг хабар етказгувчиси сабо бўлишини тўғри деб қабул қиламиз.

Сабодан гул (юзли ёр)га фироқи сабабли ошиқ ҳалок бўлаётганини етказиш сўралади, аммо фироқ кутиб турмайди, ошиқнинг ҳалок бўлиши аниқ, шу боис, хабар билан бирга, ошиқнинг жонини ҳам унга етказиш тайинланади.

*Кўнглум ичра бут ғами, қуфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин оллинда борғунча бу ислотим била.*

Дилим тубида бутни ўйлайман, аҳли дин олдида бу (қадар заиф) ислотим билан кетгандан кўра, кофирлик ила ўлсам яхши эди.

Бут – санам дегани, ёрнинг эпитети. Навоий ёрни ўйлашдан бошқа иши бўлмаган ошиқ ҳатто диний вазифалари ҳам кўнгилдагидай адо эта олмагани боис хижолатдан бу ҳолда мусулмонман деб даъво қилишдан кўра кофирликни бўйинга олсам яхшироқдир, дейди.

Бу байтда икки маъно мужассамдай: 1) байтлардаги “ўлсам” ва “борғунча” сўзлари ўлмоқ ва дунёдан кетмоқ мазмунини берса (бу – асосий), 2) “куфр ичра ўлмоқ”дан мурод куфр ичра бўлмоқ, куфр ичида яшамоқдир, яъни риёкорлик билан зоҳиран аҳли диннинг олд қаторида боргандан кўра...

*Эй Навоий, ўлсам армон элткумдур, ичмайин
Бир сабуҳи гулузори бодашотим била.*

Эй Навоий, гул юзли бодашот (майхўр) ёрим билан бир сабуҳи ичмайин ўлсам, армон билан бораман.

Сабуҳи (тонгдаги май)ни, маълумки, ашаддий майхўр сипқоради. Ишқ майининг шайдоси бўлган шоир эса ёрни ўзига яқин кўрсатиш учун нафақат ўзини, ҳатто ёрни ҳам бодашот, яъни майхўр дейди ва уни ҳам сабуҳи ичувчилар қаторига қўшади. Ёр билан “кетар жафоси”га сабуҳи ичиш насиб қилмасдан ўладиган бўлса, у дунёга ўзи билан армон олиб кетишини айтади.

* * *

*Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина,
Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.*

*Гаҳ вафо, гаҳ нозу гаҳ афсун била ўзгинасин,
Кўргузуб ҳар лаҳза дилбарлиғда бир турлуккина.*

*Жавр ила таҳдиди бедилларға бори чинғина,
Меҳр ила ҳар ваъдаким, қилди бори ўтруккина.*

*Асру ёлғон ваъдасидин қуймиш эрди жонғинам,
Онғидибон бир кеча тушти илгима усруккина.*

*Истадим бўйнин қучиб, юзгинасидин ўпкамен,
Изтироб айлаб талашти, бор эмиш кучлуккина.*

*Юз ўпарга қўймади, илгин дедим бори ўпай,
Ташлабон юмруқкина, қилди кўзумни кўккина.*

*Ҳар не дединг бор эди ёлғонгина боштин аёқ,
Эй Навоий, мунча ёлғон дегуча бўл шуккина.*

(4, 553)

Бу ғазал Алишер Навоийнинг шеърий маҳоратини яна бир жиҳатдан далиллашга хизмат қилса, ажаб эмас. Гап шундаки, биз Навоийни яккаш ўта сипо, анча жиддий тарздаги академик ғазаллар устаси деб биламиз, уни шундай деб тавсифлашга ўрганиб қолганмиз. Ҳол буки, Навоий қаламига бегона бўлган фикр ва туйғунинг, мавзу ва кайфиятнинг ўзи йўқ – шоирнинг тўрт улкан девонидаги талай-талай ғазаллар шундан далолат беради.

Мазкур ғазални Навоий шўх бир кайфият билан битган кўринади. Унда шоир тасаввурида навнихол ёр билан учрашади, унинг билан яқинлашишга уринади, аммо ноз-фироқли маъшуқа лирик қаҳрамонга бўй бермайди, панд еган ошиқ буларнинг бари ёлғон эди, асли ўзи бунинг нима кераги бор эди, дея ўзини айблаб, ғазални тугатади.

Бу асарни ҳам... умуман олганда, Навоийнинг идеали ва ижодий кредосидан келиб чиқиб, сўфиёна маънолар сари буриб талқин қилса бўлади, чунончи, маъшуқа дегани, бу – ҳаёт, умр, у алдоқчидир, инсоннинг айтгани, истаганини бу ёлғончи дунё мудом йўққа чиқаради, деган маъноларни тақдим этиш ҳам мумкин. Аммо бу зўракилик бўлар эди. Бизнингча, Навоий бу ғазални нозанин ёрнинг ошиққа қилган салгина дилдорлиги, сўнг эса яна жафокорлик мартабасига ўтиб олгани каби бир ҳаётий лавҳани ҳазиломуз тарзда тасвирлаш мақсадида ижод қилган. Ҳатто шоирнинг ўзи ҳам бунга ишора этгандай бўлиб, кулги кўзғаш учун кичкинагина, шунчакироқ эканликни билдириш йўсинида “гина”, “кина” каби кичрайтириш қўшимчаларини кўп қўллайди – ўн тўрт мисрада ўн тўртта кичрайтириш аффикси мавжуд. Сираси, ғазалдаги шўх кайфият айнан ана шу “гина”ю “кина”лар эвазига юзага чиқяпти, башарти мисралардаги мазкур кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларини олиб ташлаб ўқисангиз, бирмунча жиддий, нари-бериси билан оддий бир асарга айланади-қолади.

Бу ҳазилвонлик ҳам, боя таъкидлаганимиздай, Навоийнинг инсон боласига хос ҳар турли кечинмаларни усталик билан баён этишига бир далолатидир. Талқин этишга уриниб кўрайлик:

*Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина,
Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.*

Бир ёшгина, навнихолгина нозанинни топиб олдим, у шўх отини майдон ичида усталик билан сакратиб юрар эди.

Ўзбекларда то XX аср бошларига қадар, хусусан, Навоий ижод қилган муҳитда аёл кишилар, айниқса, қизлар от минган эмас. Бирон ёққа улов билан бориладиган бўлса, аёллар аравада ўтириб борган. Аммо ёрнинг улуғворлиги, мартабаси юксак эканини таъкидлаш учун бўлса керак, мумтоз шеъриятимизда маъшуқа от ўйнатаётган ҳолда тасвирланади, аксаран. Фақиру ҳақир ошиқ эса – пойи-пиёда, албатта. Бу ўринда ҳам ана шундай нореал, аммо маҳобатли ва гўзал манзара тасвир этилган. Бу байтнинг яна бошқа, “нозуккина” талқинлари ҳам бўлиши мумкин, биз унга тегинмадик.

*Гаҳ вафо, гаҳ нозу гаҳ афсун била ўзгинасин
Кўргузуб ҳар лаҳза дилбарлиғда бир турлуккина.*

У ўзгинасини гоҳ вафо, гоҳо ноз, гоҳо эса афсун ила намоён қилиб, ҳар лаҳзада бир бошқа турли дилбар сифатида кўрсатар эди.

Мана бу – асл ёр, унда нозу истиғно, афсун билан бирга, гоҳо вафо шевасига мансуб ҳислатлар ҳам намоён бўладикки, айнан улар ошиқни шайдо этади. Лирик қаҳрамоннинг нозиккина маҳбубаси ҳар дамда бир турлик сифатлар билан намоён бўлади.

*Жавр ила таҳдиди бедилларға бори чинғина,
Меҳр ила ҳар ваъдаким, қилди бори ўтруккина.*

Унинг барча жабр-жафою пўписаси ғамгин ошиқлар учун чин, меҳр-мурувват ҳақида қилган ваъдалари эса барчаси ёлғондир.

Ёрнинг барча сўзларига ишониб бўлмайди: у гоҳ рост гапирса, гоҳо ёлғон сўзлайди. Аниғи шуки, у жабр қилишини айтиб, пўписа қилса – буларнинг барчаси ошиқлар учун рост чиқади, аммо меҳр кўргизиш ҳақида берган ваъдаларининг барчаси ёлғон.

*Асру ёлғон ваъдасидин қуймиш эрди жонғинам,
Онғидибон бир кеча тушти илгима усруккина.*

Ҳоятда қўп ёлғон ваъдаларидан жоним қуйиб ўртанган эди, боши айланиб, бир кеча у қўлимга маст ҳолда тушиб қолди.

Ёрнинг вафо ҳамда висол ҳақидаги беҳисоб қўп ёлғон ваъдаларидан жоним ёнган эди, буни қарангки, бир кеча ёр мастлигидан боши айланиб, қўлимга тушиб қолди.

Кузатсак, бу ғазалнинг ҳар бир байтида муайян бир бадий санъат ҳам тажассум топганини кўрамиз. Чунончи, айтилган байтнинг биринчи ва сўнгги сўзларида лафздошлик (асру-усрук) мавжуд.

*Истадим бўйнин қучиб, юзгинасидин ўпкамен,
Изтироб айлаб талашти, бор эмиш қучлуккина.*

*Бўйнидан қучоқлаб, юзидан бўса олишга уриндим,
(аммо) қаттиқ қаршилиқ қилди, ўзиям қучли экан.*

Ёрнинг маъшуққа шундайгина таслим бўлиши, аниқки, муҳаббат шавқини кучайтирмайди, балки сусайтиради. Висолга осонгина эришаман, деган ошиқ “нозиккина” ёрнинг бунча “қучликина” бўлишини кутмаган эди.

*Ўз ўпарга қўймади, илгин дедим бори ўпай,
Ташлабон юмруққина, қилди кўзумни қўккина.*

Юзидан бўса олишга қўймаса, лоақал қўлидан ўпай десам, муштчаси билан бир урди-да, кўзимни қўкартирди-қўйди.

Албатта, ошиқ бундай “ғанимат” лаҳзани дарров қўлдан чиқаргиси келмайди, шу сабабли, ёрнинг қўлидан бўлса ҳам, бўса олишга интилади. Ёр эса шу қадар бераҳмки, “юмруққина”си – ўша ўпилаётган қўлининг муштчаси билан бир уриб, шўрлик ошиқнинг кўзини “кўккина” қилиб қўяди.

Ушбу икки байтда ҳаётда учраб турадиган лавҳа – ошиқнинг маъшуқага зўр бериб тармашиши, маҳбубанинг эса “изтироб айлаб” унинг қўлидан қутулишга интилиши ва бунда бор куч-қувватини ишга солиши, ошиқнинг “хиралиги” ҳаддан ошгач эса, юз-кўзига бир мушт тушириб бўлса ҳам, халос бўлишга интилиши ниҳоятда реал ҳолда тасвир этилган. Бунда Шарқ менталитетига хос бўлган ҳаё ва андиша намоён бўлгани кўринади.

*Ҳар не дединг, бор эди ёлғонғина боштин-аёқ,
Эй Навоий, мунча ёлғон дегуча бўл шуккина.*

Эй Навоий, нимаики деган бўлсанг, бошдан-оёқ ёлғон эди-ку. бунча ёлғончиликдан кўра кўра, огоҳ тингловчи бўлсанг-чи!

Шоир аввалги байтларда тасвирланган воқеалар бошдан-оёқ ёлғон, бари ўйлаб топилган эди, дейди. Бу таъкид замирида биз Навоийнинг умр бўйи ёлғиз, турмуш қурмай ўтганини, ундай воқеалар бошидан ўтмаганини уқтираётганини пайқагандай бўламиз. Аммо кейинги байтдаги фикр “асру” ибратли: ёлғон гапни айтувчи одам бўлгандан кўра, рост гапни эшитадиган бўлиш афзал (ёлғон айтувчи тилдан ҳақ гапни уқувчи қулоқ яхши), деган фикр ифода этилган. Ва бундан яна баъзи маъноларни ҳам англаш мумкин: чунончи, ёлғон нарсаларни баён этиб, ўқувчи шуурини лойқалатадиган адиб бўлишдан кўра асл дурдоналар мутолаасига ихлос қўйган ўқувчи бўлиш чандон афзал...

* * *

*Кўнглум ўртансун, агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким, сенинг шавқунгни пайдо айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким, сенинг васлинг таманно айласа.*

*Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласа.*

*Ғайр зикрин ошкора қилса, лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа.*

*Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.*

*Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.*

*Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

*Келтурунг дафъи жунунумға парихон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.*

*Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

*Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

(1, 23)

Навоийнинг бу ғазали, аввало, ваҳдоният васфи билан музайян бўлгани жиҳатидан эътиборни тортади. Ёрга чексиз муҳаббат, унга илтижо, ошиқона қасам, аҳд, ҳижрон азобидан бетоқатлик мотивлари асар мазмунини ташкил этади. Ошиқнинг наздида, ёр бор ва ўзи (ошиқ) бор, бошқа бариси

бекор. Энди ғазални байтма-байт табдил этишга ва шарҳлашга уринамиз:

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.*

Кўнглим сендан ўзгага эътибор қилса, қуйиб-ўртансин, бошқа бирон кўнгил ҳам сенинг орзумандлигинг билан бўлса, ёниб кетсин.

Оллоҳ-таоло инсон кўнглини ўзи учун миръот – ойина қилиб танлаган. Демак, асл тасаввуфга кўра, кўнгилда ёр (Оллоҳ)дан ўзга нарса жилва қилиши – гумроҳлик; бундай кўнгилнинг йўқ бўлгани, ёниб-ўртаниб кетгани яхши. Шу билан бирга, ошиқ рашк азобида ҳам ўртанади, у ёрнинг жамоли ўзганинг эмас, ўзининг кўнглида тажалли топишини истайди, бошқанинг кўнглида ўзиники қадар муҳаббат бўлса, ундай кўнгил ҳам ўртанишга лойиқ.

*Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким, сенинг васлинг таманно айласа.*

Бошқанинг висолидан умидвор бўлсам, умидимга етмайин ва мендан бошқа ҳар киши ҳамки, сенинг висолингни тиласа, умидига етмасин.

Исломда ширк (Оллоҳ-таолога шерик топиш) энг катта гуноҳдир. Шунинг учун ошиқ қасам ичади, фақат сенинг висолинг умидидаман, деб. Яна, тасаввуфда Оллоҳнинг васли – жаннатдан ҳам аъло, деган қараш ҳам борки, шоир фақат хос бандаларга насиб бўлади-

ган бу неъматдан умидвор бўлиб, бошқалар – хос бўлмаганларга бу висол лаззатини манъ этади.

*Ўзгалар хуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки хуснунгни тамошо айласа.*

Ўзгаларнинг хуснига боқиб томоша қилсам, кўзим чиқсин ва бошқа биров ҳам агар хуснинг-ни томоша қилар бўлса, кўзи чиқсин.

Ошиқ учун энг асосий нарсa – кўнгил, ундан кейингиси – кўнгилдаги ният. Юқоридаги икки байтда кўнгил ва бу кўнгилдаги умид изҳор қилинган, кўзга (кўнгил кўзига) ўтилади: ўзга нарсага майл қилиб, унга муҳаббат кўзи билан боқиладиган бўлса, бу кўз чиқсин (кўр бўлсин) ва албатта, бояги рашку қизғаниш бот такрорланади – ёрнинг хуснини ағёрлар томоша қилса, кўзи чиқсин. Шу ўринда қайд қилиб ўтиш керакки, мумтоз шеърятимизда рақиблар – ошиқ ва ағёр мавзуси хийла кенг ишланган; бу мангу учлик – ёр, ошиқ ва ағёр деярли ҳар бир ғазалда учрайди (булардан ағёр гоҳ ошкор, гоҳ эса яширин тарзда намоён бўлади).

*Ғайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.*

Бошқанинг номини айтадиган бўлса, тилим тутилсин, ўзга бир тил ҳам, агар сенинг номингни зикр этадиган бўлса.

Кўрамизки, навбат ошиқнинг кўзидан сўнг тилига етиб келди; бу эса имон шартларидан бўлган тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқ этиш формуласини ёдга солади. Байтда, ўзганинг номини айтадиган тил соқов бўлиб қолсин ва ёрнинг зикрини айтган ағёрнинг ҳам тили тутилсин, дейилар экан, ағёр деганда ҳақиқий эмас, ёлғон ошиқлар (исломда – мунофиқлар) кўзда тутилгани маълум бўлади.

*Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.*

Ногоҳ боғ аро ул сарвқад, гул юзли ёрим сайр этса, унга боққан ҳар бир наргис гули рашкимдан жонимни ёқадиған аланга бўлиб кўринади.

Албатта, лирик қаҳрамон ёлғон ошиқлардан безор, шу боис раъно каби гул юзлик, қадди эса бўстондаги сарвдай хушқомат бўлган ёр ногаҳонда боғу чаман ичра сайр айлайдиган бўлса, чаман ичра унга тикилган ҳар бир наргис гули (у кўзга ўхшайди) ошиқнинг жонига аланга солувчи бир оловдай бўлиб кўринади.

*Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.*

Агар қуёш ҳар заррасидан бир Масиҳо (чақалоқ чоғидан сўз айтган Исо алайҳиссалом) пайдо қилса ҳам, у йўқ оғзидан маъно айтган ой юзлигим каби бўла олмайди.

Ёрнинг юзи анъанавий тарзда ойга менгзалади. Бироқ ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, деган маталда айтилганидай, ойнинг оғзи йўқ. Шу каби мумтоз адабиётда васф этилганидай, маҳваш (ой юзлик) ёрнинг оғзи шу қадар кичкинаки, йўқ деса бўлгудай. Биламизки, қуёш нури зарраларининг сон-саноғи йўқ (*Қуёш нурининг зарралардан иборат эканини баён қилиш билан Алишер Навоий ҳозирги замон квант механикасининг илмий ютуқларига яқинлашиб келади*). Ва мана шу беҳисоб зарраларнинг ҳар бири миқдори қадар Исо алайҳиссаломлар пайдо бўлса ҳам уларнинг ҳаммаси бир бўлиб, шоирнинг маҳваши даражасига ета олмас экан, ўз-ўзидан, Алишер Навоий қай зотни ҳамд этаётгани ўз-ўзидан англашилади...

*Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

Хушёрлик-осудаҳоллик жонимга тегиб кетди, майхона соҳиби бир қадаҳ билан майхона ичра расво даражага етказса, қандай яхши эди.

Соғ-хушёрлик ҳам кўнглимга уриб кетди, – дейди шоир. – Яхшиси, майхоначи мени бир қадаҳ май бериб, шул харобот (майхона; кўчма маънода эса – дунё) ичра расво этса, қанийди.

Бу байт Навоийнинг тасаввуфий армони – Оллоҳ ишқида ўзни унутиш даражасига етиш орзусининг лўнда баёнидир. Албатта, бу алоҳида маънавий ҳолат бўлиб, мосиваллоҳга етишиш – энг юксак даража ҳисобланган.

*Келтурунг дафъи жунунумға парихон, йўқ табиб
Ким, ул ансамбдур пари ҳар кимни шайдо айласа.*

Жунунимни даф этиш учун табиб эмас, парихон келтиринг, зеро кимники пари шайдо қилган бўлса, унинг муносиб давоси шудир.

Ўтмишда жинниларни даволайдиган парихонлар бўлган. Улар жин теккан, пари теккан беморларни ўқиб, дам солиб даволаган. Аммо мазкур байтнинг стилистикаси шундай мураккабки, дафъатан, парихон эмас, табиб келтиринг, дейилгандай туйилади. Аммо мазмунига кўра, парихон тақозо этилади. Зеро, дейди шоир, ҳар иш ўз устасига топширилгани каби кимни пари шайдо қилган бўлса, унга парихон керак...

*Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

Башарти сидқ аҳли – содиқ дўстлар меҳрини ошкор қилса, унда тонг сингари бир дамда гардуннинг излари қолмайди.

Бу байт, аввало, баъзи адабиётшунослар қайд этгани каби, “бегона байт” бўлиб, вазни ва қофияси ҳамда радифини ҳисобга олмаса, руҳан, ғазалнинг умумий мазмунидан бир қадар четга чиқади. Аммо шоирлар аксар ҳоларда ана шундай “бегона” байтда асл муддаони ихчам ҳолда баён қилишган, асарнинг бутун таркиби ва бадий маъноси эса ана шу фикрни “пардалаш”га хизмат қилган.

Иккинчидан, бу байтда бадий санъатлар бисёр: тонгда қоронғилик – соялардан из ҳам қолмаслиги айтилади. Дўстлар меҳри қуёшга ўхшатилиб, бу меҳр ошкор бўлгач, гардун

осори – дунё юракка солган из ажинлар бартараф бўлиши баён қилинади. Куёшнинг зидди бўлган энг кичик модда – зарра эса гард (гардун) тарзида тавсифланиб, инсоний меҳр қаршисида барча ёмонликлар қуёш олдидаги зарра янглиғ ожизлиги уқтирилади. Содиқ дўстлар ўз меҳрини бир-биридан аямаслиги лозимлиги таъкидланади. Зеро сарвари олам – Муҳаммад мустафонинг “Эй умматлаърим, бир-бирларингизга бўлган меҳр-муҳаббатларингизни бир-бирларингизга ошкор қилиб турунгиз”, деган ҳадисига ҳам ишора бор...

*Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

Ҳарчанд кун юзига тун сочларини ёпиб, атирлар сепадиган бўлса ҳам, Эй Навоий, сен бу давр шўҳиға асир тушиб қолма.

Бу байт – бутун ғазалнинг хулосаси. Шоир хитоб қилади: жилвагар ва ҳийлагар дунё гўзалликларига мафтун бўлиб қолма, зеро у фонийдир. Кун ботса, қоронғилик тушиши аниқ бўлгани каби умр ҳам ўткинчи. Унинг ҳам шоми аниқ. Бу дунёнинг юзи қуёшдай ёрқин, сочи эса тундай муаттар. Аммо сен унга алданиб қолма, зеро ҳақиқий ёр – фақат биру бордир.

* * *

*Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.*

*Олам аҳлидин агар йўқтур жигаргун соғаре,
Кошки, юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса.*

*Маҳвашеким, бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,
Хуштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.*

*Бедилеким, беҳабар тушкай биров ҳижрониға,
Не балодур, гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.*

*Соқиё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
Ақлу ҳушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса.*

*Ким, тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.*

*Эй Навоий, сен чекарсан оҳ, лекин яхшидир
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.*

(1, 27)

Ушбу ғазал мазмунан мадҳ турига мансуб – шоир бунда бир ўринда Хуросон подшоҳи Хусайн Бойқарони мақтайди. Аммо бир бутун ҳолда у Навоийнинг идеалларини, ҳаётдан талабларини баён этишга бағишланган.

*Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, қўнгулга ништар ҳам бўлмаса.*

Дунё элидан агар фойда етмас экан, кошки эди, зарар ҳам етмаса, Агар (қалбдаги) яраларни доловчи малҳамки қўйишмас экан, қанийди қўнгулга ништар ҳам урмасалар.

Навоий ўз замонаси одамларидан қалбан кўп озор чеккан. Чунки шоир давридан хийла илгарилаб кетган эди, шунинг учун уни тушунмаган улуснинг қўполлиги, дилозорлигидан кўп азият тортган. Лирик қаҳрамон, лоақал зарар етказмасалар ҳам майли эди, деган фикрни бот-бот, турли йўсинда уқтиради:

*Олам аҳлидин агар йўқтур жигаргун соғаре,
Кошки, юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса.*

Олам аҳли агар жигар рангидаги май косасини узатмас экан, майли, аммо қанийди, юз минг қадаҳларда жигар қони бўлмаса.

Бу ўринда шоир бир ўзининг эмас, жигарлари хун (қон) бўлган юз минглаб оддий одамларнинг дардини айтяпти, деб тушунсак ҳам хато бўлмас.

*Маҳвашеким, бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,
Хуштурурқим жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.*

Ой чеҳрали жононнинг висolidан ҳаётда умид қилиш бефойда экан, унинг ҳажри етказадиган хатар ҳам бўлмаса, шу яхшидир.

Бу байтда юқоридаги фикр энди ёр ва ошиқ муносабати орқали такроран уқтириляпти. Зеро чинакам ишқ, асл ошиқликда ўрта – бефарқ йўлнинг ўзи йўқ: ё висол лаззатига эришилади, ё ҳижрон азобида ўртанилади...

*Бедилеким, беҳабар тушқай биров ҳижрониға,
Не балодур, гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.*

Бир ошиқ ёрнинг ҳижрониға ўзи беҳабар ҳолда тушиб қолса-да, бу не болоки, (шу ҳолатда) ёрдан хабар ҳам келмай қолиб, уни қийнаса.

Шоир бу байтда сўз ўйини қилади: беҳабар – ўзи билмаган ҳолда, беихтиёр ва ва беҳабар – хабар-даракнинг йўқлиги. Чунки ҳижрон ошиқ учун энг катта балодир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу ғазал ҳам, Навоийнинг барча ғазаллари каби ишқий ғазалдир, ундаги энг асосий тасвир – ошиқнинг ҳолати тасвири бўлиб майдонга чиққан.

*Соқий, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
Ақлу ҳушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса.*

Аё соқий, қани эди май тутиб, мени шу даражада маст қилсангки, менда ақл-ҳушдан нишон тугул, ҳатто асар ҳам бўлмаса.

Навоий мастлик деганда ошиқнинг ишқ жазавасига тушиб, ўзини унутиши – экстаз ҳолатини кўзда тутди. Бу ҳолат чинакам сўфийлар учун энг орзу қилинган вазият бўлиб, бундай вазиятда солиқ янада юксакроқ мартабаларни забт этади, деб ҳисоблаганлар.

*Ким, тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.*

Мен мастона Шоҳи Ғозий васфида янги нағмалар тузай, Бу кўнгил агар ўз ҳолатича бўлса ҳам, гар бўлмаса ҳам.

Бу байтнинг биринчи мисрасидан, ўрнига қараб, икки хил маъно чиқариш мумкин: 1. Шоҳи Ғозийни мадҳ этиб, мастона нағмалар ижод қилай; 2. Маст ҳолатидаги (мастона) Шоҳи Ғозийни мадҳ этиб... Ана шу сабабли ҳам “бу кўнгил” – шоирнинг кўнгли гоҳ ўз ҳолида, гоҳ ўз ҳолидан йироқ...

Афтидан, Навоий шу байтда замона подшоҳини мақташи гоҳо чин кўнгилдан, гоҳо эса шароитга қараб бўлаётганига нозик ишора қилган. Зероки, мирзо Султон Ҳусайн аввалги йилларда анча инсофли ва тавфиқли бўлган, кейин эса шу қадар ичкиликка берилганки, бирон кун пешиндан кейин ичмаган вақти бўлмаган. Албатта, бу Навоийнинг эътиқодига жилла мувофиқ эмас эди.

*Эй Навоий, сен чекарсан оҳ, лекин яхшидир
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.*

Эй Навоий, сен оҳ чекяпсан, лекин ул парининг сочлари бу оҳларинг шамоли туйфайли ҳар ён таралиб, паришон бўлмаса, яхши эди.

Ошиқнинг оҳи – уф тортишларидан қўзғалган шамол ёрнинг сочларини ҳар томонга тарқатса, ҳижрондаги ошиққа жабр янада ортади, чунки етиша олмаётган ёри янада гўзаллашади. Навоийнинг бошқа бир ғазалида айтилгани каби, “ҳусни ортар, юзда зулфин анбарафшон айлагач, шамъ равшанроқ бўлур, торин паришон айлагач”.

* * *

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримға.

Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.

Фироқи тийрборонинки чектим, қушға ўхшатқай,
Ки юлмишлар юнгин, боққан киши жисми фиғоримға.

Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш толиғ қорарған рўзгоримға.

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик бирла ошиқшевалиқ ўз ихтиёримға.

Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин,
Анга етмон, не илдамсайр экин, чобуксуворимға.

Сени, эй муғбача, маҳрумлуқдин асрасун Тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.

Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним,
Ки май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.

Вафо ўтиға мен қўйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.

(4, 540)

Ғазал шарҳи:

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримға.

Ёр йўлида тупроқ бўлдим, эй тонг ели, (биз томон) ўтсанг, (кучайиб) қуюн бўл ва (тупроғимдан) олиб гул узоримга етказ ва унга садқа айла.

Бу – Навоийнинг пароканда ғазалларидан бири. Унинг асосий пафоси ёр жафоси ва ошиқлик шевасининг шарҳиҳолидан иборат. Шунинг учун унинг унвони – мурожаат этилаётган шахс ҳам гоҳ сабо, гоҳ ёрнинг ўзи, гоҳ муғбача бўлади. Шоир, ёрнинг йўлида тупроқ – гард-гард бўлганини, энди агар тонг сабоси бу йўлдан эсса, ундан кучайиб, қуюнга айланишни, қуюн тупроқни осмонларга кўтариб, олис ерларгача олиб боргани каби, бу урён танининг лоақал бир қатраси ёрнинг кўйига етиб боришидан умидланади, тонг елидан шундай қилишини ўтиниб сўрайди (“садқа” сўзи бугунги тилимизда садақа – тиланчига, муҳтожга бериладиган хайр деб тушунилиши эҳтимол. Бироқ ўтмишда у туҳфа маъносида

қўлланган. Навоий кўзда тутган ёр ҳеч нарсага муҳтож эмас. Садқа қилмоқ – тасаддуқ этмоқни, содиқлик изҳорини билдиради).

Байтда лирик қаҳрамон ўзини хоксорлик билан чанг-тупроққа менгзаб, ерга уради, гул узор (гул юзли ёр)ни эса гулзорга ўхшатиб улуғлайди. Одатда, қуюн кўтарилса, чангу ғубори билан гулзорларга ёпирилади, шоир шунга ишора қилаётир.

*Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.*

Агар у малак каби гўзал парининг ҳажрида ўлар бўлсам, парилару малаклар мазоримга ёқилган шам атрофидаги парвона каби айланади

Башарти у малаксиймо парининг ҳажри азобидан ўлсам, парилар ва малаклар мазорим қошида ёқилган шам теваарагида айланиб учадиган парвона бўлишади – мазорим шамининг парвоналарига айланишади, дейди шоир. Ғазал битилган даврларда (то яқин-яқинларгача ҳам) гўрнинг бош томонидаги тупроқни ўйиб токча яшаш ва токча ичига шам ёқиб қўйиш одат эди. Байтдаги муболаға шундаки, чеҳраси малак каби бўлган парининг гўзаллигидан парилар ва малаклар бамисоли шам теграсидаги парвоналарга айланишади, холос.

*Фироқи тийрборонинки чектим, қушға ўхшатқай,
Ки юлмишлар юнгин, боққан киши жисми фигоримға.*

Унинг камон отишларини соғиниб (шунчалар ғам чекдимки),бу афзор жисмимга боққан кишилар мени юнги юлинган қушга ўхшатади.

Ёр ошиққа парво қилмайди, илтифот назари билан боқмайди. Унинг бу шўрликка бору йўқ муомаласи – истиғно қилиш, ғамза ўқларини камондек қошлари орасидан киприк найзалар билан отиш. Ошиқ эса шугина эътиборни ҳам марҳамат ўрнида кўради ва ғамза ўқларига ўрганиб қолади, чунки бу ўқлар ёрдан келади. Унинг аъзойи бадани ҳам ёр ғамзасининг сон-саноқсиз камон ўқлари билан қопланишига ўрганиб қолган – бусиз ўзини патлари юлиб ташланган бир қушдай деб билади, афтодаҳол бўлиб қолади. Нафақат ўзи, балки унинг ҳолига ўрганиб қолган кишилар ҳам бу рафтори билан уни юнгсиз қушга ўхшатадилар. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон ёрнинг истиғно ўқлари ёмғирдай ёғилиб келиб туришини соғинади, шунинг фироқидан ғам чекади.

Ҳозирги замон кишиларига, бу тасвир ҳаддан ортиқ муболаға бўлиб туйилса ажабмас. Бироқ ўтмиш сўз санъатида муболағасиз санъат йўқ, бир шарти – муболаға мантиқий ва гўзал бўлиши лозим. Пати юлинган қуш ўзига болу пат битишини орзу қилиши табиий бўлгани каби, ошиқнинг ёр ғамзаси тийрборонини қўмсаб фироқ чекиши ҳам ўринли, албатта. Чунки бу истиғно ўқлари қанча кўп бўлса, ёрнинг эътибори ҳам шунча ортгани аёнدير.

*Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш толиғ қорарған рўзгоримға.*

Қуёш каби порлоқ юзининг ҳижрони рўзгоримни қоп-қоронғу этдики, агар юз қуёш бу қоронғу рўзгоримга нур сочса ҳам, у ёришмайди.

Бу байт, аввало, шеърӣ санъатлар билан музайян. Биринчи мисрадаги “қуёш + юз” ва иккинчи мисрадаги “юз + қуёш” сўзларининг алмашилиб келиши, биринчи мисрадаги “ёру-

моқ” иккинчи мисрадаги “қарорған”га зид қўйилишида “тарди акс” санъати намоён бўлган. Бу байт ҳам шиддатли муболаға билан зийнат топган: ёрнинг қуёшдай порлоқ юзининг ҳажридан ошиқнинг кўнгли шунчалар қорайиб кетганки, юзта қуёш нури ҳам уни ёрита олишга ожиз.

Шу ўринда, фалакиёт илмларидан анча бохабар бўлган Алишер Навоий ёр деганда Халлоқи оламни назарда тутаётгани аён, аммо юзлаб ва миллиардлаб қуёшларни коинот бағрига жойлаштирган зотнинг жамоли жамики қуёшлардан ҳам порлоқ эканини айтиб, юз (ёр юзи) калимаси келгани учунгина қуёшларнинг сонини ҳам юз деб кўрсатмаётганмикин?..

*Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик бирла ошиқшевалик ўз ихтиёримға.*

Йигитлар ишқини мен ихтиёр этмай, десам-да, йигитлигим ва ошиқшевалигим ўз ихтиёримға қўймайди

“Йигитлар ишқи” деганда йигитларнинг ишқи, яъни йигитларга хос ишқ-муҳаббат – аёлга бўлган қизиқиш айтиляпти. Маълумки, бу заминий муҳаббат ҳақиқий ошиқни йўлдан оздиради. Шунинг учун ҳам хослар ишқи, яъни илоҳий муҳаббатга оддий “йигитлар ишқи” (йигитларга хос ишқ) қарама-қарши қўйилади. Шоир йигитлар каби ишқни ихтиёр этмайин десам-да, йигитлигим (йигит ёшида эканлигим) ва феълимдаги ошиқшевалигим (муҳаббатпарастлигим) мени ўз ихтиёримға қўймайди деб, нолиётир. Йигитлик ва йигитлик давридаги ишқ ўткинчи бўлса, ошиқшевалик – жибиллий хислат, у туғма бўлади ва бир умр кишининг тийнатида туради. Чунончи, “Ўткан кунлар” романи қаҳрамони Отабек гўзал Кумушни кўриб севиб қолиши – йигитлика хос, аммо унинг хизматкори Ҳасанали хожасининг ошиқшева ҳам эканини “*Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган нозик юрак жавҳаридир*”, деган бир калима билан ифшо қилган. Яъни Отабек кабиларнинг ишқи йигитлик айёми ўтгач тамом бўлмайди, бир умр юрагида қолади.

(Бироқ Навоийнинг бу байти, айримларнинг талқини касрига, гоҳо мутлақо ножўя талқин этилади. Уларнинг фикрича, шоир... йигитларга ишқ қўйган эмиш. Шу туфайли бўлса керак, “Йўланда туфроқ ўлдум” деб бошланадиган бу машҳур ашуланинг матни алмаштирилиб, Навоий ғазали ўрнига... хоразмлик шоир Сафо Очилнинг “раво денглар” деган шеъри қўшиқ қилиб айтиляпти. Ҳолбуки, бу байтнинг ҳатто грамматикаси ҳам боягидай тутуруқсиз талқинга мутлақо йўл бермайди ва уни инкор этади.)

*Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин,
Анга етмон, не илдамсайр экин, чобуксуворимға.*

Телбалик водийсида (шундай югураманки) шамол юз даштда ортимда қолади, бироқ шунча чопсам-да, унга ета олмайман, чобуксуворим нақадар илдам экан-а?

Албатта, телбанинг иши гирён бўлиб югуриш. Телбалик одамга шунчалик куч берадики, чопиб бораётган телбанинг ортидан қувиб етиб бўлмайди. Шамоллардан ҳам ўзиб кетгудай шиддатга эга бўлади телба ошиқ.

Чобуксувор эса, луғатга кўра, чавандоз дегани. Мумтоз шеърятда ёр от устида, ошиқ эса пойи-пиёда, ҳақиру фақир қилиб тасвирланади. Байтнинг мазмунига кўра, ошиқ ёрни қидириб, юзлаб даштлар оша шундай югурадики, шамол ҳам унинг ортида қолади. Аммо ёр шу қадар чобуксуворки, илдамликда унга етиш амри маҳол.

Бизнингча, бу ўринда шоир чобуксувор (ёр) деганда Муҳаммад алайҳиссаломни, унинг маърожга чиққанини, бунда Буроқ деган илоҳий уловини миниб чопганини кўзда тутяпти. Буроқ кўзи етган уфқни бир қадамда босиб ўта олар экан. Уни минган Расулуллоҳнинг чобуксувор бўлиши табиий. Аммо чопиш ва кўзланган манзилга тезда етиб бориш бу ўринда рамзий бир ҳол. Шоир аслида Пайғамбар алайҳиссаломнинг мақоми юксаклигини, унга ғайритабиий хислатларга эга бўлган кишилар ҳам етиша олмаслигини таъкидлаб айтаётир. “Илдамсайр” деган калима ҳам шуни қувватлайди. Чунки меърож ва исро ҳодисаси тасвирида “сайр” калимаси кўп қўлланади.

Бундай ёрга етиб бўлмаслигига иқрор ошиқ майхўрлик ила машғул бўлиш учун майхонага боради ва майхона ходими бўлган муғбачага шундай деб ёлборади:

*Сени, эй муғбача, маҳрумлуқдин асрасун Тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.*

Эй муғбача, агар бир коса май бериб, хуморимни даф қилар бўлсанг, сени Худойи таоло (ёрдан) маҳрум бўлишдан асрасин (деб дуо қиламан).

Бас, Оллоҳнинг севгани – ҳабибига етишга йўл бўлсин экан, шу етишиш йўлидаги жидду жаҳднинг ўзи висол бўлиб туйила қолсин! Зеро, бахт сари интилишнинг ўзи – бахт, дейдилар. Ошиқнинг энг юксак мартабаси ҳам ишқ ила машғулликдир. Шунинг учун шоир ишқ майини сипқоришни – ошиқлик ила овора бўлиб, хуморни – ёр фироқини бир муддат бўлса ҳам унутишни орзу қилади. Муғбачага мурожаат қилиб, май беришни ўтинар экан, шу май хуморимни ёзса, Тангри сени ёрдан мен каби маҳрум бўлишдан асрасин, деб дуо қиламан, дейди.

Аммо бу вақтинчалик ҳолат, ошиқ эса ёрга етишиш учун жон фидо қилишга – фано майдан сипқоришга ҳам тайёр:

*Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним
Ки май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.*

Бу фано (ўлим) майхонасининг майфурушига жоним фидо бўлсин, у (шундай ҳимматлики) май тутаётган пайтида бой-фақирлигимга қарамай эҳсон қилади.

Ана шундай буюк бир ишқ ила жон бермоқ ҳам саодат, албатта. Лирик қаҳрамон энди муғхона ходимига эмас, “фано (ўлим) майхонасининг майфуруши” (Азроил)га мадҳ ўқийди: майхона хизматчилари ақчаси боргагина май берадилар, аммо бу майфуруш эса бору йўғингга қарамай фано майини тутати. Бу эса унинг улуғ ҳимматидандир. Ушбу мисрада Қуръондаги “Ҳар бир жон эгаси, албатта, ўлим шарбатини тотқувчидир”, деган ояти каримага ишорат бор.

*Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.*

Вафо ўти мени ёндирди, аммо гулханимга боққан киши, худди Навоий каби, муҳаббат риштасини қўлига киритади.

Навоийнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир мисраси – маънонинг кони. Ҳар байтни бошқатдан тадқиқ қилсангиз, янги мазмунлар топиб ҳузурланасиз. Жумладан, “вафо ўти” деган калимани олинг. Ажабо, вафонинг ўти бўладими, вафо деганлари ўт-олов, оташ-алангами? Ҳеч қўрилмаган ифода. Аммо мулоҳаза қилсангиз, ошиқ – вафоси билан ошиқ. Бу ишқ уни ўт бўлиб куйдиради, танини урэн, жисмини бирён, лафзини бийрон қилади. Бевафо, ишқсиз одам эса сокин ва лоқайд тура беради. Ошиқ бўлмаган кимса нимаю бир кесак нима. Ундан ўт чиқмайди...

Ошиқ, одатда, парвонага қиёсланади. Парвона ўзини ўтга уриб куйгани каби, ошиқ вафо ўтида ёнади. Чунки илтифотсиз ёрга вафо қилган киши жафо чекади, куйиб-ёнади. Бироқ ошиқнинг бу мамоти беҳайр кетмайди. Лирик қаҳрамон бу ўринда Навоийни ошиқнинг куйганини кўрган шахс сифатида тақдим этади ва ҳар ким менинг алангамдан сачраб чиққан бирон учқунга боқса ҳам, худди Навоий каби, муҳаббат риштасини топади, яъни ошиқнинг кули ҳам хосиятлидир, дея ишққа мадҳия ўқийди. Оловдан отилган учқун муайян бир траектория бўйлаб ўтади, шоирнинг учқур хаёлида бу чизиқ – олов йўли бир ипга тизилгандай бўлиб кўринади. Бу кўзга кўринмас даражадаги ришта-ип муҳаббат риштаси (арқони)дир. Бу эса гарчи ёрга етишиш насиб бўлмаган бўлса-да, ундан маҳрум ҳам эмаслик белгисидир. Муҳаббат риштаси, гарчи кўзга кўринмас даражада бўлса ҳам шундай пой-дорки, ошиқни бир умр қўйиб юбормайди.

БАҲОРИЙ БАДИИЯТДАН БАҲРАМАНДЛИК

Айрим ижодкорлар шеъри остида унинг қачон битилгани дарж этиб қўяди. Эҳтимол, шоир буни шунчаки бир эсдалик сифатида қайд қилар, бироқ ана шу пухталики илмий тадқиқотлар учун жуда асқотади.

Афсуски, мумтоз адабиётимизда шу таомил расм бўлмаган. Ҳатто Навоий 2600 та туркий ғазалининг лоақал биронтасини айнан қачон ёзгани ҳам маълум эмас. Фақат бирон воқеа тафсилотига боғлиқ ҳолда бир-икки ғазалининг “таржимаи ҳоли”га тааллуқли қайдларга дуч келамиз, холос (Навоий ўсмир ёшида Лутфий билан учрашиб, “Оразин ёпқоч...” ғазалини ўқигани ёки бетоб бўлиб ётганида Паҳлавон Муҳаммад бир ғазалини пўстини чўнтагидан олиб ёдлагани каби).

Бобурда ҳам шундай. Аммо у шеърят оламига кириб келган чоғида Навоий “кибар” ёшида эди. Мўйсафид Навоий ўсмир Заҳриддин Муҳаммадга хат ёзади. Хатда нима битилгани “Бобурнома”да қайд этилмаган, шу сабабли Навоий ёш ҳукмдор Бобурга хайрихоҳлик изҳор қилганми ёки унинг илк шеърлари билан танишиб, умидли шоирни руҳлантириш ниятида мактуб ёзганми, бу бизга мубҳам.

Назаримизда, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин. Чунки Бобур Андижон тахтига 12 ёшида чиққан, бу пайтда Навоий 54 ёшда эди (1495). Ҳиротдан Бобурга мактуб эса орадан яна беш йил ўтганидан сўнг йўлланган. Бобурнинг кўрсатишича, *“Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда (1500 йил – З.И.) Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат (мактуб) йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”*. Бу пайтда Бобур 17 ёшда бўлиб, ҳали тугал шеър ёзиб номи чиқмаган, ғазал машқ қилиб юрар эди. Навоийдан жавоб етиб келгунича Самарқанд қўлдан кетиб, Бобур тож-тахтдан айрилиб сарсон бўлади, боз, ўша йили Навоий ҳам вафот этади. Бобурнинг мактуби унга етиб борган-бормагани маълум эмас.

Аммо Навоий “Мажолисун нафоис” асарида номи тилга олинган 459 нафар шоир (улар орасида кичик замондошлар, эндигина бир-икки байт айтган ижодкорлар ҳам бор) қаторида нега Бобурни эсламаган, деган савол туғилиши мумкин. Бунга сабаб шуки, Навоий шоир Бобурни “Мажолисун нафоис”ни ёзиб битирганидан уч йил кейин – 1500 йилда кашф этган. Қаранг, Навоий ёш иқтидор эгаларини излаб топиш, уларга рағбат беришни умрининг охиригача давом эттирган экан...

Аммо бу ҳол Бобурнинг Навоийга бевосита шогирд бўлганини инкор этмайди. Айнан Бобур Навоийнинг энг муносиб издоши ва давомчиси бўлди, қолаверса, Навоийнинг шахсияти ҳамда ижодининг аҳамияти хусусида ҳеч ким Бобурдан ўтказиб фикр айта олган эмас.

Бобур 1506 йил охирида Ҳиротга келади ва Навоийнинг уйи – “Унсия”да истиқомат қилади. Қисқа муддат ичида унинг барча асарларини мутолаа қилиб чиқади. Табиийки, Бобурнинг Навоий ижоди билан теран танишишдан мақсади бу даҳо адиб ижодига адабиётшунос сифатида баҳо бериш эмас, аввало, ундан ўрганиш, илҳом ва руҳ олиш, ўзи учун янги бўлган мавзу ва мотивлар билан ошно бўлиш ҳамда қаламини чархлаш эди, албатта.

Назаримизда, Бобур учун “Унсия”да кечган кунлар ғоят самарали бўлган. Бобурнинг йигарма уч яшарлик чоғида бу шарофатли уйда яшаши, буюк шоирнинг руҳига анис бўлиши келгусида улуғ сўз санъаткори даражасига кўтарилиши учун пиллапоя бўлди. Унинг бир қанча ашъори, назаримизда, худди ўша кунларда Навоийдан таъсирланиш, улги олиш

натижасида яратилгандек. Бунга далил сифатида эса Навоийнинг бир ғазалидаги айрим мотивларнинг Бобурда яна бошқа бир тароват ва ўзгача малоҳат билан тажассум топганини кўрсатишимиз мумкин. Тўғри, муқояса этиладиган бу икки ғазал, дафъатан қараганда, бир-бирига ўзаро боғлиқ эмасдай кўринади. Бироқ унутмаслик керакки, шеърнинг вазну ритмикаси, қофиясию радифининг бир хил бўлишидагина намоён бўладиган адабий таъсир аслида бирмунча юзаки; ҳақиқий ижод ҳамдастлиги бадий матннинг бундан чуқуროқ сатҳларида акс этади, аслида.

Навоийнинг баҳор тасвир этилган бир ғазалини ўқиб кўрайлик.

*Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак – ҳилолу ёнида хуршид – занг.*

*Асру изҳори тажаммул қилди султони баҳор,
Ким бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.*

*Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг.*

*Дафъа-дафъа бир-бири узра булут офоқ уза,
Гўйиёким тожире терди рухутин танг-танг.*

*Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузаҳ,
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.*

*Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.*

*Бу бори бир ёну ул бир ёнки, ичмак боиси,
Соқий, бўлғай бу давр ичра бағоят шўху шанг.*

*Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаву соқий учун қилмаққа тарки ному нанг.*

*Эй Навоий, дам бу дамдир – тут ғанимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг.*

(3, 335)

Шарҳ:

*Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак – ҳилолу ёнида хуршид – занг.*

Ҳар ёнда гавҳар (ёмғир) ташувчи филдай-филдай булутлар, ҳилол – бу “фил”лар бошида чангак, қуёш эса – қўнғироқдир.

*Асру изҳори тажаммул қилди султони баҳор,
Ким бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.*

Баҳор султони ўз ҳашаматини қўрсатиш учун шунчалар ғайрат қилдики, бу каби (юз минг) фил шиддат ила чарх уриб юз минг жилвалар қилади.

*Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг.*

Найсон (апрель)нинг зилол суви ер юзини ойнадай туп-тиниқ қилдики, бу ердаги гул-рай-ҳон ва ўт-ўланлар юлдузли кўкнинг аксига айланди.

*Дафъа-дафъа бир-бири узра булут офоқ уза,
Гўйиёким тожире терди рухутин танг-танг.*

Уфқлардаги булутлар ҳали у ерда, ҳали бу ерда бири-бирига мингашган, гўё бир савдогар сафар анжомини тўп-тўп қилиб тахлаб босгандай.

*Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузаҳ,
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.*

Чанг садосини тинглаб, май ич, зеро осмондаги эгик камалак чангнинг шаклини эслатса, турфа ранглари унинг торларини ёдга солади.

*Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.*

Бундай фараҳли мавсумда айш базмини қурмоқ учун ҳам зумрад рангли (ям-яшил) гўша, ҳам ёқутранг (қизил) май керакдир.

*Бу бори бир ёну ул бир ёнки, ичмак боиси,
Соқий, бўлғай бу давр ичра бағоят шўху шанг.*

Бунинг барчаси бир ёну у (ёр)нинг бир ўзи бир ён бўлгани учун, эй соқий, бу давра янада жо-зиба касб этиб, ичишга сабаб бўлади.

*Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаву соқий учун қилмаққа тарки ному нанг.*

Йигитлик айёмини ҳам, баҳор кунларини ҳам ғанимат билгил, бода ва соқий олдида андишани тарк қилиш лозимлигини унутма.

**Эй Навоий, дам бу дамдир – тут ғанимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг.**

Эй Навоий, шу дам – дамдир, уни ғанимат билиб, бода ичгил, чунки яна шундай дамга етиш-етмасингдан хабардор эмассан-ку.

Навоийнинг бу ғазали баҳор васфига, ҳар бир баҳорий кунни ғанимат билиб, умрни беҳуда ўтказмасликка, умр баҳорини хазонга алмашмасликка бағишланган. Бу маъни, аслида, умрнинг бебақолиги, шунинг учун ҳам ҳар бир дамни ғанимат деб билиш учун пайғамбар алайҳиссаломнинг, мен намозда ўнг ёнга салом бериб, чап ёнга салом беришга улгураманми-йўқми, шуни билмайман – умр шунчалик омонат, деган ҳадисига мувофиқдир.

Энди ушбу тўққиз байтли ғазални Бобурнинг шаклан унга мутлақо ўхшамайдиган – беш байтли, қофия ва бошқа калималари ҳам ундан анча узоқ бўлган бир ғазалига муқояса қилиб кўрайлик:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.*

*Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.*

*Ишқ дардини чекиб, ҳар кимки, топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.*

*Дўстларнинг суҳбатида не ҳуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.*

*Ғар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.*

Кўриб турибмизки, ҳар икки ғазал баҳор васфига, гулдай умрни ғаму ҳасрат билан эмас, ёр васлини ғанимат билиб, дўстлар билан яйрашиб, шеър баҳси билан давраларни яшнаиб, май (у мумтоз шеъриятимизда ҳаёт лаззати ва ишқ рамзи деб қаралади) сипқориб, ҳаёт лаззатларидан баҳра олиб яшашга даъват этиши билан ҳамоҳанг. Навоий ўзаро мувофиқ бўлган икки нарсаси – йигитлик билан баҳорни бир-бирига боғлиқ ҳолда ғанимат билиш кераклигини айтса, Бобур бу саноқни учга етказиб, “уч ишни уч вақтда” қилишга даъват этади, Навоий “дам – бу дамдир”, дея дам урса, Бобур “вақт” калимасини қўллаб, энг зарур, кишининг бир умр ёдидан чиқмайдиган ишларни ўз фурсатида, энг мувофиқ вазиятда адо этишга чорлайди. Ҳар икковларида ҳам бу фикрни олға суриш учун баҳор ва баҳорий манзаралар сабаб қилиб кўрсатилади. Навоий “баҳор”ни тилга олса, Туркистон ёқлардан Хуро-

сонга энди борган Бобур бу фаслни туркона қилиб “ёз” дейди (тилимизда ҳақиқатан ҳам ўтмишда баҳор – “ёз”, ёз эса “ёй” деб аталган).

Қиёслаш асносида бир нарсага эътибор беришингизни сўрар эдик: ҳар икки ғазалда асосан тўрт нарса тилга олинган – баҳор, йигитлик, май ва ёр. Аммо Навоийнинг тўққиз байтлик мазкур ғазалидаги дастлабки тўрт байтда баҳор манзаралари етарли даражада васф этилган, деб ҳисоблаган Бобур, устозининг бу асарига ўз татаббусини унинг бешинчи байтидан бошлаган кўринади. Шунинг учун ҳам унда баҳорий ёмғир ва камалак, инсон кайфиятининг чанг торлари каби инжа тароналари тасвир этилмайди; шоир “ёз фасли” дейиш билан кифояланади-да, ўз ғазалини гўё Навоий ғазалининг бешинчи байтидан бошлаб давом эттиради. Бу ёғида ҳар икки сўз санъаткори яқдил ва яқнафас: баҳор, май, ёр, умр ғаниматлиги, ҳаёт лаззатидан баҳра олиш. Бобур бунга “шеър баҳси” деган яна бир мотивни ҳам қўшади.

Ҳар иккала ғазал рамал баҳрининг мусаддаси мақсур вазнида битилган:

*Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаву соқий учун қилмаққа тарки ному нанг.*

(Навоий)

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.*

(Бобур)

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Табиий, ҳар қандай шеърнинг ва ундаги бирон мотив ёхуд чизгининг пайдо бўлиши асар майдонга келган пайтда ижодкорнинг қандай кайфиятда бўлишига бевосита боғлиқ. Қайд қилиш керакки, Бобур Ҳиротга келган пайтлари илк бор май ичишга дилида рағбат пайдо бўлганини эътироф этган. Бинобарин, “ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор”, дейишини ана шу майлнинг далили, деб қарашимиз мумкиндай. Лекин, шу билан бирга, ҳар икковларида, айниқса, Навоийда май ва бода атамаларининг сўфиёна маъноси ҳам мавжуд эканини унутмаслик даркор.

Ана шу мулоҳазаларни ҳисобга оладиган бўлсак, Бобурнинг “Ёз фасли...” деб бошланувчи машҳур ғазали Навоий ғазаллари мутолааси асносида, 1506 йил охирларида Ҳиротда битилган, дейиш мумкин бўлади.

Мана, ўзингиз қиёслаб кўринг:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.*

*Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.*

*Ишқ дардини чекиб, ҳар кимки, топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.*

*Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.*

*Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳонни ишрати.*

*Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак – ҳилолу ёнида хуршид – занг.*

*Асру изҳори тажаммул қилди султони баҳор,
Ким бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.*

*Айлади найсон зулоли ер юзин ойнагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг.*

*Дафъа-дафъа бир-бири узра булут офоқ уза,
Гўйиёким тожире терди рухутин танг-танг.*

*Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузаҳ,
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.*

*Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.*

*Бу бори бир ёну ул бир ёнки, ичмак боиси,
Соқийё, бўлғай бу давр ичра бағоят шўху шанг.*

*Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаву соқий учун қилмаққа тарки ному нанг.*

*Эй Навоий, дам бу дамдир – тут ғанимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг.*

Академик В.М.Жирмунский “Байрон ва Пушкин” деган асарида “бир адиб ижодининг иккинчи бир адиб ижодига бевосита таъсири. Ҳақиқий маънодаги адабий таъсир мана шудир”, деб кўрсатган эди. Ва бунда, иккинчи ижодкорнинг “мен фалон асаримни ана у ёзувчидан таъсирланган ҳолда битганман”, деб эътироф қилиши шарт ҳам эмас. Туркигўй шоир Бобурга “туркийда энг кўб ва ҳўб” асарлар ёзган Навоийнинг биринчи навбатда таъсир қилганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Пировардида шуни ҳам айтиш керакки, адабий таъсир сезилмасдан ўтадиган бир жараён – ўша иккинчи адиб кимнинг ижодидан, унинг конкрет қайси асаридан қанчалик таъсирланганини ўзи ҳам сезмаслиги мумкин, албатта.

Аслида, Бобурга Навоий ашъорининг энг кўп таъсир қилгани рубоийдир – Бобур рубоийларида Навоийнинг таъсири бисёр сезилади.

Аммо энди бу бошқа бир мақоланинг ҳадафи.

* * *

*Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд,
Лек анинг ёди била кўнглум эрур ҳар дам шод.*

*Зулфидин сурди кўнгулларни кўзи арбадаси,
Домдин кўрмади эл сайдни сурмак сайёд.*

*Қоматинг бандасидур сарв, вале хидмат аро
Кўрубон ростлиғин, они қилибсен озод.*

*Қатлима чиқти этак белга уруб, тиғ чекиб,
Қон тегардин аяб эркин этагин ул жаллод?*

*Чунки Ширин кўзи беҳад қорадур, бас неча мил
Тошни сурма недин айлади оё Фарҳод.*

*Ўзгаларга ичур, эй соқийи даврон, майи васл
Ким, манга захри фироқ ичмак ўлубтур муътод.*

*Мунча фарёд Навоийдин эмас ҳажр тунни,
Ким қилур ҳар кеча фарёдидин эл ҳам фарёд.*

(3, 125)

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали, аввало, деярли ҳар бир байтнинг бадиий санъатлар билан музайян бўлганлигига кўра эътиборли. Асар пароканда ғазал турига мансуб: байтларининг ҳар бири ўзича мустақил – бир байт иккинчисидан келиб чиқмайди, ҳар бирида алоҳида маъно баён этилади, ғазал руҳан ва ритмик ҳамда эвфоник уйғун бўлган етти байтдан ташкил топган. Шу ўринда қайд этиш керак: ўзбек мумтоз адабиётининг неча асрлик тарихда яратилган барча ғазаллари ичида айнан “пароканда” деб аталадиган ғазаллар энг кўп миқдорни ташкил этади.

Бевосита табдилга киришайлик:

*Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд,
Лек анинг ёди била кўнглум эрур ҳар дам шод.*

Гарчи ёр мендай бир ғамгин кимсани ҳеч ёд этмаса ҳам, Кўнглим унинг ёди билан бўлгани боис, ҳамиша шодон.

Умидворлик сўфиёна шеърларнинг энг асосий мотивидир. Ёрни туну кун ўйлаб, унинг васлини таманно этган ошиқ бир кун шу ҳолга тушадики, ёрга етиша олмаслигига кўзи етиб қолган бўлса-да, шу ёр ҳаёли билан бўлганининг ўзиёқ унга тасалли беради, ёрни ўйлашдан чексиз лаззат ва шодлик олади. Чунки ошиқнинг истаги фақат ёр, ундан бошқа нарса эмас.

Диний маънога бурадиган бўлсак, Худо деган банданинг иши – эртаю кеч Оллоҳ ишқида яшашдир. Яратганга муҳаббат қўйиб, ундан бошқа нарсани ўйламаган одамгина чин бандановзлиқ қилган бўлади.

*Зулфидин сурди кўнгулларни кўзи арбадаси,
Домдин кўрмади эл сайдни сурмак сайёд.*

*Кўзининг можароси кўнгилларни сочидан узоққа сурди,
Ҳолбуки, ўлжани тузоқдан узоқлаштирган овчини*

биров кўрмаган.

Кўз инсон қиёфасининг энг асосий узви бўлгани учун, ёрнинг кўзи ҳам ошиқнинг бош муддаосидир. Ёрнинг кўзини ошиқлар қуёшга менгзайдилар. Маълумки, қуёш олдида тун (тун каби қоп-қора соч ҳам) чекинади, қуёшга қараган, унга қараб юрган одам (ошиқ)нинг кўзига ундан бошқа нарса кўринмайди. Шунинг учун ёрнинг кўзи сочидан чандон муҳим.

Қадимда овчилар от думининг қилидан ов қушлари учун тузоқ ясаганлар. Шоир ёрнинг сочини ошиқ учун тузоқ деб таърифлайди ва ўлжани тузоқдан узоқлаштирадиган бу қандай овчи экан, деб ажабланган бўлади.

*Қоматинг бандасидур сарв, вале хидмат аро
Кўрубон ростлигин, они қилибсен озод.*

Сарв қоматингнинг бандасидир, бироқ хизматда Унинг тўғрилигини кўриб, озод этибсан.

Бу ўринда Мусо алайҳиссалом ва унинг ҳассаси ҳақидаги ривоят беихтиёр ёдга келади. Тур тоғига ҳасса таяниб чиққан Мусо Оллоҳ таоло билан сўзлашиб бўлиб пастга тушгач, ҳассасига қараб, “Сен мен туфайли тоққа чиқиб, парвардигор билан мулоқот қилганимни эшитиш шарафига эришдинг”, деганида ҳассага тил битиб, “Йўқ, мен тўғрилигим туфайли шунга муяссар бўлдим”, деган экан...

Байтда эса тик қоматли сарв ҳам ёрнинг қадди олдида “айбли” экани боис, банда бўлиб қолади. Чунки у ёрга хизмат қилиш чоғида эгилишга мажбур. Бироқ ҳасса аслида тик, тўғри таёқдан ясалади, шу боис, яна ўзини ўнглаб, тўғри ҳолига келади. Ёр эса хизмат чоғи-

да унинг тўғрилигини кўриб, озод этади. Бунда тўғрилик билан хизмат қилган қуллар ўз яхшилиги эвазига озод этилгани каби, содиқ ва фидойи ошиқ ҳам мукофот олишга ҳаққи бор экани таъкидланиб, ёрга шу ҳақда ишора қилинаётир.

*Қатлима чиқти этак белга уруб, тиғ чекиб,
Қон тегардин аяб эркин этагин ул жаллод?*

Мени қатл этмоқ учун этагини белига қистириб, тиғ кўтариб чиқди. Билмадим, ё қон сачрамаслиги учун у жаллод этагини аяганмикин?

Лекин ёр – айёр. У ошиқни бир дам бўлса ҳам бандилиқдан бўшатишни истамайди, ундан кўра шўрликни қурбон қилишга ҳам тайёр. Шунинг учун этагини белига липпа уриб, қилич кўтариб чиқади. Этакни белга қистиришидан жаллоднинг муроди қон сачрамаслиги учун бўлсамикин?

*Чунки Ширин кўзи беҳад қорадур, бас неча мил
Тошни сурма недин айлади оё Фарҳод.*

Шириннинг кўзи беҳад қора эди, бунинг учун қанча сурмачўп тошни Фарҳод нимадан сурмага айлантирган экан?

Шириннинг кўзи беҳад қора, демак, Фарҳод бунча сурматошни қандай қилиб сурмага айлантирган бўлса экан?

*Ўзгаларга ичур, эй соқийи даврон, майи васл
Ким, манга захри фироқ ичмак ўлубтур муътод.*

*Эй даврон соқийси, висол майини ўзгаларга ичира бер,
Чунки менга айрилиқ захрини ичмоқлик одат бўлибди.*

Шоир-ошиқ бунча жабр-жафолар сўнггида соқийга истехзо қилиб, ўзга ошиқлар – ағёрларга васл майини тута бер, менга эса фироқнинг захри дуруст, шунга ўрганиб қолганман, дейди. Ошиқлик иши ҳажр экани, ундан бошқаси ўзига бегона бўлиб кетганини киноя қилади.

Энди “соқийи даврон” деган калимага келсак, унинг биринчи маъноси давранинг соқийси, яъни давра аҳлига май тутувчи, бошқа бир маъноси эса давр майкаши – тақдир соҳибига мурожаат, деб тушуниш керакка ўхшайди.

*Мунча фарёд Навоийдин эмас ҳажр тунни,
Ким қилур ҳар кеча фарёдидин эл ҳам фарёд.*

Ҳижрон тунда чекилаётган мунча фарёд бир Навоийники эмас, Зеро ҳар кеча унинг фарёдини эшитган эл ҳам фарёд чекади.

Ҳажрнинг ўзи киши кўзига дунёни қоронғи қилади. Бунинг устига, ҳажр тунида чекилаётган нолаю афғонлар кеча жимжитлигида янада кучлироқ эшитилади. Одамлар, Навоий фарёд чекапти, деб ўйлашади. Тўғри, у нола қиляпти, аммо унинг жонсўз дод-фиғонини уққан эл ҳам фарёд кўтаради, шу сабабли фарёд янада кучлироқ эшитиляпти.

Бу ғазал турмушда рўй берган бирон конкрет воқеа муносабати билан ёзилган эмас. Аксар ғазалнавис шоирларда бўлган одат – дафъатан хаёлга келган ғазалнинг матлаъсини битиб, кейинчалик уни тугаллаб қўйиш тарзида битилган кўринади. Лекин шунга қарамай, ундаги ҳар бир байт, тугал маъно-мазмуни ва тўқис бадииятига кўра, шоҳбайт деб таърифласа арзийдиган кўринишга келган.

* * *

*Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ғаний қилғон киби динор харж.*

*Сойиру собит нисоринг қилса, тонг йўқким, бўлур
Кечқурун шаҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.*

*Нақди раҳмат харжинг этса ҳақ, не тонг, улким топар,
Сен киби маҳбуби васлин, айлагай ночор харж.*

*Фош этиб нақди шафоат, қилдинг умматни халос,
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.*

*Баҳри раҳматдинки топтинг халқ уза бир қатра бас,
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.*

*Мағфират ганжи санга тамлик эрур, монеъ эмас,
Айласанг исёни қўп умматқа ҳар миқдор харж.*

*Сен киму наътин демак, тил асрағил қўп нуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.*

(1, 94)

Бу мазмунан наът ғазаллар турига мансуб – Муҳаммад мустафони мадҳ этишга бағишланган.

*Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ғаний қилғон киби динор харж.*

(Эй Муҳаммад) Бой-бадавлат одам гавҳар сотиб олиш учун олтин динорларни харж қилгани каби, Дунё сенинг изларинг чангига юлдуз ва сайёраларни нисор қилди.

Бу ўринда Муҳаммад (с.а.в.) гавҳарга, юлдуз ва сайёралар эса унга эришиш учун ишлатиладиган оддий пулга ўхшатиляпти. Юлдузлар, сайёраларнинг расулуллоҳ изининг гардида қолиши у зотнинг Буроқ воситаси ила кўкка кўтарилиши – меърож ва исро воқеасига ишорадир.

*Сойиру собит нисоринг қилса, тонг йўқким, бўлур
Кечқурун шаҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.*

Фалакдаги айланиб юрувчи ва қўзғалмас само жисмларини сен учун нисор этса, ажабла-надиган жойи йўқ, бамисоли бирон кишининг уйига кечқурун подшоҳ меҳмон бўлса, уни муносиб кутиб олиш учун мезбон бор-будини сарфлайди-ку.

Бу байтда Парвардигорнинг Расулига “Лав лаака лама халақтул-афлак” (Агар сен бўлмаганигда фалакларни яратмаган бўлардим), деган хитобига ишора бор. Бундан ташқари, таносуб бадийи санъати ҳам қўлланган – *сойиру собит* (самодаги юлдузлар), *кечқурун, тонг йўқ* каби сўзлар тун манзарасига тааллуқли ассоциация қўзғайди.

*Нақди раҳмат харжинг этса ҳақ, не тонг, улким топар,
Сен киби маҳбуби васлин, айлагай ночор харж.*

Ҳақ таоло раҳмат ганжини харжлашинг учун бериб қўйган бўлса, неажаб, ахир сендай дўст васли учун киши бор давлатини харжлашга мажбур бўлади-ку.

“Маҳбуб” – ушбу байтнинг калит сўзидир, зеро пайғамбар алайҳиссаломнинг унвони – Ҳабибуллоҳ (Оллоҳнинг дўсти) бўлиб, ҳабиб ва маҳбуб сўзлари нафақат синоним, балки ҳатто бир ўзаклидир.

*Фош этиб нақди шафоат, қилдинг умматни халос,
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.*

Шафоат ақчасини кўрсатиб, умматни халос этдинг, нақд ақчани топган киши бозорда қизиқ бозор-ўчар қилгани каби.

Қадимда қуллар бозорда сотилган, ҳар бир қулнинг баҳосини бериш эълон қилинган ондан бошлаб у халос бўлган (Пайғамбар қулларни озод қилишнинг савоби кўп эканини доим эслатган). Расулуллоҳнинг энг катта давлати – қиёматда беҳисоб одамларни шафоат қилиш – жаҳаннам азобларидан озод этиш имкони борлигидадир.

*Баҳри раҳматдинки топтинг халқ уза бир қатра, бас,
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.*

Халқ ичида раҳмат денгизидан бир томчи топа олсанг ҳам, сен бун ки фоя деб биласан, ҳолбуки, аслида даромад билан харажатни мувофиқ қилмоқ аъло саналади.

Байтда пайғамбаримизнинг саховатига ишора қилинган.

*Мағфират ганжи санга тамлик эрур, монеъ эмас,
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар миқдор харж.*

Сен мағфират (кечириш) хазинасининг эгасисан, бинобарин, исёну гуноҳи беадад бўлган умматлаърингга бу ганждан ҳар қанча харж қилсанг, биров монелик қила олмайди.

Бу байтда аввалги байтдаги маъно шарҳлаб келиняпти – Расули акрамнинг ҳар кимни шафоат қилишга (қиёматда гуноҳларидан фориғ этиб, Оллоҳдан унинг учун афв сўрашга) эркили экани таърифланяпти.

*Сен киму наътин демак, тил асрағил қўп нуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.*

Сен, эй шоир, кимсану, наъти айтилаётган ким, демак, қўп нарсаларни сўзлай беришдан тилингни тий. Эй Навоий, ўзингдаги маърифатнинг барчасини сарфлаб юбораверма.

Бу байтда шоир ўзининг ҳақирлигини эътироф этиб, аввалги байтдаги маъно – пайғамбар ҳар қанча сарф этса, ўринли эканига ишора қилди-да, ўзи дилидаги маърифатни соча беришдан ожизлигини изҳор қилади.

* * *

*Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.*

*Шавқ ўтиға урмасам су, куйдурур қўнглумни пок,
Истагандин ўқларинг қўнглумга пайкондур ғараз.*

*Невчун, эй ҳижрон, азоб айларсен онсиз жонима,
Истагилким, топшурай гар худ санга жондур ғараз.*

*Юз туган қўйдум, эмас қониъ, кетинг, жону қўнгул,
Гўйиё ул бевафоға доғи ҳижрондир ғараз.*

*Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этма, тийғ сур,
Мен биҳилмен гар санга бу бир овуч қондур ғараз.*

*Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.*

*Эй Навоий, воқиф ўл ҳолингғаким ёр оллида
Бас фаровондур ғаразғў, асру паррондур ғараз.*

(1, 278)

Бу ҳам Навоийнинг наът ғазалларидан бири. Чунки унда, исми ошкор айтилмаса ҳам, Муҳаммад (с.а.в.)нинг васфи ва мадҳи бор. Пайғамбар алайҳиссаломни севмоқ имон далолатидир. Бу ҳақда Расулуллоҳнинг ўзи ҳам бир ҳадисда, “Токи мени отангиздан ҳам, болангиздан ҳам, барча одамлардан ҳам яхшироқ кўрмас экансиз, бирортангиз мўъмин бўла олмайсиз”, деган. Яна бир ҳадисда эса “Кимда ушбу уч хислат бўлса, унга имон ҳузур-ҳаловат

бахш этгайдир: Оллоҳ ва расулини ҳаммадан кўра яхши кўрмоқ; яхши кўрган кишисини фақат Оллоҳни деб (Оллоҳ яхши кўргани учун) яхши кўрмоқ; ёмон кўрган кишисини фақат Оллоҳни деб (Оллоҳ ёмон кўргани учун) ёмон кўрмоқ”, деб марҳамат қилган.

Ғазални шарҳлашга киришайлик.

*Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.*

Сочингга асир бўлган жонимнинг тилаги – табассум қилувчи лабингга етиб боришдир, гўё Хизр (алайҳиссалом)нинг зулмат ғор ичига киришдан мақсади ғор тубидаги мангу тириклик суви – обиҳаётга етиб бориш бўлганидай.

Бу байтнинг илк сўзларида мумтоз адабиётимиздаги ҳуруфий бадий санъат намоён бўлади: “жон” сўзидаги “ж” ҳарфи араб алифбосида “ج” шаклида келади – ёрнинг белига чулғанган соч шаклини эслатувчи бу ҳарф остидаги нуқта эса гўзаллик эталони саналган нуқтадек оғизни ифода этади. Башарти шу нуқта бўлмаса, айти ҳарф “ж” товушини англата олмагани каби, соч орасида ўралашиб, уларга асир бўлишдан мақсад – жон бахш этувчи табассумли лабингга етиб боришдир. Иккинчи мисрадаги қоп-қоронғи зулмат ғор – ёрнинг қоп-қора сочиға, унинг тубидаги обиҳаёт эса ёрнинг жон бахш этувчи лабига муқояса қилинади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг узун сочи бўлган, кўпинча уни икки ўрим қилиб ҳам юргани маълум. Шунинг учун ҳам бир шоир бу ҳақда: “Ба ҳаққи ҳар ду гесуйи Муҳаммад, Забун орад забардастони моро” (Муҳаммаднинг ҳар икки кокили ҳурмати, бизга зўрлик қилганларни ўзинг забун айлагайсан, ё Парвардигор!), деган мисраларни битган. Ёрнинг сочи деганда, бу ўринда Расулulloҳнинг сочлари, оғзи деганда эса ваҳий хабарини баён этган тили кўзда тутилади. Бу ва шу каби ғазалларда Пайғамбар алайҳиссалом билан гўзал париваш образлари ўзаро чатишиб ҳам кетади, дабдурустан уларни тафриқ қилиш анча мушкул.

*Шавқ ўтиға урмасам су, куйдурур кўнглумни пок,
Истагандин ўқларинг кўнглумга пайкандур ғараз.*

Шавқ оташи устига сув уриб совутиб турмасам, кўнглимни буткул куйдириб юборади, сен отган ўқларнинг кўнглимни нишон қилишини истаганим шавқи шунчалик!

Ёрнинг сочи ва лаъли хандони васфидан сўнг яна икки нишон – ошиқ кўнгли ва бу кўнгилга ўқ отувчи ёрнинг кўзи тавсифига ўтIAMпмиз. Аслида, сайёднинг овга қарата пайкон отиб уни яралаши – азоб бериш ёки жонини олиб, уни қўлга киритиш бўладиган бўлса, сайд ўрнида келаётган ошиқнинг ўзи ёрнинг шу томонга – кўнглига қаратиб ўқ отишини истайди, чунки бу ҳолда, мантиқан, маъшуқанинг мақсади ошиқ бўлиб қолади-да. Лирик қаҳрамон бунини шу қадар истайдики, қачон кўнглим сари ёрнинг кўзи киприкларини ўқ қилиб отаркин, дея бесабрлик ила шавққа тўлади, дили аланга бўлиб куяди, бу оловни сал бўлса-да пасайтириш учун унга сув уриб турилади. Албатта, бу сув – ошиқнинг кўз ёшларидир.

*Невчун, эй ҳижрон, азоб айларсен онсиз жонима,
Истагилким, топшурай гар худ санга жондур ғараз.*

Эй ҳижрон, нима сабабдан онсиз (ул ёрсиз) жонимга бунча азоб қиласан, майли, агар мақсадинг шу жон бўладиган бўлса, уни сенга топширай.

Бу ўринда жонлантириш санъати яққол кўриниб турибди. Лирик қаҳрамон ҳижрон деган кечинмани бадий образга айлантириб, унга хитобан, агар сенга жон керак бўлса, ол, аммо нега уни бунча қийнайсан, деб сазо қилади. Битта мисранинг ўзида “ҳижрон”, “он”, “жон” каби лафздош сўзларнинг келиши байт жозибадорлигини оширган.

Гарчи матндан шундай маъно конкрет равишда англашилмаса ҳам, “онсиз жоним” калимаси зимнида “жонсиз жон” дейиш муддаоси бордек, деб айтишга журъат этамиз. Сабаби, ёрсиз жоннинг лирик қаҳрамон учун қадр-қиммати йўқ. Бу ҳақда Навоий бошқа бир ғазалида: “*Жонда ишқинг бўлғуси – то танда жон бўлғусидир, танда жондек, жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидир*”, деб ёзган. Шоир учун ёр (ёрнинг ишқи) жони ичра жондир.

*Юз туган қўйдум, эмас қониъ, кетинг, жону кўнгул,
Гўйиё ул бевафога доғи ҳижрондир ғараз.*

Юз(лаб) яраларни куйдириб босдим, аммо бу ҳам қониқтирмайди уни. Шунинг учун, эй жону кўнгил, мендан кетинглар. Чамаси, ул бевафога ҳижрон доғи – мақсадга ўхшайди.

Туган қўймоқ – куйдириб из босмоқ, шу орқали таниқлиғ қилишдир. Ошиқнинг бутун борлигини ана шундай туганлар тугуни босиб кетган. Аммо ёр бунга ҳам қаноат қилмайди, қониқмайди. Сўнг ҳолатдаги ошиқ жони ва дилига қарата, кетинглар, чунки унинг муддаоси жон ҳам, кўнгил ҳам эмас, ҳижрон доғининг ўзи шекилли, деб аламноқ ҳолини ифода қилади.

Байтдаги “доғи” сўзи икки маънода қўлланган кўринади. Биринчиси: доғи ҳижрон, яъни ҳижронлар туфайли кўнгилга тушган доғлар. Иккинчиси: доғи – тагин дегани бўлса, у ҳолда мазмун янгиланиб, ёрнинг мақсад-муддаоси жон ва кўнгилни олиш эмас, балки ҳижрон доғларини кўпайтиришдан иборат экан, деган мазмун юзага келади.

Шу билан бирга, “юз туган” деган ифода бекорга келаётгани йўқ, эндиги тасвир навбати – юзгадир.

*Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этма, тийғ сур,
Мен биҳилмен гар санга бу бир овуч қондур ғараз.*

Кафтингни қизартирмоқчи бўлсанг, қўрқитиб ўтирмай, тиғ торта қол, негаки агар сенга шу бир ҳовуч қоним керак бўлса, мен розиман.

Ёр ўзига оро берар экан, хина қўйишни ҳам унутмайди. Хина қўл кафтига қизғимтиртус беради, ёқимли қилади. Лирик қаҳрамоннинг севгани эса қўлини ошиқнинг қонидан қизартирмоқчи. Ҳолбуки, ошиқ бунга аллақачон рози, зеро ёрнинг кўнглини хуррам этиш учун у нафақат қон, балки жон беришга ҳам ҳозир.

*Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.*

Эй севганим, бу олам ҳам, ундаги барча одамлар ҳам сенга фидо бўлсин, зероки олам яратишдан Халлоқнинг мақсади – одам яратиш, одам яратишдан мақсади – сен эдинг.

Бу байтда ўша машҳур “Лав лаака...” хитобига ишора бор.

*Эй Навоий, воқиф ўл ҳолингғаким, ёр оллида
Бас фаровондур ғаразғў, асру паррондур ғараз.*

Эй Навоий, ўз ҳолингни яхши бил, зеро ёр олдида ниятини айтувчилар жуда кўп, аммо мақсаднинг ўзи отилган ўқ каби – бир зумда ўтади-кетади.

Бу – ўз мазмунига кўра, афоризм даражасига кўтарилган байтдир. Зеро, бу дунёда яшаб кун кўраётган ҳар бир одамнинг дилида, каттадир-кичикдир, мақсади бўлади, банда йўқки, Худодан тилагига етишни сўрамаса. Бироқ бу орзу-ниятларнинг камдан-ками амалга ошади, уларнинг рўёбга чиқиши ялт-юлт этиб учиб кетган бир камон ўқи каби, ўтади-кетади, кейин унинг ортидан қувиб етиб бўпсан. Демак, деб хулоса қилади улуғ шоир, ўз ҳолингдан ўзинг хабардор бўл ва шунга яраша ниятларни ўз олдингга қўй.

* * *

*Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз.*

*Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.*

*Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.*

*Эйки, истарсиз “саводул важҳ фиддорайн”дин
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қарода истангиз.*

*Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.*

*Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.*

*Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.*

(3, 200)

Албатта, Навоийнинг ушбу ғазалида ҳам асосий мотив ошиқнинг муҳаббати, ёрни соғиниш, унинг илтифотидан умидворлик, жабридан шикоят, тинглагувчи дўст олдида ҳасратларини айтиб кўнгил бўшатишдан иборат. Аммо бу улуғ шоир ғазалларининг ҳеч бирида аввалги айтилган бирон фикр ўша тарзда такрорланмайди, инсон дилидаги кечинмалар-

нинг янги-янги талқинлари инкишоф этилади, бу гап шу ғазал орқали ҳам далилланиши мумкин.

Аввало, радифга олинган “истангиз” сўзини изоҳлаб ўтсак. “Иташ” ҳозирги адабий тилимизда – хоҳлаш, тилаш, деб тушунилади. Бироқ айрим минтақаларда, “идаш” – қидириш, излаш, дегани. Бу ғазалда “истангиз” сўзи айнан қидириш маъносида келади (Бобур Навоий ҳақида фикр юритганида “Андижон шеваси била росттур”, деб айтганини эсланг).

Байтлар шарҳи:

*Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз.*

*Эй сиз, бизни қидирганлар! Бизни бало саҳросидан, ҳижрон водийсую ранжу машаққат
даштидан ахтаринг (бизга шундай жойлар насиб бўлган).*

Бу дунёда ҳеч бир киши ўзи орзу қилган ҳамма нарсага тугал етмаган. Айниқса, ишқ-муҳаббат бобида. Аксар ошиқлар бахтсиз ва бечора кимсалар. Ёрдан меҳру вафо ўрнига жабру жафо, истиғно кўриб, ҳар лаҳзада умидсизликка тушади, яна дилида илинж пайдо бўлади, бироқ тағин алам-ситамга дуч келади... Унинг ҳолати бепоён бир бало саҳросида тиним билмай тентираган, ҳижрондан бошқа ҳеч нарсаси йўқ бир водийда ёлғиз қолган, азоб-уқубат тўла дашти биёбонда югурган кишининг ҳолига монанд. Шунинг учун ҳам шоир, ким бизни изласа, шундай жойлардан қидирсин, дейди.

*Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.*

*Агар ул водийда Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун кабилар пайдо бўлишса, мени ҳам ўша орадан
изланг (менинг маконим уларнинг ўртасида бўлади).*

Дунёда ишқномалар кўп. Аммо “Вомиқ ва Узро” дос тонидаги шўрлик ошиқ Вомиқ, “Фарҳоду Ширин”даги болокаш Фарҳод, ишқ саҳросининг девонаси бўлган Мажнун (“Лайли ва Мажнун”) улар орасида фожий тақдирлари билан машҳур. Навоий “ирсоли масал” бадий санъатини қўллаб, лирик қаҳрамонни ҳам улар қаторидаги ғамгусор ошиқ қилиб кўрсатяпти.

Тилимиздаги “ўрта” калимаси “ора”дан келиб чиққан (орада → ўрта). Бинобарин, “ул арода” деган ифодани “ўшалар атрофида” деб эмас, “ўшалар ўртасида” деб талқин қилсак, шоирнинг муддаосига яқинлашган бўламиз.

*Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.*

*Улардан юзлаб нафарининг ишқича дарду бало ва ғам-ғуссаларига ким талабгор бўлса,
унинг бошига келган можаролар ичра мени излангиз.*

Навоийнинг лирик қаҳрамонига бояги ошиқлар қатори бўлиш ҳам кам. У Вомиқу Фарҳоду Мажнунлардан юз карра кўпроқ ошиқ. Шунинг учун улар бошига келган дард, бало ва

ғам-ғусса ҳам бу ошиқнинг бошига юз барабар кўпроқ ёғилади, уни мана шунча можаро ичра қидириш керак экан.

*Эйки, истарсиз “саводул важҳ фиддорайн”дин
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қарода истангиз.*

Эй, “икки дунёда юзи қора бўлмоқ” нималигидан хабардор бўлишни истаганлар, уни мендан – юзи қора бўлган кимсадан излангиз.

Икки хил дуо бор. Булардан бири – “фид дунё ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан” дир, мазмуни – “бу дунёни ва охиратни гўзал қилгин”, демак. Унинг аксича “саводул важҳ фиддорайн” қарғиши эса – икки дунёда ҳам юзи қора бўлишни билдиради. Бундай қарғиш теккан кимсанинг юзи униқиб-қорайиб кетади, бу шум тақдир ҳамиша уни таъқиб этади ва ҳаргиз ранги очилмайди. Балойи ишққа мубтало ошиқнинг нафақат ранги ўчиқ, балки дили ҳам ҳар доим зимистон бўлиб юради. Бундай кишини ким кўрмоқчи бўлса, лирик қаҳрамонни изласин. Зеро, унинг юзи қаро-қайғули экани маълум.

*Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.*

Кўнглим ёрнинг сочи ичра пинҳон бўлган, шунинг учун ишқим баёнини асло мен телбадан эмас, ул мубтало кўнглимнинг ўзидан сўрангиз.

Ошиқнинг ҳоли шунчаликки, ишқини, бу ишқ қай даражада эканини бировга айтиб бера олмайди. Чунки ишқ кўнгилда бўлади-ку! Унинг кўнгли ўзида эмас, балки ёрнинг зулфида. Шу зулфга мубтало бўлган. Шунинг учун, боринг, ана ўша мубтало кўнглимнинг ўзидан сўранг.

Бу ўринда икки нукта бор. Биринчиси – ёрнинг зулфи қоп-қора, қора жойда эса ҳеч нарса кўринмайди. Шоирнинг, “мен сизга ишқим ҳақида ҳеч нарса дея олмайман”, дейиши шундан (ички қизғаниш, ёрни рашк қилиш). Иккинчиси – сўфийлар фалсафасига кўра, ёрнинг зулфи йўқлик оламини билдиради, ошиқнинг кўнгли йўқликка юз тутган экан, бу кўнгил қаърида бўлган ишқи ҳақида нима ҳам дея олсин?

*Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.*

Котиб вафо сўзи узра бир нуқтани рақам қилади-қўяди, шундай экан, ишқ ўтининг доғ-аламини вафо аҳлидан сўраган тузук.

Котиб ишқ ўтининг доғини бор-йўғи бир нуқта қўйибок ҳал этади (араб ёзувида “вафо” сўзидаги “ф” ҳарфи устига бир нуқта қўйилади), аммо вафоли ишқнинг доғи қандай эканини вафо аҳлининг ўзидан сўранг. Навоий айтади:

*Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.*

Оғзи шавқидан Навоий йитди-йўқолди, эй сиз – уни излаган одамлар, бу ошиқни ё йўқлик даштидан, ё фано мамлакатидан излангиз.

Тасаввуф истилоҳларида оғиз (ёрнинг оғзи) ком – ошиқни мақсадга етказиш деб шарҳланади. Шундай экан, Навоий – лирик қаҳрамон ана шу муродбахш оғиз шавқидан йўқ бўлиб кетди, албаттаки, энди ким уни изламоқчи бўлса, ё йўқлик даштидан, ёки ўлим юртидан қидириши керак.

Шарқ эстетикасида ёрнинг оғзи кичкина бўлиши – гўзаллик эталони. Мумтоз шеъримизда эса бу қараш ҳадди аълосига чиқади: ёрнинг оғзи бор билан йўқнинг орасида – бир нуқтадай деб тасвирланади. Ўзи нуқта каби бўлган оғиз шавқида шоирнинг йўқ бўлиб кетиши мантиқан тўғри.

Ошиқнинг маъшуқа хаёли, ишқи билан яшаши ўзини унутишга олиб келади, у маҳбуби оламига ўтиб, у билан бирлашиб кетади (фанофиллоҳ). Гарчи бундай ошиқ жисман орамизда бўлса ҳам, руҳан ўзию ўзлигини унутган, ёрга сингиб, моҳиятан, у билан қўшилиб кетган. Шунинг учун ҳам Мажнундан, кимсан, деб сўраганларида “Лайли” деб жавоб беради. Чунки унинг учун оламда Лайлидан бошқа ҳеч нарса қолмаган, ўзи ҳам Лайлининг бир қисмига айланган.

Бундан туб мурод эса магарки ошиқ ёрга сингиб кетдими, мантиқан, ёр ҳам ошиқ билан қўшилиб кетишини тилашдир, асл висол ҳам ана шугинадир.

Биз ҳар бир байтни сўзма-сўз тарздагина талқин қилишга уриндик, холос. Ўшанда ҳам у ёки бу байтдаги шоир кўзда тутган асл маънони топа олдикми-йўқми, жилла аниқ эмас. Чунки Навоийдан ҳар бир мисра ва байтни қайта-қайта ўқиб, ундаги янги-янги маъно ва мазмун топиш ва ҳар гал бу мутолаадан янгича завқу мароқ олиш мумкин. Навоийнинг ҳеч бир байти – айниқса, ғазал ва рубоийларда – биттагина маънони ифода қилиб тугамайди. Шунинг учун ҳам бу даҳо шоирнинг аксар қўшмисралари “шоҳбайт” деб таъриф қилинади. Биз бир қатла таталаб чиққач, ажзимизга иқрор қилдирган бу ғазал ана шундай сермаъно, тасаввуф фалсафасининг бутун мағзини ўзида ниҳон қилган асарлардан бўлиб чиқди.

Шерали ҳофизнинг бу ғазал руҳига мувофиқ бир куй басталаб, дилсўз хониш қилиши эса уни элимизга янада яқинлаштиргани шубҳасиз.

* * *

*Оҳким, номехрибоним азми бедод айлади,
Бирйўли меҳру вафо расмини барбод айлади.*

*Қўрқарам, аҳли вафо оҳи анга қилғай жафо,
Бу жафоларким, вафо аҳлиға бунёд айлади.*

*Бўлмади ношод охир дам гунаҳ бўлғай дебон,
Бегунаҳ аҳбобни мундоқки ношод айлади.*

*Бир дам ичра тунд сели қаҳр ила қилди хароб,
Ҳар вафо қасрики, йиллар ани обод айлади.*

*Дам урарға топмади ҳад кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб ғамзасин, кирпични жаллод айлади.*

*Тинди абнойи замоннинг ихтилофи табъидин,
Кимки ўз табъини бекасликка муътод айлади.*

*Кўнгли мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.*

(3, 611)

Навоийнинг бу ғазали ҳам ашула қилинган. Ўзбекис тон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев уни чиройли бир йўсинда, дард билан ижро этган.

Таъб аҳли орасида машҳур бўлган бу ғазалга турли назира ва тақлидлар ҳам юзага келган (чунончи, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида хотин-қизларни жамият фаолиятига тортиш мавзусида ёзилган бир ғазалда:

*Баъзибир хизматчилар хотинни “озод” айлади,
Илгариги эркини дам, яъни барбод айлади).*

Энди ушбу машҳур ғазалнинг ўзини талқин қилишга ўтайлик.

Маълумки, 1487 йилда Навоий сарой фитналари қурбони бўлади: ҳеч қандай изоҳсиз бош вазир лавозимидан бўшатилиб, ўша онда Астрободга ҳоким қилиб тайинланади ва шорига ошиғич равишда бу шаҳарга жўнаш буюрилади:

*Оҳким, номехрибоним азми бедод айлади,
Бирйўли меҳру вафо расмини барбод айлади.*

Оҳ, бу меҳрсиз кишим зулм қилишга қарор қилди ва биратўла меҳр-оқибат қоидаларини ҳам йўққа чиқарди.

Тарихдан маълум: Навоий бева-бечораларга енгиллик туғдириш ва Ҳусайн Бойқаронинг мамлакат хазинасини тўлдириш борасидаги ташвишини енгиллаштириш учун мамлакатнинг йиллик даромад солиғини неча марта ўз маблағлари ҳисобидан тўлаб юборган, жонини хатарга қўйиб, салтанат душмани Ёдгор Мирзога қарши кўкрак кериб чиққан ва ҳ. Навоий меҳр-оқибат таомили шундай бўлади, деб билар эди. Аммо шоирнинг бундай вафосига шоҳнинг жавоби... жафо бўлди, холос.

*Кўрқарам, аҳли вафо оҳи анга қилғай жафо,
Бу жафоларким, вафо аҳлиға бунёд айлади.*

Вафо аҳлининг унинг жафолари туфайли тортган оҳи уриб, жафо тортиб қолмаса экан, деб кўрқаман, зероки у вафо аҳлига шу қадар кўп жафо қилди.

Ҳар нарсанинг уволи бор, дейдилар. Навоий ўз вафоси эвазига жафо тортиб қолганини, вақти келиб, бу вафонинг оҳи тутишини башорат қилади.

*Бўлмади ношод охир дам гунаҳ бўлғай дебон,
Бегунаҳ аҳбобни мундоқки ношод айлади.*

*Бир дам ичра тунд сели қаҳр ила қилди хароб,
Ҳар вафо қасрики, йиллар ани обод айлади.*

Беғуноҳ дўстларини шу қадар хафа қилгани етмаганидай, бу ишларим охир-оқибатда гуноҳ бўлади, деб хафа ҳам бўлмади. Қаҳр-ғазаби сел бўлиб тошдию, йиллар давомида обод этилган қанчадан-қанча вафо қасрларини бир дамда харобага айлантирди.

Аслида, бу байтларни шарҳлашга эҳтиёж йўқдай: ағёрларни шод этиб, дўстларни ғамга ботираётган ва бунинг гуноҳ эканини ўйлаб ҳам кўрмаётган, йиллар давомида тикланган муаззам вафо қасрини бир дамда зулм сели билан хароб қилган оқибатсиз дўст сиймоси намоён бўлади бунда.

Қуйидаги байтда эса Навоийни Астрободга юбориш ҳақидаги фармон эълон этилган чоғда шоҳнинг қаҳр-ғазабга тўлиб тургани, шунинг учун ҳеч ким ўртага тушиб, ошиқ (Навоий)нинг ёнини олишга журъат қилолмагани шарқона андиша билан, аммо аниқ тасвирланади.

*Дам урарға топмади ҳад кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб ғамзасин, кирпични жаллод айлади.*

Бирон кимса ҳадди сиғиб, бу ошиқларнинг ёнини олишга журъат қила олмади, чунки ёрнинг ҳар нигоҳи шаҳна (миршаб), кирпичи жаллод каби эди.

Бунчалик оқибатсизлик кўрган шоир узлатга нажот излаб кетиши аниқ.

*Тинди абнойи замоннинг ихтилофи табъидин,
Кимки ўз табъини бекасликка муътод айлади.*

Ким ўз табиатини одамлардан қочишга мойил этса, қулоғи замондошлари можаролардан тинч бўлади.

Рост, аммо ўзингдан – дил изтироби ва аламларидан қочиб бўлармиди?

*Кўнгли мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.*

Гарчи ошиқ кўнгли ўз мамлакатини обод этишни истайди, аммо Навоий Астрободга келибдики, фироқ (Ҳирот ёди, ёр-дўстлар соғинчи) ғоратгир аскарлар каби уни хароб этади.

* * *

Навоий замони деганда дафъатан шойи саллалик, бир-бирига таъзим-тавозе билан му-рожаат қилаётган уламою фузалолар, шоирнинг ўзи айтган нафис анжуманлар кўз олди-мизга келади. Дарвоқе, бу Навоий даврига, хусусан, унинг муҳитига хос ҳам. Аммо ҳар қанча ороланиб, нафосатларга бурканмасин, адабиёт фақат гўзалликни эмас, шу замин ҳаётини бор бўйича акс эттиради, ундаги турфа ижтимоий муносабатларни (жумладан, турли қара-ма-қаршиликларни ҳам) бадий тасвирлаш адабиётнинг асосий юмуши бўлиб қолаверади. Ижодкор нечоғлиқ салоҳиятли, истеъдоди қанча юксак бўлса ва ҳаёти жамият турмуши би-лан қай даражада боғлиқ бўлса, ижтимоий воқеа-ҳодисалар унинг қалбида шунча чуқур из қолдиради.

Навоий ана шундай шоир эди.

Уни “ҳоким” қилиб тайинлаш орқали пойтахтдан узоқлаштиришга уринганларнинг бор-йўқ мақсади – юқори мансабларга эришиш, ноинсоф ишлари учун тўсиқ бўладиган Наво-ийни бартараф этиш эди, холос, аммо шоирни Астрободга жўнатиб юборар эканлар, икки йилгина аввал туркий тилдаги ягона “Хамса”ни барпо этган, туркий тилдаги энг катта ли-рик тўплам бўлмиш “Хазойинул маоний”ни тартиб берган, истеъдоди авж нуқтасига кўта-рилган Навоийнинг янада илҳом билан ижод қилишига, қолаверса, унинг ҳомийлигидаги беқиёс Ҳирот адабий-маданий муҳитининг тараққиётига, охир-оқибат, туркий адабиёт, санъат ҳамда маданият ривожига қанчалик зиён келтиришаётгани уларнинг хаёли кўча-сидан ҳам ўтмагани чин.

Зикр этилган ғазаллар бундан беш юз ўттиз йил аввал битилган. Орада қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо Навоийнинг ўша дамги хўрсиниқлари, изтироблари эса ҳамон боягидай. Ҳиссиёт ўлмас экан-да.

Ўйлаб қоласан киши: бу жаҳон айвонида ҳеч ким мангу яшамас экан, одамдан абадулабад мерос бўлиб нима қолади? Бир халта суяк ёки бир ҳовуч тупроқ, холосми? Йўқ, албатта. Ҳа-дисларга кўра, киши ортидан бола-чақасининг дуою амалларининг савоби, қурган имо-ратию эккан дов-дарахтидан бошқаларнинг баҳрамандлиги, башарти олим ё адиб бўлса, ёзган асарларидан одамларга етган нафнинг савоби бориб туради. Бу деганики, одамдан бу ёруғ дунёда, аввало, одамийлик қолади. Инсон боласининг асосий хислати – одамийлик, одамгарчиликдир.

Улуғ шоир истеъдоди ва имкониятини, ҳаётини халқига, миллатига бағишлаб ўтди. Бе-баҳо, беқиёс асарларини одамларга мерос қилиб қолдирди, бутун бойлигини ҳақ йўлида, халқ учун сарф қилди, неча ўнлаб эл корига ярайдиган иморатлар қурдирди, юзлаб адиб-ларга, олимлар ва санъаткорларга ҳомийлик қилди.

Навоий ҳар бир кишидан одамийликни талаб қилган. Одамийлик шевасига бегона, халқ ғамидин ғами йўқ кимсаларга дуч келган чоғда унинг нозик қалби доимо ларзага келар эди, тазкираларда бу ҳол кўп қайд этилган.

“Айлагай” ва “айлади” радифли биз юқорида кўриб ўтган икки ғазал эса шоирнинг на-фақат шундай озурдаҳол бир пайтида, балки ҳаётининг энг фожеъ ва изтиробли палла-ларида дунёга келган. Бинобарин, **“Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай!”** (Одам-зодга меҳр қўйган кишининг ўзи одам эмас) деган мисрадаги кескин фикрни Навоийнинг одамзодга берган умумлашма баҳоси, умри давомида келган фожеали хулосаси сифатида қабул қилмаслик керак.

* * *

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.*

*Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қоронғу, келмади.*

*Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.*

*Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бари қон эрди келган, бу кеча су келмади.*

*Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам, маъшуқи ўтру келмади.*

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.*

(3, 608)

Бу ғазални ҳамма билади. Навоий асарларининг бирон нашри йўқки, у қўшилмаган бўлса. Кўпдан бери ашула қилиб айтилади. Куйининг номи – “Муножот”. Ушбу ашуланинг мароми бундан аввал талқин этилган ғазал куйининг аксидай – ошиқнинг зору нолон бўлиб айтаётган “келмади”, яъни муродим ҳосил бўлмади, деб гиря қилиши оҳиста ва ҳазинлик билан эмас, Берта Довудованинг тезлаштириб айтиши сабабли ритм шўхроқ, ўйноқироқ тус олган. Муҳаммаджон Каримов эса уни бироз чўзиқ, нолали қилиб ижро этган. Бошқа аксар ижрочилар ана шу икки маромнинг бирини танлайдилар. Қўшиқ эл ўртасида жуда машхур.

Ғазалнинг шарҳу талқинлари ҳам жуда кўп. Чунончи, интернетдаги бир шарҳда (муаллифи кўрсатилмаган) шоир “ул сарви гулрў” деганда кўз ёшини назарда тутяпти, лирик қаҳрамон тунда Оллоҳ ишқида кўз ёши тўкишни истайди, аммо ўша кўз ёши кела қолмаганидан ҳасрат чекади, деб кўрсатилган. Яна бир талқин ҳам ажабтовур: бир уламо интернетда тарқатилган суҳбатда қавмларига айтадики, Навоий ёш йигит чоғида туш кўрган. Тушига пайғамбар алайҳиссалом кирган. Шоирга, мен яна келаман, кут, деган, аммо ўшандан бери келмас экан... “Ул сарви гулрў” деганда Расулуллоҳни тушуниш лозим эмиш.

Бу каби тахмин-тусмолларни ўртага солиб, киши бошини қотиргандан кўра, шеърдаги конкрет маънодан келиб чиқилгани мақбул, деб ўйлаймиз.

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

Ул сарвқад, гул юзлигим кечқурун келаман деди, аммо келмади, (шунинг учун) кўзларимга тонг отгунича уйқу келмади.

Биров келаман, деган бўлса, вақтини ҳам айтса, киши уни кутади, кечқурун келадиган одамни эса, ана келар-мана келиб қолар дея, кўзидан уйқуни ҳайдаб, тонг оттириб юбориши ҳам мумкин, бу реал ҳолат тасвири.

*Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.*

Йўлида интизор бўлиб, дам-бадам ташқарига чиқдим, (бундан хуноб бўлиб) жоним оғзимга келди, бироқ у қалтис ҳазил қилувчи шўх нигор келмади.

Одам бировни зориқиб кутса, тезроқ кўргиси келади, бунинг учун ҳар лаҳза унинг йўлини пойлайди. Лекин бевафо ва бепарво ёр ёлғондан ваъда беради-да, ошиқни азоблайди. Хуноб бўлган ошиқнинг жони оғзига келади – ўлгудек ҳолга тушади, аммо эркатантиқ ёр барибир келмайди. Бу байтда келмоқ сўзи ҳам оддий (келмоқ), ҳам фразеологик маънода (жони оғзига келмоқ) қўллангани боис сўз ўйини ҳосил бўлган.

*Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қоронғу, келмади.*

Кундуз унинг юзи каби ёруғ, нурли эди, балки шуни андиша қилиб келмаган бўлса, аммо ҳаммаёқ менинг ҳаётимдай қоронғи бўлганида ҳам келмади-ку?

Бу ўринда қаршилантириш бор: ёруғлиқ ёрнинг оппоқ, порлоқ юзига, қоронғилик эса ошиқнинг кўзига дунёни қоронғи қилган ҳаёти-рўзгорига қиёс қилиняпти. Лирик қаҳрамон ҳайрон – ўзгалар кўрмасин дея кундузи келмаган бўлса бордир, аммо энди тун, кела берса бўлар эди, аммо келмади...

*Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.*

У парисиймо ёр ҳажрида девоналар каби зор-зор йиғладимки, бундай девонани кўрганда кулиб юбормайдиган одам бормикин?

Ниҳоят, ошиқнинг сабри соб, тоқати тоқ бўлади, ортиқ чидаёлмай, фарёд қилади. Бирон киши урмаган ё сўкмаган ҳолда, ўзидан-ўзи йиғлаётган одамни кўрган кимсалар уни девона (жинни) деб ўйлаши табиий. Ҳар қандай киши кўрганида куладиган жиннилар каби йиғладим, дейди лирик қаҳрамон. Йиғи ва кулги – киши туйғуларининг бу икки зид намоиши ушбу байтда тазод бадий санъатини ҳосил қилган.

*Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бари қон эрди келган, бу кеча су келмади.*

Кўзларингдан қанча су – ёмонлик келадиган кўринади, деб мени ўлдирманг, чунки келганининг бари қон эди, бу кеча (ҳатто) сув ҳам келмади.

Армонлари сира ушалмаган кишининг ахийри дийдаси қотади, кўзида майинлик ва меҳр қолмайди, бундай одамлар илгари бадчашм аталиб, ҳамма ёмон кўрган. Ундан ёмонлик келади, дея хавфсираб, ўлдиришган ҳам. Лирик қаҳрамон бунинг сабабини тушунтиради – кўзимдан қон (қонли ёш) келар эди, у ҳам қуриб битди, энди бу кеча ҳатто сув – оддий кўз ёши ҳам келмади, дейди. “Су” ва “сув” сўзлари эски ёзувда бир хил ёзилганидан фойдаланиб, шоир ҳуруфий санъат қўллаган: су келгай : сув келмади.

*Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам, маъшуқи ўтру келмади.*

Машғуқи қаршисидан чиқа бермайдиган бўлса, йўлга аввал қадам қўйиш талабида содиқ одам топилмайди.

Таркиби бирмунча мураккаб байт. Маъно тиғизлиги боис, инверсия фаровон қўлланган. Шоир, саломга яраша алик бўлмаса – бу у томон йўлга тушсаю, у бунинг сари юрмаса, бошлаб қадам қўйиш талабига содиқ одам топилмай ҳам қолади, дейди. Яъни ёрга нидо қилинпти: сен ҳам кел энди...

Аммо ёр ошиқнинг бу нидоларига парво ҳам қилмайди, илтижолари ижобат бўлмайди. Ва табиийки, бу ҳолда лирик қаҳрамон учун биргина йўл қолади:

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.*

Эй Навоий (уйингга ёр келмадимиз), энди бода (ичмоқ) ила кўнглинг уйини хуррам эт, нимагаки, бода кирган уйга қайғу келмайди.

Тоқати тугаган, умид-илинжи қолмаган ошиқ ёрининг келмай қилган ситамидан ўзига бир юпанч ахтиради. Бунинг ягона чораси – бода. Бода ичган одамнинг кўнгил уйи алланечук шодланади, қайғулар нари кетгандек бўлади. Шоир ўзига, бода билан кўнгил уйингни хуррам эт, деб даъват қилади. Негаки, бодасиз – ишқсиз кўнгил қоронғидир, қайғу билан тўлиқдир. Чинакам муҳаббат майигина уни сарафроз этади, бундай бода кирган кўнгил уйи ёрнинг оразидек ойдин, чароғон бўлади. Бу бода, бу май нималиги эса муҳтарам китобхонларга яхши маълум.

* * *

*Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топқил они.*

*Ҳолин сўрғил, ул ҳам сўрса,
Деким, “Сенсиз йўқтур жони”.*

*Истидъо айлаб, ёндурғил,
Келмас бўлса, де пинҳони*

*Ким, “ул дилбар қилмиш ваъда,
Бу тун бўлмоққа меҳмони”.*

*Чин деб келса, ани эмди
Айлай кўксумда зиндони.*

*Соқий, бизни ғамдин қутқар,
Келтургил роҳу райҳони.*

*Ул ойсиз ун чекса Навоий,
Ўтгай гардундин афғони.*

(4, 638)

Гарчи бу ғазалнинг мисралари қисқа, шунга кўра, вазни шитоб, руҳи шўхроқ бўлса ҳам, мазмунан оғир бир ҳолат – ёрнинг васлидан жудо бўлишнинг ўлимга яқин экани ҳақида гап боради. Шоир баайни “Лайли ва Мажнун” достонида саҳро оралаб Лайлининг юртига кетиб бораётган бир отликқа Мажнуннинг ёлбориб, “Эй биродар, Лайли ёримни кўрсанг, унга мана бу гапларимни етказгин”, дея унинг ортидан эргашиб, саломлар айтгани каби бир вазиятни юзага келтиради. Шеър тасаввуфий руҳда: ёр келмаса – жон борадир, деган мазмун билан ниҳояланади.

*Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнғлум итмиш, топқил они.*

Эй дўстим, ҳар томонга бор(иб ахтар), кўнғлим (қалбим)ни йўқотиб қўйдим, сен уни ахтариб топгин.

Кўнғлим йўқолиб қолди, дегани – адабиётда янги гап. Навоий даври учун эса мутлақо кутилмаган ташбеҳ. Яъни инсон танасининг бир қисми бўлган қалб жонлантирилади, у алланимадан ранжиб, ўз уйи – кўкрак қафасидан чиқиб, қаёққадир кетиб қолган, хастаҳол шоир эса уни топиб, олиб келиб беришни ҳамдамидан илтижо қиляпти.

*Ҳолин сўрғил, ул ҳам сўрса,
Деки, “Сенсиз йўқтур жони”.*

Кўнғлимдан ҳол-аҳвол сўра, агар у ҳам сўраса, “Сенсиз унинг жони йўқ”, деб айт.

Ошиқнинг муносабатини қаранг: ўз уйини тарк этган кўнғлининг ҳолини сўрашни ўти-нади, башарти кўнгил сўраб қолса, “Сенсиз жони йўқ унинг” (яъни, ачингин), деб айтишни тайинлайди. Дарвоқе, кўнгилсиз юрак – гўшт парчаси, у гарчи тирик бўлса ҳам, жони йўқ каби.

*Истидъо айлаб, ёндурғил,
Келмас бўлса, де пинҳони*

*Ким, “ул дилбар қилмиш ваъда,
Бу тун бўлмоққа меҳмони”.*

Кўнглимга ёлбориб бўлса ҳам, қайтариб олиб кел, агар келмайман деса, пинҳон қилиб: “Бу тун ўшал дилбар меҳмон бўлиб келишни ваъда қилган”, де.

Кўнгилнинг нима сабабдан аразлаб кетиб қолгани ана энди маълум бўлди – ёр келмагани учун тарки ватан қилган экан! Энди, ҳамдам дўст унга ёлғондан бўлса ҳам “Бу оқшом ўша дилбар меҳмон бўлиб келишни ваъда қилган”, деб айтилса, эҳтимол, кўнгил жойига қайтар?

*Чин деб келса, ани эмди
Айлай кўксумда зиндони.*

Агар кўнглим бу гапни чин деб ишониб, қайтиб келса, (ана унда жазо тариқасида) уни кўксим ичра зиндонбанд қиламан.

Яъни қочиб кетгани учун кўнглимга жазо бераман – кўксимнинг зиндонига соламан уни. Бу ошиқликнинг иккинчи, мукаммал босқичи – илгари баайни қўл кафтида тургандай бўлган юрак энди кўкрак қафасининг ич-ичига яширинади, муҳаббат овозаси энди аввалгидай ғавғо кўтармайди, зоҳирий севги энди ботиний ишққа айланади.

*Соқий, бизни ғамдин қутқар,
Келтургил роҳу райҳони.*

Эй соқий, бизни (мен ва кўнглимни) ғамдан қутқар – кўк рангли, райҳон исли майдан қуйиб узат.

Ишқнинг бу босқичида ёр деб ғам чекиш ва уни элга ошкор қилиш бартараф бўлади. Жаҳрий ибодат хофий ибодатга айлангани каби, ёрнинг хаёли билан яшашнинг ўзи сурур беради, баайни май нўш этган одамда юз берганидай, ғам ва ғурбат энди шодмонликка айланади.

*Ул ойсиз ун чекса Навоий,
Ўтгай гардундин афғони.*

Агар ул ойнинг (ёнида) йўқлигидан Навоий фарёд этса, оҳу афғони дунёни бузади.

Шоир бу байтда ўз ҳолидан шикоят қилиб, уни ошиққа ибрат қилиб кўрсатади: ул ой йўқлиги учун Навоий нола қилганида, фиғони дунёни бузган бўлар эди, аммо сабр-тоқат билан ҳижронни ўтказаётир-ку...

Кўнгил – ёрнинг жилвагоҳидир, яъни ёрнинг ишқи, унинг моҳияти кўнгилда бўлади. Шунинг учун ҳам кўнгил Каъбадан ҳам азизроқ, мукаррамроқ, деб уқтирилади, зеро ёр кўнгилда бўлади, унда тажалли этади.

Кўрамизки, даҳо шоирнинг кичик бир ғазали ҳам олам-олам маъноларни ташиб, ўша давр фалсафаси ва тасаввуфининг ёрқин ойнасига айланиши мумкин экан.

* * *

*Жунун водисиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бирйўли бузмоқ бузулған рўзгоримни.*

*Фалак бедодидин гарчи мени хоки ғубор ўлдум,
Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.*

*Шак эрмас партаве тушкач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадои сирмағай шамъи мазоримни.*

*Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.*

*Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.*

*Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг бошим олиб кетсам қўйиб ёру диёримни?*

*Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўрғай
Бағир парголасидин қонға булғанған узоримни.*

*Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.*

*Жаҳон таркини қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.*

(1, 638)

Бу Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан бири бўлиб, узоқ замонлардан бери ҳофизлар репертуаридан тушмай келади. Айниқса, машҳур ҳофиз Расулқори Мамадалиевнинг ўтқир ва ширали овоз билан қилган ижроси унинг янада оммалашувига боис бўлди. Бунга, аввало, ғазалнинг катта эҳтирос, таҳсинга сазовор мардоналик ила ёзилгани сабаб, албатта. Ошиқона руҳда битилган бу ғазал руҳи, шиддати ва сўфиёна маъноларни юксак бадиият пардасида тухфа эта олгани боис, нафақат Навоийнинг, балки умуман туркий шеърятнинг энг гўзал намуналаридан бири деб баҳоланса, арзийди.

*Жунун водисиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бирйўли бузмоқ бузулған рўзгоримни.*

Бу зор-нотавон жонимда телбалик водийсига юриш майлини кўряпман, (бас, энди) бузилган бу рўзгоримни биратўла бузиб ташлашни истайман.

Ғазал – муболаға билан ғазал. Шарти шуки, муболаға гўзал ҳамда мантиққа мувофиқ бўлиши керак. Ишқ шиддати лирик қаҳрамонни телбавор ҳолга етказди. Албатта, бу ҳолда у ҳатто ўзини ҳам ўйлай олмагани учун рўзгори ҳаёти дунёси бузилган. Девонавор ошиқ бу бузуқ рўзгорини “бирйўли” (батамом, биратўла) бузиш истаги борлигини айтяпти (афсуски, “бирйўли” деган сўзи нашрларда “бир йўли” дея ажратиб битилгани боис, бир марта, бир бор бузиб кўриш, дегандай таассурот уйғотиляпти. Ҳолбуки, “бирйўли” – биратўла, бошдан-оёқ деган маънони билдиради).

Хўш, ошиқнинг кўнгли нима сабабдан бунчалик вайрон бўлган?

*Фалак бедодидин гарчи мени хоки ғубор ўлдум,
Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.*

Тақдирнинг омонсизлигидан гарчи мен чанг-тўзон бўлиб кетдим, тилагим шуки, ҳатто тўтиёликка ғуборимни ҳам топа олмай қолишсин.

Бу дунёга умид билан келган киши вақти келиб хок-тупроқ ва чанг-тўзонга айланади. Қисмат шундай беомон. Аммо бу ўринда ошиқвафот этиб, хоки ғуборга айлангани йўқ, балки илтифотсизликсабабқадритупроқбилантенгбўлганиниарзқияпти, кейинчалик ҳатто ўша ғуборини ҳам топа олмай қолишларини истаяпти. Мумтозадабиётда кўп учрайдиган “тўтиё” – мис зангидир, бу модда табобатда кўз оғриғига даво сифатида ишлатилган.

Аммо бу байтда фақат ишқ йўлида ошиқнинг тани урён бўлгани айтилаётган эмасдай кўринади. У шоир ижоди ҳақида ҳам, деб тушунсак, янглишмасак керак. Навоий ўз ижодининг юксак даражасини ҳаммадан яхшироқ англаган, бир кун келиб унинг қадри ўзига муносиб юксакликда устувор бўлишини ҳам дилдан туйган. Бироқ замонасидаги пасту баландликлар боис “хоки ғубор” ҳолати юз берган бўлса ҳам, келгусида ана шу чанг-ғубори ҳам кўзларга тўтиёдай бўлишидан умид қилган. Ажабки, орадан замонлар ўтиб, шу ният ижобат бўлди – биз унинг хоки ғуборини кўзимизга суртадиган бўлсак, дил кўзларимиз равшан бўлади ва кўнгил булоқларимиз кўз очади.

*Шак эрмас партаве тушгач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу ғўристон гадои сирмағай шамъи мазоримни.*

Шаксиз, (ёр юзининг) шуъласи тушгач, уй-жой ҳам, бисот ҳам куярки, ҳатто мазордаги гадои ҳам ғўрим устида ёқилган шамимни ўғирлайди.

Партав – шуъла, ёғду дегани, алангадан отилиб чиққан шарора эмас у. Бироқ ёрнинг юзининг шааъшаси шу қадар ёлқинлики, ошиқнинг уйигина эмас, хонумони ҳам куйиб кетади. Ҳеч нарсаси қолмайди, ҳатто ғўристонма-ғўристон дайдиб юрадиган қашшоқ гадои ҳам унинг мазори бошида ёқилган шамни гумдон қилиб кетади...

*Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.*

*Сиз менинг қаёққа йўл олганимни сўраманг, менда ҳеч ихтиёр йўқ, (чунки) бор инон-ихти-
ёримни тақдир ихтиёрига топширганман-ку.*

Ошиқ саргардон – қаёққа боришини ўзи ҳам билмайди. Чунки у инону майлини қисмат-нинг ихтиёрига ҳавола этган. Шундай экан, ундан қаёққа боришга қарор берганини сўраш-нинг маъноси йўқ. “Охир” сўзи икки маънода: охир-оқибат ҳамда ахир деган маънода қўл-ланган. Шу билан бирга, байтда тақдирга – Оллоҳ иноят этган ёзмишни тафтиш қилмас-ликка қаноат ҳам бор.

*Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.*

*Қонли кўз ёшларим оқа-оқа қуриб, энди фақат сарғайган юзим қолди, тақдирнинг зулми
умримнинг баҳорини куз фаслига алмаштирди.*

Бу байт Навоийнинг инсон руҳиятининг зўр билимдони эканини намоён этади. Чиндан ҳам, кўп қайғу-ғам ва алам чеккан киши йиғлай-йиғлай, кўз ёшлари тамом бўлади, аммо сарғайган юзи қолади.

Ёмғир бир кун келиб ёғмай қўйгач, атроф сарғайгани каби, қонли кўз ёшлари тўккан ошиқнинг юзи ҳам куз рангидай сарғаяди, унинг баҳорини фалак куз билан алмаштиради.

Байтда таносуб санъати бор: гулгун – баҳор; заъфароний – хазон. Шу байт “Туганди қон-ли кўз ёшим” деб бошланиши ҳам мумкин эди. Лекин шоир бу ўринда ҳам ташбеҳ қўллайди: “ашки гулгун”. Кўз ёшининг гулгун бўлиши эса унинг қонли эканини чиройли бир тарзда ифодалабгина қолмай, қизил гул билан сариқ заъфарни ўзаро қиёс келтириш орқали тано-суб санъати учун ҳам замин ҳозирлаган... Давом этамиз:

*Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,
Не тонг бошим олиб кетсам қўйиб ёру диёримни?*

*Юртим одамлари ва ёр туфайли бошимга юз машаққат тушди, (бас), ёру диёримни тарк
айлаб, бошимни олиб кетсам, на ажаб?*

Навоий улусдан куйган шоир. Бунга яна бошқа ўнлаб ғазалларидаги шикоят мотивлари ҳам гувоҳ. Бир ёқдан, шоирга биз билган ва билмаган қанчадан-қанча касу нокаслардан етган озорлар бор, қолаверса, ижодкорнинг нозик таъби ҳар кимни ҳам ёқтиравермагани маълум.

Ёрнинг озоридан озурда бўлиш оҳанги эса бу ўринда сўфиёна маънодаги ёр эмас, бал-ки яқин дўст – ёри кўзда тутилаётганини кўрсатади. Бу хил ранжу аламлар кўп бўлгани сир эмас. Бу юз меҳнатдан қочиб, ёру диёрдан бош олиб кетиш фикрига Навоий кўп бора келган. Байтда “**бошимга** тушган меҳнатдан **бош** олиб кетсам” тарзида иштиқоқ санъати қўлланган.

*Ёмон ҳолимга бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўргай
Бағир парғоласидин қонға булғанған узоримни.*

Ҳар кимсаки, ҳолимнинг ёмонлигини кўрса, юраги ачишади, чунки у пораланган юрагим қонига булғанган юзимни кўриб, аҳволимни англайди.

Бу байт, ўз маъносидан ташқари, бадий санъатлар қаторлашиб келгани жиҳатидан ҳам эътиборли. Аввало, шуки, “ёмон” сўзи икки маънода келган: “ҳолимнинг ёмонлигини кўрган киши ачинади” ҳамда “ҳолимни кўрган киши ёмон (қаттиқ) ачинади”. Сониян, ёмон, қон, булған сўзлари ўзаро лафздошлик ҳосил қилиб, байтни янада жозибадор қилган.

*Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,
Қадаҳқа захри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.*

Ҳаётим шаробидан (шу даражада) қаттиқ мастманки, эй соқий, қадаҳга ўлдирувчи захар қуй-да, шу билан хуморимни дафъ эт.

Бода, аслида, хурсандчилик учун, уни янада орттириш учун ичилади. Аммо лирик қаҳрамон ҳаётининг бодаси шундай “тотли”ки, унинг “хумори”ни дафъ этишнинг йўли битта – ўлдирувчи захар ичиш. Чунки лирик қаҳрамон ҳаётида ичаётган “бода” ҳам шунинг ўзгинаси.

*Жаҳон таркини қилмай чун, ки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.*

Жаҳонни тарк қилмай туриб, тинмоқ мумкин эмас (шундай экан), Навоий (дер), мени озод қил, (бунинг учун) бор-йўғимни ўртаб-ёндир.

Дунёни тарк қилмай туриб, бу аҳволда тиниш-тинчишнинг иложи қолмади, шундай экан, Навоий айтадики, мени озод қил деб. Бунинг учун бор-йўғи ўртанса ҳам рози. Шоир озод бўлишнинг бирдан-бир чораси – жаҳонни тарк қилиш экан, деб айтадики, байт маъносини реал тасаввур қилсак, улуғ ижодкорнинг кўнгил дунёси нақадар фоже аҳволда бўлганини англаймиз. Бор-йўғи ўртанган (куйиб кетган) кишининг ҳеч вақоси қолмай, хоҳ-нохоҳ, муте одамга, қулга айланади. Шоир эса шунинг тескарисини айтади, йўғу боримни ўртаб, куйдириб юбор-да, мени озод қил, дейди. Чунки бор-буди унинг қўл-оёғини боғлаб турибди. Ахлоқий маънода тушунадиган бўлсак, тирикчилик билан ўралашиб қолган, “бор-йўқ” нарсаларидан озод бўлмаган, ўшандан устун тура олмаган одам – қулдир, деган маъно ҳам келиб чиқади ушбу байтдан.

Байтда “йўқу борим” деган сўз бирикмаси келган. Агар тилимиздаги “бор-йўқ”, “бор-йўғи” деган ифода Навоий замонида тескари шаклда қўлланган бўлса (ҳозирги “кундан-кун” бирикмаси у пайтда “кун-кундан” деб қўллангани каби), ёинки шоир қофия талаби билан сўзлар ўрнини шу тарзда алмаштирган бўлса, унда бу бирикма жўн маънода талқин этилиши мумкин. Аммо, ҳеч нарсам “йўқ, борим – шу йўқликдан иборат”, дейилаётган бўлса, унда шу оддийгина бирикма зўр бадий-фалсафий маъно касб этади. Бунда, аввало, пайғамбар алайҳиссаломнинг “Алфакру фахрий” (фақирлигим – фахрим) дея қилган марҳаматини эсга олиш лозим. “Йўқу борим” – менинг борлигим йўқликдан иборат, деган ифодадан йўқлик-йўқчилик маъноси англашилса, бу бояги ҳадисга мувофиқ бўлади, бироқ бу борлик – йўқликдан иборат, деярли шоир, деб тушунсак, у ҳолда бу қаноат шоирнинг Фоний тахаллусига мувофиқ, бу дунёнинг ўткинчилиги, арзимаслиги борасидаги ишончдан ке-

либ чиқади. Тожик тилида “нести – ҳасти” деган афористик ифода бор-йўқлиги аниқланса, дуруст бўлар эди. Башарти тожик мумтоз адабиётида бундай ифода шакли қўлланмаган бўлса, бу Навоийнинг топилмаси сифатида эътироф этилиши лозим.

* * *

*Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.*

*Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға еткач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.*

*Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.*

*Ошиқ бўлурда билмадим, мен нотаवони хастаким,
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса ёр ўлтургуси.*

*Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.*

*Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй муғбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.*

*Дерлар, Навоий қатлиға гулгул очибтур оразин,
Кўргунча они, войким, бу хорхор ўлтургуси.*

(3,615)

Ушбу ғазал ёр ҳижронидан юракзада бўлган ошиқнинг дилидан кечаётган ўйлар, унинг ваҳм ва изтироблари тасвирига бағишланган. Ошиқ ёрни кўзда тутиб, “ўлтургуси” дер экан, унинг ҳажри – қотилваш, висоли – ҳалокангиз эканини кўзда тутди.

Ғазал ўтмиш адабиётимизда хийла машҳур бўлган ва кўп шоирлар ундан таъсирланиб, худди шу вазн ва айни радиф (“ўлтурғуси”)да бир талай ғазаллар бунёд этганлар. Чунончи, шу вазн ва радифли Андалибнинг бир ва Увайсийнинг иккита ғазали маълум. Навоийнинг ушбу ғазали бир замонлар ашула сифатида Комилжон Отаниёзов ижросида доврुक қозонган бўлса, ҳозирда яна бошқа бир куй негизида уни Муножот Йўлчиева ижро этаётир. Ғазал байтлари табдилига ўтамыз:

*Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.*

Бир куни мени ул мажнунликни даъво қилувчи қотил ўлтургуси, Маст бўлиб олдимдан чиқиб, рақсларга тушиб, девонадай ўлтургуси.

Ёр – шўх, унинг иши фақат истиғно эмас, маъшукни шайдо этиш, вола қилиш, куйдириш учун минг турли ноз-фироқлар ўйлаб топади, уни қийнайди, азоблайди, минг балоларга дучор этади. Байтда тасвирланишича, ёр ўзини далли-девона қилиб кўрсатади, жавлон уради, ошиқни ҳалок бўлиш ҳолатига етказди.

*Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға еткач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.*

Гарчи заифлигу ожизлиғим унинг кўнглига раҳм солса ҳам, Бошим узра келгач, (от) сакратиб, беихтиёр ўлтургуси.

Албатта, ожизлик раҳм-шафқат, мурувват ҳиссини уйғотади. Ёр ҳам бундай олижанобликдан бегона эмас. Аммо у гоҳо жавру жафони беихтиёр ҳам қилади – ошиқнинг боши устига шиддат билан бостириб келгач, суръатини боса олмай, от сакратиб, беихтиёр ошиқни ҳалок этади, бу бор гап.

*Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.*

Агар васли ичра ўлдирса, жонимға юз минг шукр қилсам бўлади, Аммо ундан бир замон қолсам, ана унда ҳижрони зор ўлтургуси.

Кўрамизки, ошиқнинг олдида икки йўл бор: ёр васли ичра ўлмоқ ёинки ёр ҳажрида зор-зор йиғлаб ҳалок бўлмоқ. Ошиқ агар ёр васли ичра ўлмаса, ҳижрон азобида ҳалок бўлишини билади; табиийки, у васлни танлайди.

*Ошиқ бўлурда билмадим, мен нотавони хастаким,
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса ёр ўлтургуси.*

Ошиқ бўлган чоғда, мен нотавон ва хаста одам, билмаган эдимки, Ҳижронда ғам куйдиришини ва васл насиб бўлса, ёр ўлдиришини.

Ишқ – изтиробдир. Ҳатто энг бахтиёр ошиқнинг ҳам, бир лаҳза бўлсин, ҳаловати йўқ: рашк, ёр илтифотидан умидворлик, ғазабидан ҳар дам кўрқиб туриш, лоақал шу саодатли дамларининг тугаб қолишидан саросима уни ҳамиша қийнайди. Бундай ошиқ висол айёмида ёрнинг ўлдиришию, ҳижронда эса ғам адо қилишини билади, шу икки ўт аро мудом қоврилади.

*Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.*

Эй, дин аҳли, бу майдон ичра унинг томошасига кира кўрмангки, Ул уста чавандоз кофир юз кўрмай турибоқ ўлдириб ташлайди.

Эй мусулмонлар, бу ишқ майдонига томоша қилиш ниятида кирмангиз, нечукки, бу майдонда от ўйнатувчи дин ғоратгари юз кўриб-нетиб ўтирмаёқ сизни ҳалок қилиши – ишқ қурбонига айлантериши муқаррар.

*Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй муғбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.*

Эй муғбача, лаъли (лаб)инг закоти бўлган май бериб, тирилтир, Йўқса, бу дунёда мен дилхастани хуморлик ранжи ўлдиради.

Муғбача – оташпараст бола дегани, майхона югурдаги ҳам мумтоз шеъриятда муғбача деб аталади ва у маъшуқа тимсоли сифатида қўлланади. Бу атама замирида ўтмиш ҳаётимиздаги муайян ҳолатлар намоён. Маъшуқанинг лаблари шу қадар қип-қизилки, гулгунранг май унинг закоти – қирқдан бир ҳиссаси бўлиши мумкин. Шоир ана шу майдан бериб, жон бахш этгил, усиз эса ўша майга хуморлик машаққати мени ҳалок этади, дейди.

*Дерлар, Навоий қатлиға гулгул очибтур оразин,
Кўргунча они, войким, бу хорхор ўлтургуси.*

Навоийни қатл этиш учун (ёр) гулгул юзини очибди, дейдилар. Эвоҳ, очилган у гулни кўргунча бу тиконлари уни хор қилиб ўлтургуси.

Май ранги – қизиллик мотиви яна давом этади. Байтда айтилишича, Навоий қонини тўкмакка чоғланаркан, ёр қизил кийинади, гулгун юзини очади. Аммо шоирнинг армони шундаки, ёр оразини кўргунича ҳам бўлмай, атиргул тиконлари – хорлар уни хор қилиб ўлдиради-қўяди. Хорхор деган сўз бу ўринда кўп маъноли: орзу, тинчсизлик, кўнгил ҳаяжони ҳамда ғам-қайғу ҳам ўтмишда хорхор деган сўз билан ифодаланган. Шу туфайли айни байтдан бир неча хил маъно чиқиши мумкин (чунончи, жаллоднинг қизил кийим кийиб майдонга чиқиб келиши каби). Биз бу ўринда бош маънони талқин этиш билан кифояландик.

* * *

*Гулшан ичра жилваи ноз этса жонон қомати,
Туфроғ ўлғай соядек сарви хиромон қомати.*

*Нозанин қаддинг тириклик гулшанининг нахлидур,
Сарву Туби сендек ўлмоқнинг не имкон қомати?*

*Сарвдек уксун ахзар бирла Лайли қаддидур,
Токдек юз ҳам била Мажнуни урён қомати.*

*Гарчи қомат чексалар, элга бўлур майли намоз,
Ваҳки, дин қасди қилур ул номусулмон қомати.*

*Васл шоми равшан ўлди партави рухсоридин,
Йўқ ажаб, десам эрур шамъи шабистон қомати.*

*Даҳр элидек эGRIDурлар шўхлар боштин аёқ,
Тик назарда туз экин ул аҳди ёлғон қомати.*

*Эй Навоий, хўблар қаддида йўқтур эътидол,
Нега ўхшар сарвдин ундуррак инсон қомати.*

(3, 640)

Бу ҳам Навоийнинг юзлаб қўшиқ қилинган ғазалларидан бири. Наманганлик бастакор Шариф Ақромов томонидан куйга солинган. Сирож Аминов, Маҳмуд Тожибоев ҳамда Илём Арабовлар уни баланд авж билан, қадди аълосига етказиб ашула қилганлар.

Мумтоз шеъриятимизда ёрнинг гўзаллигини васф этиш – алоҳида, энг кўп ўрин оладиган мотивдир. Ёрга ишқ, унинг ошиққа парво қилмаслиги ва шу туфайли лирик қаҳрамоннинг жабр-ситам чекишлари баёни ҳам дилбарнинг бемисл гўзаллиги тавсифча бисёр эмас. Ёрнинг юзи, лаби, қоши, кўзи, сочи... булардан ҳар бирининг васфи, бу лаб, бу қош, бу соч сўфиёна маънода нималарни англатиши каби тимсоллар ҳам бисёр. Маҳбубанинг висолига ноил бўлиш, шу орқали кўнглини юмшатиш умидида унинг чиройини таърифлаб мақташ сўфиёна адабиётда баайни намоз ўқиш орқали яратган Зотга руҳан яқинлашиш сингари тушунилан. Ёрнинг таърифисиз ғазал чинакам ғазал ҳисобига ўтмайди.

Ана шундай ошиқни лол этган гўзал узвлар орасида ёрнинг қадди-қомати алоҳида ўрин тутади.

*Гулшан ичра жилваи ноз этса жонон қомати,
Туфроғ ўлғай соядек сарви хиромон қомати.*

Жононнинг қомати гулшан ичида нозли жилва қилар бўлса, хиромон юрувчи сарвқадлар қомати унинг соясига айланади, тупроққа тушиб, ерда ётади.

Жонон деганда ёр, ёр деганда эса яратган зот тушунилади тасаввуфда. Яратилган нарсаларнинг ҳеч қайсиси яратганнинг ўзи билан тенглаша олмаслиги аён. Жумладан, бу гулшанда, яъни ҳаёт боғида – тириклик оламида не-не тик ўсувчи зеборўй сарвлар ва сарвқад зеболар хушқоматликда ёрга ета олмайдилар, байни унинг соясидай, ерга тўкилиб, забун бўладилар (ўз гўзаллигига мағрур не-не сарвқадлар ҳам бир кун тупроққа тушиши, тупроқ бўлиши муҳаққак). “Жилва” сўзи нур сочиш, порлашни англатади. Ёр қомати жилва қилиб гулшанга чиқар экан, не-не хушқад сарвлар баайни соя бўлиб қоладилар. Соянинг маскани эса оёқ ости – тупроқ, холос.

*Нозанин қаддинг тириклик гулшанининг нахлидур,
Сарву Тўби сендек ўлмоқнинг не имкон қомати?*

Эй нозанин, сенинг қаддинг тириклик боғидаги нахл – хурмо каби, (баски), сарв ҳам, жаннатдаги Тўби дарахти ҳам, қоматда сендай бўла олармиди?

Хурмо – тик ўсувчи, хушқад дарахт (Арабистон хурмоси кўзда тутиляпти). Бутун тириклик оламининг энг хушқад бу дарахтига бу дунёдаги сарв, жаннатдаги энг хушқад Тўби дарахти ҳам қаёқдан тенглаша олсин?

Бу байтнинг биринчи мисрасини “нозанин, қаддинг...” деб ҳам ўқиш мумкин, “нозанин қаддинг” деб ҳам. Иккинчи ҳолда ёрнинг қадди нозланувчи – нозанин сўзи гўзал, дилбар деган асл маъносида қўлланиб, соллона турган баланд хурмо дарахти тасвирига ярашиғлиқ бўлади.

Ўқувчида ёрнинг ўзи эмас, унинг бир аъзо-андоми ноз қилувчи, нозанин бўлиши мумкинми, деган савол туғилиши мумкин. Ёрнинг қадди нозланиш тугул, жилва ҳам қилади. “*Лабинг ранги оллида қоним сабил, Қадинг жилвасиға равоним фидо*”, деб битилган байт ҳам бунга далил.

*Сарвдек уксун ахзар бирла Лайли қаддидур,
Токдек юз ҳам била Мажнуни урён қомати.*

Лайлининг тик қадди сарв каби тўқ яшил шоҳи либос ичра бўлса, Ток сингари юз бора эгилган Мажнуннинг либоссиз қоматидир.

Нозу истиғно қилувчи ёр мағрур ва унинг бўйи тик, баайни тўқ яшил либосдаги сарвқад Лайли мисол, унга ташнаи зор ошиқ Мажнуннинг ҳоли эса ток (узум дарахти) каби – юз бора ҳам бўлган (эгилган)дир (қайд этиш керакки, уксун сўзи ҳеч бир луғатда мавжуд эмас. Бунинг сабаби, эски ўзбек ёзувидаги матнни ҳозирги алифбога ўтказишда қай бир ношир қорамтир-яшилтоб шойи либос – “иксун”ни уксун деб ўқиган).

*Гарчи қомат чексалар, элга бўлур майли намоз,
Ваҳки, дин қасди қилур ул номусулмон қомати.*

Агар тик турсалар, одамларда намоз ўқишга хоҳиш пайдо бўлади, валлоҳ, бу номусулмоннинг қомати (шундайки) диндан чиқаради кишини.

Жамоат билан ўқиладиган намоз “қомат” (тик туриш) деган даъватдан сўнг бошланади. Бу ҳолда биргаликдаги ибодат руҳияти туфайли киши қалбида имонга мойиллик кучаяди. Аммо таажжубки, – дейди шоир, – ул номусулмон (ёр)нинг қомати шу қадар фитнакорки, кишининг диний туйғулари васвасага келади.

Ўтмиш адабиётимизда ёрни “номусулмон”, “дин офати” дейиш, ҳатто “тарсо”, “кофир” деб аташ, янада “конкрет”лаштириб, “тарсобача” (христиан боласи) ёхуд “муғбача” (оташпарастлар майхонасида май ташувчи гўзал бола) деб тавсифлаш анъанавий образ даражасига кўтарилган. Гарчи бунинг ўша даврга хос ижтимоий қарашлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор бўлса-да, бу ўринда мухтасар қилиб қуйидагиларни айтишга журъат этамиз:

Ҳақ таоло наздида энг маҳбуб дин – исломдир. Бу динни бизга Оллоҳ инъом этган. Бу ҳақда Парвардигорнинг ўзи: “*Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим*”, деган (“Мо-ида” сураси, 3-оят, Алоуддин Мансур таржимаси). Бундан маълум бўладики, дин – инсон ва бошқа махлуқот учундир, Оллоҳ таолонинг ўзи эса динга муҳтож эмас, бинобарин, уни тарсо, буддавий ёки мусулмон (ва бошқа бирон диндаги) деб айтиш мумкин эмас. Оллоҳ диндан юқори туради. Шоир ёрни “номусулмон” деяв экан, назаримизда, ана шу мантиққа асосланади. Бояғидай, тарсо, муғбача дейишдан мурод ҳам уни дин (ислом) аҳли эмас, деб таъкидлашдир.

Шу билан бирга, мўмин-мусулмон одам инсофли бўлади, деган халқона қарашдан келиб чиқиб, ошиққа мудом жабр-зулм қилувчи ёрни ноинсоф деган маънода “номусулмон” деб ундан ўпкалаш мазмуни ҳам бор.

*Васл шоми равшан ўлди партави рухсоридин,
Йўқ ажаб, десам эрур шамъи шабистон қомати.*

Васл шоми ёр юзининг нуридан ёришиб кетди, Унинг қоматини тунни ёритувчи шам десам, ажабланма.

Бу байтда инжа ташбеҳ қўлланган. Ёрнинг ҳаммаёққа равшан нур сочган юзи – албатта-ки, қомати устида, демак қадди – тик турган шамнинг ўзгинаси. Шамнинг энг юқори қисми (юзи) порлаб шуъла сочади. Шам таги барибир қора кўринади, бу эса аввалги байтда ай-тилган қорамтир-яшил шойи кўйлак кийган сарвга мутаносиб. Бундан ташқари, “шом” ва шам” сўзларидан юзага келган лафздошлик ҳам байтга айрича оро берган.

*Даҳр элидек эгридурлар шўхлар боштин аёқ,
Тик назарда туз экин ул аҳди ёлғон қомати.*

Шўхлар бу дунё одамлари каби бошдан-оёқ эгри бўлишади, Тик – тўғри назар солсанг, у ваъдаси ёлғоннинг қомати текис кўринади.

Шоир бу байтда икки нарсадан – дунё одамларининг “эгри”лиги ва “шўх” ёрнинг ҳам ўшалар каби кожлигидан шикоят қилади, аҳд-ваъдаси ёлғон ёрнинг қомати ҳам тикназар (ҳамма нарсага адл деб қаровчи соддадил, росткўнгил) ошиқ наздида текис кўринар экан, деб зорланади. Бу дунё одамлари деганда – нариги дунёни ўйламай, исталган гуноҳга қўл урувчилар кўзда тутилади. Чунки исломий таълимотда бу дунёга меҳр қўйиш – жаннат умидидан воз кечишни англатади.

Шу билан бирга, “тик” сўзи “тек” (“фақат” маъносида) деб ўқилиши ҳам мумкинлигини кўзда тутсак, байт мазмуни бироз ўзгаради: “аслида, шўхлар бошдан-оёқ (бу ҳам – қомат) дунё одамлари каби – тўғрилиги йўқ, фақат сиртдан ҳамма нарса текис-адл кўринади, шундай экан, ул ваъдаси ёлғоннинг қомати тиклиги ҳам тасаввуримда, холос”, дея киноя қилин-няпти.

*Эй Навоий, хўблар қаддида йўқтур эътидол,
Нега ўхшар сарвдин ундуррак инсон қомати.*

Эй Навоий, гўзалларнинг қадди ўртамиёна бўлмайди (шундай экан), инсоннинг сарвдан ҳам баланд ва адл қомати нимага қиёсланиши мумкин?

Шоир ёрни тасаввуф бадиияти талабларига амал қилиб, инсон шамойилига солиб та-свирлайди ва унинг қад-қоматини сарвдан ортиқ яна нимага таққослаш мумкин, дея ажа-бланади. Баъзи манбаларда “инсон” сўзининг луғавий маъноси “унутувчи” экани қайд қи-линадики, шоир гина маъносида “ваъдасини унутувчи ёрим” деган мазмунида қўллаган бўлиши ҳам мантиқдан холи эмас.

Ҳар бир ўртача-мўътадил ҳолатни у ёки бу нарсага ўхшатса бўлади. Аммо энг юксак ҳо-

латдаги нарсани нимага ташбеҳ қилиш мумкин? Ёрнинг қомати таъриф-тавсифга муҳтож эмас ва ташбеҳ-ўхшатишдан юқори туради.

Дарҳақиқат, балоғатга етган, комил кишининг қомати ғоят бежирим, ҳар қандай тик қадли дарахтдан ҳам адл кўринади. Леонардо да Винчининг “Витрувий одами” деб номланган, инсон қоматининг ғоят бенуқсон таносуботи акс эттирилган машҳур расми ҳам бунинг яққол далили бўла олади. Дарвоқе, бу бебаҳо санъат асари (1490-92) ҳам Алишер Навоий ғазалиёти билан деярли бир вақт, бир замонда яратилган. Тамаддун – Уйғониш даврининг мутафаккирлари инсонни улуғлаш орқали унинг шуурини уйғотишга уринган, ана шундагина бани башар комилликка эришиб, ўзи дунёга келишининг мақсад-моҳиятини ва ҳаётининг маъносини теранроқ англайди, дея умид қилган эдилар.

Пировардида яна бир мулоҳаза. Айрим олимлар ушбу ғазалда тараннум этилган “қомат эгаси” – Пайғамбар алайҳиссаломдир, деган фикрни ҳам айтишган. Биз бу жилла тўғри бўлмаса керак, деб ўйлаймиз, зеро тўртинчи байтда келган “номусулмон” сўзини Навоий Расули акрамга нисбатан қўллашнинг тасаввур қилиш қийин.

* * *

*Ҳижрон кун ҳар хастаки, жононға йўлуқти,
Қил уйла тасаввурки, ўлук жонға йўлуқти.*

*Зулфунг қора қайғусида жононға йўлуққан,
Зулмат ичида чашмаи ҳайвонга йўлуқти.*

*Қочти кўнгул ашкимдану оҳим аро тушти,
Ёмғур суйидин қочтию тўфонға йўлуқти.*

*Мажнунға йўлуқти, манга ғам даштида иткан
Мажнун демаким, ғули биёбонға йўлуқти.*

*Ҳайронлиғима ҳайрати мендин дағи ошти,
Ишқ аҳлидин улким мени ҳайронға йўлуқти.*

*Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки, бир комили давронға йўлуқти.*

*Ишқ аҳли иши топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронға йўлуқти.*

(3, 620)

Бу ғазал энг аввало, қофияси билан эсда қолади. Чорасиз одам бирон можарога, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога йўлиққан бўлади. Мазкур “йўлиқиш” феълени Навоий ишқда умидлари кесилган лирик қаҳрамонга нисбатан қўллайди. Иккинчидан, бу ғазалда шеърини санъат мавжуд: аксар байтнинг биринчи мисрасидаги бирон сўз иккинчи мисрада ҳам такрорланиб келади, аммо бу гал унга бошқа маъно юкланган бўлади. Бу эса шеър жозибасини янада ортиради. Чунончи, олтинчи байтдаги “давронда камол : комили даврон” ифодаси бунга яққол мисол бўла олади.

*Ҳижрон қуни ҳар хастаки, жононға йўлуқти,
Қил уйла тасаввурки, ўлук жонға йўлуқти.*

Ҳижрон азобидан бемор бўлган ҳар ким жононға дуч келар бўлса, бу ҳолни ўликнинг жонга дуч келгани каби вазият деб тасаввур қил.

Жонон – лирик қаҳрамоннинг маъшуқаси. Жонон васлига ета олмаган, ноумид, ҳижронга гирифтор ошиқ албатта руҳсиз, яъни жонсиз каби бўлади. Унга шу пайтда тасодифан жонон рўпара келиб қолса, баайни ўликка жон киргандай бўлиши табиий ҳол.

*Зулфунг қора қайғусида жононға йўлуққан,
Зулмат ичида чашмаи ҳайвонга йўлуқти.*

Сочининг аламли қайғусидаги одам жононға дуч келар бўлса, бу ҳол баайни зулмат ичидаги оби ҳайвон (тириклик суви)га йўлиққандай.

Бу байтда маънолар қават-қават: қора қайғу – луғатда зўр қайғу деб берилган, аммо зулфунг қаро дейишдан мурод – ёр сочининг қоралигини ҳам акс эттиради. Қора сочининг қоп-қора қайғусида юрган одамнинг ой юзли жононға дуч келиши – зим-зиё зулмат ичидаги тириклик сувини топиб олган одамнинг шодумонлиги билан барабар, дейди шоир (ривоятда Хизрнинг зулмат ичидан обихаёт топиб олгани айтилади). Байтнинг бадий жиҳатларига келсак, унинг мисралари бир хил бўгин “зул-зулф” билан бошланади ва худди шундай тарзда бир асосли сўз – “йўлуққан : йўлуқти” сўзлари билан тугайди. Ва ниҳоят, “қора” деган сўз ўзбек тилида ҳайвон маъносини ҳам билдиради. Унга тарди акс санъати сифатида иккинчи байтда ҳайвон сўзи ҳам келади.

*Қочти кўнгул ашкимдану оҳим аро тушти,
Ёмғур суйидин қочтию тўфонға йўлуқти.*

Кўз ёшларимдан безор бўлиб кўнглим қочиб кетди, аммо қочиб оҳ-фиғонларим орасига тушди, демак, бамисоли ёмғирдан қочиб, тўфонга тутилгандай бўлди.

Кўнгилнинг ошиқдан қочиши – Навоий ғазалларида учрайдиган мотив. Бунинг ҳаётий асоси шуки, дилгир ошиқ ҳеч нарсага кўнгил бермайди, баайни кўнгилсиз. Тилимизда ҳам ғамгин кайфият кўнгилсизлик деб аталади. Лирик қаҳрамоннинг кўнгли унинг кўз ёшларидан қочиб, ўтли нолалари орасига тушиб қолади – баттар азобланади. Шоир бу ерда “ёмғирдан қочиб, дўлга тутилди” деган матални сал ўзгартиб қўллаган.

*Мажнунға йўлуқти, манга ғам даштида иткан
Мажнун демаким, ғули биёбонға йўлуқти.*

Ва у (кўнгил) Мажнунға йўлуқти, аммо мен ғам биёбонида йўқотиб қўйган Мажнунга эмас, баайни дашт-сахронинг девига йўлиқди.

Ошиқнинг оҳ-воҳи ва кўз ёшларидан қочган кўнгли баттарроқ азобларга дуч келади: у адашиб-улоқиб, Мажнунга дуч келади, бироқ ошиқликнинг ғам-аламлари саҳросида йўқолиб кетган Мажнунга эмас, баайни дашт-биёбонларнинг девига рўпара келиб қолади.

*Хайронлиғима ҳайрати мендин дағи ошти,
Ишқ аҳлидин улким мени ҳайронға йўлуқти.*

Менинг лолу ҳайрон аҳволимни кўриб, (кўнгил) ҳайрати мендан ҳам ортиқроқ бўлди, зеро ишқ аҳли ичидан мендек тенгсиз овораю ҳайронга дуч келиб қолган эди.

Ҳижронзада ошиқ аҳволини ўнглашга чора топа олмай, ҳар ён лолу ҳайрон боқади, холос. Ҳайронликда ҳам ҳайронлик бор. Ошиқнинг кўнгли унинг бу даражада ҳайрону зор аҳволини кўриб, ўзи ҳам бунинг ҳолига чора топа олмай, ҳайрон бўлиб қолади.

Ана энди айрим шеършунослар томонидан “бегона байт” деб аталадиган байт келади. Унинг моҳияти шундайки, шоир ғазалга бу асарнинг умумий руҳига, унда тасвирланаётган воқеликка жилла мувофиқ келмайдиган бирон гапни қўшиб қўяди, уни айнан шу ғазалга боғлаб турадиган ягона нарса – вазн ва қофиянинг шу ғазал вазни ҳамда қофияси билан бир хил эканлиги, холос:

*Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки, бир комили давронға йўлуқти.*

Даврнинг мукамал кишисига дуч келган ҳар бир зарра ўз даврида қуёшдан ҳам улкан, ундан ҳам мунаввар бўлиб кетади.

Навоий ижодий этиқодининг асосларидан бири – комил инсонни излаш, топиш ва уни васф этиш, деб белгиласа бўлади. Комил инсон теварагидаги ҳар бир катта-кичикка меҳр улашади. Ундан мунаввар бўлган ҳар кимса бахтлидир. Ҳар бир зарра баайни қуёшга айланади ва ҳоказо. Бу байтни ўрнига қараб ҳар хил талқин этиш мумкин, чунончи у ўзини зарра каби ожиз сезган мурид ва меҳри оламоро бўлган муршид муносабатини кўзда тутиб айтилган, дейиш ҳам мумкин.

*Ишқ аҳли иши топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронға йўлуқти.*

Ишқ аҳлининг барчаси васл орқали ўз дардига чора топа олади, аммо бечора Навоий ҳижрон ғамига дучор бўлган.

Қадимги табобат китобларида ишқ касаллиқнинг бир тури сифатида тавсифланади (чунки ошиқнинг аҳволи руҳиятида ўзгариш бўлади) ва бунга ягона чора – висол экани айтилади. Навоий шунга ишора этиб, барча ошиқлар висолга эришса, мақсуди ҳосил бўлишини айтади, аммо ўз дардига даво йўқлигини, ўзи “ғами ҳижрон”га мубтало эканини изҳор этади. Бу фикр шоирнинг бошқа бир ғазалида ҳам надомат таъкидланганини ёдга олиш мумкин: “Ғамимға чорасизлик – чора бўлмиш...”

* * *

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ, англаким, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлағай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.

Шайхдин зуҳди риёий касб ўлур, ёраб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай?

Одам авлодида камдур одамийлиғ шеваси,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлағай!

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб, аввал менинг жонимға бедод айлағай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай.

(5, 621)

Навоий ғазалларини ўқиб ўтириб, кўзим дафъатан бир байтга тушди:

Одам авлодида камдур одамийлиғ шеваси,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлағай!

Мисралардаги шиддат мени лол қолдирди: Навоий одам авлодида одамгарчилик кам, шундай экан, одамга меҳр қўйган кишининг ўзи ҳам одам эмас, деяпти! Ажабо, шоир нима сабабдан бу қадар кескин фикрга келган экан? Разм солсак, бу одатий бир байт эмаслигини, ундаги хулоса ҳам жўн бир хулоса эмаслигини кўрамиз. Менга шу байтлар қоғозга тушишидан аввалроқ шоир дунёқарашида қандайдир оғир бир эврилиш бўлиб ўтгандай туйилди. Ахир Навоий ҳамиша инсонни улуғлар, шарафлар эди-да. Чунончи:

Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшиттим гўйиё,
Ҳеч қайси одамийлиғда эмас инсонча ҳўб...

Энди бўлса, одамзодда одамийлик йўқ, деётир. Нега?

* * *

Алишер Навоий ижодий ҳаётининг иккинчи ярми – ўттиз йили Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида ўтди. Бойқаро болалик дўсти Алишер Навоийга ижод қилиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилди, Султон Абусаид замонида қувғинда, муҳтож кун кечирган шоир Навоий Бойқаро тахтга чиққан кунидан кўп ўтмай унинг саройига келди ва деярли ўша палладан бошлаб Ҳирот адабий муҳитининг энг машҳур намояндаси ва етакчисига айланди. Дастлаб Бойқаро саройида муҳрдор, кейин вазир қилиб тайинланди, ҳаётининг охириги йилларида барча лавозимларни ўз ихтиёри билан тарк этди. Турмуши фаровон кечди, бойлиги эса айрим йилларда мамлакатнинг бир йиллик хирожини халқ устидан олиб, ўзи тўлашга қодир бўлган даражага етди. Ўз ҳисобидан уч юздан ортиқ бино ва иншоотлар қурдирди, ўша давр Хуросон мамлакатининг ижтимоий ҳаётидаги энг ёрқин сиймога айланди. Ёшу қари барча рассомлар, котиб, меъмор, наққош, мусиқачи ва хонанда, тарихчи ва адабиётшунос, шоир ва адибларига раҳнамолик қилиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди.

Алишер Навоий асарларида Султон Ҳусайн Бойқарони кўкларга кўтариб мақтайди, уни шоир, оқил ва доно раҳбар деб улуғлайди, “Мажолисун нафоис” асарида унга махсус боб бағишлаганидан ташқари, “Ҳазойинул маоний”нинг ҳар бир девонида ўнлаб ғазалларда уни мадҳ этади, шунингдек, муаззам “Хамса”нинг деярли ҳар бир достонида Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб махсус боблар ажратади.

*Эй Навоий, дема розисенму умрунг истаса,
Юз менинг умрумча султонимда бўлғай кошки...*

Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро ва хотинлари, у ва фарзандлари ўртасидаги муносабатларнинг яхши, ибратли томонларини қидириб топишга интилди, подшоҳнинг ўзига мактубларида ўғит бериб, маишатни камайтириш, халқ ва омма аҳволидан кўпроқ бохабар бўлишга даъват этса, унинг хотинларига эрнинг доно ва оқила маслаҳатгўйи бўлишни уқтириб, ўтган подшоҳларнинг номи тилларда дoston бўлиб қолган умр йўлдошлари ҳақидаги нақлларни ибрат қилиб келтирди, фарзандларига эса Султон Ҳусайн Бойқародан гарчи хато ва янглишишлар ўтган бўлса ҳам, ота бўлгани боис, уни дилга олмасликка чақирди, насиҳатлар қилди:

*Отодин келса хато, билма хато,
Савоб бил дағи хато қилса ото...*

Аммо Навоий доимо, айниқса, умрининг охириги йилларини ташвиш билан ўтказган. Унинг бундай хавотири бежиз эмас эди: у Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати авж палласига чиқиб бўлгани ва энди таназзулга қараб кетаётгани, бунга эса аввало, подшоҳнинг маишатпарастлиги, дўст билан душманни ажратолмаслиги, бадкорлар сўзига кириб, энг сadoқатли одамларини маҳв этаётганини, охир-оқибат ўзи ҳам ана ўша ёвузлар томонга ўтиб қолаётганини кўриб-билиб турар, бундан изтиробга тушарди.

Султон Ҳусайннинг ўз невараси Мўъмин Мирзони қатл қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекиши бу таназзулнинг кульминацияси бўлди, Навоийни Ҳиротдан бадарға қилиш учун Астробод шаҳрига ҳоким қилиб жўнатиши эса бу таназзул орқага қайтмаслигини аён кўрсатди.

Шарқ мумтоз адабиётининг муҳим бир хоссаси конкрет адреслиликдан йироқликдир. Айниқса, ғазалчиликда шундай. У ёки бу ғазалнинг қай сабаб билан ёки кимга атаб ёзилганини аниқлаш амримаҳол. Айниқса, тасаввуфий идеалларни, ғоя ва тушунчаларни олға сурган, улуғлаган, тарғиб қилган Навоий асарларида даврлар, воқеа-ҳодисалар, муносабатлар синтезлашиб кетади, шоир дунё ташвишларидан этак қоққан мутасаввиф сифатида уларни умумлаштиради, тафаккур элагидан ўтказиб, охир-оқибатда ҳар қандай ҳолатга мувофиқ шоҳбайтларга айлантиради. Шунинг учун ҳам Навоий мана бу ғазал ё мухаммасни фалон муносабат билан битган, деб бўлмайди.

Гарчи Навоийнинг ўзи “Ҳазойинул маоний”га кирган ғазалларини ўсмирлик чоғида, йигитлик айёмида, ўрта яшарликда ва кексарганда ёзилган, дея тўртга тақсим қилган, девонларни шу тахлит тузган бўлса-да, бу тасниф анча шартли: ҳар бир девондаги ғазаллар руҳан ва мазмунан инсон умрининг ўша паллаларига тўлиқ мос тушавермайди. Бу ғазални – бола чоғида, мана буни эса қариганда ёзган, деб ажратиш мушкул. Боз, шоир умрининг шу тўртала палласида бир хил миқдорда – 650 тадан ғазал ёзмагани ҳам чин-ку.

Демак, у ёки бу ғазал қачон, қай муносабат билан дунёга келганини аниқлаш душвор. Чунки ғазалда ҳар қандай замонга мувофиқ келадиган соф лирик туйғулар етакчилик қилади, шеъриятда адреслилик бўладиган бўлса, у, маълум маънода, эпик шеърда бўлади.

Аммо Навоийнинг “адресли” ғазаллари ҳам бисёр. Улардан икkitасининг мақтасида шоир ўз ҳаётида оғир из қолдирган Астрободни тилга олиб ўтади:

*Кўнгли мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади;*

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.*

Тарихдан маълумки, ғанимлар Навоийни Ҳусайн Бойқарога ёмонлаб, вазирликдан кетказишга муваффақ бўлишган. Бироқ Навоийни мартаба-мансаб қизиқтирган эмас, эл-юрт ўртасидаги обрўси эса ошгандан-ошиб бораверган. Шунинг учун 1487 йилда шоҳ маслаҳатгўйлари яна фитна кўзгаб, уни пойтахт Ҳиротдан узоқлаштириш учун “фахрий” сургун ўйлаб топишади – шоир Астрободга ҳоким қилиб жўнатилади.

Астробод... Ҳозирда Гўргон деб аталадиган бу кичик шаҳар (Эрон) Навоий замонида Хуросон мамлакатининг энг олис, овлоқ бир маскани эди. Шоир бу ерда ҳам ободончилик ишларига киришган, адолат ва тартиб ўрнатишга муваффақ бўлган. Бироқ туғилиб ўсган шаҳри Ҳиротни бир дам ҳам ёдидан чиқаролмаган. Чунки энг яқин ёр-дўстлари, устозу шогирдлари, ҳаммаслак биродарлари, айниқса, ўзи ҳомийлик қилаётган улкан маданий-адабий муҳит Ҳиротда қолиб кетган эди. Шоирни ана шундан мосуво қилиш, руҳий-маънавий маҳв этиш учун ана шу тадбир қўлланган. Бояги икки ғазалда шоирнинг ўша даврдаги туйғулари акс этади.

Ҳар икки “астрободий” ғазал яна бир жиҳатдан монанд – бунда кейинги байтлар илк байтнинг давоми бўлиб эмас, балки ғазалнинг сўнгги байти (мақтаъ)да кескин фикр айтиш учун, орадаги байтларда эса ўқувчини шу фикрларга тайёрлаш, шу фикрни туйғулар орқали далиллаш учун ёзилган.

Улардан бири ҳаммага маълум буюк бир афоризм билан бошланади:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.*

Кимки бир ғамгин одамнинг дилини шод эта олса (бунинг савоби) шунчаликки, агар Каъба вайрон бўлса, уни тузатиб, обод қилишга тенг.

Каъба – Оллоҳнинг уйи (байтуллоҳ) ва муслимлар қибласи, бинобарин уни тузатиш-таъмирлаш энг улуғ савоб. Бежиз эмаски, бу иш, аввало, пайғамбарлар зиммасига тушган: Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом кўмагида қурган, кейинчалик эса Каъба кўп таъмирланган, қайта қурилган, жумладан, бу ишда Муҳаммад алайҳиссалом ҳам қатнашган.

Мутасаввифлар эса инсон қалбини Каъба деб, балки ундан ҳам муқаддас бир маъво деб ҳисоблайдилар, бировнинг дилини вайрон қилишни Каъбани бузишга тенглаштирадилар, кўнгилни шод этишни Каъбани обод қилишдан аълороқ деб биладилар (чунки Оллоҳ, аввало, кўнгилда бўлади, шунинг учун ҳам кўнгил – байтуллоҳи азимдир).

Юқоридаги байт эса савол ҳам қўзғайди: кимнинг кўнгли вайрон бўлган экан? Шоир унга жавоб бермай, давом этади:

*Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ, англаким, бир банда озод айлағай.*

Мен гарчи ҳур – озод кишиман, аммо ёр мени қулим деб атаса, бунинг хурсандчилиги бир қулни озод этгандан ҳам зиёд

Шу ўринда оталаримизнинг, "э худо, ўзинг бандам дегайсан", деб қилган илтижолари, Сулаймон Боқирғонийнинг "Санга қул бўлганим – султондин ортуқ!" деган хитоби ёдга келади. Дарҳақиқат, инсон учун энг улуғ мартаба – бандаларга шоҳлик эмас, Оллоҳга қуллиқдир. Байтнинг иккинчи мисраси эса пайғамбаримизнинг кўпдан-кўп ҳадисларига оид. Маълумки, пайғамбаримиз тарихда қулдорликка қарши чиққан биринчи одам эди ва у бир қулни озод қилиш – бир оғир гуноҳга каффорат бўлади, деб уқтирганди. Навоий эса кишини шодлантиришнинг савоби ҳам бир қулни озод қилишдан ортиқ, дейди. Шоирнинг бадий қаршилантеришига кўра, ёр озод шахс – ошиқни қулликка олса, бунинг савоби бир қулни озод қилишдан ҳам ортиқроқ.

*Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.*

Кимки ёрим ҳақида сўз айтаркан, гапи тугамай туриб, яна шу тўғрида бошидан сўзласа экан дейман.

Асл шайдолик шуда: ошиқни ёридан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди (бу ўринда бадий санъат ҳам бор: сўз деган сўзнинг бошқа маъноси ёнмоқ (сўзон)дир, шоир ёрнинг ишқи оловида ўртаниш шавқини тас вирлаб, ёна (ёнмоқ) калимасини қўллайди. Ёна сўзи ҳам қайта, яна деган маънода, ҳам ёнмоқ маъносида келган).

Хўш, ёр ким? Албатта, Навоий каби шоирлар талқинида ёр – Оллоҳ. Наът ғазалларда эса Расулуллоҳ ҳам ёр деб талқин этилади (зеро, Расули акрамнинг ўзи “Мени ота-онангдан кўра кўпроқ яхши кўрмас экансан, демак, ҳали имонинг мукаммал бўлмабди”, деган. Бинобарин, Расулуллоҳ бизга ота-онамиздан ҳам азиз). Шунингдек, “ас-салотин зиллаллоҳу фил арз” қавли ҳукмига кўра, Оллоҳнинг ердаги сояси бўлган ҳукмдор ҳам, шунингдек, ошиқнинг инон-ихтиёрини унинг қўлидан олиб, ўзига шайдо қилган маҳбуба ҳам ёрдир. Ва яна Навоий эса шу ғазалда “ёр” деркан, назаримизда, қадрдон дўсти подшоҳ Ҳусайн Бойқарони кўзда тутаётир. Зеро, у нафақат султон, шу билан бирга, Навоийнинг ёр-биродари ҳам эди.

*Ёр ҳижронидин ўлғумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлағай.*

Ёрнинг ҳижрони мени ўлдиради, ҳа, бировга эътимод қўйган кишининг жазоси шунақа бўларкан.

Дарҳақиқат, Навоий Ҳусайн Бойқарога қаттиқ эътиқод қўйган, уни ҳассос шоир, адолатли ҳукмдор сифатида идеаллаштирган. Астрободдаги чоғида шоҳга мактублар ёзиб, уни эзгу амалларга ундагани ҳам шу туфайли.

Шундай экан, у болалик ўртоғи, дўст-ёри Ҳусайнни ҳам соғинади:

*Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.*

Кўнглим кўндан-кўп сабр варақларини ёзган эди, ишқинг ели етиб келдию ҳаммасини учириб кетди ва йўққа чиқарди.

Эътибор беринг: гарчи шоир ишқ шиддатининг зўрлигидан, дея бирқадар пардага ўраб тақдим этса ҳам матн зимнида “сабр-тоқатим тугади”, деяётир. Дарвоқе, кейинги байтга келиб шоирнинг кайфияти шиддат билан ўзгаради: исёнкор туйғулар ошкор баён этишга ўтилади.

*Шайхдин зуҳди риёий касб ўлур, ёраб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай?*

Шайх риё учун зуҳд қилади, Ё раббий, фонийлик сари йўл бошлайдиган дунё пири бормикин?

Навоийнинг энг ёмон кўрган одами – риёкор. Риёкорликни касб қилиб олган шайх эса риёнинг пешвоси, пири муршидидир. Шоир фано расмини тарғиб этадиган дайр пирини излайди, аммо тополмайди...

*Одам авлодида камдур одамийлиғ шеваси,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлағай!*

Одамларда одамийлик хусусиятлари кам бўлади, шундай экан, кимки одамзодга меҳр боғласа, унга эътимод қўйса, унинг ўзи ҳам одам эмас.

Кишининг бошига қаттиқ иш тушмагунча эътиқод ва эътимоди соддароқ бўлади. Бу ерда энг ихлос қўйган кишиларида вафосизлик ва жафо кўрган шоирнинг қарашлари та-мом ўзгариб кетганини кўряпмиз. Одамни дўст, ёр деб билган шоир орзу-умидлари поймол бўлганидан ўкинади, одам авлодида одабийлик шеваши кам, шундай экан, унга майл билдириб, меҳр қўйган кишининг ўзи ҳам одам эмас, дейишгача боради! Шоир бу ерда шоҳга кўп ихлос қўйганидан ўкинч-изтиробга тушиб, ўзини ҳам қаттиқ айблаяпти.

Тоқати тугаган, сабр китобининг варақларини сарсари шамоллар учириб олиб кетган шоир ўқувчига юзланиб, ҳасрат айтишга эҳтиёж сезади.

*Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб, аввал менинг жонимга бедод айлагай.*

Эвоҳ, бу не болоким, фалакнинг тиғи кимга йўналса, янглишиб, аввал менинг жонимга зулм қилади.

Дарҳақиқат, кишининг қалби қанчалик ҳассос бўлса, эл-улуснинг, давр-давроннинг жа-фоси унга шунча кўпроқ сезилади. Юқорида айтдик: ғанимлар Навоийни энг яқин дўсту шогирдларидан, йиллар давомида барпо этган муҳташам адабий муҳитидан айирган эди-лар. Тарихдан маълумки, улуғ ижодкор ўз ихтиёрича Астробод ҳокимлигидан воз кечи-б, Ҳиротга қайтади ва шоҳдан Ҳиротда қолдиришни ўтинади. Бироқ Ҳусайн Бойқаро Навоий-ни Астрободга қайта жўнатади. Душманлар энди шоирни заҳарлашга қасд қиладилар. Бу фитна фош бўлгач, Навоий Астрободни ошиғич тарк этади ва у ерга энди қайтиб бормасли-гини қатъий баён қилади.

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.*

Эй пари, Навоий Астрободга қайтганидан кўра, чўлда уни девлар ўлдиргани яхши.

Пари ва дев. Булар – мифологик мавжудот. Пари, одатда, гўзал қиз қиёфасида тасаввур қилинса, дев деганда эркак қиёфасидаги улкан, даҳшатли махлуқ кўз олдимизга келади (Аммо эр жинсли пари ҳам бўлиши мумкин – Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” ро-манида бир канизак Мирзо Анварни пари деб ўйлайди). Бу ўринда Навоий ёр деб, пари деб ҳукмдорга мурожаат қиляпти. Уни қатл қилиши мумкин бўлган “дев”лар эса – шоҳ те-варагидаги маккор фитначилардир. Шоир бу ғаддорлар қўлида ҳалок бўлсам-бўлай, аммо Астрободга қайтиб бормайман, деб исён қиляпти. Бинобарин, ушбу шеърни Навоий Астро-боддан иккинчи бор қайтиб келган кунларда (1489 йилда) ёзган, дейиш мумкин.

* * *

*Гар алаимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!
В-ар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!*

*Ранжима йўқ эса адад, хост бу эрса найлайин,
Дардима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлуриға, зоҳидо,
Ҳожати истихора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Ёрдин элга комлар, буки менинг сари гаҳи
Кўз учидин назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Машъали васл ила улус шоми мунаввару менинг,
Бахтима бир шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!*

*Қисми азалға шодмен, буки фалак риояти,
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Дедим, эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди,
Гар алаимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

(3, 616)

Бу ғазал Хоразм мақом усталари томонидан ашула қилиб айтиб келинади. Жумладан, Комилжон Отаниёзов талқинида у биров тезоб, аммо таъсирча қилиб ижро этилган. Ва бу маром аламзада одамнинг қаттиқ хафалиги ҳолатини изҳор қилишда анчагина қўл келади.

Асар ишқ шиддатининг ортганлиги, аммо ёр васлига етиш имконининг йўқлиги, ошиқнинг ўз аҳволини мушоҳада қилиб кўриб, умидсиз ҳолда ҳамма нарсадан қўл ювиб, “этак силкиши” мотивига асосланган. Аммо бу батамом тушкунликка тушиш, умидсизланиш дегани эмас, шу тарзда бўлса ҳам ёр эътиборини тортиш, аҳволининг ҳаддан ташқари забун эканини баён қилиш орқали унинг раҳмини келтириш орқали меҳрини қозониш ниятида изҳор этилган оташин бир нутқдир.

*Гар алаимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!
В-ар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!*

Агар алаимга чора йўқ экан, нетай, бўлмаса-бўлмай қўя қолсин ва агар ғамларимнинг саноғи ҳам йўқ экан, найлай, бўлмаса-бўлмасин.

Алам – тилимимизда беморлик, оғриқ маъносини ифодалаган. Ёр ҳажрида хаста бўлган лирик қаҳрамоннинг дардларини аритиш иложи йўқ экан, бунга англаган ҳолда у шифо топишга топилмай қўя қолсин, дейди. Унинг ғамлари эса шу қадар сонсизки, уларни санаш иложи бўлмаса, бўлмай қўя қолсин, дейди.

*Ранжима йўқ эса адад, хост бу эрса найлайин,
Дардима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Ранжишларим ҳадсиз-ҳисобсиз бўлса, тилагим эса шу бўлса, начора, дардимнинг эса чега-
ра-қирғоғи йўқ бўлса, бўла қолсин.*

Аввалги байтда шоир алам-оғриқ ва дард ҳақида сўзлаган бўлса, бунисида ранжишлар тўғрисида гапиради. Унинг дарди эса канора – қирғоқларга сиғмас экан, демак, уни беркитиш, яшириш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам у ишқ изтироблари чексиз, не қилай, бўлса бўла берсин, дейди.

*Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлуриға, зоҳидо,
Ҳожати истихора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Хотирим жам эмас бўлса, жам бўлиши учун, эй зоҳид, истихора қилишининг ҳожати йўқ ва
бунга ҳожат ҳам бўлмаса, бўлмай қўяқолсин.*

Хотиржамлик барчага керак. Шунинг учун Шарқда агар кишининг ҳолати нотинч ва бесаранжом бўлса, тинчланиш учун истихора қилади – ювиниб-покланади, нафл намозларини ўқиб, ниятини кўнглига жо қилиб ухлаб, тушида бирон ишорат бўлишини кутади. Навоийнинг лирик қаҳрамони эса гарчи хотиржам бўлмаса ҳам истихорадан воз кечади, чунки тинчланиш, хотиржам бўлиш – бориға кўникиш, шунга қаноат қилиш демак. Ошиқ эса ёр орзусида бесаранжом, у ёрдан воз кечиб, хотиржам яшашга рози эмас, истихора қилишининг ҳам ҳожати йўқ ва бўлмаса бўлмасин, деб айтади. Шу ўринда зоҳидга хитоб этилишига диққатни қаратайлик. Зоҳид – обид (ибодатга машғул) одам, аммо ошиқ эмас. Навоий учун эса ишқ ила изтироб чекувчи ошиқ хотиржам яшовчи зоҳиддан афзал.

*Ёрдин элга комлар, буки менинг сари гаҳи
Кўз учидин наззора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

*Ёр бошқаларни ниятига етказади, аммо у томондан менга аҳёнда бўлса-да лоақал кўз
учида қараб қўйиш йўқ. Бўлмаса бўлмасин, не қилай ахир!*

Рашк – ишқнинг бир белгисидир. Ноумид ошиқнинг хаёлида гўё ёр бошқаларни шодком этади, аммо унга келганда терс бурилиб олади, истиғно қилади, ҳатто кўз ташлаб ҳам қўймайди. Шунда ошиқ алам ичра, қарамаса-қарамасин, деб айтади. Бу ўринда ёрдан гина, ўпкалаш ва араз – ҳаммаси бор.

*Машғали васл ила улус шоми мунаввару менинг,
Бахтима бир шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!*

*Висол машғалининг ёғдуси ўзгаларнинг шомини мунаввар этиб ёритади, аммо менинг
бахтимга келганда ҳатто бир учқун ҳам раво бўлмайди. Майли!*

Ёрнинг бир кулиб боқиши ошиқнинг жон-жаҳонини чароғон этиб юборади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир илтифоти гўё бир машъала, у комрон бўлганларнинг шомини мунаввар этиб ёритади, аммо менга келганда бирон учқун ҳам муносиб бўлмайди. Бўлмаса бўлмасин!

*Қисми азалға шодмен, буки фалак риояти,
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

Азал қисматиға шодман, фалакнинг инояти шу бўлдики, аҳволимни ошкор эта олиш ҳам йўқ. Бўлмаса, бўлмасин, нетай?

Тақдири азал менга шуни тақсимлаб (қисмат қилиб) берган экан, шодман, дейди лирик қаҳрамон ошиқ (қазо-тақдирга розилик мўминликнинг бир белгиси). Аммо фалакнинг туҳфаси шу бўлдики, ҳолимни ошкора эта олмайман ҳам. Бўлмаса, бўлмасин, нетай?

*Дедим, эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди,
Гар алашимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.*

Навоий ўз дардига чорасиз деб айтди, дедим, башарти алашимға чора йўқ экан, бўлмаса бўлмасин, нетай?

Дедим: Навоий ўз дардига чорасиз деб ва дедик (шоир), агар алам-оғриқларимга чора йўқ экан, бўлмаса бўлмасин, нетай? (Бу ўринда байтнинг биринчи мисрасининг стилистикасида мураккаблик бор, шу боис иккинчи мисрадаги гап кимнинг тилидан айтилганини аниқлаш душвор).

Алишер Навоий бу ғазалда бир талай бадий санъатларни қўллаган. Чунончи матлаъ – дастлабки байтнинг иккала мисрасидаги ҳар бир сўз вертикал йўналишда вазнан ўзаро параллел ҳамда ғазалнинг илк мисраси билан сўнгги мисраси бир хил.

Ёрдан астойдил араз изҳор этилган бу мотив кейинчалик бошқа бир қанча шоирлар томонидан давом эттирилиб, “Келмаса-келмасун, нетай” ва ҳоказо тарзда ғазаллар битилгани ҳам Навоийнинг мазкур ғазали туркона шеваси билан уларга айрича таъсир этганини кўрсатади.

* * *

*Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.*

*Кўзга кўнглум дардидин йиғларға имкон қолмағай,
Тилга дардим шарҳини айларға гуфтор ўлмағай.*

*Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.*

*Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.*

*Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида қўз етгунча девор ўлмағай.*

*Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру валекин соҳибасрор ўлмағай.*

*Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай.*

(1, 611)

Шарқ мумтоз лирикасида ошиқ, ёр ва ағёр образлари кенг ишланган. Аксар ғазаллар мана шу уч образ теграсида тажассум топади. Лирик қаҳрамон (ошиқ) муҳаббатининг нақадар кучли эканини англатиш учун ёрни мадҳ этиш билан чекланмай, ағёрга рашкини айтиб, ёрни ундан қизғаниб, унга қаҳр-ғазабини ҳам тўкиб туради.

Мазкур ғазал бошдан-оёқ ана шу мотив асосига қурилган. Унинг ҳар байтида лирик қаҳрамон ёрга етиш онида ёнида ағёр бўлмаслигини айтиб, уни, нафақат уни, балки ағёрнинг ҳар бир надимини ҳам бу хилватдан узоқлаштиришга интилади.

*Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.*

*Ёр билан бир хилват жойда бўлсамки, у ерда рақибим бўлмасин, Ҳатто у хилват ер
яқинида ўша жойнинг эгаси ҳам бўлмасин.*

Бу мотивнинг келиб чиқиши алмисоқ тўғрисидаги нақлга бориб тақалади. Халлоқи олам алмисоқда ҳар бир одамнинг тақдирини белгилайди, тўғрироғи – ҳар бир руҳ ўз тақдирини ўзи танлаб олади. Кофир бандалар Ер юзини, мўъминлар эса жаннатни ихтиёр этадилар. Фақат жуда оз сонли инсонлар руҳигина ер юзининг роҳатидан ҳам, жаннатнинг фароғатидан ҳам воз кечиб, Оллоҳнинг ўзини, унинг васлию дийдорини танлайди, улар – пайғамбарлар ҳамда валийлар руҳи эди. Бу ривоят аксар Шарқ адабиётларда ёрга етишиш, уни бошқалардан қизғанган ҳолда, “танланган банда” мақомига интилиш мотивини кучайтирган.

Айтадиларки, руҳи Оллоҳ висолига ноил бўлган бандаларнинг саодатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. У ҳолда ошиқ ва ёр бир-бири билан бирлашиб кетади:

*Қўзга қўнғлум дардидин йиғларға имкон қолмағай,
Тилга дардим шарҳини айларга гуфтор ўлмағай.*

*Қўзим қўнғил дардидан йиғлаш имконига эга бўлмасин, Тилим дардларим шарҳини ай-
тишга ҳам айланмай қолсин.*

Нихоят, ёр билан хилватда кўришган ошиқнинг кўзларидаги ёш қурийди, барча араз ва гиналар бир лаҳзада унут бўлади, дилидаги ғуссаларини айтишга шайланган тили эса тугилади. Ёрга сингиб, унда йўқ бўлиб кетиш эса ошиқнинг бу дунёдаги бирдан-бир тилагидир.

*Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.*

Истагим: бу хилват одамлардан шундай яширин бўлсаки, Кўнглим ундан воқиф, аммо жоним хабардор бўлмасин.

Ҳали-ҳамон ўша рашку қизғаниш, аммо бу байтда туйғулар янада авжига чиқади: хилват шу даражада хилват бўлсинки, уни фақат кўнглим билсин, аммо жоним ҳам ундан беҳабар бўлгани яхши. Кўрамизки, “хилват”нинг силсиласи тобора юксалиб боради: бу хилватда ағёр бўлмасин, ўша хилват жойда яшовчи одам ҳам бўлмасин, бу жойдаги хосу маҳрамликдан, кўзимда ёшим қуриб, тилим сўз айтишга лол бўлиб қолсин, ҳатто жоним ҳам беҳабар қолиб, фақат кўнглим воқиф бўлсин. Кўрамизки, ошиққа кўнглигина маҳрам, бу хилват – бу мақомда ҳатто жони ҳам унинг учун – “бегона”!

*Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.*

Ёрнинг борлиғи ичра шу қадар йўқ бўлсамки, ўртада Ўзгалик не экан, ҳатто ўзликдан ҳам нишон бўл масин.

Бу мақомга ўз-ўзидан эришиш имкони йўқ, ёр марҳамат этсагина мумкин. Ёр илтифоти-га сазовор кўрилиш учун эса ошиқ бўлиш – ишқнинг барча азобу изтиробларини бошдан ўтказиш керак, ана шундан кейингина ёр уни ўзига маҳрам этишга, фалсафий жиҳатдан у билан бирлашишга, ошиқни ўз бағрига олишга рози бўлади, бу мақомда эса ошиқнинг нафақат рақиб ағёрлари бўлмайди, ҳатто унинг ўзидан ҳам асар қолмайди.

*Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.*

Аммо айтадиларки, деворнинг ортида қулоқ бор эмиш, Бас, ул фазонинг атрофида кўз етган жойгача девор бўлмасин.

Мантиқан, бу байт аввалги байт билан ўрин алмашиб қолгандай, аммо шоир шу тариқа “хилватда ёлғиз”лик мотивини такроран кучайтиради, янада муҳими – яна “ошиқ, ёр ва ағёр” мавзуйига қайтиб, сўфиёна маънони ошиқона руҳ билан пардалайди. Байтдаги “дер”, “девор”, “давр” сўзларининг лафздошлиғи ҳам ғазал бадийлигини янада оширади.

*Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру валекин соҳибасрор ўлмағай.*

Махфий сирларимга ёрнинг лафзидан адолик етади, Ёрдан айру ҳолда эса сирлар эгаси бўлмағайман.

Сир ўзи – махфий нарса, аммо ошиқнинг қизғонч туйғулари шу қадар телбаворки, “махфий сирларим” деган калимани ишлатади. Аммо ёр бир оғиз сўз айтиши – илтифот этиши биланоқ ошиқнинг барча сирлари адо бўлади, унинг учун ошиқнинг сири йўқ, албатта. Ёрнинг сўзи ошиқнинг сирини адо қилса-да, аммо у ёрдан айру бир ҳолда сир эгаси бўлмай қўя қолай, дейди.

*Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай.*

Эй Навоий, ҳар бир ёр(-дўст) олдида сирингни оча берма, Зеро у ёрга ёр эмаслигига қандай кафолат берасан?

Илк байт – матлаъда ошиқ ағёрга ғашлик қилган эди, мақтаъ – ғазал охирига келиб эса нафақат ағёр, ҳатто дўст-ёрга ҳам сир айтмаслик кераклигини, чунки у ёрга ёр бўлиб чиқиши мумкинлигини, бу ҳолда эса ошиқнинг сирини ёрга етказиши – сотишини айтиб, ўзига, демакки ўқувчига ҳам, насиҳат қилади. Бу эса, айни ғазал қай бир жиҳатдан муайян воқеликка асосланган бўлиши мумкин, деб хулоса чиқаришга ҳам асос беради.

* * *

*Эй кўнгул, ер-қўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда қўр, бу сафҳани барбод бил.*

*Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ, ани
Гар фано селобидан вайрону гар обод бил.*

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсан, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким, ёд бил.*

*Эйки, дебсен, ҳақни не таърифу васф ила билай,
Васфдин мустағнию таърифдин озод бил.*

*Тенгри зикриким, малойикка ғизойи руҳ эрур,
Бу ғизони ҳақ йўлиға кирган элга зод бил.*

*Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исийи Марямни ул дам гунги модарзод бил.*

*Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлғанларни бу йўлда анга афрод бил.*

*Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини
Май куҳанпиридин ушбу дайр аро иршод бил.*

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийъод бил.*

*Эйки, дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади, илҳод бил.
Дўст васлин топмаған дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардинғға Навоий ҳолин истишҳод бил.*

(1, 364)

Навоийнинг энг пурмаъно ғазалларидан бири. Унда шоир дунё ҳолига фалсафий назар ташлайди. Оламнинг яратилиши, бунга асос бўлган нарсалар, илоҳий китоблар, инсон изланиб нималарга эришиши мумкинлиги каби мавзулар тилга олинади. Ғазалнинг ҳар бир байти мукамал: фикр тугал баён этилади. Айрим байтлар эса савол-жавоб шаклида: шоир кимнингдир саволини такрорлайди ва унга ўзи жавоб бериб, бу масалаларда ўзи чиқарган хулосаларни баён қилади.

Матлаъда шоир оламни омиларча тушуниш, уни ҳамиша барқарор ва пойдор деб билиш асоссиз эканлигини айтади:

*Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу сафҳани барбод бил.*

Эй кўнгил, “еру кўк” деган даъво жуда ҳам ишончсиз, бу худди кесакни сувга ташлаганда ивиб йўқ бўлганидай, бунақа гаплар битилган саҳифалар ҳам ишончсиз, барбод бўлишга маҳкумдир.

Олам, содда одамлар талқин қилганларидай, ости тоғора, усти ноғора, яъни ер ва кўк (осмон)дан иборат эмас. Бизга ниҳоятда мустаҳкам бўлиб туйилган ер бир кесакдай, сувга тушиб балчиққа айланадиган бир омонат нарса. Сафҳа – саҳифалар деганда эса кўк (осмон) ни тушуниш керак, зеро “сабъа самовотун тибоқо” (етти қават осмон), бири устига бири ёпилгани учун саҳифаларга монанд, у ҳам биргина амр ила барбод бўлишга маҳкум. Оламнинг яратилиши эса бу қадар содда эмас. Шундай экан,

*Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ, ани
Гар фано селобидан вайрону гар обод бил.*

Жисм уйи (бадан) эса ўткинчи, фонийдир, шунинг учун ҳам уни фано сели вайрон қилади-ми, ё обод этадими – фарқи йўқ.

Бу фонийлик – улуғ фано маъносида. Яратувчи зот қаршисида яратилганларнинг ҳаммаси фоний экани, бинобарин, уларнинг тирик ҳолдами-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ экани айтилаётир.

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсан, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким, ёд бил.*

*Олам тўрт унсурдан бино бўлган, деган гапни қайд этишдан нари ўтмас экансан, осмон-
дан тушган тўрт китобни ёд олсанг ҳам, бефойда.*

Қадимги юнон метафизикларидан қолган ақида – бу моддий олам тўрт унсур – ер, сув, ҳаво, оловдан таркиб топган, деган қараш, ҳатто ислом оламида ҳам кўп замонлар мутлақ ҳақиқат сифатида айтиб келинган. Шоир айтадики, агар сен ҳам бу олам ана шу нарсалардан бино бўлган, деган гапни қайд қилишдан нари ўтмас экансан, у ҳолда, оламнинг асл яратилиш сабабини англашдан жуда-жуда узоқдасан, у ҳолда сен тўрт илоҳий китоб – Таврот, Забур, Инжил ва Қуръонни ёд олган бўлсанг ҳам нафи йўқ. Профессор Дилором Салоҳийнинг нозик кузатишича, ушбу байтда тўрт унсур – ҳаво, сув, тупроқ, оловдан яратилган вужуд ўзидаги нафс юкидан қутулиши лозимлиги уқтирилган.

*Эйки, дебсен, ҳақни не таърифувасф ила билай,
Васфдин мустағнию таърифдин озод бил.*

*Эй сен, Ҳақ (Оллоҳ)ни қандай таъриф ва тавсиф орқали англайин, деган зот! Уни мақтов-
лардан бойроқ, таърифлардан озод деб бил.*

Бу – Оллоҳнинг зоти ва сифатларини таҳқиқ қилувчиларга қарши хитоб бўлиб, унинг бундай таъриф-тавсифларга асло муҳтож эмаслигига далилдир. Фақат, ана шу маънони англаб олиш учун кишига идрок ва ақл керак бўлади.

*Тенгри зикриким, малойикка ғизойи руҳ эрур,
Бу ғизони ҳақ йўлига кирган элга зод бил.*

*Фариштаю малоикаларнинг Оллоҳни зикр этиши уларга руҳий озиқ бўлади, бу нарса (зи-
круллоҳ) ҳақ йўлига кирган одамларга ҳам қувват беришини англа.*

Муқаддас китобларда айтилишича, фаришталар тинимсиз равишда ибодат билан машғул бўлади. Худони зикр этиш улар учун баайни таом егандек – шу орқали руҳлари озиқланар экан. Навоийнинг айтишича, ҳақ йўлига кирган одамнинг асосий машғулоти ҳам Тангри зикри бўлиши керак, ҳатто у шу зикрдан малоикалар каби ўзига қувват ола билиши лозим.

*Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исийи Марямни ул дам гунги модарзод бил.*

*Дўстим сўз айтадиган бўлса, эй дунё пири, (у пайтда) Исо ибн Марямни ҳам онадан туғма
гунг деб бил.*

“Пири дайр” атамасининг маъноси кўп, тасаввуфда орифлар мажлисининг етакчиси деб ҳам тушунилади. Бу ўринда кўп нарсани билувчи, донишманд одам деган маънода тилга

олиняпти. “Ҳабиб” эса суюкли дегани бўлиб, албатта, аввало, Раббил оламин тушунилади. Шу маъно мақбул бўлса, унда – Оллоҳ таоло сўзлаган чоғда онадан туғилибоқ гапирган Исо алайҳиссалом (яъни тили бурро)лар ҳам гўё туғма гунг бўлиб қолади, деб уқтирилади. Оллоҳнинг сўз айтадиган вақти ва жойи Қиёматдадир. Албатта, у вақтда барча махлуқот фақат соме (эшитувчи) ҳолида бўлади. Иккинчи талқин шуки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг лақаби Ҳабибуллоҳ – (Оллоҳнинг дўсти)дирки, Расули акрамнинг мартабаси бошқа набийлардан баландлигига ишора қилинаётир, деб тушуниш ҳам мумкин.

*Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлганларни бу йўлда анга афрод бил.*

Ишқда, мантиқан, ҳар бир ошиқнинг ҳолини шундай тасаввур этки, бу йўлда ажралиб-ёлғизланиб қолганлар ундан узоқ деб бил.

Яъни ошиқлик шундай душвор бир ҳолатки, унинг ҳолини ҳеч ким тушунмайди, чунки ҳар бир ошиқнинг ҳолати ўзгаларникига ўхшамайди. Бу йўлда алоҳидаланиб-ажралиб қолганлар ҳам унга ҳамдам бўла олмайди, ҳар бир ошиқ – бутун коинотда яккаю ёлғиз! Бундан, гарчи ҳар бир ошиқ ўзини ишқ мантиқи ичра алоҳида-якка ҳолда деб тасаввур этса ҳам, туғёнга кетганлар ошиқ деб саналмаслиги уқтириляётир.

*Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини
Май қуҳанпиридин ушбу дайр аро иршод бил.*

Элнинг аёғидан бошига чиқиш одатини майхона оқсоқолидан бу дунёда иршод – йўл кўрсатиш деб бил.

Шоир бу ўринда сўз ўйини қияпти: “оёқдан бошга” деганда қаршилантериш бор. Иккинчидан, аёқ идиш деган маънони ҳам билдирадики, май (мусаллас) аёққа тушса, яъни ичилса, унинг кайфи бошга уради. Учунчидан, ичкилик дастлаб оёқдан олса, охири бошга чиқиши айтиляпти ва ниҳоят, тўртинчидан, ишқнинг тобора кучайиб бориши (оёқдан → бошга) айтиляпти. Бу ҳолатдаги яна бир қаршилантериш шундан иборатки, майхона пири – ичкиликбозларнинг каттаси, ашаддий гуноҳкор одам бўлса, унинг иршоди – тўғри йўлга солиши май орқали бўлади. Бинобарин, бу ўринда тасаввуфий май – юқоридаги байтларда айтилганидай, илоҳий ишқ жазавасидан маст бўлиш рамзий талқин этиляётир.

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийъод бил.*

Эй йўлдаги одамлар, мақсудимга қачон етаман деяр бўлсанг (жавоб шу:), Оллоҳдан бошқа нарсаларни беҳуда деб билсанг, бу ваъда этилган дийдорга етишганингдир.

Тариқат аҳли мақсадга етишимиз учун яна қанча қолди, деб сўрар эканлар, билишлари керакким, Оллоҳдан бошқа барча нарса фоний эканини кўрган, шунга амин бўлган кунидан бошлаб ваъда этилган, дийдор кўришиладиган жойга етганликлари шудир. Навоий бу байтда сулук аҳлини сохта ва чин соликларга ажратади.

*Эйки, дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади, илҳод бил.*

Эй сен, тавҳид сирларидан бирон хабар билай деган кимса, кимки шариатдан ташқари нарасага дахл қилса, диндан чиққан бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом, динда чуқурлашманглар, деб буюрган. Шундан келиб чиқиб, Навоий бу байтда кимки Оллоҳ таолонинг яккаю ёлғизлигига оид сирларни билишга уринса, шуни талаб қилса, шариатга тажовуз қилган бўлади ва диндан чиққан саналади, деб уқтиради.

Ва ниҳоят, сўнгги байт – мақтаъда шоир ўз ҳасратларини тўкиб солади:

*Дўст васлин топмаған дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил.*

Эй сен – дунёю охиратдан кечиб бўлса ҳам дўст васлига интилган, аммо унга эришолмаган зот, Навоийнинг ҳолини бу дардингга шоҳид деб бил.

Бу байтда маъно ниҳоятда тигиз. Маълумки, Навоий улуғ сўфийлар, улуғ ошиқларга ниҳоятда ҳавас қилган, улар сафида бўлиш учун ишқда жунун ҳолига эришишни орзулаган, аммо бунга муяссар бўла олмаганидан афсусланган. “Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни”, деганида ана шу ҳолатни назарда тутган. Айни байт мажозий маънода, еттинчи байтга бир қадар зид: унда шоир ошиқ ҳолини якка-ёлғиз, ўзгалар англамайди, деб талқин этса, сўнгги байтга келиб, ана шундай ошиқларга ўзининг дарддошлигини изҳор қилади. Навоий бу дунёда ўз орзуларига тўла ета олмади, аммо нариги дунё ташвишларини ҳам ўзидан биров узоқлаштирган эди (масалан, Ҳаж амалини ўташга чоғланган, аммо юрт ташвишларидан орта олмаган). Шунга қарамай, умидсиз ошиқ ҳолида эканидан афсусланади.

Мана шу байтга келиб савол берувчи ҳам, жавоб қайтарувчи ҳам бир одам экани, яъни дунё ва уқбодан воз кечган шўрлик ҳам, унинг саволларига жавоб берувчи ҳам шоирнинг ўзи экани ойдинлашади. Ва бу ҳам шеърий санъатнинг маъновий бир туридир.

“Дўст васлин топмағон...” ку, шоирнинг ўзи экан, васлига етишиб бўлмаётган дўстнинг ўзи-чи, у ким? Агар бу ҳолда ҳам, аввалги байтлар талқинидаги каби дўст деганда Парвардигорни ёинки Расулиллоҳни тушунсак, тўғри бўлмайди, чунки шоирнинг боқий ҳаётдан умиди бисёр. Бизнингча, бу – конкрет дўст, аниқроғи, “ас салотин – зиллаллоҳи фил арз” (подшоҳлар – Оллоҳнинг ердаги соясидир) ҳукмига кўра, мактабдош дўст – аввал хўп яқинлик қилиб, сўнг салтанат дағдағаси ва ғанимлар қутқуси билан Навоийни ўзидан бир қадар узоқлаштирган Султон Ҳусайн Бойқаро бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Навоий унинг учун, унинг салтанати учун ҳаётини бағишлади, дунё ва уқбодан кечди ҳам, аммо бунга жавобан дўстнинг дийдорини кўриш ҳам мушкул бўлиб қолдики, шоир анъанавий ғазал шаклидан, унга хос бадий тасвир воситаларидан фойдаланиб, реал воқеликка бир қадар ишоралар қилиб ўтади.

* * *

Қароғ эрмаски, қилмишмен қўзум сели йўлин муҳкам,
Сиришк эрмаски, ул йўл беркимай қилмиш тарашишух нам.

Итининг гар аёғи куйди ўтган чоғда қабримдин,
Сўнгақлар туфроғимдин куйдуруб айланг анга марҳам.

Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкининг Сулаймони,
Ки ҳам бор оҳидин ел ҳукмида, ҳам доғидин хотам.

Қуёшнинг қурбидин ойким ҳилол ўлғай эрур андоқ,
Ки бир маҳваш санга еткач, ер ўпмакликка бўлғай ҳам.

Париваш тифллардин ҳар замон ортар жунунумким,
Берурлар ҳушу ақлим қушлариға тош отардин рам.

Улустин чиқтиму ҳар дам қочармен соядин ҳам, ваҳ,
Ки ногаҳ ул қуёш сиррин десам ул ҳам эмас маҳрам.

Шикоф эрмас қаламдаким фироқим шарҳи ёзғондин,
Ёқа чок айлабон, чирмаб қаро, бўлмиш анга мотам.

Бу эрса майки куйдурди вужудум кишварин атри,
Яқин бил, соқиёким, жом сиррин билмай ўтмиш Жам.

Май ич даҳр ичраким иш сирридин англай десанг рамзе,
Эрур ҳар заррининг моҳияти хуршиддин мубҳам.

Саҳар кун ашҳабиға чун керактур поймол ўлмоқ,
Фалак майдониға ҳар тун қамардек сурди тут адҳам.

Навоий дарди ҳолидин дам очмас бўлса, айб этманг,
Не дам очсун бировким, топмади оламда бир ҳамдам.

Навоий ғазалиёти бошқа шоирларнинг ғазалларидан бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу мазмуннинг тиғизлиги, кўпмаънолилик туфайли. Аммо қуйида шарҳлашга чоғланганимиз ғазал эса улуғ шоир девонларидаги юзлаб ва минглаб ғазаллар орасида янада мураккаброқ бўлган бир ғазалдир. Бунга, назаримизда, аввало, унинг якпора эмаслиги: ҳар бир байтнинг бошқа байтларга мазмунан бевосита боғланмасдан, алоҳида ҳолда ҳам тугал маъно акс эттириши, шунингдек, унинг фақат ишқий-ошиқона руҳда эмаслиги каби омиллар сабаб бўлган.

Навоийнинг аксар ғазаллари етти байтдан иборат. Аммо диққатингизга ҳавола этилган ғазал ўн бир байтлик бўлиб, шоирнинг муаззам “Хазойинул маоний” куллиётидаги энг узун ғазаллардан биридир. Алишер Навоий тўрт улкан девондан иборат ушбу тўпламни бежиз “Хазойинул маоний” (Маънолар хазиналари) деб атамаганига иқрор бўлмоқ учун биргина

шу ғазал билан кенгроқ танишиб чиқиш кифоя қилса, ажабмас. Зеро, бу ғазалда Навоий лирикасига хос энг муҳим икки мавзу – сўфиёна ишқ, олам фалсафаси ва одамлараро муносабатлар масаласи ўртага қўйилиб, юксак савияда ифодаланган.

*Қароғ эрмаски, қилмишмен кўзум сели йўлин маҳкам,
Сиришк эрмаски, ул йўл беркимай қилмиш тарашшух нам.*

Бу қорачуғ эмас, у билан кўзим сели йўлини маҳкам тўсганман, Ва бу кўз ёши эмас эди, у йўл тўла беркилмай, нам сизиб чиқибди.

Қорачиғнинг ранги қора бўлади, шу жиҳатдан унинг атрофидаги оқиш модда баайни сувга, қорачиғ эса сув тошиб чиқаётган булоқ оғзини беркитиш учун ташланган қорамтир тошга ўхшайди. Навоий шу ташбеҳни қўллаб, агар кўзимнинг қорачиғи тўсмаса, кўз ёшим тўлиб-тошган бўлар эди, дейди илк мисрада. Бироқ, чашма оғзи харсанг билан беркитилса-да, нами сизиб чиқаверганидай, ошиқнинг кўз ёшлари ҳам тийилмайди.

*Итининг гар аёғи куйди ўтган чоғда қабримдин,
Сўнгалар туфроғимдин куйдуруб айланг анга марҳам.*

Қабрим устидан ўтган чоғида итининг оёғи куйиб қолар бўлса, Суякларни туфроғимдан олиб, куйдириб унга малҳам қилинг.

Итинг қабрим устидан ўтар бўлса, ишқимнинг оташин яллиғи унинг оёғини куйдириши аниқ, ана шунда суякларимдан олиб, уларни куйдириб, унинг учун малҳам қилиб қўйинг. Чамаси, шоир яшаган даврда куйганни даволаш учун суяк куйдириб, куйиндисидан малҳам тайёрланган кўринади. Бу даво ҳозир ҳам аҳёнда учрайди – яраларга қозоннинг қора куйиндисини қўйиш ёки кигиз куйдириб босиш одати айрим жойларда сақланиб қолган.

*Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкининг Сулаймони,
Ки ҳам бор оҳидин ел ҳукмида, ҳам доғидин хотам.*

Ул пари сабаб кўнглим ишқ мамлакатининг Сулаймонидир, Ва ел унинг ҳукмида – оҳ урса, эсади, доғи эса шоҳ муҳридай.

Ошиқнинг кўнгли подшоҳлар саройидан ҳам муҳташам. Пари навозиш этса, ошиқ ер юзига шоҳ бўлган Сулаймоннинг мақомидан ҳам юксакроққа кўтарилади. Аммо унинг шамолларга ҳукмронлиги сал ўзгача: оҳ уришидан шамол кўзғалади, куйган кўнгли доғи эса шоҳ муҳри каби қоп-қора тусда.

*Қуёшнинг қурбидин ойким ҳилол ўлғай эрур андоқ,
Ки бир маҳваш санга етгач, ер ўпмакликка бўлғай ҳам.*

Сенга етгач, ҳар бир ой юзли ер ўпиш учун қаддини ҳам этгани каби, қуёшга яқинлашган ой ҳам ҳилол бўлиб букилади.

Ёр қаршисига келган ҳар бир ой юзли сарнигун бўлиб, ер ўпиш учун қаддини ҳам этади, бу жамол шуъласига тоб бериб туриш шу қадар мушкул. Худди шунингдек, қуёшга яқинлашган ой эгилиб, сарнигун бўлади – ҳилолга айланади...

Демак, Навоий даврида ойнинг ҳилол, бадр ва завол кўринишлари унинг қуёшга яқинлашиши ва узоқлашиши туфайли деб қаралган экан. Ҳар нечук, кунботар пайт қуёш ҳали ниҳон бўлиб-бўлмаётган турган пайтда ой ҳилол ҳолатида бўлишини қайд этиш – Навоийнинг нозик кузатишларидан бири.

*Париваш тифллардин ҳар замон ортар жунунумким,
Берурлар ҳушу ақлим қушлариға тош отардин рам.*

Пари сингари ёшлар сабабли ҳар замонда жунуним ортади, Улар тош отиб, ақлу ҳушим қушларини тумтарақай қилишади.

“Пари теккан” деган ибора бор. Пари одамни эсидан оғдириб, девона қилар эмиш. Навоий ақлу ҳушни сергак ва жонсарақ қушларга менгзайди. Болалар тош отиб паррандаларни чўчитгани каби пари болалар ошиқ ақлу ҳуши қушларини хуркитиб, унинг жунуни ортишига сабаб бўлишади.

Айтишларича, Алишер Навоий ниҳоятда нозиктаъб одам бўлган. Кичик бир нарса унинг кайфиятини кўтарган, ёки бузган ҳам. Эҳтимолки, тош отишиб, шовқин солиб ўйнаётган болалар кўнглини озурда этгани шеърга ҳам кўчган бўлса... Бу байтнинг яна бир фазилати иккинчи мисрада ички лафздошлик – “ҳуш” ва “қуш” сўзларининг ўзаро оҳангдошлигида кўринади.

*Улустин чиқтиму ҳар дам қочармен соядин ҳам, ваҳ,
Ки ногаҳ ул қуёш сиррин десам ул ҳам эмас маҳрам.*

Улусдан этак силкиб чиқдим, аммо ҳар дам соядан ҳам қўрқиб қочаман, эвоҳки, ногоҳ ул қуёш сирини айтсам, у ҳам маҳрам бўлмайди.

Шоир “улусдан чиқдим”, деб эълон қилаётир. Бу хабаринг зимнида не борлиги бизга қоронғи. Ажабки, Навоийнинг ўнлаб ғазалларида улус сўзи аксар ҳолларда салбий маънода – кишининг кўзига дунёни тор қилувчи, фитна кўзғовчи ва алдоқчи одамларни билдириб келади. Бунга сабаб, шоирнинг шахсий ҳаётидан чиқарган хулосалари – эл-улус деб чеккан машаққатлари алалоқибат унинг ҳафсаласини пир қилгани бўлсамикин? Улус шоир дилини шу қадар зада қилганки, узлатга чекиниб улусдан чиққан (бу эса тилимиздаги “элдан чиқмоқ” ибораси билан бирдир) лирик қаҳрамон ўз соясидан ҳам қўрқадиган ҳолга тушган, дунёда унинг биронта маҳрами қолмаган, шу боис, ҳатто сирри йўқ – ёғдуси оламафшо бўлган қуёшнинг сиррини айтишдан ҳам қўрқади, зеро у ҳам... энди маҳрам эмас.

*Шикоф эрмас қаламдаким фироқим шарҳи ёзғондин,
Ёқа чок айлабон, чирмаб қаро, бўлмиш анга мотам.*

Қалам учидаги ёриқ – дарз кетгани эмас, фироқим шарҳини ёзаркан, Ёқасини чок этиб, қора кийим кийиб, у ҳам мотам тутади.

Қамишдан кесиб ясалган қалам босиб ишлатилгани сари учи ёрилиб, кенгайиб кетиб, ёзувлар оппоқ қоғоз бетини янада кўпроқ қорайтириб юборади. Шоир буни ташбеҳга айлантиради, фироқим шарҳини ёзар чоғида қалам ёқасини чок этиб (ёрилиб), қора кийим кийиб (сиёҳга беланиб), мотам тутади, дейди.

Бу тафсилотдан биз Навоий яшаган давр аза маросимига хос баъзи тафсилотларни ҳам билиб олишимиз мумкин: аза тутганлар оҳ уриб додлаб, ёқаларини йиртган ва қора кийим кийган эканлар (демак, Бухоро ва унинг атрофида таъзияда оқ кийиш урфи Хуросон томонларга хос бўлмаган).

*Бу эрса майки куйдурди вужудум кишварин атри,
Яқин бил, соқиеким, жом сиррин билмай ўтмиш Жам.*

Атри вужудим мулкени куйдирган шу нарса – май бўладиган бўлса, Унда, эй соқий, аниқ билгинки, Жам жомнинг сирини билмай ўтибди.

“Жоми Жам” – Жамшиднинг жоми демакдир. Ғайб асроридан воқиф қалб ҳам “жоми Жам” кабидир. Солик ўз қалбини ғурурдан халос этиб, дўст ишқи билан тўлдиради. Энди, жом – идиш бўлар экан, табиийки, ундан май ичадилар. Шоир, ишқ майининг ўзи эмас, ҳатто ҳиди (атри) ҳам ошиқнинг вужуди мулкени бу қадар куйдирадиган бўлса, унда, Жамшид ўз жомининг сиррини билмай ўтгани аниқ, дейди.

*Май ич даҳр ичраким иш сирридин англай десанг рамзе,
Эрур ҳар зарранинг моҳияти хуршиддин мубҳам.*

Иш сирридан бирон ишора англашни истасанг, бу дунёда май ичгил, Зеро аслида, ҳар бир зарранинг моҳияти қуёшдан ҳам мубҳамроқдир.

Аслида, майхўрлик – зеҳни ўтмаслаштиради, нозикроқ ишораларни пайқамасликка олиб келади. Аммо шоир бу ўринда шу ҳақиқатнинг аксини айтади, “иш сирридан бирон рамзни англамоқчи бўлсанг – май ич”, дейди. Нега? Бу мисрадаги оксюмороннинг маъноси не? Маъно шуки, бу олам шундай тузилган: энг майда нарса бўлган зарра (атом)нинг моҳияти коинотдаги энг улкан жисм – қуёшдан ҳам мураккаброқ. Бас, шундай экан, “иш сиррини англаш”га совуқ ақл билан эмас, ҳис этиш орқали бир қадар яқинлашиш (“рамз англамоқ”) мумкин. Демак, иш сирини – ҳаёт моҳиятини тугал англаб бўлмайди, ёр (худо)га муҳаббат боғлабгина баъзи нарсаларни рамз-ишора тарзида пайқаш мумкин. Бунинг учун эса ишқ майидан сархуш бўлиш (бутун борлигини илоҳий ишқ ихтиёрига топшириш) керак.

Шу билан бирга, биз бу байтдан Навоий оламини макрокосм ва микрокосм миқёсида англашга қадар етиб борганини, зарра – коинотнинг кичик макети деб англаганини ва ҳатто зарранинг моҳияти қуёшдан ҳам мураккаброқ эканини тафаккур қилгани маълум бўлади...

*Саҳар кун ашҳабиға чун керактур поймол ўлмоқ,
Фалак майдониға ҳар тун қамардек сурди тут адҳам.*

Ой каби ёр ҳар тун фалак майдонига қоп-қора йўрғани сураар экан, Саҳарда куннинг бўз тулпори поймол бўлмоғи керак.

Бу байт, назаримизда, ошиқ ҳаётининг энг дилгир, тушкун паллалари ҳақида. Ҳар саҳарда куннинг бўз оти поймол бўлишга мажбур, зеро ҳар тунда ой – қамар сиймоли ёр қора арғумоғини елдириб чиқади, яъни ёруғлиқ (умид) сўниб, борлиқни қоронғилиқ (зулмат, толесизлик) қоплайди.

*Навоий дарди ҳолидин дам очмас бўлса, айб этманг,
Не дам очсун бировким, топмади оламда бир ҳамдам.*

Дарди ҳолини айтиш учун Навоий оғиз очмаса, уни айб қилманг, Ахир оламда ўзига ҳамдам топмаган киши нега изҳори ҳол этсин?

Одам ҳар кимга эмас, дилдош дўстига – маҳрамига дардини айтади. Бундай ҳамдард топа олмаган киши бегоналарга оғиз очмайди. Навоий ҳам ана шундай бенаволардан бири – маҳрами рози йўқ. Шунинг учун ҳам дарди ҳолимни айтмаганим учун мени айбламанг, чунки оламда ўзига бирон ҳамдам топа олмаган киши дилидаги ҳолидан дам уриб нима қилади, дейди шоир.

Кўрамизки, бу асар бирон конкрет воқеа муносабати билан ёзиладиган “якпора” ғазал эмас, балки даҳо шоирнинг кўнглида бир лаҳзада кечган кўплаб туйғулар баёнидан иборат бўлган бир “пароканда” ғазалдир.

* * *

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!*

*Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим?!*

*Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим?!*

*Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға,
Ғайр сори хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим?!*

*Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!*

*Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,
Ким мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.*

*Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.*

(3, 434)

Шарҳи: Бу ғазал бошдан-оёқ киноя услубида битилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, у шоирнинг дунё можароларидан озурда бўлиб, вафо эвазига жафо, меҳр эвазига жабр кўргани ва маълум хулосаларга келгани ҳақида.

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!*

Кимгаки қилган ҳар бир вафоим эвазига ундан юз жафо кўрмадимми? Юз бора меҳр кўрсатиб, ўрнига минг дарду бало келганини кўрмадимми?

Булар, илмий тилда айтганда, риторик саволлардир. Уларга жавоб бериш шарт эмас, жавоби ўзи билан. Халқнинг бағрикенглик билан айтган мақолларида кимгадир қилинган бир яхшилик келгусида ўн яхшилик, юз яхшилик бўлиб қайтиши нақл қилинади, аммо бу даҳри дунда унинг акси – яхшиликка ёмонлик қайтиши ҳам сийрак ҳодиса эмас. Ҳатто бир илтифот эвазига ўн қабоҳат қайтиши ҳам кўрилган. Шоир шундан озурдаҳол.

*Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим?!*

Мен кимгаки бошимни фидо қилган бўлсам, у менинг бошимга ҳар тарафдан юз туман (миллион) жафо тиғини йўллаганини кўрмадимми?

Бу ерда таносуб санъати қўлланган. Фидо қилинган бош қаршисига уни олмоқ учун тиғ йўлланади. Чунки у даврларда бош олмоқ асосий жазо ҳодисаси бўлган ва тилга ҳам шундай ифодаalar кириб келган. Бироқ тиғ истиора тарзида келган, шуни аён қилиб, шоир “тиғи жафо” – жафо тиғи деб кўрсатади.

*Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим?!*

Кимгаки кўнглим меҳр-муҳаббатини билдириб, ошкор этган бўлса, ҳар бир вафодорлик эвазига ундан юз жафокорлик келганини кўрмадимми?

Лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳар кимга очиқ, кўп ларга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор қилади, аксар кимсаларнинг кўнгли тош каби қаттиқ, кимгаки меҳр-муҳаббат изҳор қилар бўлса, уларга қанча вафо кўрсатса, бу вафоларнинг ҳар бирига улардан юзлаб жабр-жафо келган, ошиқнинг кўнгли шундан озурда. Кўнгил беришнинг, бу кўнгил меҳр-муҳаббат изҳор этиб, вафо кўрсатишининг эвазига жафо келадиган бўлса, ошиқнинг жони қай ҳолга тушади? Жон борасида сўзлайди шоир:

*Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға,
Ғайр сори хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим?!*

Кимгаки жонимни топшириб, асир этиб берган бўлсам, ул кас ғайр тарафга мойил бўлиб, жонимни қатл этадиган даражада душманга меҳрибонлик қилганини кўрмадимми?

Бу байт шарҳи ҳол тарзида битилган ғазалнинг бирмунча очик ва равшан манзараларидан. Чиндан ҳам турмушда сиз эъзозлаган одам сиздан юз ўгириб, сизга тескари бўлган кимсалар билан иноқлашиши сийрак учрайдиган ҳол эмас.

*Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!*

Ишқ ичра кимга кўзимнинг қораси ва оқини солган бўлсам, кўзимнинг оқу қораси қон ичра пинҳон бўлганини кўрмадими?

Ўзбек тилида кўзимнинг оқу қораси деган ибора бор. Бу нимаики топган бўлсам, ҳаммаси, бор-будим, дегани. Лирик қаҳрамон нафақат жони, наинки ҳижронзада кўнгли ва урётани – ўзида борини кимга нисор этган бўлса, у буларнинг барини – ошиқ кўзининг оқу қорасини қонга ботиради.

Боз, кўз солмоқ – меҳр билан қарамоқдир, шоир ҳам буни таъкидлаб, “ишқ ичра” кўз солганини айтади, бироқ кўзнинг оқу қораси қачон қон ичра пинҳон бўлади – кўз ўйиб олинганда! Яъни кимгаки меҳр билан назар ташласам, ўша одам кўзимни ўйиб олади, деб шикоят қилади шоир.

Ва ниҳоят, Навоий шундай хулосага келади:

*Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,
Ким мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.*

Эй дўст, сен вафо чиройлилардан келар деб кўз тутмагил, зеро мен бу тоифа вакиллари чиройли вафо қилганини кўрмадим.

Ҳусн аҳли ким? Лирик қаҳрамон кимга шайдо бўлган эса ҳусн эгаси ўша. Бинобарин, ошиқ кимгаки зора вафо қилар, деб ҳусни таважжуҳ билан боқса, ундан чиройли вафо кутмасин, зеро айнан ҳусн эгалари бевафодирлар.

Шу ва ундан олдинги байтда тарди акс бадийи санъати қўлланган (қарову оқ – оқу қаро; вафо ҳусн – ҳусни вафо).

*Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.*

Эй Навоий, мен бу ишимдан шайх олдида тавба қилмадим (воз кечолмадим), чунки бундоқ қилишимга майхона пирининг ризо бўлмаслиги аниқ эди.

Шайх, сўзма-сўз олганда, кекса киши дегани. Назаримизда, шоир шайх дея дунёни назарда тутаетир бу ўринда. Чунки дунёни очун ҳаммадан кексароқдир. Яъни то дунёда бор эканман, кишиларга меҳр-муҳаббат билан боқишдан тавба қилмадим, гарчи оқибатсизлик келишини билиб турсамда.

Ва яна шайх деганда раис – кишиларнинг ибодатини текшириб юрувчи ва танбеҳ бериб ё жазоловчи шайхлар бўлган, унинг қошида тавба қилинган. Лекин мен унинг олдида тавба

қилмадим, деяпти шоир, чунки бунга дайр пири – майхона оқсоқолининг рози бўлганини кўрмадим. Сўнгги жумла сўфий ошиқнинг ўз ишқидан асло воз кечмаслигини, бунга унинг пири рози бўлмаслигини англатади. Фаришталарнинг доимий машғулоту ибодат бўлгани каби сўфий ошиқнинг аъмоли муҳаббатдир. У ҳамма нарсадан воз кечишга, тавба қилишга рози, аммо муҳаббатдан – гарчи ундан ҳамиша озор, жабру жафо ҳамда вафосизлик топса ҳам асло воз кеча олмайди.

Бир маънони англатувчи шайх ва пир бу ўринда ўзаро зид образлар сифатида келган. Улардан бири зоҳирга, иккинчиси эса ботинга нигоҳ солиб ҳукм қилади. Ошиқнинг қалби ана шу чин пир амрини адо этишга мойил.

Ва ниҳоят, бир рукн қайси ҳарфлардан иборат бўгин билан тугаса, кейинги рукн шу товушлардан бошланишидай бадий санъат (ишда – дайр) ҳам сўнгги байтга яна бир зийнат берган.

* * *

*То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен.*

*Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топманом,
Буйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.*

*Қайси захмимға қилурсен чора чун мен эй рафиқ,
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.*

*Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.*

*Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулға чун ҳамкорамен.*

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхорамен.*

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.*

(2, 496)

Бу ғазал бир маҳаллар Ўзбекистон халқ артисти унвони билан сийланган, кейинчалик эса намозхонликда айбланиб, қўшиқларини радио ва телевидениеда бериш тақиқланган машҳур санъаткор Мавлуда Аъзамова томонидан зўр маҳорат билан куйланган эди (ашула “Фарғонача” номи билан машҳурлигига қараганда, унинг куйи Фарғоналик қай бир созанда ё бастакор ижодига хос бўлса керак). Дин-диёнатга йўл очилган мустақиллик даврига келиб бу қўшиқ яна эфирга чиқа бошлади. Шу орқали ҳам биз миллат қуёши Алишер Навоийнинг даҳосидан яна бир қатла баҳраманд бўлдик.

Бу асар “Чор девон”нинг иккинчи жилди – “Наводируш шабоб”даги 496-ғазалдир. Унга

киритилган асарларни шоирнинг ўзи йигитлик айёмининг нодирликлари билан қиёслайди. Бу маънони таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, баъзилар айтганидек, “Чор девон”га киритилган асарлар шоир умрининг шунга мувофиқ даврида ёзилган эмас, яъни “Ғаройибус сиғар” девони фақат болалик – сағир ёшида битилмаган, ёки “Фавойидул кибар” қари чоғида ёзган ғазалларидан иборат эмас. Девонларнинг номлари шартли бўлиб, девон тартиб бериш чоғида ҳар бир девонга бир хил – 650 тадан ғазал киритилгани ҳам шунни кўрсатади.

Мазкур ғазал руҳига диққат қилсак, у Навоийнинг хийла кексарган, ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйлай бошлаган, устозларию бир қанча яқин дўстлари ҳаётдан кўз юмган чоғда битилган кўринади. Унинг 1486 йилда – 45 яшар вақтида жамланган “Бадоеъул бидоя” ва “Наводирун ниҳоя” деб номланган икки девонида бу ғазалнинг йўқлиги ҳам унинг шоирнинг кексалик даврида ёзилганини далиллайди. Чунончи, сўнгги байт шунга ишорадай:

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.*

Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма, бу карвонга ит каби эргашиб бораман (қолиб кетмайман).

Энди ғазалнинг матлаъ – илк байти маъноси билан танишайлик.

*То муҳаббат дашти бепоеида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен.*

Муҳаббатнинг чек-чегарасиз даштида сарсон ҳолда юрар эканман, Ишқ саросимасидан, нимаики балолар бошимга тушса, чорасизман.

Ошиқ муҳаббатнинг поёнсиз даштида овора бўлиб юрар экан, бундан англашиладики, ишқнинг ўзи беҳудуддир. Бу ишқ – илоҳий ишқ, чунки инсоний ишқнинг боши ва охири, авжи ва сусти, чек-чегараси бўлади, фақат Оллоҳ ишқининг поёни йўқ. Бу ишқ туфайли бошга тушадиган балолар қаршисида ошиқ чорасиз, шуниси ҳам борки, қазога рози ва балога собир бўлиш – мўминнинг шиоридир.

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзимни топманом,
Буйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.*

Мен ўзимни топа олмайману, одамлар мени қандай қилиб топсин? Мен шу тариқа ишқ ва жунун саҳросида оворамен.

Бу байт бугун айрим адабиётшунос ва ихлосмандлар томонидан бузиб ўқилади ва шунга мувофиқ талқин қилинади. Уларнинг фикрига кўра, шоир “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам” деган, ёки тўғрироғи, шунақа деб ёзганида зўр бўлар эди. Ана ўшанда “ўзликни топиш, ўзликни англаш” каби ҳозир урф бўлган ижтимоий дунёқараш Навоий орқали ҳам тасдиқ этиларди... Унинг зимнида “мен ўзимини англасам (ботинга назар), бошқалар ҳам мени эътироф этади, биз ўзимизни топсак, англасак, ўз қадримизга ўзимиз ет-

гандагина ўзгалар (яъни бошқа миллатлар, дунё...) ҳам бизни тан олади”, деган шиор сингари бир даъво ётади.

Ҳолбуки, шоир ўзликни топиш (англаш) эмас, аксинча, ўзликни йўқотиш, ўзини топа олмай қолиш маъносини битган. Тасаввуфда – ҳақиқий солиқ, адабиётда – чин ошиқ севги шиддатидан ўзини унутиши, ҳаёлан маъшуқа билан бирлашиб кетиши лозим. Эътибор берсангиз, ишқ шиддатидан жунун ҳоли ҳам пайдо бўлди. Бу ҳолда киши ўзини билмай қолиши мантиқий. Давом этамиз:

*Қайси захмимға қилурсен чора чун мен эй рафиқ,
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен?*

Эй дўст, сен яра-чақаларимнинг қайси бирини даволамоқчисан? Тийрборон балосидан менинг бутун аъзои баданим яра-чақаку?

Бу тийр борони, аввало, маъшуқа отган истиғно ўқлари. Аммо бу – ботиний (ички) жароҳат, зоҳирий томондан эса ишқ жунунидан телба бўлган одамга болалар тош отиб ҳам-мёғини ярадор қиладилар. Яна:

*Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.*

Оҳларим тутуни ичида бир учқундай бўлиб ётганимни кўрган одам Мени ҳижрон кечаси-даги юлдуз-сайёра экан, деб гумон қилди.

Бу – жуда маҳобатли манзара. Тутун ҳамма ёқни қоплаб, унинг қоронғисида ўртанаётган ошиқ бир учқундай бўлиб аранг кўзга ташланади, уни кўрган одам ҳижрон тунидаги юлдуз ва сайёрларга ўхшатади.

Тўғри, сиртдан қараган кишига бу муболаға, лоф тас вир бўлиб туйилиши мумкин. Аммо ёр – Оллоҳ ишқида тунлари ухламай, оҳ тортиб чиқилган замонларни кўз ўнгимизга келтирсак, манзара анча реаллашади.

*Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулға чун ҳамкораман.*

Тунлари қуйиб-ёнсам, тонг саҳарларда йиғласам, ажабланманг. Чунки ишқда парвона ва булбул билан ишим бир хил.

Бунда мумтоз адабиётимизга хос таносуб санъати қўллангани диққатга сазовор, яъни ўртанмоқ деганда алангага ўзини уриб куядиган парвона, саҳарда нола қилиш эса тонгда сайраган булбулға қиёс қилинади.

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхораман.*

Эй харобот (майхона) аҳли, сиз маст бўлиб, мен маст бўлмасам, Бу айб эмас, негаки, сизлар май ичасиз, мен эса қон ютаман.

Назаримизда, бу ғазалнинг маъно ва ишоратга энг тўлиқ байти – шу. Бунда шоир сиртдан майхона аҳлига мурожаат қилгани билан, аслида, мустасифларга – сохта ошиқ-сохта солиқларга хитоб қилади, уларнинг ишқ йўлида ўзини маст-аласт қилиб кўрсатишларини маъқулламайди. Навоийнинг эътимодича, ошиқликнинг янада юқорироқ бир босқичи бор, бу хушёрлик ила ёрга етишишдир. Зеро, Навоий тариқат нуқтаи назаридан нақшбандийлардан эди. Бу сулукнинг ғояси – кўнгил ёр билан, қўл эса иш билан банд бўлсин.

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул карвонни борамен.*

*Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма,
Ўша карвон ортидан ит киби эргашиб бораман.*

Биз ҳозир бу байтнинг ҳаётий маъносига урғу бердик. Энди икки оғиз унинг сўфиёна мазмуни ҳақида тўхталсак. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Навоий умри давлат ва жамоат иши, ижод билан ўтиб, сўфийликда ўзи хоҳлаган даражага ета олмаганидан ўкинган. Бу борада илгарилаб кетган аҳли ҳоллар – улкан сўфийларга ҳавас билан қараган, бир томондан, тасалли учун, қолаверса, шу армон йўлида “Насойимул муҳаббат” асарини битган...

Ғазал ниҳоясида шоир умидланади – дўст-ёрлар (аҳли ҳоллар) кетиб қолди, уларга етиб бўлармикин, деб кўп ошиқиб ўзингни азоблама, ит карвонга эргашиб боравергани киби зора мен ҳам уларга етолсам, деб.

Бу ғазал, агар бошдан-охир маъносига диққат қилсак, кишининг ошиқ бўлиши, бу йўлда унинг бошига турли ғавғо-шўришлар ёғилиши, аммо у ишқ йўлидан тийилмай, аксинча, ўзини унутиш даражасида берилиши, оқибат – бошдан-оёқ бало ўқларига нишон бўлиши, кейинчалик эса ўзи тортган оҳлар дуди ичида гўё бир мажнун тунда олов ёқиб, аланга ту-туни ичра гулханни кўрган одамлар уни тун осмонида юлдуз ва сайёраларга ўхшатиши, шу тариқа ишқ шиддатининг зўрлигидан кечалари куйиб-ёниб, тонг саҳарларда фарёд қилиши, чора излаб харобот (майхона) сари йўл солиб, аммо бунда ҳам дардига даво топа олмай, қон ютиши ва ниҳоят, кетган карвон ортидан эргашиши – фанони тарк этишидай изчилликка эга эканини кўрамиз. Ишқнинг шарҳи ҳоли Навоийнинг ушбу етти байтли ғазалида шундай тажассум топган. Шоирнинг ишқи ҳақиқий ёр (Оллоҳ)га муҳаббатдир ва бундай ишқда ошиқнинг ёши нечада эканининг аҳамияти йўқ.

Алишер Навоий асарларида қўлланган сўз ва ибораларни тушуниш, талқин этиш учун у яшаган даврдаги ижтимоий-маданий ҳаёт, адабий муҳитни, бадий мезонларни, диний, сўфиёна ва адабий истилоҳларнинг келиб чиқиши ҳамда улардан ҳар бири ифодалаган зоҳирий ва ботиний маънолар мағзини чақиш лозим. Чунончи, ана шу сўнгги байтда Навоий ўзи ҳақида “ит киби эргашиб” деган ифодани битар экан, у бир қўпол та-свир ёинки маломатпеша одамнинг ўзига қилган лутфи эмас, балки машҳур бир афсонага ишорадир. Маълумки, қадим бир замонда уч нафар солиҳ йигит Даққиёнус (Даклёниус) деган ҳукмдорнинг зулмларидан қочиб, тоғ сари бош олиб кетадилар, уларга Қитмир деган бир ит ҳам эргашади ва ҳаммаси бир ғорга яширинишади. Оллоҳ уларни зулм тааддисидан асраб, уйкуга чўмдиради ва Даққиёнус вафоти (уч юз йил) дан кейин уйғотади.

Бояги ит эса солиҳларга эргашигани учун, солиҳлик рутбасига эга бўлган эмиш...

Дарвоқе. Биз мақола бошида, мазкур ғазал шоирнинг бирмунча кексарган пайтида ёзилган бўлса керак, деган тахминни билдирган эдик. Улуғ шоир даҳоси қаршисида ожизона узрхоҳлик қилиб, ўша фикр фойдасига ундаги икки жиҳатни кўрсатиб ўтсак. Зеро, Бобур ҳам Навоий ҳақида ёзаркан, унинг кейинги ёзган асарлари “настроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур”, деб қайд қилган эди. Бобур кўзда тутган асарлар Навоийнинг кексалигида битилган. Эътибор қилган бўлсангиз, қандай улуғ дард ва зўр бадиий куч билан ифода топганига қарамай, матн нуқтаи назаридан, ушбу ғазалнинг икки ўринда, Навоийнинг ибораси билан айтганда, “айбғинаси” бор: “оворамен” сўзи икки бор қофия сифатида келади ва “балият” калимаси такрор қўлланадики, бу ҳазрат шеърояти учун тасодифий ҳол эмас.

* * *

Ёрдин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машхур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди қўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.

(1, 484)

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали кўп замонлардан бери халқимиз орасида машхур. Ортиқхўжа Имомхўжаев, Матлуба Дадабоева каби атоқли ҳофизлар ижросида у ўзбек халқининг севимли ашуласи сифатида танилган.

Ғазал ошиқона руҳда, чекилган жабру жафолардан ҳасрат ва ошиқнинг ўзгаларга панди унинг пафосини белгилайди. Табдил этишга киришайлик:

Ёрдин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машхур ўлмасун.

Ҳеч ким мен каби ёрга зор ва унинг ҳажрига гирифтор бўлмасин, бутун оламда шарманда-

лик билан машҳур бўлмасин.

Матлаъ – бошланғич байтни ҳозирги ёзувга ўгиришда икки хиллик бор: дастлабки сўзни “ёридин” деб ўқиш ҳам мумкин, “ёрдин” деб ҳам. Бизнингча, “ёридин” дейиш хато – у ғазалдаги сўфиёна маънони йўққа чиқариб, шеърни кундалик-маиший мавзуга бағишланган назмга айлантириб қўяди. Зеро, ёр – яккаю ягона. Ҳар кимнинг ёри бошқа-бошқа эмас. Ана шу нақтаи назардан ёндошсак, бу тенгсиз ёр ишқида ҳеч ким мен каби зор ва ҳижронзада бўлмасин, оламда мен каби шармандалик билан номи чиқмасин, деб битяпти шоир.

Негаки, айна ўринда, гарчи бу ишқ азобли ва аламли бўлса-да, ўзга ошиқлардан ёрни қизғаниш, энг садоқатли ва фидокор ошиқ бўлиш, унга буюк бир ишқ ила боғланиш – шарафдир.

*Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.*

Мен ишқим ҳақида ҳар қанча айтиб, овораи сарсон бўлсам, бўлай, аммо унинг номи ҳар кимнинг тилига тушавермасин.

Бу ерда ҳам аввалги байтдаги фидойиликни кўриш мумкин: ошиқ ёр ҳақида сўзлай-сўзлай, ўзининг ҳар қанча хору забун бўлишига рози, аммо ёрнинг ҳатто номи ҳам шу қадар пок сақланиши керакки, у ҳар кимнинг оғзида мазкур (зикр этилган) бўлмасин.

Шу ўринда валийлардан бирининг кунига неча маротаба бўлса ҳам ҳар гал Оллоҳнинг номини тилга олишдан аввал таҳорат янгилаб, сўнгра зикр этганлиги ҳақидаги тарихий нақл ёдга тушади...

*Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.*

Ёрнинг жонимга жабру зулмини, э худо, шу даражада қилгинки, унга ошиқ бўлишга ҳар кимнинг ҳам ҳадди сиғадиган бўлмасин.

Мажнун (Қайс)ни зора даволанса, дея Каъбага олиб бориб, ўзингга худодан шифо сўрагин, дейишганида, у бош уриб, ё Раб, менинг ишқу жунунимни орттиргин, деб талаб қилади. Чин ошиқ, ҳар қанча ёр жабридан шикоят қилса ҳам, шу жабрни ёрнинг илтифоти, инояти деб билади, унинг камайишини истамайди. Бу ерда ҳам Навоийнинг лирик қаҳрамони менга ёрнинг жабру зулми шу қадарлик бўлсинки, уни тортишга ҳар кимнинг қудрати етмасин, деб тилак билдиради.

*Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.*

Менку (ёр жабри туфайли) ўлдим, аммо ҳар бир покдил ошиқ мотамимда дод солиб йиғласа, буни маъзур (кечирарли) деб бўлмайди.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ишқини шу қадар махфий тутадикки, ҳатто ёр зулми боис ўлганида ҳам ўзгалар дод-фарёд солиб мотам тутишини истамайди, буни эшитиб ёр озор

топмаса эди, деб хавотирга тушади. Буни тариқатда нақшбандийлик оқимиға мансуб бўлган шоирнинг ишқу эътиқод ила жаҳрий (ошкора) эмас, хофий (пинҳона) машғул бўлишига ҳам ишора дейиш мумкин.

*Панд ила қўнғлум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.*

Насиҳат-ўғит қилиб, қўнғлимни қўтаришга уринма, эй дўст, зеро кимки биз (нинг орамиз)-ни бузган бўлса, ё Раб, асло обод бўлмасин.

Бу ерда ғайир кимсаларнинг ёр билан шоир ўртасига тушиб, орани бузганига ишора бор. Биз лирик қаҳрамон демаяпмиз, айнан шоир деяпмиз. Афтидан, айрим адабиётшунослар таъбиридаги “бегона байт” – ғазал матниға усталик билан сингдириб юборилган, аммо алоҳида олиб қараганда ижодкор ҳаётига оид бирон лавҳани тасвир этувчи ишора бу ерда бўй кўрсатиб турибди. Навоий билан бир яқин кишисининг, эҳтимолки, замона подшоҳининг, орасини кимдир бузгани айтилиб, бузғунчининг икки дунёси маъмур (обод) бўлмасин дейиляпти. Аслида, сўфиёна ғазалларда (бир бутун ҳолда) ёр билан орамиз бузилди, нари-бери бўлдик, деган гап айтилиши одат эмас.

Албатта, бу – айна байт ғазал руҳига тамоман ётдир, деган гап эмас.

*Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.*

Тунлари ул гул қадаҳ сипқорар эмиш, эй тонгги сабо, хабардор бўлгин, (сен) унга менинг ҳолимни айтадиган чоғингда у маст ҳолда бўлмасин.

“Бадоеъул бидоя” девонига 1470-йилларга қадар ёзган лирик асарлари киритилган, деган маълумот бор. Албатта, бу пайтда Алишер Навоий билан султон Ҳусайн Бойқаро ўртаси анча яқин бўлган. Сўнгроқ бир ёқдан подшоҳнинг ичкиликка берилганлиги, иккинчи томондан ўртага ғанимлар аралашгани туфайли ора бирмунча совиган. Афтидан, Навоий ўртага одам қўйган, бироқ муносабатни аниқлаштириш учун подшоҳ маст бўлмаган вақтда, яхшиси тонг пайтида арзиҳол этилишини мувофиқ кўрган.

Байтнинг бадииятига келсак, унда гулнинг тунда, саҳарга яқин очилиши (қадаҳ шаклини олиши)га нозик ишора бор.

*Ёр васлиға қувондим, қовди қўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.*

Мен ёрим билан биргаман, деб қувонган эдим, у эса мени қўйидан қувди, эй Навоий, ҳеч киши эришган давлатига мағрур бўлмасин экан.

Ёр билан ошиқнинг яқинлиги – ошиқ учун тенгсиз бир давлатдир, висолдан мосуво бўлиш эса лирик қаҳрамон ҳаётининг бетимсол кулфати.

Бу байт, сўфиёна талқин этиладиган бўлса, Алмисоқ ҳақидаги нақлга – Оллоҳ жами инсонларнинг руҳини яратиб, уларга ўзининг холиқ эканини тасдиқ қилдиргач, ўзидан

вақтинча узоқлаштиргани – фироққа солганини ҳам ёдга туширади. Энди ҳар бир инсон ўзига берилган умрини яшаб (солик эса ишқ йўлидаги жами йўлларни босиб ўтиб)гина ёрга етишиши мумкин.

Ижтимоий маънода эса ғазал шоир ва шоҳ – икки ҳаммақтаб дўст ораларидаги мураккаб муносабат – гоҳ лутфу навозиш, гоҳо эса (ағёрлар қутқуси билан) кину араз ила ўтган вазиятлар ҳақида ишоралардан иборат. Ва бу ишора ёр (подшоҳ)нинг ўзига мўлжалланган, зора анису мунисликдан мосуво этилган бечоранинг ҳолига етиб, сидқи камолига инониб, яна висоли давлатига қайтарса...

Мақтаъ (сўнгги байт)да Навоийнинг бадиий маҳорати яққол намоён бўлади: шаклан ўзакдош икки сўз ёнма-ён келтирилади; уларнинг бири хайриятлик (қувондим), иккинчиси эса фалокатлик (қувди).

* * *

*Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин хоралар.*

*Оразинг атрофида гулдур қўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар.*

*Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида оворалар.*

*Англаким, аҳбобни кўнглумда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.*

*Анда Мажнун – мен, буён Лайли – сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён парий рухсоралар.*

*Хонақаҳ вақфи суйин ичмаслар, эй шайх, англағил,
Гар хумор ўлса фано дайридағи майхоралар.*

*Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,
Бас, ғалат бўлғай демак ушшоқни бечоралар.*

(3, 177)

Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул маоний”идаги 2600 та ғазал, айтиш мумкинки, бошдан-оёқ ошиқнинг дил рози, муҳаббат баёнидан иборат. Шоир ғазалларини ўқир экансиз, ишқни бу қадар таъриф ва тавсиф қилиш, муҳаббат розини бу даражада оташин бўлиб изҳор қилиш мумкин эканини кўриб ҳайратга тушасиз. Бу улкан девондаги ҳар бир ғазал – алоҳида асар, бу 2600 ғазалнинг ҳар бир байти – янги бадиий топилма. Жумладан, мутолаа этишга чоғланганимиз “Не ажаб...” деб бошланувчи ғазал ва унинг байтлари ҳам бундан далолат беради.

*Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин хоралар.*

Мен каби мажнун бошининг ҳар тарафида яралар бўлса, неажаб? Ахир, устига болалар отган тошлар ёғилган бўлса, оқибати шу-да.

Илгари кўча-кўйда девона одамлар кўп бўлар, ўзини ҳимоя қила олмайдиган бу шўрликлар бевош болалардан айниқса кўп озор чекар, жумладан, болалар уларга тош отишар, шу туфайли баданларининг ҳамма жойи яра-чақа бўлиб юрарди. Бу – ёр кўйида девона бўлган ошиқнинг портрети. Ана энди шоир ошиқ кўзи билан ёрга боқади:

*Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар.*

Юзинг теварагида кўринганлар гулдир, эй пари, Ёки ой атрофида сайёралар саф тортиб турибди.

Ёрнинг юзи мумтоз шеъриятимизда гулга ва ойга кўп менгзалади. Ёр юзининг олранглиги ва думалоқлиги гулни эслатса, қоп-қора сочлари қуршовидаги орази тунда балқиб турган моҳитобон кабидир. Ўтмишда қизлар бошига гулчамбар кўйиши ёки чаккаларига гул қистириб юриши урф эди. Шоир ана шу гулларни ой теварагида доирасимон саф торган сайёраларга қиёслайди. Бу ўринда мумтоз астрономияда мазкур сайёраларнинг ўз ҳаракат йўлида ой сферасига кириши айтилаётирки, бундан ота-боболаримиз мазкур буржларнинг табиатини билибгина қолмай, улардан ҳатто поэтик образ сифатида фойдаланишган ҳам, деган хулосага келишимиз мумкин.

*Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида оворалар.*

Ҳар бир қуюн-гирдибод гўёки бир дарбадар ошиқнинг гарди каби, Бас, ишқинг даштида овора юрганлар тупроққа айланган (ўлган).

Мажнун замонасидан бери ошиқнинг ватани дашт-биебон деб аталади. Чунки саҳрода йўл топа олмаганлар сингари ёрга етиша олмаган ошиқнинг ҳоли биебонда саргашта бўлган одамнинг аҳволига ўхшайди. Чўлларда тик айланадиган шамол уюрмаси девона ошиқнинг шамойилини эслатади ва шоир уни ёрнинг ишқи саҳросида тупроққа айланган беҳисоб ошиқлардан қай бирининг қуюндай чарх уриб юрган гардига ўхшатади.

*Англаким, аҳбобни қўнғлумда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.*

Агар (ёрнинг) итлари оғзида жигаримдан поралар кўрсанг, Билки, ўз қўнғлимда, мен дўстларимни меҳмон қилибман.

Шарқ адабиётида ит образи аксар ҳолларда салбий маънода қўлланади, унга ёрнинг ортидан эргашиб юрадиган, хокисор жонивор сифатида қаралади (бундан фақат асҳоби қаҳф воқеасидаги ит мустасно). Мумтоз шеъриятимиздаги лирик қаҳрамон эса ўзини ёрнинг итидан ҳам ҳақир қилиб кўрсатади, ўша итнинг илтифотига эришишни ҳам ўзи учун дав-

лат деб билади. Буни Навоийнинг бошқа бир ғазалидаги “Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил” (итингга ғамдан зада бўлган жоним ипларидан арғамчи қил) деган мисра ҳам тасдиқлайди. Юқоридаги байтда лирик қаҳрамон, агар ёримнинг итлари жигаримни поралаб еётганини кўрсанг, билгилки, ўз кўнглимда, мен дўстларимни меҳмон қиляпман, дейди.

Сўнг яна ёрга мурожаат келади:

*Анда Мажнун – мен, буён Лайли – сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён парий рухсоралар.*

*У ёнда Мажнуну мен, бу ёнда эса Лайлию сен бўлиб тўплансак, бир тарафда девоналар,
бир ёнда пари рухсоралар жам бўлади.*

Яна ўша алфақир рухсоралар: Мажнун ва лирик қаҳрамон бир томонда, Лайли ва ёр бошқа бир ёқда турса, девоналар бир ён, парипайкарлар бир ён бўлади.

Аммо назаримизда, байтнинг ҳозирги ёзувда юқоридаги шаклини биров ўзгартириш лозим. Бизнингча, Навоий лирик қаҳрамон тилидан: Мажнун бу – мен, Лайли эса – сен, деётгани йўқ, балки Мажнуну мен (Мажнун-мен), Лайли билан сен (Лайли-сен) деб айтаётир, яъни:

*Анда Мажнун-мен, буён Лайли-сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён парирухсоралар.*

Акс ҳолда, кўплик шаклидаги “девоналар ва парирухсоралар” ўрнига девона ва парирухсора икки томонда деб айтилган бўлар эди. Баҳарҳол, мумтоз адабиётимизга хос тил ва айниқса, имло энг инжиқ масалалардан.

*Хонақоҳ вақфи суйин ичмаслар, эй шайх, англағил,
Гар хумор ўлса фано дайридағи майхоралар.*

Эй шайх, билгинки, бу фоний дунё майхўрлари ҳар қанча хумор бўлсалар-да, хонақоҳ вақфи сувидан ичмайдилар.

Бу байтда сўфиёна маънода келган *шайх, май, майхора, хумор* каби истилоҳларнинг кўп қўллангани диққатга сазовор. Байт ҳам тўлиғича сўфиёна мазмунда: тариқат йўлларини батамом инкор этувчи мутаассиб шайхга қарата лирик қаҳрамон, эй шайх, билиб ол, ишқ майини нўш этувчи ошиқлар, ҳар қанча хумор бўлсалар ҳам, сен учун энг катта давлат бўлган бу хонақоҳга вақф қилиб берилган ариқ ёки ҳовуз сувини ичишни хоҳламайдилар, дейди. Реал ҳаётда – майхўр одам май ўрнига сув ичишни қанча хоҳламаса, сўфийлар ҳам шундай: улар ишқ мастлигию ошиқлик жазбасини тарк этиб, оддий нонхўрлик ҳаёти ила яшашни асло исташмайди.

*Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,
Бас, ғалат бўлғай демак ушшоқни бечоралар.*

Эй Навоий, ишқ аро ўлмакдан бошқа чора йўқ, шундай экан, ошиқларни бечора дейиш хато бўлади.

Мазкур байтнинг биринчи мисрасида икки хил маъно борлиги кўриниб турибди: аввало, ишқ ичида **бўлмоқ**, зеро ошиқларнинг бундан бошқа чораси йўқ, шундай экан, ишқ ичра бўлган ошиқларни бечоралар дейиш хатодир; иккинчи маъно эса ишқ ичра **ўлмоқ**-дир, ошиқлар ишқ ичра (яъни уни тарк этмай туриб) ўлим топаркан, бу улар учун саодатдир, бас, шундай экан, уларни бечора одамлар дейиш ҳам тўғри эмас.

* * *

*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулзузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.*

*Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.*

*Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.*

*Билмон, кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?*

*Қар дам кўнгул ҳалоқу кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.*

*Машшотаи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр?*

*Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор.*

(1, 171)

Алишер Навоийнинг бу ғазали жуда машхур. Унинг қачондан бери “Сегоҳ” ашуласига асос бўлиб келаётгани бизга маълум эмас. Қар ҳолда, XX аср бошларида Ҳожихон Болтаев ва унинг салафлари томонидан куйланганига қараганда, у XIX асрнинг ўрталарида ҳам қўшиқ сифатида айтилган. Эҳтимол, Хоразм адабий ва маданий ҳаёти барқ уриб яшнаган Ферўз даврида у маҳаллий муғаннийлар томонидан куйга солинган бўлса. Қар ҳолда, сегоҳ – уч маротаба баланд авжга чиқиб ижро этиладиган ва айтиш унча-мунча ҳофизнинг қўлидан келавермайдиган бу асар то ҳануз энг ширали ва кучли овоз соҳиблари репертуаридан ўрин олиб келаётир. Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Раҳматжон Қурбонов каби хушхонлар ҳам шу ғазални айтиб машхур бўлганлар.

Ғазал ёрнинг хусн-жамоли васфидан иборат, шу боис уни ошиқона ғазаллар туркумига киритиш мумкин бўлади.

*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғузур,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.*

Юзингдаги хол ва майин туклар хаёли сабаб, эй гул юзли ёр, Гоҳ пайтларда кўзимга хол тушади, гоҳо эса ғубор.

Ёрнинг юзи атиргул янғлиғ, бу юз узра битган хол ва лаб устидаги майин хаттни ўйлаб ошиқнинг кўзига гоҳо хол тушади, гоҳо эса ғубор. Кўзга хол тушиши қадимги табобатда изтироб, диққинафас ҳолатлар сабабли юз беради, деб қаралган. Хол тушган кўзда ички қон босими ортган бўлади.

“Гоҳе ғубор” дейишнинг маъноси эса ўлимдир. Чунки қабрдаги кишининг кўзига, аниқроғи, кўз косасига вақти келиб тупроқ (ғубор) тўлиши – Шарқ адабиётининг эски мотивларидан. Ғафур Ғулом ҳам бир шеърида висолга эришмай, умри поёнига етганларни эслаб, “кўзига ўргимчак ин солган йигитлар ҳам бор”, деб ёзган.

*Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.*

Юзингдаги қора хол – саҳифа узра томған сиёҳ каби, Холинг шунчалар малоҳатлики, сиёҳ энг монанд келади.

“Хол малоҳати” ибораси қадимги бир анъана билан боғлиқ. Шундоқки, оилада қорачадан келган қиз туғилса, Малоҳат деб, оқ-сарикроқ қизалоққа эса Сабоҳат деб исм қўйиш анъанаси бўлган. Байтда ўшанга ишора бор. Аммо малоҳат дея қораликка ташбеҳ қилинганда ёрнинг жамоли эмас, ундаги латиф хол кўзда тутиляпти. Кўрамизки, атиги икки чизги – оппоқ юз ва қоп-қора хол орқали севгилининг бутун бошли портрети яратилган.

*Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.*

Жонимни қуйдирган юзинг ва холинг (қандайлиги)ни билмасанг, Катта аланга (ва унинг ичида)ги бир ўчган шарорани тасаввур эт.

Ёрнинг юзи шунчалар шўълалики, ошиқнинг жонини ўртаган, ундаги хол эса шу аланга ичида ку йиб-куйиб қорайган бир лаҳчага монанд. Бу ерда “ўчук шарор”ни икки маънода тушунса бўлади: юздаги хол – олов ичидаги ўчган жой; ошиқнинг ўртанган ва куйиб кул бўлган жони.

*Билмон, кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?*

Билмайман, кўнгилда холларингнинг хаёлими ёки Кирпигинг тиканларини устунроқ қўйганмисан?

Билмадим, кўнглингда холларинг хаёли устунми ёки киприкларинг тиконини афзал биласанми? Холлар хаёли деганда майинликка интилиш хос бўлса, киприклар тиконига эътимод боғлашда ошиққа кучлироқ зулм ўтказилиши тушунилади. Байт, кўнгилда ёр холларининг хаёли кучлироқми (кўнгил қорайганми) ёки ёр киприги тиконларининг захми устунроқми, буни ошиқнинг ўзи билмайди, дея талқин этилиши ҳам мумкин.

*Ҳар дам кўнгул ҳалоқу кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.*

Ҳар дам кўнглим ҳалок ва кўзим қоронғу бўлишини Ёри шўх ва холдор бўлган кишигина билади.

Офатижон ёрнинг парвосизлиги ва золимлиги ошиқ қалбини ҳар лаҳза ҳалок этиб, кўзига ёруғ оламни қоронғи қилади. Бунинг қандай азоб эканини ёри шўх ва холдор одамгина ҳис этади. Байтда ёрнинг шўхлиги – кўнгилни ҳалок этиши, холдор эканлиги – кўзни қоронғилатишига нисбат берилган.

*Машшотаи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр?*

Унинг холи ва хаттига тақдир пардозчиси оро берган, Бас, бу беқарор ҳолатимда қаяқдан ихтиёрим бўлсин?

Қазо сўзи бу ўринда қазою қудрат сифатида қўлланиб, тақдир пешонага ёзилган бўлади, деган тушунчани ёдга туширади. Киши ҳамма нарасага чап бериши мумкин, илло тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Ҳамонки, ёрнинг бу қадар гўзаллиги қудрати илоҳийдан бўлар экан, унга ажабланмай илож йўқ. Лирик қаҳрамон ўз ихтиёрсизлигини ҳам котиби тақдир қаламининг ишораси билан бўлган, деб билади.

*Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор.*

Мискин Навоий лабинг устидаги холингни кўрса, жон беради, Шундай экан, эй нигоро, унинг холи тарзига боқсанг, нима бўлади?

Бу байтда, назаримизда, икки маъно мужассам бўлган. Биринчиси – лабинг устидаги холни кўргандаёқ жон бергудай аҳволга тушадиган мискин Навоийга раҳминг келиб унинг ҳол-равишига қараб қўйсанг-чи, тарзида бўлса, иккинчиси – лабинг устидаги холингни кўрганидаёқ мискин Навоий жон берадиган бўлса, бу ошиққа қараб қўйсанг нима аҳволга тушар экан, деган фикр ҳам мазкур байт мазмунидан келиб чиқиши мумкин.

Ва ниҳоят, эски ёзувда “лаб”нинг “б” ҳарфи остига нуқта (ёрнинг лаб остидаги холи) дарж этилади, “б” чўзиб ёзилса, шакли инсон лабини эслатади; “жон”даги “ж”нинг остига ҳам нуқта қўйилади, аммо ошиқнинг жони ёрнинг лаби ва ундаги нуқтадай хол қаршисида маҳв бўлади.

* * *

*Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.*

*Оташин лаълидурурким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидан хилъатки жононимдадур.*

*Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур?*

*Қатл биймидур, тараҳҳумнинг доғи уммиди бор.
Бу либоси олким ул номусулмонимдадур.*

*Васл шоми куймаган парвона шояд қолмағай,
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.*

*Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзин қўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.*

*Соқиё, гулранг май солиб кетур паймонаким,
Зуҳд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.*

*Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.*

(3, 194)

Бу ғазалнинг дастлабки икки байтига диққат қилсангиз, ўзига хос бир “чамбарак” шакл ҳосил бўлганини кўрасиз: биринчи мисра тўртинчи мисрада яна такрорланади.

Гул, гулгун, гулранг, оташин, барг, хилъат, лолагун, бийм ва ҳоказо сўзлар ҳам икки-уч топқир келади, улар такроридан ажиб эвфония – оҳангдошликлар юзага чиқади ва дафъатан қараганда, шоир ушбу асарини сўзни жилолатиб, маҳоратини намоёниш этиш учун ижод қилгандай туйилади.

Аммо Навоий ҳеч қачон шаклни мазмундан устун қўймаган, сўз санъатини фикр айтиш майдони деб билган, энг катта шеърӣ тўпламини ҳам “Маънолар хазинаси” – “Ҳазойинул маоний” деб атаган. Бинобарин, бу каби бадиӣ санъатлар пайваста бўлиб келган ўринларда ҳам маъно талқини етакчи ўринда турганлиги муқаррар. Чунончи:

*Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.*

*То жононим оловранг гулбаргдан жома кияр экан, унинг бу жомаси шунчаки халат эмас,
менинг жоним ичра ёнган бир ўт (каби)дир.*

Ёрнинг гулдай гўзал ёки қуёш сингари порлоқ юзию сарву санобардек қадди-қоматигина эмас, либослари ҳам ошиқнинг кўзига бениҳоя нафис ва жон олғувчи бўлиб кўринади.

Ушбу ғазалда, асосан, ёрнинг хилъати – стки жомаси тараннум этилади. Қачонки ёр устига оловранг халатини ташлар экан, ошиқнинг жонига ўт солади, ёнади.

*Оташин лаълидурурким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидан хилъатки жононимдадур.*

Унинг оловранг лаъли (лаби) борки, жоним унинг тубида, зеро жононим оловранг гулбаргдан жома кийгандир.

Киши кийган либосининг ранги унинг юзига ҳам шуъла солади, бинобарин, ошиқнинг жони жо бўлган ёрнинг лаби олов тусидаги хилъат туфайли яна ҳам лоларанг бўлиб, бундан жон янада кўпроқ ўртанса, неажаб?

*Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лоларанг сарви хиромонимдадур?*

Жон қушининг қонли тусидан малоҳат хурмоси ранг олганми ё бўлмаса, бу хиромон юрвчи сарвнинг либоси лоларанг эканиданми?

Шоир қизил рангга далолат қилувчи нарсаларни келтиради: ёрнинг юзи ошиқнинг қонга бўялган жони ранги туфайли ол тусдамикин, деган маънони ташбеҳ билан жон қушининг ранги қизиллигига (чунки у қонга бўялган) ва ёрнинг юзи боғдаги хурмога қиёсланади, бунга ҳам кўнгли тинмай, хиромон сарв бўйлик ёрнинг либоси лола тусида эканлиги учун бўлса керак, дейди.

*Қатл биймидур, тараҳхумнинг доғи уммиди бор.
Бу либоси олким ул номусулмонимдадур.*

Бу номусулмон ёрим токи қизил либосини кийибдир, қатл этилиш ваҳми тушади, зора раҳм қилса деган умид ҳам бор.

Ўтмишда, жаллодлар мақтулнинг қони сачраса билинмасин дея қизил либос кийишган. Баски, ёрим қизил либосини кийдим, қатл қилса эҳтимол, шоядки раҳм этса, чунки не қилса, ихтиёр унинг ўзида. Ёрни “номусулмон” дейиш унинг ғайридин эканлигини кўрсатмайди, балки бераҳмлигига ишора, бу фикр мусулмон – раҳмдил бўлади, деган қараш маҳсули.

*Васл шомни қуймаган парвона шояд қолмағай,
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.*

Агар қоронғи кечамни ёритувчи бу шам (каби ёрим) шафақранг ҳуллани кийган бўлса борми, висол оқшомида қуймайдиган парвона қолмаса керак.

Байтда арафорик аллитерация санъати фаровон қўлланган: **шом**, **шояд**, **шафақгун**, **шамъ**, **шабистон**... Мана шу хазин шитирлаш ва шеърый шивирлаш эзгин руҳ беради шеърга. Шамъи шабистон – қоронғи тунни чароғон этиб ёритувчи шам мисол бўлган, юзининг шуъласи барқ урган ёр агар ана шу шафақгун – қип-қизил хилъатини кийган бўлса, бу ви-

сол оқшомида ўзини бу шамга уриб куймаган, ҳалок бўлмаган парвонамисол ошиқ қолмаслиги турган гап. Бу байтда яна бошқа нукталар ҳам йўқ эмас.

*Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.*

Эй тонг ели, гулга яқинликдан сарв мамнун бўлиб, ўздан кетмасин, зеро гулгун тўнли гул менинг ёнимдадир.

Ёрнинг юзи гулга, қадди эса сарвга ўхшатилиши шарқ адабиётида кўп тараннум этилган. Бироқ гул юзли ёки сарвқад жононлар суҳбатига етишганлар бундан ортиқ мағрурланмасин, чунки бу гулюз, сарвқадликдан ташқари, кийган тўни ҳам гулгун бўлган ёр, бугун ошиқ ёнида.

Аслида, шоирнинг бу муболағаси ҳам муболаға. Ўтмиш сўз санъатимизда ана шундай бадий усуллар қўлланган. Чунончи, бу байтда келмаган ёрни ёнимда дейиш ҳам рақибни алам қилдириш, куйдириш учун айтилган ширин ёлғондир, зимнида эса ҳаддан ташқари интизорлик бор.

*Соқий, гулранг май солиб кетур паймонаким,
Зухд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.*

Эй соқий, қадаҳга гулранг май қуйиб олиб кел, чунки зухд – зоҳидлик қўрқувидан ишқ ҳақидаги аҳду паймонларимга халал етди.

Ушбу байт алоҳида, маъноларга тўлиқ қўшмисрадир – Навоий ғазалларида мақтаъ (охирги байт)дан олдин келадиган байтда аксар ҳолда маъно энг зич ва қуюқ ҳолда бўлади.

Ҳали тасаввуф шаклланмаган пайтларда ижтимоий бир қатлам сифатида зоҳидлик юзага келган эди. Замонлар ўтиб, таркидунёчилик, фақат ибодат билан машғул кишиларнинг иши бўлган зухд сўфийлар томонидан қоралана бошлаган. Чунки зухд – фақат ўлим ва охират ташвишидан иборат бўлиб, бу ҳаёт лаззатларидан тамомила воз кечишни тарғиб қилар эди. Оллоҳни севиш эмас, ундан фақат қўрқиш – зухднинг асосий маъно-мазмунидир. Шоир айтадики, фақат қўрқув ичра бўлсам, ишқ-севгимга ва ишқ ичра қиладиган аҳду паймонимга халал етади, буни бартараф этиш учун менга гулранг (қизил тусли) май олиб кел, токи уни ичиб, қўрқувларим бартараф бўлсин ва мен ўз ишқим билан бўла олай...

*Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.*

Эй Навоий, ҳар бир гулдан жон булбулини қидирма, У тўни гулгун, лаби эса очилган гул каби бўлган (ёрим)дадир.

Ўтмиш адабиётимизда гул ва булбул кўп тараннум этилган, бу икки мавжудот ишқ-муҳаббат рамзи даражасига кўтарилган. Шунчаликки, қизлар дастрўмол тўқиганда, сочиқ ва бошқа ашёларга нақш солганда гул билан булбул тасвирини каштага кўчиришган. Шунинг учун қачон гул сўзи тилга олинаркан, беихтиёр булбул калимаси ҳам тилга келадиган бўлган. Бироқ Навоий лирик қаҳрамонга хитоб қилиб, ҳар бир гул ёнида жон булбулини қиди-

риш ноўрин, чунки жонимнинг булбули қирмизи тўн кийган, лаби эса хандон очилган гул каби бўлган гул ёримда, дейди.

Мана шу байт ва айниқса, унинг иккинчи мисрасида Алишер Навоий ўз эътиқодини бизга узил-кесил очаётгандай. Яъни “ҳар гул” дегани тирик жон эгаси бўлган кўплаб маҳбубалар. Лекин Навоийнинг жон булбули – фақат ўзи айтган, бутун ижодида бир умр тараннум этиб ўтган ҳақиқий, сўлмас ва сўнмас, абадий яшнаб турувчи гулга менгзаладиган ёрда. Бинобарин, шоир ижоди таҳлил этиларкан, мисралар қатидан “заминий муҳаббат” изларини қидириб топишга уриниш ҳамиша ҳам ўринли бўлавермайди.

* * *

*Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмай самаре ғайри таҳайюр.*

*Юз меҳрга нетсун чу эрур мужиби ҳайрат,
Ҳар зарраки, таҳқиқида ақл этса тафаккур.*

*Идроки камолингни хирад ҳадди соғинган
Бир қатра аро айлади юз баҳри тасаввур.*

*Кавнайн адам бўлса вужудингга не тағйир,
Гар мавж сукун топса тенгизга не таҳайюр.*

*Қаҳринг йўқ этар халқниким, турғали бўлмас
Сарсар йўлида пашша гуруҳига таҳаввур.*

*Бу турфаки, дафъини ярим пашшага қўйдунг,
Ҳар пилниҳодеки сенга қилди такаббур.*

*Ҳажринг тунда шамъ каби қолди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тукуб ашки таҳассур.*

(1, 132)

Бу ҳамд ғазали бўлиб, бошдан-оёқ Оллоҳ мадҳига бағишланган. Парвардигорнинг улуғлигини, бетимсоллигини, жалолиятини англаш – мўъмин учун буюк шараф. Шу маънода Расули акрамнинг “Динда чуқурлашманглар”, деган қавлини олам ва одам масаласи борасида ҳеч қандай тафаккур қилманглар, деб тушунмаслик керак. Одам худони ақл билан танийди, деган мақолни эслаш кифоя. Зеро, одамзод ақлу тафаккур соҳиби бўлгани учун ҳам жами махлуқотларнинг сарваридир. Шундай экан, ана шу тафаккурни ҳар соҳага, биринчи навбатда, Оллоҳнинг нақадар бетимсол зот эканини англашга ҳам йўналтириш керак бўлади, албатта.

Ғазал байтлари таҳлилига ўтсак.

*Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмай самаре ғайри таҳайюр.*

Эй (парвардигор), сенинг зотинг хусусида ақл ҳар қанча ўйланса ҳам, бу тафаккурда ҳайратланиш ва лол қолишдан ўзга самара бўлмайди.

Дарҳақиқат, яратган Зотдан ўзга барча нарсаларнинг имконияти чекланган. Жумладан, инсон ҳамда унинг тафаккури ҳам маълум даражага қадар етиб боради – ундан ортиғига йўл берк. Ҳар гал чуқур таҳайюлдан сўнг одам яна ўзининг бу борада айтарли ҳеч нарсага эриша олмай, ожиз қолганини эътироф этади, қўлга киритгани эса парвардигорнинг азамати қаршисида лол қолиш орқали юзага келган ҳайрат бўлади, холос. Аммо бу ҳайратланишнинг ўзида улуғ бир неъмат бор: бу ҳайрат одамни маънан ва ақлан юксалтиради, имонини янада мустаҳкамлайди.

*Юз меҳрга нетсун чу эрур мужиби ҳайрат,
Ҳар зарраки, таҳқиқида ақл этса тафаккур.*

Ҳайратлангувчи кас юзта қуёш қаршисида ажаб ланмай не қилсин, ахир ҳар бир заррани тадқиқ этиш учун ақл қанчалар тафаккур юритиши керак-ку.

Мумтоз адабиётда қуёш – макрокосм рамзи сифатида, зарра эса – микрокосм рамзи сифатида олинади. Ҳар бир қуёш ҳадсиз-ҳисобсиз зарралардан ташкил топади. Шундай экан, ҳали бирон-бир заррани тугал тадқиқ этиб бўлмаган одамзод юзлаб қуёшлар қаршисида лол қолиши табиий. Парвардигор эса ана шу беҳудуд ва беқиёс коинотнинг яратувчиси-дирки, унинг сирига етиш амримаҳол.

Шу ўринда, мукамал ғазалларнинг деярли ҳар бир байтида муайян бадиий санъат тажассум топишини айтиб ўтиш керак. Чунончи, мазкур байтда “юз меҳр” деган калима мавжуд, унда қуёш қаршисидаги беҳисоб зарралар деганда одамзод тушунилади. Бундан ташқари, қуёшдай ёрқин юз қаршисида нурсиз зарраларнинг ожиз экани ҳам далилланган.

*Идроки камолингни хирад ҳадди соғинган
Бир қатра аро айлади юз баҳри тасаввур.*

Сенинг камолингни идрок этиш ақл эгаларининг орзусидир. Улар бир томчи сув орқали юз денгизни тасаввур қиладилар.

Камолга интилиш – инсоннинг стихияси. Шундай экан, хирад аҳли барибир Оллоҳ жалолиятини идрок этиш учун интилаверади. Билимига рамз қилиб бир томчи сувда денгизни тасаввур қилишга уринади. Бу эса билиш назариясидаги индуктив метод кабидир; бор озгина билими орқали кўпгина нарсаларни хаёл кучи билан тасаввур қилади.

*Кавнайн адам бўлса вужудингга не тағйир,
Гар мавж сукун топса тенгизга не таҳайюр.*

Ҳар икки дунё охир бўлса, сенга не ғам, чунончи, мавж тинган чоғда ҳам денгиз денгизлигича қолади-ку.

Бу байтда Оллоҳнинг абадийлиги, ҳамиша барҳақлиги таъкидланиб, қиёс учун денгиз тўлқинлари бир он тингани билан денгизга зиён етмаслиги уқтирилади. Тасаввур кучи билан шоир хаёл етмас дамларга (вақтдан ташқарига) ҳам чиқади ва Қиёмат бўлиб тугаганидан кейин ҳам Худонинг абадий қолишини айтади.

*Қаҳринг йўқ этар халқниким, турғали бўлмас
Сарсар йўлида пашша гуруҳига таҳаввур.*

Қаҳринг жами махлуқотни йўқ қилади, зеро қуюн қаршисида пашша гуруҳи ҳарчанд матонат кўрсатмасин, даф бўлади.

Оллоҳнинг қаҳри (унинг бир исми Қаҳҳор – қаҳр қилувчидир) яратилган барча махлуқотни маҳв этади, бу эса қуюн турган чоғда бир гуруҳ пашша ҳар қанча чирангани билан барибир забун бўлгани кабидир.

*Бу турфаки, дафъини ярим пашшага қўйдунг,
Ҳар пилниҳодеки сенга қилди такаббур.*

Яна ажабки, сенга такаббурлик қилган не-не филдай жуссалиларни дафъ этишни ярим пашшага боғлиқ қилиб қўйдинг.

Мумтоз сўз санъатимизда тирик жонларнинг энг йириги фил, энг майдаси пашша деб қаралган. Шу боис не-не филдай қувватли зотлар ҳам, агар улар Оллоҳга такаббурлик қилиб, ўз ҳолатларидан мағрурланадиган бўлсалар, одатда, куни келиб бир пашшадай ҳам ҳоли бўлмай қолиши айтилаётир (чамаси, “ярим пашша ва фил” деган ибора зимнида Навоий давридаги бирон машҳур нақлга ишора қилинган).

*Ҳажринг тунда шамъ каби қолди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тўкуб ашки таҳассур.*

Ҳажринг тун кабидир, Навоий эса шамдай бўлиб қолди, чунки у ҳар тунда ҳасратли кўз ёшларини тўкканича шам каби куйиб ёнади.

Алмисоқда бандаларнинг руҳларига намоён бўлиб, сўнг ўзидан узоқлаштирган – ҳижронга ташлаган Аллоҳни унутмаган бандаларнинг бу ёруғ дунёдаги ҳаёти ҳижрон тун кабидир. Бундай бандалар ёрни соғиниб, тунлари кўз ёши тўкиб, унинг васлида шамдай сарғаядилар...

Ҳар бир ишқ изҳори янги, бошқасига ўхшамайди. Шу маънода, ҳар бир ҳамд ғазал бевожита Оллоҳ таолога мурожаат этиб айтилган роз ўлароқ, янги тароватда бўлади, зеро унда янги ҳиссиётлар мавжи авж қилади. Юқорида кўриб ўтилган ғазал ҳам ана шундай оташин дил розидан биридир.

* * *

Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур,
Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмош эрур.

Олмаған дин нақди бирла йиқмаган меҳроб йўқ,
Эй мусулмонлар, не кофир кўз, муфаттин қош эрур.

Чок кўксумдин ичимга солиб ул ой кўнглидек
Асрарамким, ҳам ул ой бошимға отқан тош эрур.

Раҳм эмас, бераҳмлиқлар сурмасанг бошимға раҳи
Ким, бу кўп қатла анинг помоли бўлған бош эрур.

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур.

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ
Ким, Навоий дайр ичинда дохили авбош эрур.

(1, 148)

Бу ғазални ишқ ва замон мавзусига бағишланган байтлар ташкил этади.

Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур,
Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмош эрур.

Кундузи ул порлоқ қуёш шуъласидан кўзимга ёш келади, кечалари эса ҳолим унинг сочлари хаёли билан чирмашади.

Ошиқ ҳамиша – кечаю кундуз ёр ҳақида ўйлайди. Ёрнинг юзи қуёш каби барқ урганида ошиқнинг кўзи унинг шуъласига тоб беролмай ёшланади, қоронғи тунда эса унинг хаёли ёрнинг қоп-қора сочларига банд бўлиб, гўё унга чирмаб боғланади; бошқа нарсага чалғимайди, хаёлда – фақат ёр.

Олмаған дин нақди бирла йиқмаган меҳроб йўқ,
Эй мусулмонлар, не кофир кўз, муфаттин қош эрур.

У эгаллаб олмаган дин хазинасию йиқитмаган меҳроб йўқ, эй мусулмонлар, бу қандай кофир кўзу қандай фитнагар қош бўлди?

Ёрнинг жодули кўз ила бир боқиши ошиқнинг ихтиёрини қўлдан олади ва дину имондан айиради, фитнагар қошлари шундай қайрилмаки, меҳроблар унинг олдида бир вайрона каби. Бунда таносуб санъати зоҳир бўлган: бу кофир кўз ва фитна қилувчи қош кишидан дин хазинасини олади ва имон меҳробини вайрон қилади.

Чок кўксумдин ичимга солиб ул ой кўнглидек
Асрарамким, ҳам ул ой бошимга отқан тош эрур.

Ул ой бошимга отган тошни олиб, кўксимдан бағримга чок солиб, худди ўшал ойнинг кўн-
глидаги каби асрайман.

Ёрнинг фақат вафоси эмас, жафоси ҳам ошиқ учун эъозли. Ҳатто унинг ошиқни рад
этиб, қувиб отган тоши ҳам гавҳар каби қимматли: ошиқ уни чўнтагида эмас, бағри ичида
– кўкси остида сақлайди, чунки ёрнинг асл муддаоси жабрининг қадрини орттириш. Шу
билан бирга, ёрнинг кўнгли тошдай қаттиқ эканлигига ҳам ишора бор.

Раҳм эмас, бераҳмлиқлар сурмасанг бошимга рахш
Ким, бу кўп қатла анинг помоли бўлган бош эрур.

Агар бошим устидан от солиб ўтмасанг, бу сенинг раҳмдиллигинг эмас, бераҳмлигинг
бўлади, чунки бу бош кўп бор отингга оёқости бўлган.

Ошиқ ёрнинг жабр-жафосига шу қадар кўникиб, ҳатто ўрганиб ҳам қолганки, унинг азо-
бларини ҳам соғиниб туради. Ёр агар дилдорлик қилмас экан, лоақал ерда забун бўлиб ёт-
ганида устидан от чопиб ўтишини сўрайди ва шунга ундаб, боши бундай поймолликларни
кўп кўрганини айтади, зеро бу ҳам, ҳар ҳолда, ёрнинг ошиққа бир эътибори-ку.

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур.

Ишқим сирини кўнглимда ҳар қанча пинҳон ҳолда асрасам ҳам, кўнглимдаги оташнинг
шуъласи уни одамларга ошкор этиб қўяди.

Муҳаббат ҳаё билан, рашк билан, андиша билан муҳаббат – ҳаммага алайна-ошкор на-
мойиш этила бермайди. Аммо ишқ ўти тобиш урганида уни пинҳон тутишнинг иложи йўқ,
одамларга барибир маълум бўлиб қолади.

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Бу дунё чаманида то булут мешкоб, шамол эса фаррош экан, қайси гул базмини ё сув ол-
мади, ё ел учириб кетмади?

Ҳамма нарсa фоний: осмонга булут чиқиб, ерга сув ёғдира беради ва шамол эсиб ҳамма
нарсани супуриб кетаверади, демак, бу чамандаги ҳар қандай гул базми ўткинчи – уни бир
куни ё сув олади, ё шамол йиқади.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ
Ким, Навоий дайр ичинда дохили авбош эрур.

Бенаволар олдиди абадий умр кечиргандан кўра, Навоийнинг майхона ичиди бир тўда бебошларга қўшилгани яхшироқ.

Айни байт – шу ғазалнинг қаймоғи. Унда кўп маъно мужассам бўлган. 1. Навоий дунёда ҳамиша хомуш-бенаво бўлиб юрмасдан, ҳаёт неъматлаъридан баҳра олишга даъват этади. 2. “Бенаво”нинг илк маъноси – сас-садосиз демакдир. Бинобарин, тоғ-тош каби сас-садосиз жисмлар қаторида абадий яшагандан кўра бу фоний дунёда қисқа бўлса-да маъноли ҳаёт кечириш афзал. 3. Авбошлик – жиноятчиликнинг умри қисқа, жамият уни имкон борича маҳв этади. Лекин яна бир, аввалги талқинларга зид бўлган маънони ҳам тақдим қилишга журъат этайлик – бенаво-мискин одамлар наздида, эй Навоий, умри абадий динга ошно бўлиш майхона ичиди бебошларга қўшилгандан кўра яхшидир...

* * *

*Меҳр гўёким тулуғ этмиш, менинг моҳим эмас,
Ким юзига кўз сола олмонки, дилхоҳим эмас.*

*Ҳар дам оҳингдин дема миръоти ҳуснунг тийрадур,
Тийра бўлма, ишқинг ўти дудидур, оҳим эмас.*

*Саъб учун ишқ, ўлдилар Фарҳоду Мажнун йўлда-ўқ,
Ким бири ҳоло бу водий ичра ҳамроҳим эмас.*

*Оҳ, жисмимни анинг қўйига солди, юз минг оҳ,
Ким анга бир кўҳи меҳнатдур, пари коҳим эмас.*

*Аҳли ишқ истар висолу мен хаёлиға доғи,
Ўзни лойиқ топман, эл бу ишта огоҳим эмас.*

*Мен фано дайри гадойимен, недур синған сафол,
Илгима гар ҳар эшикда шайалиллоҳим эмас.*

*Кўйида чун туфроғ ўлдум, эсмасун ул ён сабо,
Эй Навоий, ул мақомимдур, гузаргоҳим эмас.*

(4, 233)

Алишер Навоий ғазалларида мозий адабиётимизнинг турфа таровати бўй таратади, байтларида ўтмиш суратланиб туради, уларда киши руҳини алланечук ёшартирадиган, ҳа, кексартадиган эмас, айнан ёшартириб, инсониятнинг пок ўсмирлик даврига эргаштириб олиб кетадиган хислат зухур этади. Жумладан, ўқиган ғазалингиздаги “синған сафол”, “шайалиллоҳ” каби сўз ва улар англатган тушунчалар бугунги китобхон кўз ўрнида ўтмиш манзараларини гавдалантиради, алланечук қадрдон, аммо хийла унутилаёзган таассуротлар ёпирилиб келаётгандай бўлади руҳингизга.

*Меҳр гўёким тулуғ этмиш, менинг моҳим эмас,
Ким юзига кўз сола олмонки, дилхоҳим эмас.*

Гўё куёш чиққани каби, аммо менинг ой юзлигим эмас, Юзига кўз ташлай олмайман, чунки дилхоҳ эмасман.

Ойжамол ёр юзини очганда ой эмас, худди куёш чиқиб, нур таратгандай бўлади, шу боис, унинг юзига тик боқиш маҳол, бунинг устига, мени ёр ўзи учун дилхоҳ деб билмайди.

*Ҳар дам оҳингдин дема миръоти ҳуснунг тийрадур,
Тийра бўлма, ишқинг ўти дудидур, оҳим эмас.*

Ҳар лаҳза чеккан оҳингдан ҳусн ойнаси хира тортади, дема, Ғам чекма, бу – ишқинг ўтининг тутуни, холос, оҳим эмас.

Ойна рўпарасига туриб оҳ тортилса, оғиздан чиққан буғ туфайли кўзгу вақтинча хира-лашади. Ёр юзига боқиб ҳар дамда чекилган оҳдан маъшуқа, бу оҳлар ҳусним ойнасини хира қилмасайди, дея ташвишда. Ошиқ эса, йўқ, бу оҳим эмас, ишқ ўтининг тутуни, холос, деётир.

Бу байтдаги тийра сўзи икки бора келиб, бадийий санъат ҳосил қилган. Тийранинг бир маъноси – қоралашиш, хира бўлиш, иккинчи маъноси эса хижолат бўлиш, ташвишланиш демак. Араб ёзувида биринчи сўз “те” ҳарфи билан, иккинчиси эса “итқи” ҳарфи билан ёзилади.

*Саъб учун ишқ, ўлдилар Фарҳоду Мажнун йўлда-ўқ,
Ким бири ҳоло бу водий ичра ҳамроҳим эмас.*

Ишқ қийин, шу сабабли Фарҳод ва Мажнун йўлдаёқ ўлдилар, Улардан ҳеч бири ҳозир бу водийда менга ҳамроҳ эмас.

Ишқ, ошиқлик Шарқ табобатида ўзига хос бир касаллик ҳисобланган. Табиблар унга даво излаганлар. Чунки у зўрайиб кетганида киши меъёрий ҳолатдан чиқиб, телбавор ҳолга тушади. Руҳияти, бора-бора эса ҳатто жисми ҳам зиён кўради. Ишқнинг азоби ва машаққатидан ўлим ҳолатига етганлар ҳам бўлган, аммо буни ҳозирги авлод – XXI аср кишилари қабул қилиши амримаҳол.

Бу байтда Фарҳод ва Мажнун номлари келтирилган. Чунки мумтоз шеърятда анъанавий образлардан мисол келтириш ҳам бир турли бадийий санъатдир (“Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд” каби). Бу ўринда лирик қаҳрамон муҳаббатнинг энг буюк дарғалари – Фарҳоду Мажнунларни тилга олиб, ҳатто улар ҳам менга ишқ водийсида тенг кела олмайди, деётир.

*Оҳ, жисмимни анинг қўйига солди, юз минг оҳ,
Ким анга бир кўҳи меҳнатдур, пари коҳим эмас.*

Оҳ, тақдир жисмимни унинг кўчасига йўналтирди. Юз минг оҳки, Бу жойда машаққатлар тоғи бор, сомон парчасидай енгиллик йўқ.

Навоий кўҳ (тоғ) ва коҳ (сомон) сўзларини қарийб тажнис сифатида қўллайди. Тоғ – ер юзидаги энг оғир, залворли нарса бўлса, сомон – энг енгил жисмдир. Ёр васлига олиб борадиган йўл машаққатлар тоғидан иборат, сомон парчаси каби енгил эмас, оҳким, тақдир мени шу кўйга солди дейилаётир байтда. Шу билан бирга, эски ўзбек ёзувида тиниш белгилари деярли қўлланмагани боис, мен тортган оҳ самуми мени сомон парчаси каби учириб, ёр кўйига келтириб ташладик, энди юз минг оҳ тортаман, деган яна бир маъно ҳам зухур этган байтда. Ва ниҳоят, бир оҳ эмас, юз минг оҳ(лар) мени шу кўйга туширди, деб тушуниш ҳам ғалат бўлмайди.

*Аҳли ишқ истар висолу мен хаёлига доғи,
Ўзни лойиқ топман, эл бу ишта огоҳим эмас.*

Ишқ аҳли висол тилайди, мен эса ўзимни ҳатто ёрнинг хаёлига ҳам лойиқ деб топмайман, аммо одамларнинг бундан хабари йўқ.

Ҳақиқий таважжуҳ бирон илинждан холи бўлгани каби чинакам ошиқнинг муродида ҳам самимиятдан ўзга нарса йўқ, ишқи эвазига бирон нима таъма қилиш муҳаббатнинг заволидир. Афсуски, ҳатто сўфийларнинг кўплари ҳам бу даражага етиб бора олмаган. Висол муҳаббат сўнишининг бошидир, Навоийнинг лирик қаҳрамони эса наинки висолдан, ҳатто ёр хаёли билан яшашга ҳам ўзини лойиқ топмайди ва бунини... элдан яширади, ишқини оммага ошкор қила бермайди, бу эса нақшбандия сулукига хос “дил – ба ёр” шиорининг тажаллисидир.

*Мен фано дайри гадойимен, недур синган сафол,
Илгима гар ҳар эшикда шайалиллоҳим эмас.*

Мен фонийлик дунёси гадойиман, негаки, гарчи ҳар бир эшикда “Шайалиллоҳ” демасам ҳам, кўлимда синган сопол бор.

Бу байтда, аввало, “синган сопол” ва “шайалиллоҳ” деган икки тушунча мазмунини тушуниш муҳим. Синган сопол, мутахассисларнинг айтишича, “Лайли ва Мажнун” достонида тасвир этилган воқеаларга бориб тақалади. Шундоқки, Мажнуннинг – ўз ошиғининг сопол идиш кўтариб турганини кўрган Лайли орланиб, қўли билан бир урганида коса синиб кетади. Синган сопол идиш эса, маълумки, ҳеч нарсага ярамайди, уни қадоқлаб ҳам бўлмайди. Аммо Мажнун учун бу синган сопол – бебаҳо, энг қадрли бойликка айланади, негаки, унга Лайлининг қўли теккан!

Навоий ошиқнинг ҳақиру фақир эканини иқрор қилиб, шу билан бирга, унинг ички дунёси бойлигига ишора қилади: лирик қаҳрамон фонийлик дунёсининг гадойи бўлиб кўринса-да, ҳар бир эшикка бориб, “шайалиллоҳ!” (худо йўлига хайр қилинг) демайди, қўлидаги сопол эса, гарчи синиқ бўлсада, бебаҳо – унга ёрнинг қўли изи бор, нафаси урилган...

*Кўйида чун тупроғ ўлдум, эмасун ул ён сабо,
Эй Навоий, ул мақомимдур, гузаргоҳим эмас.*

Ёр кўйида гўё бир тупроққа айландимки, бу ёққа шамол эмасайди, Эй Навоий, ахир бу тупроқ бўлиб ётиш менинг мақомим.

Ёрнинг кўйида тупроқ бўлиб ётиш – ошиқ учун мартаба, фахр. Энди бу тупроқни учириб кетиб, ёр кўчасидан узоққа ташламаслиги учун лирик қаҳрамон шамол эмаслигини тилайди. Чунки висолни хаёлига келтиришга ҳам журъат қила олмайдиган ошиқ учун бошқа бирон жойда эмас, ёр кўчасида тупроқ бўлиб ётиш олий мақом саналади, у бу жойга ўтиб кетиш учун эмас, доимо ётиш учун келган.

Тупроқ бўлиб ётиш, тупроққа айланиш, тупроқдай хоксору камтар бўлиш, тупроқдан яратилганлик, бунинг фазилати... Шарқ адабиёти ва фалсафаси тараннум этган қадимий ва мангу қадриятлардан бири у.

* * *

*Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.*

*Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.*

*Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул захрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.*

*Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

*Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

*Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.*

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

(3, 238)

Бу – Алишер Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан бири. Шеър матлаъсида шоир умум-башарий бир дардни юксак бадий тарзда лўнда баён этади. Сўнгроқ Вильям Шекспир ҳам “Ҳамлет” трагедиясида бу шохбайтга уйқаш “Атрофим тўла одам. Аммо одам қани?” деган хитобни тақдим этган.

Ушбу ғазал “Насруллои” куйига солинган ҳолда бир қанча улуғ хонандалар томонидан ижро этилган. Жумладан, халқ ҳофизи Ҳожихон Болтаев унинг байтларини аввал давра

аҳлига батафсил талқин этиб, сўнг куйлаган экан. Бу ғазалнинг матлаъси шоҳбайт ҳисобланади, шу байт ҳисобига бутун шеър матни фавқулдда таъсирли чиққан. Шу сабабли бўлсамикин ёки девон тузувчиларнинг янглишуви туфайлими, Навоийнинг дастлабки икки девони – “Бадоеъул бидоя” ва унинг бевосита давоми бўлган “Наводирун ниҳоя” девонларида, бирида 266-ғазал сифатида, иккинчисида эса 286-ғазал сифатида унинг матни такрорланган. Аммо 1639 та ғазални девон тартибида жойлаштириш чоғида бундай янглишувни арзимас бир нарса дейиш керак.

Ана энди унинг таҳлилига уринсак.

*Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.*

Мен истаган зот мени ўз суҳбати билан шарафлантирмайди, мени тилаган кишининг суҳбатини эса кўнглим писанд этмайди.

Бу ғазал мумтоз адабиётимизда шаклланган лирик қаҳрамоннинг “алфақирул ҳақир” тарзидаги образига жилла мувофиқ келмайди; унда реал шахснинг реал ўй-хаёлари, дунё ва унинг одамлари ҳақидаги изтиробли ўйлари акс этган. Дарҳақиқат, кишининг ўзига муносиб бир дўст, мунис улфат, ёру ҳамдам топа олмаслиги ҳам унинг шахсий фожиаси сифатида қаралмоғи керакки, юксак интеллект эгаси бўлган Навоийдай шахснинг таъбу дидига муносиб бўладиган одамларнинг кам учраши бор гап.

Биринчи мисрада “киши” деган сўз ишлатилмаган. Бундан лирик қаҳрамоннинг истагани у ёки бу шахсгина эмаслигини англаш мумкин. Зеро, Навоийнинг ҳар бир ғазалида сўфиёна маъно ҳам, дунёвий мазмун ҳам мавжуд бўлади. Улуғ шоирнинг асарларини тафриқ қилиб, “буниси тасаввуфий маънода, мана буниси эса дунёвий...” деб ажратиш шоир ижодини англаш учун йўл очмайди, билъакс, тўсади.

Шоир бу дунёи дундан шикоятини давом эттириб, ёзади:

*Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.*

Мен ўзимдан баҳра олишни хоҳлаган кимсадан қандай баҳра олай, боз, бирон кишидан баҳра топишни истасам, у ҳам баҳраманд этмайди.

Албатта, тилагувчи тилагувчига бирон нима беришга эмас, олишгагина қодир, бирон нима беришга қодирлар эса лирик қаҳрамондан қочадилар.

*Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул захрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.*

Ҳур ва парилар базмини не қилай, ахир мени қатл этиш ё тирик қолдириш учун улар кўзини захролуд этмаса ва булар табассум қилмаса.

Лирик қаҳрамон тинимсиз такомилга интилади, у нурсиз-шуурсиз тарзда бир нави турмуш кечиришни истамайди. Унинг олдида ё ҳаёт, ё мамот деган масала кўндаланг (Ажаб:

яна Шекспирга уйқашлик – Ҳамлетнинг машхур “Ё ҳаёт, ё мамот. Масала шунда!” деган сўзини эсланг – аммо Навоий Шекспирдан бир аср муқаддам бу маъноларни майдонга қўйган). Шоир кейинги байтда ана шу ўртамиёналикдан нафратини давом эттиради:

*Керакмас ой ила кун шакликим, хусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

Ой билан кун шаклининг не ҳождати борки, униси ичимни чок-чок қилиб пораламаса ва буниси танимни банд-банд қилиб бурдаламаса.

Ой билан кун мумтоз адабиётда ёр юзига қиёсланади. Ой юзли, моҳичеҳра, хуршиди тобон, хуршиди анвар, маҳваш каби қиёслашлар ёрнинг беҳад гўзаллигини, унинг юзига қараган кўзнинг қамашишини билдиради. Аммо анъанавий эпитетлар ва турғун этикетларни инкор этаётган шоир ташқи гўзалликни муҳим деб ҳисобламайди: муҳими – ёрнинг бир нигоҳ ташлаш билан ошиқ дилини чок-чок қилишию, танини банд-банд этиши, яъни қуруқ суратга эмас, аввало, теран ички маънавиятга эга бўлишидир.

Шоир шу икки байт билан улус томонидан эътироф қилинган, аммо ўзи рад этаётган базму ишрат ва ташқи гўзалликни “нетай”, “керакмас” каби сўзлар билан инкор қилиб тамомлайди. Аммо рад этишнинг ўзи кифоя эмас, идеалларни ҳам тақдим этиш керак, албатта:

*Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

Менга бузуғ кўнглимдан бошқа ерда от ўйнатмайдиган ўз шўхи дилрабойим, қотил каби нигоҳ солувчи мажнун хислатлигим керак.

Асл ёр гўзал бир маҳвашгина бўлиб қолмай, аввало, вафодор бўлиши, шиддат ва ҳиддат унинг аъмоли, мажнуншиорлик эса хислати бўлиши лозим, бундай ёрнинг қотилваш (қотилсиймо) бўлиши ҳам манзур.

*Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.*

Бу дунё мўйсафидидан кўнгил уз, фириби домига тушмагинки, у охири ажал арқонидан ўзга нарсани бўйнингга илмайди.

Дарҳақиқат, бу кўҳна дунёнинг алдоқчи лаззатларию ташвишларига берилиб қолинадиган бўлса, маккор фалак ажал сиртмоғини бўйнингга қандай қилиб солиб қўйганини пайқамай ҳам қоласан, киши.

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Ул ой юзли оловдай юзини очар бўлса, Навоий кўз тегмасин дея, бу ўт устига муҳаббат уруғларини исиріқ доналари каби сочади.

Мақтаъда қадимий удум – кўз тегмаслиги учун исириқ тутатишга ишора қилинган: ёр ўтли юзини очадиган бўлса, бу ўт узра... муҳаббат уруғлари нисор қилинади.

Дафъатан қараганда, бу ғазалнинг айрим байтлари парокандадай, масалан, ошиқнинг идеаллари баёни охирига етмагандай туйилади. Аммо талқин этилган умуминсоний дард ва изтироблар, мумтоз ғазалчиликдаги анъанавий этикет-қолиплар доирасидан чиқиш ва асл одамий туйғулар баёни мавжудки, булар асарнинг юксак ғоявий-бадий даражасини таъмин этган.

* * *

*Эй кўнгул, кўйида аҳволимни жононимға айт,
Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимға айт.*

*Оҳ дуди, ашк қони, нола мадди рифъатин
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимға айт.*

*Ишқининг юз минг балосинким ёшурдум халқдин,
Йиғлабон ул воқифи асрори пинҳонимға айт.*

*Эйки, кўрдунг кўйида кўнглумни ишқ этган хароб
Хонумонимни алохону аломонимға айт.*

*Телбараб тандин либоси офиятни ташлабон,
Дашт тутқан ҳолни Мажнуни урёнимға айт.*

*Бўлма дерсен, носихо, ҳусн аҳлиға ҳайрону зор,
Мендин ўтқил, кўнгул отлиғ зори ҳайронимға айт.*

*Ваъдаси уммидидин буким Навоий берди жон,
Эй сабо, Исонафаслик аҳди ёлғонимға айт.*

(4, 81)

Алишер Навоий ғазалиётини, рубоий, мухаммас, мусаддас ва бошқа лирик ашъорини, кенг маънода эса муаззам “Хамса”ни ҳам, умуман, Навоийнинг буткул ижодини ишқнома деб аташ мумкин, Навоий қаламидан чиққан асарларнинг умумий руҳи – ишқ тараннумидир.

“Айт” радифли ушбу ғазал – уларнинг бири. Аммо айнан шу радиф ошиқнинг кўнгилга хитоб қилиб, аҳволи зоримни ёрига етказ, дейишига кўра, Мажнуннинг Лайлига, унинг юртига кетаётган отлиқ орқали салом йўллашини эслатади. Умуман, бу сўз, ёр соғинчини ифодалашда жуда қойилмақом келади.

*Эй кўнгул, кўйида аҳволимни жононимға айт,
Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимға айт.*

Эй кўнгил, унинг кўйида не аҳволга тушганимни жононимга етказ ва ҳижрони азобида жон беришимни жонимга уқтир.

Шоир “эй кўнгил!” деб қайси кўнгилга, кимнинг кўнглига мурожаат қилади, нега кимгадир эмас, балки унинг кўнглига хитоб этади?

Бизнингча, бунда оғир бир эврилиш бор, чунки аввалги аксар ғазалларида бундай ўринларда “эй сабо” ва шу каби объектларга хитобини кўрар эдик. Музтариб ошиқнинг ноласини саболар ҳам етказмас бўлгач, у энди кўнгилга, ўз кўнглига юзланишга мажбур бўлади. Чунки қалбдан чиққан илтижонинг ижобат бўлишидан умидворлик бор. Иккинчидан, ўтмиш табиблари ишқни ҳам касалликнинг бир тури деб кўрсатишган (ҳар ҳолда, бундай вазиятда хотиржамлик йўқ-да), унинг яккаю ягона давоси – висол эканини таъкидлаганлар. Касаллик авж қилса, беморнинг ўлиши тайин. Шу боис, ошиқ ёрига дилдан илтижо қилиб, аҳволи зорини англашини сўрайди.

*Оҳ дуди, ашк қони, нола мадди рифъатин
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимга айт.*

Оҳларим тутунини, кўзимдан оққан қонни, ноламнинг узоқ ва шиддатлилигини сочи сунбул, юзи гул, тик қоматли сарвимга айт.

Ошиқ оҳ чекади, кўзидан хуноба тўкади, узоқ ва ғамгин нола қилади... Ёр эса сочлари сунбул, юзи гул, қадди сарвдай. Булар – Шарқ шеъриятига хос анънавий тимсоллар, мажозу истиоралар. Навоий эса бадий санъат қўллаб, оҳининг дудини ёрнинг сунбул сочидай чулғонганига, кўзидан оққан қонни эса ёрнинг гул каби қизил юзига, ноласининг узундан-узоқ эканини эса ёрнинг сарв дарахти каби қоматига менгзади.

*Ишқининг юз минг балосинким ёшурдум халқдин,
Йиғлабон ул воқифи асрори пинҳонимга айт.*

Ишқи орқали юз минг балога дуч келганимни элдан яширдим, аммо сен йиғлаб, бу гапларни яширин сирларимни билувчига етказ.

Дарҳақиқат, ҳақиқий ошиқ муҳаббатини элга кўз-кўзлаб намоиш қилмайди, ишқ туфайли бошига ёғилган балоларга ҳам сабр этади, бировга билдирмайди, аммо ичдан нечоғлиқ қийналганини ёри – яширин сирларни ҳам билувчи (Оллоҳ)га етказишни ўтинади. Чунки ёр, “Мендан сўра, тила, муродингга етказаман”, дея ваъда қилган.

*Эйки, кўрдунг кўйида кўнглумни ишқ этган хароб
Хонумонимни алохону аломонимга айт.*

Ёрнинг кўйида ишқ кўнглимни қанчалар хароб этганини ўзинг кўрдинг, энди хонумоним (бутун борлиғим)нинг аҳволини дарбадар-бенавога бориб айт.

Бу ўринда мураккаб инверсия келади. Дафъатан қараганда, шоир ёрини алохону аломон (уй-жойсиз, бекас-бечора) деб атаётгандай. Йўқ, Навоий ошиқнинг ҳоли бекас-бечоралардан ҳам хароб эканини баён қилаётир. Шу билан бирга, иккинчи маъно ҳам бор: ошиқнинг

кўнгли – ёрнинг асл ватани. Бу кўнгил уйи вайрон бўлгач, унинг тўридан жой олган ёр беватан-бенаво қолади-да.

*Телбараб тандин либоси офиятни ташлабон,
Дашт тутқан ҳолни Мажнуни урёнимға айт.*

*Телба бўлиб, баданимдан офият либосини ечиб ташлаб, даштни макон тутганимни
яланғоч юрувчи Мажнунга айт.*

Офият – соғлиқ, хотиржамлик дегани. Мажнун-ку, гарчи либоссиз бўлса ҳам, жисму жони соғ, аммо лирик қаҳрамон – ошиқ телбаланган, соғлиғи ва хотиржамлигидан айрилиб, бунинг устига, даштни макон тутган. Демак, маълум бўладики, унинг ҳоли Мажнундан ҳам баттарроқ.

*Бўлма дерсен, носихо, ҳусн аҳлиға ҳайрону зор,
Мендин ўтқил, кўнгул отлиғ зори ҳайронимға айт.*

*Эй насиҳатгўй, гўзалларга ҳайрону зор бўлма, дейсан, нари бор, бу гапингни менга эмас,
зору ҳайрон кўнглимга айт.*

Ошиқлик – кўнгил иши, ақл иши эмас. Бинобарин, ошиққа насиҳат кор қилмайди. Агар насиҳатнинг ўтса, менга эмас, кўнгилга қил, дейди ошиқ.

Навоий туркий сўз тараққиёти учун қанчалар жидду жаҳд қилганлиги китобларда ёзиб қолдирилган. Шунчаликки, Ҳиротдаги шоиру олимларга: “*Кимда-ким ўнгдан чапга ўқилса ҳам, чапдан ўнгга ўқилса ҳам бир хил чиқадиган сўз топиб келса – мукофот бераман*”, деб эълон қилади. Бир толиби илм келади, “*Мен янги сўз топдим*”, деб. “*Айт*”, дейди шоир уни рағбатлантириб. “*Ковок!*” (кавак). “*Шобош!*” дебди ўша оннинг ўзида уни олқишлаб Навоий. Кўрсангиз, “шобош” (шоҳ бўл!) дея Навоий топқирликка топқирлик билан (шобош ↔ шобош) яна ўша санъатни қўллаб, ёш йигитни ҳадялар билан сарафроз этиб жўнатибди.

Ушбу байтнинг биринчи мисрасида ёнма-ён келган “носихо, ҳусн” иборатида ҳам ана шу санъат бор: “носих”ни тескари ўқисангиз, “ҳусн” сўзи келиб чиқади. Ва бунда ҳам бир ҳикмат қистириб ўтилгандай – ҳусн олдида насиҳатга ўрин йўқ. Иккала мисра кўламида эса тарди акс санъати (ҳайрону зор : зору ҳайрон) ҳам борки, унинг зиммасига икки вазифа юклангандай. Аввало – ошиқнинг ҳоли: ёрни кўриб, аввал ҳайрон, сўнг унга зор (ҳайрону зор) бўлади. Сўнг эса бу зорлигига парво қилмаган ёрга ажабланади (зору ҳайрон). Иккинчи талқин эса сал мураккаб: гарчи бир одам бўлса-да, шеърда талқин этилганидай, ошиқ бор ва унинг кўнгли бор. Насиҳатчи ошиқнинг ўзига – ҳайрону зорга панд ўқийди. Ошиқ эса унинг тескарисини – менга эмас, зору ҳайрон кўнглимга айт бу пандларингни, деб айтади. Яъни насиҳатчи, бир латифада айтилганидай, кўса деб тегирмончини уйғотмасин...

*Ваъдаси уммидидин буким Навоий берди жон,
Эй сабо, Исо нафаслик аҳди ёлғонимға айт.*

*Ваъдасига умид қила-қила аҳвол бу бўлдики, Навоий жон берди, эй сабо, сен бориб, бу ҳақда
Исонафас аҳди ёлғонимга хабар бер.*

Исо алайҳиссалом лойдан қуш ясаб, унга нафасини пуфлаб, жон ато этган, ўликларни тирилтириб, мўъжиза кўрсатган. Шу боис ёр Исога ўхшатилади. Зеро, ёрнинг келиши ошиққа унга жон ато этиш билан тенг...

Асар пировардида, матлаъдагига зид ўлароқ, “эй сабо!” хитоби келганини кўрамиз, чунки ошиқ, ёрнинг ҳажри қанчалик узоққа чўзиладиган ва азобли бўлмасин, ундан воз кечмайди, умид тутади, Исонафас ёр васлига етишишни орзу қилади, унинг бир умрлик аъмоли ана шундай.

* * *

*Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом ондин йироқ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фиरोқ.*

*Яхшиларға бас ёмондур ҳолким, ёр оллида
Тенгдурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.*

*Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.*

*Тоза ҳар ён доғ эмас, жисмимда ул юз ишқидин,
Ким бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ.*

*Бу йироқлиқдин яқиндур ўлгамен, ваҳ, ёрнинг
Истабон ройин бўлуптурмен яқинлиқдин йироқ.*

*Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг, ойким анинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўрунур зоҳир – оқ.*

*Кўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.*

(1, 317)

Ушбу ғазал, сиртдан қараганда, бир дилрабо ёр ва уни қуршаб олган ошиқнинг ғанимлари – ағёрлар фитнасидан шикоятга ўхшайди, бу жиҳатдан у оддий лирик шеър деб қабул қилиниши мумкин. Аммо синчиклаб назар солсак, Алишер Навоийнинг баъзи ғазаллари – бирон кайфият меваси, унинг ҳаётидаги айрим воқеанинг бадий кўриниши, муайян воқеликка лирик кўринишда муносабат билдириш эканини англаймиз. Қўлимиздаги ғазал – бунинг далили. Шуниси ҳам борки, Навоий бу гал кўп ҳам пардалаб ўтирмай, “шоҳ”, “ёмонлар”, “сияҳдил” (ичиқора) каби сўзларни ҳам асар матнига олиб киради, бу жиҳатдан айна ғазални ўз даврига мувофиқ шаклда, эҳтиёткорона равишда битилган сиёсий шеър деса бўлади.

Бу ғазалнинг “Бадеъул бидоя” девонида мавжуд эканлигига қараганда, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар шоирнинг Астрободга ҳоким қилиб юборилиши (1487 йил)дан аввал ҳам турлича бўлиб турган кўринади. Гарчи одамийлик, истеъдод ва ватан-

га садоқат бобида Навоийнинг яқинига ҳам бора олмасалар-да, подшоҳ кўнглини овлашда тенги бўлмаган “сияҳдил”лар Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги қадрдонликни неча бор йўққа чиқаришга уринганлар ва аксар ҳолларда бунга муваффақ ҳам бўлганлар. Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъул вақое” (Нодир воқеалар) асарида буларнинг айримлари батафсил баён этилган.

Албатта, Навоийнинг саройдан узоқлаштирилиши бутун мамлакат, хусусан илм, ижод аҳли учун кони зиён эди. Буни яхши англаган шоир ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир асари орқали подшоҳ билан ўзаро муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилган, аммо айшга берилган Султон Ҳусайн Бойқаро бошқаларнинг раъйига кўра шоир ва улуғ давлат арбобини кўп бор саройдан узоқлаштирган. Мазкур ғазал ҳам ана шундай ҳоллардан бири муносабати билан таълиф этилгани шубҳасиз.

Мана, байтма-байт мутолаа қилиб кўрайлик:

*Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.*

Ёр менинг ундан ҳамиша йироқ бўлишимни истайди, Шу боис, барча висол истаса, мен маҳзун эса фироқ.

Ёрнинг истаги – ошиқ учун қонун. Қонунга-ку, мажбуран бўйсунилади, аммо ишқ мамлакатада аҳвол бошқача, бунда ёр тилаган нарсa ошиқнинг ҳам тилагига айланади. Ёр висолни эмас, айрилиқни хоҳлаган экан, шўрлик ошиқ ҳам, хоҳ-нохоҳ, фироқ истагида бўлади. Аммо бунинг бир фазилати бор: фироқни эмас, висолни истаганлар ошиқ тоифасига кирмайди.

*Яхшиларга бас ёмондур ҳолким, ёр оллида
Тенгдурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.*

Яхшилар учун энг ёмон ҳолат шуки, ёрнинг олдида Яхши-ёмон тенг бўлса, балки ёмонроқ одам яхшироқ кўрилса.

Қадр ва оқибат поймол бўлган жойда яхшиларнинг яхшилиги унут бўлиб, ёмон билан яхши фарқланмайди, яхшию ёмонни фарқлай олмайдиган кишиларга эса ёмонроқлар яхшилардан яхшироқ кўриниши ҳам мумкин. Навоий имо-ишоралар ва рамзлар билан чекланмай, кейинги байтда фикрини очиқ-равшан қилиб айтади:

*Шаҳ ёнин фарзин каби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ.*

Шоҳ ёнидан фарзин каби эгри ниятлар жой олган, бас, не ажаб, Тўғри юрувчилар рух сингари бир чеккадан жой эгалласалар.

Шахмат ўйинидаги фарзин саккиз йўналиш бўйлаб юра олади. Вазиятдан фойдаланишга келганда унга тенг келадигани йўқ. Бас, унинг имкониятлари энг кўп, ўзи эса қоқ марказдан – шоҳ олдидан жой олган. Фақат тўғри юрадиганлар эса худди шахматдаги рух сингари,

бир четдан жой оладилар, холос, уларга шоҳ яқинига боришга йўл бўлсин!

Бу ғазал Султон Ҳусайн Бойқарога атаб, аммо уни мадҳ этиб эмас, балки унинг ўқиши учун ёзилган. Унда подшоҳ атрофини каж ниятли кимсалар ўраб олиб, фарзин каби юксак мавқелар қозонганлигидан, нияти пок, муҳаббати самимий кишилар эса четда қолиб кетгани уқтириляпти.

*Тоза ҳар ён, доғ эмас, жисмимда ул юз ишқидин,
Ким бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ,*

Ул юзнинг ишқидан бу жисмимда доғ кўринмайди, ҳар ён тоза, Гўё ул қуёш нури сабабли бу сайёралар “куйган” – кўринмайди.

Бу байтда шоир рух сингари бир четда қолганлардан бири ўзи эканини, яқин биродарининг юзини кўришга орзумандлигини, аммо бунга қуёш атрофини ўраб олган сайёралар каби, подшоҳни қуршаган аъёнлар йўл бермаётганини изҳор этади. Уларнинг “соя”си ошиқни кўзга кўрсатмайди.

“Эҳтироқ” сўзи куйиш, ёниш ҳамда қуёш нури йўлида бир сафда туриб қолган сайёраларнинг қоронғиликда ғарқ бўлиб, кўзга кўринмай қолиши – куйиши маъносини билдиради. Чиндан ҳам ой тутилса, “ой куйди”, қуёш тутилса, “қуёш куйди” деймиз. Байтда қуёш – подшоҳ, сайёралар эса унинг теварагидаги аъёнлар маъносида келади. Шоҳ гирдини “яқин” одамлар ўраб олиб, унга узоқроқдаги аламдийдаларни кўрсатишмайди. “Сояда” қолиб кетган лирик қаҳрамон куяди, унинг “доғ” (изтироб)лари ҳам бировга билинмай, шоҳга гўё ҳар ён тоза бўлиб кўринади. Астрономик жиҳатдан эса ёритқичга яқин жойлашган сайёраларнинг соясида қолган фазовий жисмларни кўриб бўлмайди, гўё улар – йўқдек!

*Бу йироқлиқдин яқиндур ўлгамен, ваҳ, ёрнинг
Истабон ройин бўлуптурмен яқинлиқдин йироқ.*

Оҳ, бу йироқлик боис, ўлмоғим аниқ, чунки ёрнинг Раъйига кўра, яқинликни тарк этиб, йироқ бўлибман.

Навоий умрининг катта қисми Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги турли можаролар гирдобидида ўтгани маълум. Подшоҳга бир амаллаб яқин бўлиб олган ва шундан фойдаланиб, Навоийни “ҳузури муборак”дан узоқлаштиришга интилган аъёнлар билан курашиш бунинг асосий қисмини ташкил этади. Чунки, ҳар ҳолда, Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро сиймосида идеал шоҳни кўрган, тўғрироғи, унинг ана шундай ҳукмдор бўлишини истаган. Ўшандай султонга яқин туриши фақат унинг ўзи учун эмас, балки бутун Хуросон илм ва ижод аҳли учун фойдали бўлар эди. Шунинг учун ҳам байтда шоҳнинг истагига риоя этиб, ундан йироқлашгани, аммо бу ўзи учун муҳлик (ҳалокатли) бўлишини эълон қилади.

Байтда тарди акс санъати бор (“йироқлиқдин яқин”, “яқинлиқдин йироқ”). Аммо Навоийнинг маҳорати шундаки, шу санъат бағридаги “яқин” сўзи ҳам ўз нав батида, икки маънода келади: 1. “аниқ” 2. “қадрдонлик”. Бадиий санъатларнинг бу тарзда ўзаро қовушиб, бири иккинчисига боғланиб келиши мумтоз шоирларимизнинг камдан-камига насиб қилган.

*Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг, ойким, анинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўрунур зоҳир – оқ.*

Ойжамоллардан ичқоралик келса, ажабланма, ахир ойнинг ҳам Ботинига боқсанг – қора, сиртдан оппоққина бўлиб кўринса-да.

Маҳжабин – пешонаси ой каби ярқираган демак. “Пешонаси ёруғ” риёкор аёнларнинг улуғвор бўлиб кўринадиган қиёфалари ботинида не-не мудҳиш, шум ниятлар яширингани Навоий яхши англаган. Улар дилидаги бад ниятлар хоксорона таъзиму тавозеълар билан музайян этилган, холос. Байтда ойнинг ўзидан нур чиқарувчи жисм эмаслиги, у қорамтир эканлиги ҳам айтиладики, бундан Навоийнинг ўзи ва Навоий даврининг астрономияси фалакиёт бобида биз ўйлагандан кўра анча юксакда бўлгани аёнлашади.

*Кўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.*

Бунчалар Ҳижоз оҳангини чала берма, ҳаммавақт ёр ила бўл, Эй Навоий, агар мақоминг Ажам бўлса ҳам, Ироқ бўлса ҳам.

Шоир некбин, лоақал, дилда бўлса ҳам, ҳамиша ёр билан бирга.

Мана шу сўнгги байтни ушбу ғазалнинг шоҳбайти, деса бўлади. Чунки унда ёр ёнида бўлиш умиди, ботинан ҳамиша яқинлик таманноси жуда юксак бадий ифода топган. Бунинг устига, Навоий мақом сўзининг иккала асосий маъноси (жой ва мусикий оҳанг)ни бир-бирига пайваста қилади ва бунинг натижасида байт икки хил маъно касб этади. Шашмақомда олти мақом ва уларнинг ҳар бири ичида шўъбалар бор. Ҳижоз, Ажам ва Ироқ жой номларини билдириш билан бирга, айрим мақом ва шўъбалар номи ҳамдирки, шоир сўз ўйини орқали икки маънони юзага чиқаришга муваффақ бўлган.

“Ҳижоз оҳанги” сўзига диққат қилсак, Ҳижоз Арабистондаги машҳур водий бўлиб, Хуросондан анча узоқда. Ҳижоздаги киши – узоқдаги киши демак. Аммо Ажам (асосан Эрон, Хуросон ва Марказий Осиё), ҳар ҳолда, унча олис эмас. Ҳатто Ироқ ҳам. Бунинг устига, ироқ сўзи, бу байтда, эски ўзбек тили имлосига кўра, “йироқ” деган маънода ҳам келадики, бундан, ўзинг узоқда бўлсанг ҳам, дилда ёр билан бўл, деган эзгу тилак билдирилади.

Назаримизда, бу байт ўзига хос тарихга эга. Хўжа Аҳрор валига нисбат бериладиган бошқа бир байт билан танишиб кўрайлик:

*Ту бо мани, дар Ямани – пеши мани,
Ту бе мани, пеши мани – дар Ямани.*

(Сен мен билан – ёнимда, гар Ироқдасан, Сен менсизсан, гар ёнимда – йироқдасан).

Бизнингча, шу сўнгги байт – мақтаъ улуғ пирнинг мазкур байтига назира бўла олган. Чунки унда ҳам, ҳақиқий яқинлик – кўнгил яқинлигидир, деган ғоя жой номлари воситасида олға сурилган.

Атиги етти байтлик бир ғазалда сиёсат, шахмат, астрономия ва мусиқа бу қадар бир-бирига уйғун бўлиб кетгани Навоийнинг бу фанлар бобида ҳам юксак билим соҳиби бўлгани-

ни равшан кўрсатиб турибди. Шу боис биз бу масалаларни алоҳида шарҳлаб ўтишни лозим деб топмадик.

* * *

*Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафнинг сирридин оғаҳ,
Ки фихрастида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ.*

*Жамолинг буки мусҳафдур, ҳадисинг Ҳақ каломи ҳам,
Дей олур мусҳафи нотиқ сени, ҳар ким эрур оғаҳ.*

*Ҳадиси поқу нутқи жонфизоингдин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро, агар абрас, гар акмаҳ.*

*Гар ўлса тахти жоҳинг аршу фарш узра русул хайли,
Тонг эрмаским, алар бори мулозим келдилар, сен – шаҳ.*

*Ҳазизи арз агар бўлди маконинг, фақр эди боис,
Агарчи ломакон авжи эди раҳшингға жавлонгаҳ.*

*Русулдин ҳеч раҳрав ҳамраҳинг бўлмоқ эмас мумкин,
Малойиктин чу сайрингда не раҳрав келди, не ҳамраҳ.*

*Қошингға “қоба қавсайн” оятининг йўқ нима аляқ,
Сочингға йўқ саводи лайлатул меърождин ашбаҳ.*

*Занаҳдон чоҳию гесу каманди гар бу янглиғдур,
Эрур васфиға берсам тул Юсуф қиссаси кўтаҳ.*

*Сенинг ишқинг Навоийға ики олам аро бастур,
Ҳабибуллоҳға ошиқлиқ анга гарчи ҳад эрмас, ваҳ.*

(3, 521)

Ушбу ғазалда 129 та сўз бор, ундан 43 таси, яъни 33%и ўзбек (туркий)ча, 29 таси, яъни қарийб 22%и форс-тожикча, 58 таси, яъни қарийб 46%и арабча сўзлардан иборат. Бу ҳол шу ғазалгагина тегишли эмас. Навоийнинг деярли барча асарларига хос бир умумийлик шундан иборатки, шоир асарлари луғатининг ярмига яқини арабча сўзлардан иборат.

Нега шундай? “Муҳокаматул луғатайн”дай асар ёзиб, туркий тил афзалликларини далиллаган мутафаккир шоир асарларида нима сабабдан туркий сўзлар иккинчи ўринни ишғол этади? Умуман олганда, ўзбек адабий тилига (у орқали сўзлашув нутқиға ҳам) араб сўзларининг бу қадар кўп кириб келишида Навоий асарлари лексикасининг таъсири катта, дейиш мумкин.

Бунда бир нарсани ҳисобга олиш муҳим. Араб ва форс-тожик тилларидан бизга асосан от туркумига мансуб сўзлар кўп кириб келган. Аммо арабчадан конкрет предметларни эмас, мавҳум маъноларни ифодаладиган сўзлар (*муҳаббат, хаёл, ақл, илтижо, саломат, ижти-*

моий) кўпроқ олинган. Форс-тожик тилидан эса, асосан, конкрет предметни англатадиган сўзлар (*дарахт, мард, май, палов, тахт, шиша*) кириб келган.

Алишер Навоий асарларига диққат қилсангиз, уларнинг матни хийла мураккаб бўлиб туйилади. Аслида эса, аксинча: Навоийнинг ҳар бир байтида шундай теран ички кечинмалар изҳор этилган ва маъно-мазмун шу қадар тифизки, унга нисбатан олганда, асарнинг шакли, жумладан унинг тили ниҳоятда содда ва лўндадир. Мана, шоирнинг бир ғазали матлаъсига қаранг:

*Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидир,
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидир.*

Агар бу атиги икки мисрадаги маънони “ёйиб” баён этадиган бўлсак, камида бир-икки хатбошилиқ “талқин” пайдо бўлиши шубҳасиз. Шунда ҳам шоир тақдим этган бадииятни – асарнинг жонини қурбон бериш эвазига! Ҳамма гап бизнинг Навоий асарлари матнидаги арабча ва форсча-тожикча сўзлар маъносига тишимиз ўтмаслигида. Ишқ изтироблари жамики шиддати билан тасвир этиларкан, мавҳум маънони ифода этувчи арабча сўзларни кўп қўлламай муддаога эришиш амримаҳол эканлигини тушунишимиз керак.

Ана энди шу мулоҳазаларни эътиборда тутган ҳолда, мақола бошида келтирилган наът (пайғамбар алайҳиссалом мадҳига бағишланган) ғазални шарҳлашга уриниб кўрамиз:

*Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафнинг сирридин огаҳ,
Ки фикрастида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ.*

Жамолинг саҳифаларининг сирридан шу даражада огоҳ бўлдимки, унинг жадвалида икки қошинг икки бисмиллоҳ бўла келгани аёнлашди.

Ошиқ, агар чин ошиқ бўлиб, муҳаббатига астойдил берилса, ҳар дамда ёрни ёд этиб, у ҳақда ўйлана берса, ёрнинг ҳар бир узви унга муайян нарсалар каби кўриниши табиий. Шунга асосланган ҳолда, лирик қаҳрамонга ёрнинг ҳар икки қоши мусҳаф (Қуръон) мундарижасида икки “бисмиллоҳ”дай бўлиб кўринади.

*Жамолинг буки мусҳафдур, ҳадисинг Ҳақ каломи ҳам,
Дей олур мусҳафи нотиқ сени ҳар ким, эрур огаҳ.*

Жамолинг мусҳаф (Қуръон)нинг ўзидир, ҳадисинг эса нафақат сенинг, балки Ҳақ таоло-нинг ҳам сўзидир. Ва ҳар кимки, агар огоҳ одам бўлса, сени мусҳаф нотиғи дея олади.

Расулуллоҳнинг гўзал одам бўлгани манбаларда кўп таъкидланган. Шунинг учун ҳам шоир наътни, аввало, пайғамбарнинг суратидан бошлайди ва кейин сийратига ўтади. Нафақат Қуръон оятлари, шу билан бирга, Пайғамбарнинг ҳадислари ҳам Ҳақнинг каломи қаторида экани боис, барча муслимлар учун фарз эканлиги таъкидланади. Ва шоир уқтирадики, дили ўйғоқ ва ҳақ йўлдан огоҳ одамлар пайғамбарни “Мусҳаф нотиғи” деб улуғлашади ва бу чиндир.

*Ҳадиси поку нутқи жонфизоингдин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро, агар абрас, гар акмаҳ.*

*Исо алайҳиссалом сенинг пок ҳадисинг ва жонбахш нутқингдан баҳра топганки, унинг на-
фаси песни ҳам, кўрни ҳам шифолаган.*

Исо алайҳиссалом Муҳаммад (с.а.в.)дан саккиз асрча муқаддам яшаган. Шу ҳолда қан-
дай қилиб Исо Муҳаммаддан таъсирланиши мумкин? Гап шундаки, Оллоҳ таоло Муҳам-
мадга хитоб қилиб, “Сен бўлмасанг, бу фалакларни яратмас эдим”, деган. Яна, “Қисаси Ра-
бғўзий”да келтирилишича, Муҳаммаднинг нури Одам алайҳиссаломда ҳам ҳувайдо эди.
Шунинг учун ҳам бошқа пайғамбарларнинг Муҳаммад (с.а.в.) руҳониятидан баҳра оли-
шига шубҳа қилиб бўлмайди. Бу ҳолда замон ва макон тушунчаси биз тушунгандан бош-
қача – илмий тилда айтилганидек, анахроник тарзда талқин этилиши керак.

*Гар ўлса тахти жоҳинг аршу фарш узра, русул хайли,
Тонг эрмаским, алар бори мулозим келдилар, сен – шах.*

*Юксак тахтинг агар осмону замин узра қўйиладиган бўлса, ҳеч ажаб эмаски, барча пай-
ғамбарлар мулозиму сен уларга шоҳ бўлардинг.*

Диний ривоятларда фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам муайян даража-рутбаларига қа-
раб бўлинадилар. Жумладан, Муҳаммад алайҳиссалом “сарвари коинот” деб таърифлана-
дики, шунинг ўзиёқ расули акрамнинг барча пайғамбарлар пешвоси эканини кўрсатади.
Шоир буни одамлар мисолига муқояса қилиб, сенинг шоҳона тахтинг шунчалар юксакдаки,
бошқа пайғамбарлар ўтирган тахт сенинг тахтинг олдида шоҳ ва мулозимлар ўтирган па-
строқдаги жой каби кўринади, деб таърифлайди.

*Ҳазизи арз агар бўлди маконинг, фақр эди боис,
Агарчи ломакон авжи эди раҳшингға жавлонгаҳ.*

*Сен ўзингга энг қуйи жойни макон тутдинг, чунки бунга фақр – камтарлигинг сабаб, ҳолбу-
ки сен минган тулпор ломаконнинг энг юксак маъволарида жавлон уриши маълум.*

Расули акрам фақирона яшаган, вафот этганида ҳатто бирон жиҳоз ё буюм мерос қол-
маган. Камтарлик унинг аъмоли эди. Ҳолбуки, деб уқтиради Навоий, унинг мартабаси шу
қадар юксакдаки, у минган от (меърожга чиққанида минган Буроқ) арши аълога қадар уни
олиб чиқиб, жавлон қилди.

*Русулдин ҳеч раҳрав ҳамраҳинг бўлмоқ эмас мумкин,
Малойиктин чу сайрингда не раҳрав келди, не ҳамраҳ.*

*Пайғамбарлардан ҳеч бири йўлда сенга ҳамроҳ бўлиши мумкин эмас, чунки (тунги) сай-
рингда ҳатто фаришталардан ҳеч бири сенга бу йўлда ҳамроҳ бўла олмаган эди.*

Диний нуқтаи назардан, улуғ фаришталар пайғамбарлардан юқори туради. Чунон-
чи, “Имони муфассал”да, аввало, Оллоҳга, сўнг фаришталарга, нозил қилинган кито-

бларга ва ундан сўнг пайғамбарларга ва ҳоказо навбат билан имон келтириш шарт қилиб қўйилади: “Оманту биллоҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи...”. Фаришта-ларки Муҳаммад алайҳиссаломни маълум жойгача кузатгач, ундан нари ўта олмаслик-ларини билдириб кузатиб қолган ва Расули акрам якка ўзи янада юксакроқ мақомлар сари ўтиб борган экан, мантиқан, бошқа пайғамбарлар бу йўлда унга ҳамроҳу йўлдош бўла олмасликлари тайин.

*Қошингға “қоба қавсайн” оятидин йўқ нима аляқ,
Сочингға йўқ саводи лайлатул меърождин ашбаҳ.*

Қошингға “қоба қавсайн” оятидан мувофиқроқ нарса топилмайди, сочингға эса қораликда меърож тунидан бошқа яқин ўхшашлик йўқдир.

Пайғамбаримизнинг гўзаллиги шу даражада бўлганки, тўлин ой чиққан бир тунда бир саҳоба Расулуллоҳни кўриб, “ой гўзалроқми ёки пайғамбар?” деган шубҳага боради. Кейин-чалик эса шарҳловчилар бу воқеа хусусида фикр юритиб, ой фойдасига муболаға қилиниб-ди, деганлар. Унинг икки қоши икки камон каби, сочлари эса энг қора тундан ҳам қорароқ...

*Занахдон чоҳию гесу каманди гар бу янглиғдур,
Эрур васфиға берсам тул Юсуф қиссаси қўтаҳ.*

Унинг бағбақасидаги чоҳ-чуқурлиғу, сочининг силсиласи шу янглиғ бўлса, уларнинг васфи Юсуф қиссасидан ҳам узунроқ бўлади.

Юсуф қиссаси Қуръони азимдаги энг гўзал ва энг узун қисса ҳисобланади. Табиийки, унда Юсуф алайҳиссаломнинг гўзаллиги таърифига ҳам кўп ўрин берилган. Шоир эса Муҳаммад алайҳиссалом қиёфасининг икки узви – бағбақасидаги инжа чуқурча ҳамда икки ўрим сочининг васфини бошласам, шунинг ўзиёқ Юсуф қиссасидан узунроқ бўлади, деб васф этади.

Бу байтда бағбақадаги чуқурлик – чоҳ ҳамда арқондай соч ҳақида гапириш билан Юсуфнинг чоҳ – зиндонда ётгани ва арқонга осилиб чиққанига ишора этадиган “таносуб” бадиий санъати қўлланган.

*Сенинг ишқинг Навоийға ики олам аро бастур,
Ҳабибуллоҳға ошиқлик анга гарчи ҳад эрмас, ваҳ.*

Сенинг ишқинг (эй пайғамбар алайҳиссалом!), Навоий учун икки оламда кифоя қилади, ҳолбуки, ҳабибуллоҳға – Оллоҳнинг дўстига ошиқ бўлишга ҳам аслида унинг ҳадди сиғмайди.

Пайғамбарнинг шаъни шу қадар улўғки, унинг мусоҳиби бўлиш, шафоатини қозониш кабилардан умид қилмаган ҳолда, унинг ишқи билан яшашнинг ўзиёқ Навоийнинг икки оламдаги бирдан-бир орзусидир, гарчи Оллоҳнинг дўстига ошиқ бўлишга журъат эта олмаса ҳам...

МУСТАЗОД

Эй, хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
мазҳар санга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,
олам санга мавло.

Ҳар ён кезарам телбасифат, токи яшундунг
кўздин пари янглиғ,
Мажнундин ўзин токи ниҳон қилмади Лайло,
ул бўлмади шайдо.

Урён баданим захмлари ичра эмас қон,
юз пора қўнгулдур.
Бу равзаналардин қиладур ҳар бири яъни
хуснунгға тамошо.

Ҳар ён назарим тушса, сен оллимда турурсен,
қўрмас вале ағёр.
Равшандурур ушбуки, эмас қобили аъмо,
наззорайи байзо.

Ул нодирадинким, лақабин ҳур демишлар,
хуснунг эрур аҳсан.
Ул манзарадинким, отидур жаннати аъло,
кўюнг эрур аъло.

Зухд ичида топмади Навоий чу мақоме,
эмди қилур оҳанг,
Ким бўлғай улу бодау бир турфа муғанний,
муғ қулбаси – маъво.

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра су янглиғ
тушқач адам ўлғай.

Гар қилмаса ишфоқ этибон Хусрави Ғозий
назми сари парво. (1)

Навоийнинг ўзбек тилидаги ғазаллари – 2600 та. Девони Фонийдаги 552 ғазални ҳам қўшсак, улуғ шоир 3152 та ғазал битгани маълум бўлади. Бу шунчалик катта рақамки, уни тасаввур этиш учун бир маълумотни келтирайлик: ҳар куни биттадан ғазал ёзилса, бу миқдорга етиш учун камида тўққиз йил керак бўлади... Шунинг учун ҳам Мақсуд Шайхзода Навоийни “ғазал мулкининг султони” деб таърифлаган экан, бу асло муболаға эмас. Бу ҳисобга ҳали лириканинг бошқа жанрларида ёзилган асарлар киритилмаган.

Бироқ таажжубки, Навоийда мустазод ниҳоятда кам – “Чор девон”нинг ҳар бирига биттадан мустазод қўшилган, холос. Ўтмиш адабиётшунослари, жумладан, Навоийнинг ўзи ҳам бу мустазодлар ўша пайтдаёқ машҳур бўлиб кетгани, айримлари куйга

солинган, хониш асносида тингловчилар завқнинг зўридан дод солиб, ёқаларини чоқ қилишганини битиб қолдиришган.

Юқорида келтирилган мустазод “Бадоеъул бидоя” девонига мансуб. Кейинчалик “Хазойинул маоний” тартиб берилганида унинг пешрави бўлган “Ғаройибус сиғар” девонига киритилган. Шу маънода, уни шоирнинг биринчи мустазоди деса бўлади. У ҳам Навоийнинг бошқа мустазодлари каби диний-фалсафий йўналишдаки, сўфиёна ва фалсафий маънолари бисёр.

Таркибан, бу мустазодни уч қисмга ажратиш мумкин. Биринчиси эшиткувчи (ёр)га қаратилган “Эй!” хитобидир. Ана шу “Эй”дан сўнг асосий ҳамд қисми келади. Етти байтли бу мустазоднинг беш байти мадҳдир.

Агар ҳар мисрага унинг охирида яна ярим мисра қўшилишини демасак, мустазод ғазалнинг ўзи. Шу маънода, мустазодда ҳам кўпинча шоирнинг тахаллуси сўнгги байтда келади. Сўнгги байт тугалланма бўлиб, шоир мухотибга ўз истагини, ниятини, муддаосини баён этади. Баайни, дуо ҳам уч қисмли (“Эй парвардигор(1), сендан фалон-фалон тилагим бор(2), ижобат қилгайсан(3), омин”) бўлгани каби, мумтоз адабиётдаги ғазаллар ҳам аксаран уч бўлакли бўлади. Бу мустазодда Навоий тахаллуси сўнгги байтда эмас, ундан олдингисида. Бас, шу икки байт мустазоднинг тугалланмасидир. Ундаги фикр йўналишини бир жумла тариқасида “Эй фалон-фалон сифатларга эга бўлган зот, муродимни бергил!” деб ифодаласа бўлади.

Мустазодда ҳар мисра охирига яна ярим мисра қўшлади дедик, бу орқали шеърнинг ритмида ўйноқилик пайдо бўлиб, жозибаси ортади. Аммо Навоий бундан фақат бадий-шаклий имконият сифатида фойдаланмасдан, ҳар бир мустазод матнига теран руҳий кечинмаларни фалсафий услубда сингдиради. Чунки ҳар бир мисранинг ўзи ўн тўрт ҳижодан иборат бўлса, унга “илова” этиладиган мисра ҳам олти ҳижони ташкил этадики, бу шоирга фикрни яйратиб баён этиш учун катта имконият, албатта.

Шарҳлашга уриниб кўрайлик.

*Эй, хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
мазҳар санга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,
олам санга мавло.*

Жаҳон ичра мавжуд жами зарралар хуснингдан жило топган ва барча нарсалар сенга ашё бўлмоқ учун яратилган, эй (парвардигор)! Бу борлиқ мулкида хожа бўлишинг сен томондан бизга илтифот ва олам сенинг амрингга қул.

Шу биргина байтда Алишер Навоийнинг диний-фалсафий дунёқараши мукамал акс этган. Яъни жами олам – яратган зот хуснининг акси, шарпаси. Талқин этишларича, абсолют хусн фақат Оллоҳга хос, бошқа барча чиройли нарсалар унинг нисбасидандир.

Ҳадиси қудсий дея таърифланадиган бир ривоятга кўра, Тангри таоло “Эй Одам фарзанди, албатта, Мен бир махфий кон-хазина эдим, бас, Ўзимни ошкор этиб, танилай деб ирода қилдим ва яратдим”, деган. Шунинг учун бу борлиқ олами, моҳиятан, у Зот жамолининг инъикоси, ҳисобланади.

*Ҳар ён кезарам телбасифат, токи яшундунг
кўздин пари янглиғ,
Мажнундин ўзин токи ниҳон қилмади Лайло,
ул бўлмади шайдо.*

Кўзимдан пари янглиғ яширинганингдан бери телба каби ҳар ённи кезаман. Лайло Мажнундан ўзини беркитганидан сўнг у чин шайдо бўлгани каби.

Шоир ишқи баёнини шарҳлашга киришар экан, унинг шиддатини аста-секин кучайтирмайди, балки баланд авж билан ашула бошлаган кучли ҳофиз каби матлаъдан кейинги байтдаёқ ишқ афсоналарининг энг машҳури, энг фожийийси бўлган “Лайли ва Мажнун” достонига ишора қилади. Мажнуннинг Лайли деб чўл-биёбонларда сарсон кезиши уни телбаликка олиб келади ва бу телбалик ичра у бир он ҳам тин олмай, Лайлини излаб гирён юришига сабаб бўлади. Лайли ўзини ниҳон қилгач, Мажнун дилидаги фироқ ўти баттар кучаяди. Негаки, яширин нарса янада жозибали кўринади.

Лирик қаҳрамон ёрини излайди. Бу ёр, сўфиёна талқинда, алмисоқ қунида бир жамол кўрсатиб, сўнг бандалардан ўзини ниҳон қилган Халлоқи оламдир. Бани башар нимаики қилмасин, моҳиятан уни излайди.

*Урён баданим захмлари ичра эмас қон,
юз пора кўнгулдур.
Бу равзаналардин қиладур ҳар бири яъни
хуснунгға тамошо.*

Яланғоч баданимдаги яра-чақалар ичида қон эмас, юз пора бўлган кўнглим бор ва бу яралардаги тешиклар худди кўз каби, хуснингни томоша қилади.

Мажнун каби дашту саҳроларда юрган, кийим-ке чаклари йиртилиб тушиб, урён баданигина қолган ошиқнинг танига тиконлар санчилиб, тошлар тегиб яра-чақа бўлиб кетиши турган гап. Аммо бу захмлар ичида қон эмас, кўнгил жўш уради, яралар узра тешиклар – тешик эмас, ҳар бири бир кўздирки, жавлон этиб, ёр хуснини томоша қилади.

Бундай олганда, айна байт ортиқ даражали муболаға бўлиб кўриниши мумкин. Ундай эмас. Бунинг талқинини далиллаш учун бошқа бир мисол келтирайлик. Навоийдан икки аср кейин яшаган Бобораҳим Машраб ёздики, чун “Зебо санамим гул юзидин парда қўтарди, Олам ҳама кўз бўлди томошо қилайин деб...” Зеро, бу олам аслида унинг тажаллисидан иборат, зухур этаётган барча нарсалар унга боқади, ундан нур олади. Бунинг устига, кўнгил – ишқгоҳдир. Кўнгилга ҳам ишқни ёр солади. Ишққа лим тўлган кўнгил кўзи ҳар дам ёр сари талпинади, унга термулишдан бўшамайди.

*Ҳар ён назарим тушса, сен оллимда турурсен,
кўрмас вале ағёр.
Равшандурур ушбуки, эмас қобили аъмо,
наззорайи байзо.*

Мен қаёққа қарасам, олдимда сен турган бўласан, аммо бунга ағёр – ётлар кўрмайди, демак, улар сўқирдирки, равшан нурни ҳам кўзи илғамайди.

Мажнун Лайлига шу қадар шайдо бўладики, ундан бошқа нарсани ўйламайди, нимага тикилса, унда Лайлини кўради ва топади. Дунёда ундан бошқа нарса қолмайди Мажнун учун. Гап сўрасалар ҳам фақат “Лайли, Лайли” деб жавоб қайтаради. Мажнуншиор лирик қаҳрамоннинг ёри, сўфийлар ёри ҳамма ерда – олд ва ортда, ўнг ва чапда, ост ва устда мавжуддир, намоёндр. Яъни ёр тажаллиси бўлмай яратилган, ундан бебаҳра қолган нарса йўқ оламда.

*Ул нодирадинким, лақабин хур демишлар,
хуснунг эрур аҳсан.
Ул манзарадинким, отидур жаннати аъло,
кўюнг эрур аъло.*

Хур деб аталадиган нодирадан сенинг хуснунг чандон ортиқ, жаннат отли хушманзара маъводан сенинг кўчанг менга аъло.

Бу байтда тасаввуф намоёндалари қарашларининг ўзак тушунчаси мужассам бўлган. Сўфийларнинг асл муддаоси на жаннат ва на ундаги хурлар васли. Улар ёрнинг ўзини талаб қиладилар, мақсадлари ёрнинг ўзига етишиш. Негаки, ривоятларга кўра, алмисокда Изи азза ва жалла биринчи туғилгандан тортиб, то қиёмат ер юзида яшайдиган бандаларнинг руҳини аввал заминга юборади, кўплар ерда қолиб (кофирлар), озроқ қисми қайтиб боради, сўнг уларни жаннатга йўллайди, кўплари жаннатда қолади (жаннатилар), аммо саноқли одамларнинг руҳлари ер юзини ҳам, жаннатни ҳам рад этиб, тангрининг ўзига яна қайтиб борган ва биз сенинг ўзинг билан бўлишни хоҳлаймиз, деб айтган экан. Булар хослар (пайғамбарлар) экан, уларнинг мартабасига ҳеч ким ета олмайди. Сўфийлар эса ана шу мақомга лоақал яқинлашишга интиладилар, ёрнинг ўзидан бошқа ҳеч нарса, ҳатто жаннат ҳам, деб барчасини инкор қилишгача борадилар (Машраб айтади: “Бўлмаса васли манга, ул ошённи на қилай?..”)

*Зухд ичида топмади Навоий чу мақоме,
эмди қилур оҳанг,
Ким бўлғай улу бодау бир турфа муғанний,
муғ кулбаси – маъво.*

Зоҳидлик билан шуғулланиб, Навоий бирон мақом-даража топмади, энди шундай оҳанг қилади: у бўлса, бода бўлса, турфа навозанда бўлса-да, майфурушнинг кулбасини макон тутса.

Ўтмишда ёр ризолигини топиш орқали унинг вас ига етиш масаласи кўпларнинг ҳаётий аъмоли бўлган. Лекин энг яхши, ёрга мақбул йўл қайси эканини ҳеч ким аниқ билмаган. Бир гуруҳ зоҳидликни танлаган – узлатга чекиниб, ғор ёки капаларда яшаган. Яна бошқалари қаландар бўлиб юрт кезиб, ишқидан дам урган. Исломият тарихида тариқату сулуқлар кўп бўлган. Аммо нақшбандия тариқатини танлаган Навоий зоҳидликни, зоҳидларни хуш кўрмаган. Чунки зоҳидликда меҳнат қилиш, ҳалол ризқ топиш ўрнига, эҳсон қилинган

таомларни еб, ўзини тарки дунё қилган одам сифатида кўрсатиш бор. Албатта, зоҳидлар орасида риёкорлар ҳам кўп бўлган.

Мутассаввифлар эса ёрнинг ошиқларидир. Бу тариқатда ишққа асир бўлган кишининг ҳолати бода ичиб масту мустағрақ бўлган майхўрнинг ҳолатига ташбеҳ қилинади, истиора-вий тарзда май – ишқ, муғ – пир (ва ҳоказо) аталади. Сиртдан гўёки шаккоклик қилаётган-дай бўлиб кўриниш, исломда ҳаром қилинган май ва бодани мақтаъш зимнида ағёрлардан бошқача тарзда ёрга яқинлашиш муддаоси бор. Сўфийликнинг баъзи ҳалқаларида зикр са-моъга улаб давом эттирилган, бунда ошиқона шеърлар ўқиш, мусиқа чалиш, рақс тушиш орқали ишқий жазбага тушишга муваффақ бўлишган.

Навоийнинг ўзи буни кескин ва аниқ қилиб айтиб қўйган: “Зоҳид, сенга ҳуру менга жоно-на керак, жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак...”

*Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра су янглиғ
тушкач адам ўлғай.
Гар қилмаса ишфоқ этибор Хусрави Ғозий
назми сари парво.*

Агар шеърларига Хусрави Ғозий шафқату марҳамат назари билан боқмаса, унинг ҳар бир гавҳари туп роққа тушган томчи сув каби йўқ бўлиб кетади.

Аслида, мустазоднинг ғояси, мазмуни бундан аввалги байтда ниҳоясига етган эди; шоир таҳаллусининг ўша олтинчи байтда келгани ҳам шуни кўрсатади. Бироқ унга яна бир (эҳтимолки, баъзи арузшунослар айтган “бегона”) байт қўшилган. Унда муаллиф мамлакат подшоҳини ўз назмига эътибор билан қарашга даъват этади, йўқса, ҳар қандай гавҳар ту-проққа тушса, баайни тупроқда сув шимилиб йўқ бўлиб кетгани каби кўмилиб, унутилиб кетишини айтади. Буни икки маънода: подшоҳ ўз шеъриятига (Хусайн Бойқарода яхшиги-на шоирлик истеъдоди бўлган) бепарво бўлмаслиги лозимлиги уқтирилган, деб тушуниш ҳам мумкин, шунингдек, Навоий назмининг қадри – гавҳар каби эканини, унга шафқату марҳамат назари билан боқиш ўтинилган деб ҳам.

Умуман олганда, юксак маҳорат билан битилган сўфиёна ғазалларга шарҳ битиб тугатиб бўлмайди. Чунки бундай асарларнинг ҳар бир байтида бир эмас, бир неча маъно мужассам. Бинобарин, ушбу қисқа талқинни шу сўз билан яқунлашни маъқул топдик: валлоҳу аълам!

МУСТАЗОД

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,
майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту ёқом чок.

Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор
мен кофири ишқи.
Ҳам юзи маъжус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок.

Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға
бир навъ қуярким.
Ҳар кимса ани қўрди соғиндики ёнодур
ўт ичида хошок.

Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру
ул журъаи майким,
Тегмиш анга майгун лаби жонимға даводур
не заҳру, не тарёк.

Бу навъки ойлар майи васли ҳавасидин
махмур бўлубмен.
Мушкилки ёзилғай бу хуморики мангодур
соғар бўлуб афлок.

Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг
бухл айлама, жоно,
Ким барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,
мазмум эрур имсок.
Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас,
бечора Навоий.
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
ул булбули ғамнок. (2)

Устоз Садриддин Айний ушбу мисралар изоҳи муносабати билан ёзади: “Ҳар қандай яхши созанда қанча чолса-ю, (ашула айтмасдан) узоқ чолса, ундан ақл аҳллариға малол етади. Агар созанда машқ орасида Навоийнинг олов сочувчи ғазалларидан биронтасини ўқиса, у вақт базмда шовқин-сурон қўзғалади, эшитувчилар ўз ёқаларини йиртадилар, оҳу вой билан ўзларини йўқотиб қўядилар”. Восифийнинг ҳикоясига кўра, Навоий замонида унинг:

*Дин офати ул муғбачаи моҳлиқодур,
майхорау бебок
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок, –*

деб бошланадиган мустазодига Хожа Абдулло Марворид номли бастакор бир куй баста-
лаган. “У вақтларда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди”, дейди Восифий. Восифий-
нинг гапига кўра, бир базмда шу “Сармасту яқом чок” савти ижро этилаётганда бутун маж-
лис аҳли ўз ёқаларини йиртганларки, бу ҳолни бир тасодиф билан Навоийнинг ўзи ҳам
кўрган. (Алишер Навоий. Хамса. Қисқартиб нашрга тайёрловчи С. Айний. Т.: “Ўздавнашр”,
1947. 19-бет). Табдил этишга ўтамиз.

*Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,
майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту ёқом чок.
Дин офати бўлган ой юзли оташпараст бола
шундай майхўр ва шўҳки,
Унинг ишқидан жойим – фано дунёси бўлди, ўзим
ғирт масту ёқам йиртиқ.*

Тасаввуф шеъриятининг энг катта бадий санъати – ёр деганда зоҳиран камолат ёши-
даги гўзал маҳбуба тасвирлангани ҳолда, ботинан инсон боласига қон томирларидан ҳам
яқин бўлган яратувчи Зот тушунилишидир. Ҳақиқий ёрни васф этиш учун бу дунёдаги энг
гўзал дилдорга хос сифатлар қўллана беради. Бу шеърият асрлар давомида тараққий этиб,
хилма-хил бадий усуллар хазинасига эга бўлиб, бунинг натижасида муайян ўзига хос му-
раккабликлар ҳам касб этдики, адабий диди бошқа эстетик дунёга мувофиқ шаклланган
ўқувчининг уни тушунишию ундан чинакам завқ олиши маҳол.

Чунончи, ўтмиш шеъриятимизда тарсобача, муғбача, пири муғ, пири дайр деган ғалати
образлар бор. Улардан ҳар бирининг ўз “прототиби” бўлганидай, бадий образга айлани-
шининг тадрижию тарихи ҳам мавжуд. Муғбача, аслида, оташпарастлар майхонасида хиз-
мат қилувчи бола. Аммо май ичиб сархуш бўлган одам дину имонига ғорат еткизаётган шўх
– унга май етказиб бераётган, бода тутаетган ўсмир ёшидаги бола, деб талқин этади. Маст
ўтирган майхўрнинг кўзига эса кўнгилдагидай хизмат қилаётган бола дунёдаги энг яхши
одам, энг латиф хилқат бўлиб кўриниши табиий. Бунинг устига, унинг масту аласт бўли-
шига шу бола тақдим этаётган май сабаб... Чунончи, шайх Санъон тарсо қизга ишқ кўяди,
аммо у шайхдан висол эвазига ўз динига ўтишини шарт қилиб кўяди. Шайх Санъон тарсо
қиз туфайли бўйнига бут осадди, белига зуннор боғлаб, имони биносини барбод этади. Ша-
рият бу каби одамларни муртад ҳисоблайди ва қаттиқ қоралайди, аммо тасаввуф оламида
шайх Санъон ёр васлига етганларнинг бири деб саналади, унинг журму исёни ҳам асл ёрга
етишиш учун ҳаракат деб талқин этилади.

Чунки сўфийлар талқинича, ёр (Оллоҳ) дин ва унинг аҳкомларидан юксакдадир, бу
аҳкомлар ёрга етиш учун восита, холос. Ёр васлига етишганда, бу воситалар – ҳатто
имон ҳам – ошиқ учун аҳамиятсиз бўлиб қолади. Демак, ёр ошиқни аввалги имонидан
айиради. Шу зайлда, имондан айирувчи у ёки бу нарсалар ҳам ёрнинг сифатига айлана бо-

шлаган. Чунончи, май бериб, ақлу ҳушдан жудо қилувчи муғбача ёрнинг тимсолига айлан-ди ва ёр – муғбача образи орқали ҳам васф этила бошлади.

Навоий васф этган муғбача ҳам май ичиб, маст бўлади, шўхлик қилади, майхўр ошиқ унга қараб, латофатидан янада сармаст, ёқасини йиртиш даражасида ўзидан кетади.

Шу ўринда, ёқасини чок қилиш нима ўзи, деган савол туғилса, ажаб эмас. Назаримизда, бу ифода Шарқ кишиларининг менталитетига, торроқ маънода эса удум-одатларига боғлиқ. Шундоқки, қаттиқ ажабланган кишилар ёқа ушлайдилар (унинг ҳам ўз сабаби бор, аммо бу бошқа мавзу). Тарсобачанинг ойдай юзига боққан маст ошиқ унинг бу қадар гўзаллигига лол қолиб, ёқасини маҳкам ушлайди, йиртиб чок қилганидан ўзи беҳабар...

*Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор
мен кофири ишқи.
Ҳам юзи маъжус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок.*

*Ва жингалак сочи учи – тақво белига боғланган зуннор,
мен – ишқининг кофири.
Ва юзи оташпарастлар олови каби шуъла сочарки,
мен тамоман ўртанаман.*

Ўтмишда исломий мамлакатларда яшайдиган эркак ғайридинлар, муҳтасиб талабига кўра, белига зуннор деб аталадиган рангли чилвир боғлаб (белги бериб) юришлари шарт эди. Мустазодда васф этилган муғбачанинг жингалак зулфи учи ошиқ вараъ (тақво)сининг белига зуннор бўлади, яъни вараъни қоқ белидан иккига айиради (имонини дарз кеткиза-ди), ошиқ – ишқ кофирига айланади, муғбачанинг юзи эса нафақат ойдай, балки оташкада (оловпарастлар ибодатхонаси)даги ёниб турган олов каби шуъла сочади, ошиқ бу оловда пок ўртаниб-ёнади.

*Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға
бир навъ куярким,
Ҳар кимса ани кўрди соғиндики ёнодур
ўт ичида хошок.
У чеҳранинг шуъласи тушган зор-нотавон таним
шундай куядики,
Кўрган ҳар бир кимса олов бағрида хашак
ёнаётир деб гумон қилади.*

Ёрнинг чеҳраси шу қадар нурафшонки, бамисли қуёш, оташ, у қаерга тушса, ёндиради. Унинг чеҳраси тобиши тушган пайтда ошиқнинг жисму жони шундай жизғанақ бўладики, кўрганлар мени олов бағрида аланга олаётган хашак бўлса керак, деб гумон қиладилар.

Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру
 ул журъаи майким,
 Тегмиш анга майгун лаби, жонимға даводур
 не захру, не тарёк.
 Обиҳаёт жонимни олади агар лабидан айрилсам,
 аммо бир қултум майки,
 Ёрнинг май каби қизил лаби теккан бўлса, жонимга
 даво – шу, захар эмас, зидди захар эмас!

Ёрнинг лабидан айрилмоқ – ошиқ учун ҳалокат, ҳатто обиҳаёт (мангу умр ато этувчи сув) ҳам ошиқ учун ўлим келтирувчи нарсага айланади; валекин агар ёрнинг ақиқ лаблари теккан бир қултум май бўлса, у ҳалок бўлаётган жонга даводир. Ажабо, захар қандай-у, зидди захар қандай!

Бу навъки, ойлар майи васли ҳавасидин
 махмур бўлубмен.
 Мушқилки ёзилғай бу хуморики мангодур
 соғар бўлуб афлок.

Васли ҳавосини истаб, неча ойлардан бери
 хумор бўлганман,
 Бу хуморликни ёзиш учун тарқатиш жуда мушқул,
 фалак май идиши бўлса ҳам.

Май талабида юрган, кўпдан бери май нўш этмаган одамнинг талабини озгина май билан қондириб бўлмайди. Ёр васлига ташна ошиқнинг хумори эса бир неча ой давомида шу даражага етганки, фалак каби улкан косада май сипқорса ҳам, хумори ёзилиши маҳол.

Байтда бадий санъат ҳам қўлланган: **ой** сўзи кейинги мисрадаги фалакка таносуб бўлиб келади, байтда яна бошқа маънолар ҳам мужассам.

Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг
 бухл айлама, жоно,
 Ким барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,
 мазмум эрур имсок.
 Мен бир гадоман, истагим – висолинг нақдинаси,
 эй жоно, бахиллик қилма,
 Чунки барча мазҳабларда ишқ аҳли аро
 мумсик бўлиш қораланади.

Ошиқ бу ерда мантиқий ўйин қилади: ўзининг гадо-тиланчи эканини, бирча мазҳабларда эса хасислик қораланишини айтади. Бинобарин, ёрнинг мумсик бўлмасликка ваъда айлаши лозим. Ана энди ошиқнинг мақсадини кўринг – у висол нақдинасини беришни тилар экан!

Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас,
бечора Навоий.
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
ул булбули ғамнок.
Ҳажрингда юзи сарғайиб, ҳатто сўз айтгулик ҳоли йўқ
бечора Навоий.
Гўё у хазон фаслида бебаргу бенаво қолган
ғамгин булбулдай.

Шу сўнгги байтда “наво” сўзи икки марта – шоир таҳаллуси ва бенаволикни англатиб келади. Шундан ҳам шоир ўз таҳаллуси зимнида нималар яширинганига ишора қилгандай. Байтда қўлланган сўзларга эътибор қилинг: ҳажр, сарғайган юз, дам ура олмаслик, бечора, хазон фасли, гулбаргларнинг тўкилиши, ғамноклик, бенаволик...

Мустазод шу кайфият билан тугайди.

Аслида, ҳар мисранинг 14+6 ҳижодан иборат бўлиши ва мана шу бирмунча шўх ритмига кўра, қувноқликка мойилдай кўринган мустазод Навоийда энг маъюс, энг фалсафий фикрларни ўқувчига “сездирмайгина” етказишнинг қулай бир шакли бўлиб келган.

ТЎҚҚИЗ ФАРДНИНГ ТАЛҚИНИ

Фард – мумтоз адабиётимиздаги энг кичик жанр, у бир байтдан иборат. Фард луғатда якка, ёлғиз, ягона деган маънони билдиради. Бир лўнда фикрни ташувчи фард ибратомуз маъно касб этади, баъзи ҳолларда эса афоризм даражасига етади. Яхши фард тугал шеър даражасига кўтарилади. Одатда, фарддаги иккала мисра ўзаро қофияланади, аммо истиснолар ҳам учрайди.

Шу билан бирга, фард – айрим ғазалларнинг бошланмаси (матлаъ) бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Бунда шоир хаёлига келган байтни ёзиб қўйиб, кейин уни давом эттирган ҳолда ғазал шаклига келтиради. Бундай ҳодисага Навоий, Бобур, яна бошқа шоирлар ижодида дуч келамиз. Ғазал даражасида ишланмаганлари эса, аксаран, фард сифатида қолади.

Энди Навоийнинг айрим фардларини табдил қилишга уринайлик. Шуни эскартиб ўтиш керакки, шоирнинг баъзи фардлари қофиядош эмас.

*Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким, “Бир бор эди, бир йўқ эди”.*

*Ёрнинг бели ва оғзи ҳақида бир афсона айт, дедилар,
Дарҳол айта бошладимки, “Бир бор эди, бир йўқ эди”.*

Фарддаги бадийлик унинг шаклида. Белу оғзидин *а ф с о н а* айтишни талаб қилганларида лирик қаҳрамон сўзни эртақлардаги анъанавий бошлама – “Бир бор эди, бир йўқ эди...” дан бошлайди. Бу фарднинг асосий фазилати – шу эртақ бошламасининг боши эмас, яқуни сифатида қўллангани.

Шарқ эстетикасининг анъанавий эталонларига кўра, маҳбубанинг бели ингичка ва оғзи кичик бўлса, у гўзал ва латиф ҳисобланган. Бунинг аксича, бели йўғон, оғзи катта аёл хунук саналган.

Бу фардда лирик қаҳрамон ўз ёрининг бели ва оғзини ингичка ва кичик экани борасида муболаға қилиб, унинг бели ва оғзи бир бор эди, бир йўқ эди, дейди. Муболаға бундан ортиқ даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин. Бу ерда айни бадий санъат ҳадди аълосига етган, яъни бир бордай, бир йўқдай – бор билан йўқнинг ўртасида!..

Аммо, шу билан бирга, бу муболаға бениҳоя реал ҳам. Қай тариқа, десангиз, бу таъриф ошиқдан ёрининг бели ва оғзи ҳақида *а ф с о н а* айтиш талаб қилинганида айтилган. Афсона эса, маълумки, муболағасиз бўлмайди. Бунда ошиқдан муболаға айтиш сўралган эди.

Шу билан бирга, ошиқнинг тавсифидан иккинчи маъно ҳам чиқиши мумкин. Чунончи, бели ва оғзининг бир бору, бири йўқ – бели бор, аммо оғзи йўқдай (ва аксинча).

Фарддаги “**деди**”, “**дегил**”, “**эди**”, “**эди**” сўзлари ички лафздошликни кучайтирган, бунинг устига, феъл-нинг ўтган замон шаклида эканлиги (ёр ўшандай эди) мазмунда ҳазин бир мотивни ҳам юзага чиқарган.

Орадан бир асрча ўтиб, Фузулий ҳам буни тасдиқ қилди:

*Лабинг сиррин келиб гуфтора бандин ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.*

Бу байтда Фузулий нукта қўлаган – “нукта” (нозик маъно) сўзини талаффуз асносида ёрлабини “нуқта”га ўхшатиш, нуқта бўлганда ҳам кўзга деярли кўринмас, пинҳон нуқтадай эканига ишора этган, десак хато бўлмас.

* * *

*Тиндурур бою жиғойни ҳокими равшанзамир,
Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.*

Ақлли ҳоким бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам кўнглини тиндиради, Баайни мунаввар қуёш обод жойни ҳам, вайронани ҳам ёритганидай

Навоийнинг ижтимоий фаолияти шоҳга, шаҳзодаларга, амир ва ҳокимларга панд-ўғит айтиш, уларни тўғри йўлга солиш, ўзаро можароларни оқилона равишда бартараф этиш билан ўтган. Уларга ёзган хатлари ҳам юксак бадиий савияда бўлиб, ибратомуз қиёслар, мантикий далилларга тўла. Чамаси, мазкур фард бирон ҳукмдорга тайёрланган мактуб матнида ёки шаҳзодаларга панд тариқасида бирон дoston хотимасига қўшиш учун битилган. Унда Навоий оқил ва одил ҳокимни қуёшга қиёслаб улуғлайди ва қуёш ўз нурини обод жойга ҳам, вайронага ҳам бирдай сахийлик билан сочгани каби раҳбар шахс бойларга ҳам, юпун-йўқсилларга ҳам бирдай муомалада бўлиб, бир хилда адолат қилиши керак, дея фикр билдиради.

Орадан асрлар ўтиб, бу қиёс Огаҳийда яна бошқача тарзда келади:

*Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурин тенг солур вайрону обод устина...*

(Шу ўринда Навоий фардининг биринчи мисрасидаги “равшанзамир” деган сўз ҳақида тўхталсак. Барча нашрларда бу калима “равшан замир” дея иккига ажратиб битилган. Ҳолбуки, Навоий асарларида “равшанзамир”, “равшанзулол” деган сўзлар кўп учрайди. Боягидай “тузатиш”лар машҳур ғазалдаги “чобуксувор”, “аввалқадам” деган сўзларни “чобуксувор”, “аввал қадам” деб бузиб битиш билан бир хил – маънони англаш мушкуллашади. Буларни тўғри иншо этсак, Алишер Навоий қўлаган сўзлар яна юзларча миқдорга ошиши тайин).

* * *

*Маст муғ дайри риёи хилватимдин яхшироқ,
Ёшурун исёни зоҳир тоатимдин яхшироқ.*

Майхонадаги маст оташпараст мендай хилватда риё қилувчидан афзалроқ, унинг яшин исёни менинг эл кўзига қилган тоатимдан яхшироқ.

Навоий узлатга чекиниш, хилватда бўлиш дин учун офат эканини, бундан турли фитналар келиб чиқиши мумкинлигини яхши билган. Шунинг учун ҳам маст оташпараст (кофир) ўзини мўъмин деб атайдиган, аммо хилватларда риё қилувчи кимсалардан яхшироқлигини ва унинг яшин исёни риёкорнинг хўжакўрсинга қилинган тоатидан яхшироқ экани-

ни айтади. Чунки кофирнинг яширин исёни, яъни куфрга қарши, гарчи ҳали дилида бўлса ҳам исён қилиши унинг имонга келиши сари қўйилган қадам бўлиши мумкин.

Фардда ички аллитерация ҳам бор: “дайр – рийо”.

* * *

*Авлиё поясиғадурутмак –
Топмаса шукур топса базл этмак.*

Авлиёлик мартабасига етишмоқ дегани шуки, топмаганида – шукур қилади, топганида – элга тарқатади

Оддий бир мўъмин-мусулмон топса, шукур қилади, топмаса, сабру қаноат. Валий инсон эса топмаган чоғида... шукур қилади, топганда эса борини йўқларга тарқатади. Сиртан қараганда, бу мантиққа зиддай туйилади. Бироқ ҳақ ошиғи бўлган сўфий учун ёрнинг жабри уни муддаосига яқинлаштиради – жафо қила-қила, ёрнинг ниҳоят жабри соб бўлади, ёинки азоби раҳм билан алмашади. Аммо жабр-жафо чекмай туриб ёрга етишмоққа йўл йўқ. Шунинг учун ошиққа танлаш имкони берилса, у ёрнинг азобини ихтиёр этади – жабр қилиш ҳам ёрнинг марҳамати. Топмаслик (ёрнинг азобли синови) илтифот деб қабул қилинади, шунинг учун бирон нарсага етиша олмай, қийналган чоғида ошиқ шукур қилиб, мамнун бўлади. “Топган” чоғи эса бунинг акси, топгани унга қадрли бўлмайди, шунинг учун базл этиб, элга тарқатиб қутулади. Эътибор берайлик: Навоий “базл этмоқ” (улашиш, тарқатиш) деган калимани қўллапти, садақа ё эҳсон қилади, деётгани йўқ. Чунки асл валий наздида, хайр-эҳсон, садақа қилиш ҳам миннатлик ош каби.

Хўш, унда ўзбекнинг “сўфи сўғон ер, топилса – йўғон ер”, деган мақолини қандай тушуниш керак? Бу ўринда сўфи дегани – сўфий эмас, балки камбағал уламо маъносида. Топганида-ку, ейди, топмаганида эса сўғон (пиёз) чайнайди... Бу сўфи – бориға қаноат қилувчи қашшоқ бир одам.

* * *

*Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо “азза манн қанаъ” билгил.*

Билгилки, одамларни тамагирлик хор айлайди, демак, иззат қаноат орқали келади, деган мақолга доим амал қил.

Тамагирлик – ўзгалардан текинға бирон нима ундириш учун унга бош уриш, ялинишдир. Тамаъ қилувчини ҳеч ким оқламайди, тамагир иззат-ҳурмат кўрмайди. Арзимас нарсани деб тамаъ қилувчи ўзини пастга уради. Навоий замонида шоҳға, аъёнларға, амалдор ва бой-боёнларға ялиниш, улардан тамаъ қилиш кўп учрайдиган ҳодиса эди, шоир унинг нақадар манфур иллат эканиға кўп бор амин бўлган.

Навоийнинг ғазалларини кўчириб олиб, уёқ-буёғини “таҳрир” қилиб (амалда эса – бузиб), муаллифлик даъво қилган, бунинг устиға, бу “ашъор”ни шоирнинг ўзига олиб келиб ўқитиб, “истабон эҳсон дағи, таҳсин дағи” (мукофот ҳам, мақтов ҳам хоҳлаган) одамлар – тамагирлар кўп бўлган. Эҳтимол, бу фард ана шундай ҳолатлар юзага келтирган кайфият таъсирида битилган бўлса...

* * *

*Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.*

*Бутун садаф бағридаги гавҳар юзага чиқмаганидай,
озор топмаган кўнгил роз айтишга ярамайди.*

Одамнинг одамлиги унда кўнгил борлиги биландир. Кўнгил кишиси бўлмаган инсон одам деб шарафланишга лойиқ эмас. Кўнгилнинг қандайлиги одамнинг туғма фитратига боғлиқ, аммо ҳаёт давомида у дуч келган қийинчиликлар, чеккан изтиробларнинг ҳам бунда аҳамияти катта. Чунки машаққатлар ҳам инсон кўнглини тоблайди, уни ҳассослантиради. Ҳассос кўнгилгина – кўнгилдир. Орадан тўрт аср вақт ўтиб, Навоийнинг бу фикрини Абдулла Тўқай янада ривожлантирган:

*Фойдасиз гўшт парчаси, гўшtdан иборатдир юрак,
Пора-пора кесмаса ишқу муҳаббат қайчиси!*

Ўтмишда гавҳар сувда, садаф бағрида шаклланади, деган тушунча бўлган. Бунинг учун эса уни ўраб, жилоланишга ўлбермай турган садафни ёриб, гавҳарни олиш керак, дейтир Навоий бу фардда. Дарҳақиқат, ишлов берилмаган маъдан шунчаки олмос бўлса, муайян қийинчилик (ишлов) дан ўтгач, у гавҳарга айланади. Изтироб чеккан, очилган кўнгил ўзгалар дардини англашга қодир бўлади, ҳақиқий кўнгил даражасига етади.

* * *

*Ўқ эдинг, эй тонгки, оттинг жонима вуслат тунни,
Бу жиҳатдин ёрума дермен сени ҳар субҳдам.*

Эй тонг, сен бир ўқсанки, висол тунда жонимга қараб отдинг, шу сабабли ҳам, сен ҳақда ҳар субҳидам ёрума, деб айтаман.

Фард тилимиздаги “тонг отди” деган турғун бирикмани таркиби бўйича ажратиб, сўз ўйини яшаш (тонг нимани отди, нимага қаратиб отди) негизига қурилган. Ошиқнинг муддаоси – висол тунининг тугамаслиги. Тонг эса уни шундан мосуво этади, шоирона таъбирга кўра, ошиқнинг жонига ўқ отади.

Навоий фардларида кўпинча бир сўз икки маънода – тажнис тариқасида қўлланади. Чунончи, бундаги “ёрума” калимаси 1. ёришмагин; 2. ёримга деган маънода қўлланиб, “Эй тонг, ёришма” ҳамда “Ҳар тонг ёримга сендан шикоят қиламан”, деган икки маънода келади.

Диний ва сўфиёна маънода талқин этиладиган бўлса, тун – бирубор ёрга танҳо ҳолда ва хуфёна роз айт-моқ, унга яқин бўлмоқ учун энг қулай фурсатдирки, тонг отгач, кундалик тирикчилик ташвишлари – чин ошиқнинг жони қийналадиган айём бошланади. Шу сабабли ҳам сўфийлар тунни кундан афзалроқ пайт деб билишади, чунки бу дам тафаккурга берилиш, тавҳид фараҳини идрок этиш фурсатидир.

* * *

*Истасангким, кўрмагайсен бевафолиғ, эй рафиқ,
Қилма олам аҳли бирла ошнолиғ, эй рафиқ,*

*Бевафолиқ кўрмасликни истасанг, эй дўст,
олам аҳли билан ошнолиғ қилма, эй дўст.*

Навоий ижодида вафо ва садоқат мавзуси кенг ишланган. Аммо вафо бугунги аксар одамлар тушунадиган тарзда – эру хотининг бир-бирига хиёнат қилмаслигигина эмас. Вафо – одамийликдир, одам вафоси билан одамийдир, вафосиз эса одамийликдан йироқ.

Бироқ фард олам аҳлининг ноодамий феъли – вафосизлигидан шикоят қилиб ёзилган. Шундай дамлар бўлганки, Навоий ўз теварагидаги дўсту нодўстларнинг вафо расмига риоя қилмаганидан изтироб чеккан, бундай дамларда бутун олам эли унинг кўзига риёкор ва номақбул каслардан иборат бўлиб кўринган. Шоир бир ғазалида буни янада очиқроқ баён этади:

*Парим бўлса, учуб қочсам улусдин, то қанотим бор.
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор...*

Вафосиз кимсалар кўнгил ойинасини пораламаслигининг энг яхши чораси – олам аҳли билан ошнолиғ қилмаслик керак, деган хулосага келади Навоий. Албатта, бу киноя ва гина, аввало, лоақал шу фард орқали бўлса ҳам, одамларнинг феълени яхшилаш ниятида изҳор этилган.

“Олам эли” деркан, шоир ҳаётини бу оламнинг ўзига бағишлаган, фақат моддий қадриятларга кўнгил қўйган манфаатпараст кимсаларни ўзига дўст деб билмасликка чақираётир.

* * *

*Чунки солди ишқ кўйидин мени даврон йироқ,
Тенгдурур оллимда нўши васл ила неши фироқ.*

Даврон мени ишқ кўчасидан йироқларга солди, менинг учун энди висол лаззати билан фироқ захрининг фарқи қолмади.

Ошиқни ишқ (тўғрироғи, ишқ лаззати) кўйидан узоқларга солган давронни ситамкор ёр деб тушунсак ҳам, бу ёруғ олам ёки лирик қаҳрамоннинг тақдири деб тушунсак ҳам хато бўлмайди. Муҳими, у ишқ азобларини торта-торта азоб билан лаззатнинг фарқини ажрата олмайдиган ҳолга келган. Ошиқнинг эътиқодига кўра, модомики висол ҳам, жабр ҳам ёрдан келар экан, ёр нимани лозим топса (висол ё фироқ), бир хилда қабул қилиш керак. Висол шарбатидан нўш айлаш ҳам, фироқ нишидан жон қийналиши ҳам моҳиятан бир хил – барчаси ёрдан келади, бинобарин... табаррук!

* * *

*Агарчи ишқ дардидин манга юз минг уқубатдур,
Вале ҳам дардсизлиғ андин ортуғроқ суубатдур.*

Гарчи ишқ дарди менга юз минг дард-азоб беради, аммо дардсизлик ундан ҳам ортиқ уқубат келтиради.

Бу фардни курсивда талқин қилингандай, яъни гарчи ишқ дарди – азоб, аммо бедардлик ундан ҳам ёмон нарсас, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Шу билан бирга, башарти мазкур фардни эски ўзбек ёзуви табиатидан келиб чиқиб, ҳозирги имломизга мос бир кичик ўзгартиш билан

*Агарчи ишқ дардидин манга юз минг уқубатдур,
Вале ҳамдардсизлиғ андин ортуғроқ суубатдур,*

– деб ифодаласак, у ҳолда, бошига уқубат тушган кишининг азоби бениҳоя, аммо шу ҳолида бирон дардини тушунгувчи дўсти – ҳамдарди бўлмаса, бу янада фожеъроқ бир ҳол, деб талқин этилиши ҳам мумкин...

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ

ҲАЙРАТ МЕЗОНИ

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)

МАТНАЗАР АКАНИНГ НАЗАРИ

(Сўзбоши ўрнида)

Ҳар қандай ижодкор учун нуқтаи назар муҳим. Ижод маҳсули ўша нуқтаи назар теграсида жамланади. Шоирларнинг шеърларида ифодаланган туйғулар, насридаги ғоялар, борингки, адабий-назарий мақолаларида баён қилинган талқинлар – буларни ижодкорнинг назари битта махражга жамлайди.

Тўғриси, бу гаплар, истеъдодли шоир Матназар Абдулҳакимнинг адабий шахсияти тўғрисида ўйлаганимда ҳаёлимга келди. Чунки Матназар аканинг истеъдодли ижодкор ва чин инсон сифатидаги адабий сиймосини одам ва оламга, адабиёт ва абадиятга, Ватан ва миллатга, оддий одамлар ва улкан алломаларга нисбатан собит нуқтаи назари бениҳоя улкан миқёсларга олиб чиқади.

Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ижодга меҳри-муҳаббати ўз теграсида бутун мамлакатга донги кетган бир адабий даврани вужудга келтирди. Шогирдлари етилди; ҳали шу кунга довури улар ўстозини оғзидан бол томиб эслашади, қўмсашади. Шеърларини ёд айтишади. Матназар Абдулҳакимнинг Хоразмда туриб пичирлаган овози Тошкент адабий муҳи-тида гумбирлаган акс-садо берар эди. Шоирнинг халққа севимли бўлиб, шеърят муҳиблари юрагидан ўрин олиши, ўзидан абадиятга дахлдор гўзал ёзғичлар, таржималар, адабий шарҳлар мерос қолдириши ва, умуман, адабиёт тарихидан муносиб жой олиши учун қалби бутун шахс бўлиши кераклигини, ҳатто бунинг учун мамлакат пойтахтида яшаб, ижод қилиш ҳам шарт эмаслигини Матназар Абдулҳаким қойилмақом қилиб исботлаб бу оламни тарк этди. Унинг сўзи қадрли, қарашлари теран, фикри асосли, ўзи учун таянч ўлароқ шакллантирган муҳим адабий-назарий мезонлари бор эди, назаримда...

Ўз юртини севган, тарихини эъзозлаган Матназар Абдулҳаким шеърлари Хоразм заминининг лирик-шеърый харитасини эслатади. Шоир фақат ер юзинигина эмас, унинг остини ҳам жуда теран тасаввур қилади ва бундай ёзади:

“Хоразмни қазсангиз агар,
Ер остидан дарёлар чиқар.
Хоразмни қазсангиз агар
Ер остидан дунёлар чиқар”.

Унинг шеърый мисраларидан Қирқмулла, Измиқшир, Султон бува, Тошқинжон бобо, Исмоит ота каби ўнлаб масканлар тарихий шахсиятлари билан биргаликда Хиванинг баланд асрий минорасидек қад ростлайди. Шеърый меросидаги тарихийлик ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги назмга солинган ҳаётидек таассурот қолдирди...

Яқинда Хивага бордим. Йўл-йўлакай бир гурунгимизда адиб Шухрат Маткарим: “Матназар ака истаган бир одам билан тил топишиб сўзлаша олар эди. У улкан мансаб-мартаба эгаси бўлсин, оддий боғбон ёки деҳқонми ё далиёна кайфиятли жиллисўррай кимсами – ким бўлишидан қатъий назар олдиға келган кимса билан шу гурунгдан бошқа иши йўқ одамдек бемалол гаплашар эди”, деб айтди. Дарҳақиқат, мен тасаввур қилган ва бир-икки суҳбатлашган Матназар ака айнан Шухрат Маткарим таърифлаган даражадаги кенгфеъл, дунёқараши кенг, ҳар бир одамнинг кўнглидаги гапини топиб, истаган бир мавзуда суҳбатлашадиган мўътабар зиёли эди. Айни табиат Матназар аканинг ижодида акс этди. Ғарб ва шарқ адабиёти, Европа ва Осиё шоирлари, мумтозлар ва модернистлар – бир хил қийматга эга ва ҳар бири хусусида соатлаб гурунглаша оладиган маърифатли инсон эди Матназар ака. Шахсан ўзим XX асрнинг 20-йилларида турли йўллар излаган, сўзлар ясаб, сўзларни

ўйнатган рус шоир Велимер Хлебниковдан сўз очиб, унинг шеърларини ўзбекчага ўгириш қийинлигини гапирганимда, бу ғаройиб рус символист шоири шеърларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилганини айтган эди...

Матназар Абдулҳаким учун шеърият бағоят гўзал олам, шоир шу даргоҳда умр бўйи истиқомат қилди. Айни чоғда жаҳон шоирлари ижодидан намуналар таржимасида ҳам Матназар ака улкан хизматлар қилди. Шарқ мумтоз шоирлари, айниқса, Нажмиддин Кубро, Бедил, Паҳлавон Маҳмуд каби алломаларнинг ғазал ва рубоийларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Паҳлавон Маҳмуднинг юзлаб рубоийларини таржима қилиш билан бирга “Тафаккур чорраҳаларида” номли махсус китоб ёзиб, теран назарли адабиётшуносларга хос талқинлар тақдим этганидан хабарим бор.

Матназар Абдулҳакимнинг сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийга меҳри-муҳаббати бошқача эди. “Навоийни эслаб” сарлавҳали шеърида “Минг машаққат билан чиқдим мен, Қирқ йил тирмашдим бу чўққига”, деб ёзади. Ҳақиқатда, Матназар Абдулҳаким ҳазрат Алишер Навоий макон тутган адабий ва абадий чўққига бир умр интилди, англаганларини англатиш йўлидан бориб, Ҳазрат ғазалларига қатор шарҳлар ёзди. Бунда шоир ғазалларининг рангларини фарқлади, дўсту душман муносабатидан сўз очди, вақтнинг фалсафий мазмунига, лаҳзанинг мангулигига диққат қаратди...

Муҳтарам ўқувчи! Шарҳлар баёнига зарурат йўқ, ушбу “Ҳайрат мезони” рисоласини ўқиб, Матназар аканинг шоирона назари ва олимона шарҳларидан баҳра топасиз, албатта. Ҳазрат Навоий айтадики: “Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар”. Сўзим туганчига етди...

Дарвоқе, Матназар Абдулҳакимнинг ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги адабий мақолаларини ўқиган навоийшунос Олимжон Давлатов: “Барча ёзган шарҳларини нашр қилайлик, ёшуланинг руҳи шод бўлсин”, деди. Рост гап - Матназар аканинг руҳи шод бўлажак!

Зотан, яхшилик қилган яхшилик кўради ҳам.

**Баҳодир Карим,
адабиётшунос**

АБАДИЙ ҲАМДАРД

Биз донишманд бир инсон билан мулоқотга мушарраф бўлсак, одатда, унга унга “қимматли вақтингизни аямаганингиз учун ташаккур” деб миннатдорчилик изҳор қиламиз. Навоий мана беш асрдан зиёд вақтини биздан дариф тутмай келяпти.хўш, бу ноёб мулоқот қандай кечаётир? Беш аср фурсатни бошдан –оёқ қилиб ўтирмай, сўнгги ярим асрдаги бизнинг навоийхонлик жиҳатимизни олиб қараганда ҳам, бу мавзунинг бағоят мураккаб, баъзан фахрланиш, баъзан қаҳрланиш керак бўлган қирралари кўзга ташланади. Навоий асарларини ўтга ёқиш, уни ўқиганларни таъқиб остига олиш, унинг ифтихоримиз эканлигини, жаҳон афкор оммаси ўртасида эълон қилиш, фашистлар исканжага олиб турган Ленинградда шоир таваллуди 500 йиллигининг нишонлануви, юксак бир эътиқод билан Навоий асарларини ноширлигимизнинг имконияти даражасидаги юқори малакада чоп этилиши, турли хил қирғинбаротлардан безган оч ва юпун халқимиз руҳиятидаги ялпи лоқайдлик оқибатида бу нашрларнинг касод бўлиши, “Чор девон”нинг ҳар бири 3 сўм турадиган бебаҳо китобларининг йигирма тийинга қадар арзонлашуви -булар Алишер Навоийга бизнинг муракаб муносабатимизни белгиладиган жуда кўп поғоналарнинг энг муҳим босқичларидир.

Бугун биз, ниҳоят ҳар хил “изм”ларнинг тазйиқидан халос бўла бориб, шоир ижодини турли “ижтимоий сиёсий” андишаларсиз севиб қолдик. Афсунгар бу меросни ўрганишни ўрганмоқдамиз. Навоийга мансуб набиралар бўлиш қайғусига туша бошладик.

*Жаҳондан нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ,*

деб ёзади Навоий ўз ғазалларидан бирида.

Алишер Навоий ижодига бўлган ворислик ҳуқуқимизни қаровсиз қолдирмаслик камол касб этишимизнинг муҳим шартидир. Бу демакодамейлик илмини ўрганишни канда қилмасликдир, бу демак —муҳаббат салтанатига фуқаролик ҳуқуқимизни тиклашдир. Тенгқурларимизнинг шеърӣ китобларини варақлайман. Бу шеърлардаги бир жиҳат мени бир вақтнинг ўзида дам хурсанд қилади, дам ранжитади. Бу жиҳат ана шу китобларда “вафо”, “садоқат” сўзларининг деярли учрамаслигидир. Бу жиҳат мени шунинг учун хурсанд қиладики, ниҳоят биз ростгўйликни ўрганмоқдамиз— ҳаётимиздан даф бўлиб бораётган тушунчани сақич қилиб чайнайверишга уяладиган бўлиб қолдик. Шунинг учун ранжитадики, биз бу Каломга бўлган маънавий ҳуқуқимизни бой бериб қўйдик.

Мен эрнинг хотинига, маъшуқанинг ўз ошиғига садоқати сингари фазилатларнигина кўзда тутаётганим йўқ. Умуман, садоқатни парчалаб бўлмайди. У ёки муҳташам, ёки вайрон иморатдир. Эътиқодга садоқат бу иморатнинг тамал тошидир. Биз, вайронада ҳалокатли базм қураётган авлод, бу муқаддас туйғуга бўлган ҳуқуқимизни Алишер Навоий куйлаган идеалларга садоқат воситасидагина қайтадан қўлга кирита оламиз. Бу идеалларнинг даставвалгиси— инсоннинг инсонга муҳаббати. Шоир ижодидан шу саодат аён бўладики, ер ҳам, осмон ҳам, азал ҳам, абад ҳам ана шу туйғуни устивор қилишимиз учун бизга туҳфа қилинган. Алишер Навоийнинг ижоди мана шу ҳам оддий, ҳам муқаддас ҳақиқатни барчамизга англатиш йўлида чекилган дард, тортилган азоб, тўкилган ёш, кўрсатилган жасоратдир. Бундан беш юз эллик йил муқаддам бошланиб, энди ҳеч қачон тугамайдиган сеҳрли бир ҳаётдир.

*Ўзгалар ҳуснини тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснинг тамошо айласа.*

Навоий томоша сўзига буткул бегона бўлган бир Андуҳдир. “Вошқалар ҳам менинг кўнглимни очиши мумкин, лекин бу ғунчани куч билан очилтирганга ўхшайди” деб ёзади аллома. Навоийнинг мероси қошимизда куч билан эмас, балки очилаётган гулдек оҳиста бир мўъжиза сифатида намоён бўлиши учун биз ўз фаҳму фаросатимизни, туйғуларимиз оламини шуур –идрокимизни сабр билан камолга етказишимиз лозим. Ўзимизни Навоийнинг истиқболига муносиб инсонлар қилиб тарбиялашимиз зарур.

*Кўнгуллар ноласи зулфинг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки қушлар қичқиришғойлар йилон кўргач*

деб ёзади Навоий ҳазрат ўз ғазалларидан бирида. Бу матлаъда, ўқувчи сезиб турганидек, қушлар илон кўрганда ўз жўжаларини қайғуриб фиғон тортаётган қушларга ачиниш ҳам, илонга нафрат ҳам, шунингдек, ёр зулфини кўрганда нола чекаётган кўнгилларда ҳамдардлик уйғотиш истаги ҳам бор. Лекин, бошқача ўйлаб қарасангиз, шоир учун буларнинг ҳаммаси бир восита, шоир аслида инсон чека оладиган уқубатнинг ўлчовини изтироб билан изламоқда. Унинг учун на қуш, на жўжалар, на илон, на ёр зулфи ва на ул зулфин кўрганда нола тортаётган кўнгиллар муҳим. Шоир фақат бир синоатни ривожлантирмоқчи –инсон дардининг залвори нечоғлик, бу дарднинг ҳажми қандай ва уни қайси “фил” кўтара олади. Бу “фил” –поэтик воситалардир. Булар ташбиҳлар, истиоралар, тажнислар, қофиялар, шунингдек, зулф, хол, қадду –қомат, кўз, қош, киприк, қорачиқ, лаб ва ҳоказо, ҳоказолар. Буларнинг ҳаммаси, албатта, саноғлик. Бу воситалар эҳтимол, йигирматадир, эҳтимол, ўттизта ёки нари борса –элликта. Лекин аллома шоирларимиз мана шу саноқли воситалар билан мана неча минг йиллар бўлдики, чексиз мўъжизалар яратиб келадилар. Бу ҳол шатранж ўйинини эслатади. Донолар саноқли, хоналар саноқли, лекин юриш имкониятлари чексиз. Шоир мана шу чексизликдаги саргардон йўловчидир.

*Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга фано бақо бўлибдур.*

Дарҳақиқат, манзилга етиш, яъни тўхташ учун юримак керак, боқий умр тиласанг, дунёдан ўта бориш, яъни оддий инсонларча яшамоқ лозим. Инсон манзилларининг ҳам, инсон умрининг ҳам чегараси йўқ. Инсон ҳамиша йўл юради, инсон ҳамиша кун кечиради. Ана шу ўткинчиликнинг ўзи тўхтовдир, мангуликдир. Бу ҳам замон ва макон сарҳадларини ҳеч бўлмаса тахминан илғаб олиш учун интиланган тафаккур туғенидир.

*Кўп ўқидим Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булажаброқ достоне топмадим.*

Дарҳақиқат, Навоийнинг ўз “достони” яъни ўз қалбининг тебранишлари ҳар қандай достондан ҳам булажаброқ, яъни ҳайратланарлироқдир.

Ҳаёт кечирмоқ бу —дард чекмоқ. Бу оддий ҳақиқат шоир учун “дунёни тўнтариб бероладиган” таянч нуқтадир. Шоирнинг юраги —оламнинг маркази. Олам айланасини чиза-

диган паргор (циркул)нинг игнаси ҳамиша шоирнинг юрагига санчилиб туради. Юракдаги игна санчилган нуқтанинг сатҳи эса фалакдек поёнсиз. Дард шундан, оғриқ шундан. Бу оғриқнинг нариги учи бутун борлиқни кезади, ундаги дардларни қамраб, шоирнинг юрагига узатади.

Шоир чора излайди. Йўқ, ўз дардига эмас. Зеро, у ўз дардини чорасиз эканлигини чуқур англайди. Шоир ўз дардига эмас, балки шу дарднинг нақадар поёнсиз эканлигини ўқувчи —ҳамдардига изҳор қилиш, ғазалхонга бу дардни юқтириш учун илож ахтаради. Шунинг учун ҳам “юқтириш” учун илож ахтарадики, бу дард эзгулик дардидир. Шоир ўзини ҳаммадан ҳам хор кўришни истайди. Лекин бу истак ўзини бошқалардан пастга уриш ҳисобига эмас, балки бошқаларни ўзидан юксакка кўтариш орзуси туфайлидир. У ҳар бир лаҳза ёмонларнинг яхшиси эмас, яхшиларнинг ёмони бўлиш умидида яшайди. Шоирнинг дарди унинг умридан узун. Кўп узун. Унинг ўз дардига чораизламаслигининг сабаби шундаки,

*Навоий, чорадин кўп дема сўзим,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш.*

Ёхуд.

*Риштаким, муҳлик ярам оғзига тикдим, англадим,
Ким кафан жинси қироғиндин сувурган тор эмиш.*

Демак, шоир дардини давоси шу дарднинг ўзидир.

*Жавр учун аҳли вафоким ойириб,
Барчасидин мени мумтоз айлаб.*

Эътибор қилинг. Ёр жабр қилиш учун танлаётган вафодорлар ичида энг мумтози, яъни етуги шоирнинг “мен” и. Эътиборли жиҳати шундаки, “мен” шеър оҳангидан сезиладики, бу маҳкумликдан афсусланмайди, балки фахрланади. Энг кўп жафо чекишга маҳкум этилаётгани учун “мумтоз” — мукамал деб атайди.

Навоий Гулининг эмас, ўз дардини ошиғидир. Шоир учун ўз севгилиси бамисоли юрак бўлса, дарди шу юракнинг ичидаги жондир. Шоир юлдузларни фалакка сочилган ғам тухми деб этади ва кўз ёшларини улардан ёруғроқ деб ардоқлайди. Бу гаплардан албатта, шоирнинг бош мақсади дард чекиш, деб англамаслик керак. Шоир дардни инсондаги ғайри инсоний қусурлардан тозалайдиган бир поклантиргич деб билади. Дард нурини ҳамиша инсоннинг ақлига, инсоннинг юрагига йўналтириб туради. Бу нурлар остида инсон ўз қалбидаги фасодларни илғайдигина эмас, балки улардан фориғ бўла боради.

Шоир дард пичоғини ҳамиша ўзига уриб яшайди. Бу пичоқнинг оғриғи ҳад билмасдир. Шунинг учун ҳам бу “пичоқ” бошқаларга урилмайди. Шоир бошқалардан гина қилиши мумкин, жаҳолатдан ўпкалаш, адолатсизликдан ранжида бўлиши эҳтимол, лекин бунинг эвазига у ўзини ҳамиша “тошбўрон” қилиб туради. Ўзини машаққатли имтиҳонлар гирдобига ташлайди. Умуман шоирнинг “Ашрақати”дан тортиб, энг сўнгги мисрасигача уқубат гирдобидир, бало қюни, офат қасирғасидир. Бу гирдобу гирдибодлар қаърида у гоҳ харсангдек осойишта чўкиб туради, гоҳ хасдек чирпирак бўлиб тўзғийди.

*Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кийи,
Ёнгилиб, аввал менинг жонимға бедод айлагай.*

Навоий ҳамиша бир хавфдан таҳликада яшайди. Бирдан биз — унинг ўқувчилари у кўрган синоатларни кўролмай қолсак... Ва у ўзининг “қора тошдан қора қил”ни кўрадиган қорачиғини биз билан баҳам кўради. Бу — бағоят муборак илтифот. Биз бирдан... хазон сипоҳини кўра бошлаймиз. Бу сипоҳнинг енгилмаслиги! Бу сипоҳнинг дахлсизлиги, шафқатсизлиги... Мана, боғлар. Куз. Навоийнинг илтифотини қабул қилмаганлар бамайлихотир юрибди. Сиз эса кўра бошлайсиз. Ана, у сипоҳ. Мўри -малахдай, ҳатто ўғрилар ўтолмасин деб тикан ўрнига игна санчилган боғлардан ҳам бемалол ошиб ўтиб, дарахтларга ўт қўймоқда, баргларни сарғайтириб, қизартириб, елга совурмоқда... Шўрлик дарахтларни бу ёвуз сипоҳ чангалидан фақат шоирнинг ўзигина халос қилиши мумкин. Дарҳақиқат,

*Боғ ичра санго сочти гул оқу қизил яфроқ
Шаҳ бошиға андоқким эл оқу қизил ярмоқ.*

Хазон сипоҳи учирган япроқлар бирдан ташриф буюрган подшоҳнинг бошига эл сочадиган ярмоқ, яъни танга пулларга айланыпти. Шу боисданки, бу япроқлар маҳбуба бошига тўкилмоқда.

Навоийнинг мероси бошдан -охир дард дедик. Навоийни ўз дардига ошиқ деб айтишга ҳам журъат қилдик. Бу журъатимизнинг бир асоси бор. Алишер Навоийнинг инсонга, шу жумладан баркамол бир поэтик маҳбубасига бўлган туйғуси ишқдан юқоридир. Бу туйғуга ном топиш мушкул. ишқ, муҳаббат, меҳр, ошуфталик, мубталолик, гирифторлик, мафтунлик ва ҳоказо ва ҳоказо маънодош сўзлар хотирангдан бир -бир ўтаверади –ю, лекин буларнинг ҳеч қай бири Амир Алишер Навоийнинг инсонга бўлган гоҳ оталик, гоҳ фарзандлик, гоҳ биродарлик, гоҳ ошиқлик, хуллас, минг –минг қиррали туйғуларини аниқ изҳор қилишга ожиз бўлиб қолаверади. Шоир ўзининг инсонга бўлган меҳрига яна мезон излайди. Топгандай бўлади.

*Етти чарх аврақи тўлгай, етти баҳр ўлса мидод,
Ул қуёш ҳажрида бир дамлик хаёлимни десам.*

Ўз севгилисидан айрилиқда сурган бир лаҳзалик хаёлини ёзиб изҳор этиш учун етти қат осмоннинг қоғози, етти денгизнинг сиёҳи зарур бўлган туйғуни ишқ –муҳаббат деган хомуш сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Шу боис шоирнинг ўзи ҳам юқоридаги ифодадан қаноатланмайди. Ўз туйғуларини изҳор қилиш учун айтган барча сўзларини ожиз деб билади, ҳасрат қилади:

*Эй Навоий, сўзда маъни йўқдурур, маънида сўз,
Дурри маъни истасанг сен айлагил, гуфтор бас.*

Аслида Навоийнингсўзи шу қадар теран, шу қадар серифодаки, беихтиёр мақтаънинг биринчи мисрасидаги тиниш белгиларининг ўрнини ўзгартиргинг келади.

Эй Навоий, сўзда —маъни йўқдурур маънида сўз. Лекин иккинчи мисра бунга йўл қўймайди. Буюк Навоийнинг иродасига қарши бориш — гуноҳ.

Ким билади, эҳтимол, юқоридаги мисранинг “Сўз” лафзи ўт, олов маъносидадир. Форс тилида бу сўз ана шундай маънони беради -ку, ахир. У ҳолда “Эй Навоий, ёнмоқда маъни йўқ, маънида ёнмоқ” бўлиб чиқади. “Маъни инсон тафаккурининг энг олий нуқтаси бўладиган бўлса, демак бу ифода ва у изҳор этган туйғу билан Навоийнинг ташналиги яъна босилмайди ва маънидан юқорироқ –“Сўз –ўт, олов”га етиб келади. Ўт –олов –маъжусийлик рамзи. Сўфийлар эса ўз эътиқодларини замирида бу эътиқоднинг акси бўлган сўзлар билан ниқобланганлар, уларда туйғуни очик кўз –кўзлаш уят саналган.

Фикрингни жунун эгаллай бошлайди. Ўзингни Алишер Навоий тафаккури тулпори изидан анча йўл юргандек ҳис этасан. Лекин ҳушингга келиб қарасанг, ҳали йўлнинг бошига ҳам етиб келмабсан.

ХОЛУ ХАТТИНГ

Баъзан мавҳум фикрлаш орқали муайянликдаги чувалашиқлар ечилса, гоҳида муайянлик воситасида мавҳумликдаги чалкашликлар ҳал қилинади. Бундай тафаккурий синоатни айниқса шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ғазалиётида кўп кузатиш мумкин. Шу жумладан бобокалон шоиримизнинг “Холу хаттинг” ғазалида ҳам бундай ҳол яққол намоён бўлган.

Умуман, биз ҳар бир меҳрдан янги, “теша тегмаган” фикрлар излашга ўрганиб қолганмиз. Бу назаримда нотўғри. Шеъриятнинг асосий вазифаси “теша тегмаган” фикр айтиш эмас, балки бирон-бир фикрни “теша тегмаган” тарзда айтишдир. Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ҳам Навоий илгари кўп маротаба қалам сурган, дейлик “қора кўзум” ғазалида ҳам фикр юритган мавзу-соғиниш мавзусидир. Лекин боя айтганимиздек, гап мавзунинг эски ёки янгилигида эмас, балки талқиннинг бетакрорлигидадир. Бинобарин, мавзу ҳам худди муҳаббатдек эски бир нарсa, лекин ҳар бир шоирнинг қалами, худди муҳаббатни ҳар бир кўнгил янгилагандек, мавзуни янгилайди.

Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулузор.

Гаҳе кўзумга хол тушубтур, гаҳе ғубор.

Халқимизда бировга узоқ тикилиб қолган одамга “нима бало, юзига хол қўймоқчимисан”, дейдилар. Халқ даҳосининг далили бўлмиш бу қочирим айтиш мумкинки, деярли фотография бир сирни ифода этади: узоқ тикилиш натижасида инсон кўзининг қораси гўё бошқа бир инсоннинг юзига кўчиб ўтиши мумкинлиги айтилади. Бир қарашда, буни муболаға деб ўйлаш мумкин. Лекин муболағамикан? Маълум бир ирққа мансуб кишиларнинг бошқа ирққа қарашли халқ орасида узоқ яшаганидаги ҳолатини ё кузатган ё эшитган бўлсангиз эҳтимол. Бундай ҳолларда бир ирқ кишиси иккинчи ирққа хос ташқи белгиларни у ёки бу даражада ўзига қабул қилиб олади. Бу физиологик хусусиятнинг, албатта, ишқ-муҳаббатга алоқаси йўқ. Бу-судралувчиларда эмас, балки инсонда ҳам маолум маонода буқаламунлик хусусияти. (Биз бу ерда кўп гапириладиган маонавий-ахлоқий буқаламунликни эмас, балки ғайри ихтиёрий бир жисмоний буқаламунликни назарда тутмоқдамиз, албатта) мавжуд эканлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазалида эса муболаға нафосати юқорида биз гапирган бўрттиришдан ҳам ошиб тушган, тўғрироғи, бу нафисликдан ҳам ингичкароқ назокат билан изҳор этилган муштоқлик шамойилидир.

Бу байтда, матлаҳда сенинг хаттингни, мийиқингдаги мўйларни ўйлайберишдан, кўзим худди ўша хатлардек хиралликка гирифтор бўлди, холингни соғинишдан эса, кўзимга хол тушди деб айтмоқда. Бу биз мақоламизнинг кириш қисмида айтиб ўтганимиз халқ иборасидаги муболағадан ҳам ортиқроқ бўрттириш шундан иборатки, бунда ўз ҳузуридаги ёрнинг холу хаттидан эмас, балки олисдаги, ҳали ўзи васлига мушарраф бўлмаган гўзалнинг холу хаттидан ошиқнинг кўзига хол тушиб, гоҳи ғубор кўнмоқда. Бу байтда тагин бир жиҳатга ҳам эътиборни қаратмоқ жоиз-бу шундан иборатки, одамнинг кўзларига, аксар, ғубор кексайганда келади. Бундан англаниладики, ошиқ ўз маъшуқасини, унинг холу хаттини узоқ вақт мобайнида, балки умр бўйи ўйлайберган, кесаликдаги кўз хиралашувини, кўзга хол келганлигини ана шу муштоқликнинг оқибати деб билмоқда. Шуни унутмаслик

керакки, шеор оҳангида бу муштоқликдан, умр бўйи давом этган бу фироқдан шоир ўз руҳида ўксиниш эмас, балки ифтихор сезаётганлиги яққол англанилади. Шу нуқтада тасаввуфий бир оҳангни ҳам уқиб олиш мумкин. Бу ҳолда биз “хат”ни-қуръони карим ҳарфлари, ҳолни эса шу ҳарфлардаги нуқталар деб тушунмоғимиз керак бўлади. Ошиқнинг эса ўша хатдек ғубор, ўша нуқталардек ҳол тушган кўзлари ва бу кўзлар мансуб бўлган айрилиқзада жисми тобора висолга яқинлашиб бормоқда, яъни унинг вафот этадиган фурсати. Аллоҳ даргоҳига ноил бўладиган дамларига оз вақт қолаётир... Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ҳам керак-Алишер Навоий талқинидаги муҳаббатда илоҳийлик ва инсонийлик бир-бирини инкор эмас, балки тақозо этадиган тушунчалардир.

Алишер Навоий ҳар гал ўз ғазалини мана шундай авж пардаларида бошлайди. Матлаҳнинг ўзидаёқ мукамал бадий гўзаллик, фикрий бемиқийсликка эришадики, гўё бу байтдан кейин бу мавзуда гап айтишга ўрин қолмагандек туюлади. Лекин туюлади, ҳолос. Навоий ўз тафаккур торларини мана шу авж пардадан кейин яна авжлантира борадики, бу юксакликка шоир қаламига эргашиб кўтарилмоқ улкан бир маънавий қанот бахш этади кишига.

*Юзида хол саҳифада томған каби қаро,
Холинг малоҳати, туз эрурким, қарода бор*

Бу ўринда беихтиёр пайғамбаримиз Расулиллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаламнинг Билол Ҳабаший ҳақидаги лутфлари эсга тушади. Қора танли бу инсоннинг исломга юксак эътиқодини таъкидлаб, Муҳаммад алайҳиссалом айтган эканларки, келажакда барча гўзалларга ҳоллар Билол Ҳабашийнинг вужудидан улашилғайдир... Бинобарин, гўзаллар руҳсоридаги ҳоллар фақат гўзаллик тимсоли эмас, шунинг билан бирга эътиқоднинг мукамаллигига ҳам ишорадир. Англашиладики, Навоийнинг гўзалликдан мақсади гўзалликгина эмас, балки Аллоҳ таолога ихлос ҳамдир. Шунинг учун ҳам Навоий бу мисрада тағин матлаҳдаги сингар қоғоз ва унга томган сиёҳ ташбеҳини тараққий топтиради, ўқувчи идрокини қутлуг саҳифаларга йўналтиради.

Юзингда хол сафҳада томған киби қаро...

Бу-инсон гўзаллигини ифодалашда бетимсол бир гўзал мисрадир. Лекин Алишер Навоий бу ифода билан қаноатланиб қолмасдан, ўзининг қаламига хос муболаға чексизлиги билан бизни ҳайратлантиришда давом этади.

Холинг малоҳати, туз эрурким, қарода бор.

“қаро” бу қайғу белгиси, “қаро” бу ғам тимсоли, Навоий “қаро” у кулфатнинг қайси хили бўлишидан қатъий назар, бемақсад бўлса, таъмсиз бўлади, сенинг шу қайғу билан, алам билан рангдош холинг изтиробларимга мазмун бахш этади, уни тотлиғ қилади, демоқчидек. Тағин бир мушоҳада келади хаёлга-“туз” сўзи, агар у ингичка “у” билан талаффуз этилса, туркийда тўғри, рост деган маънони ҳам ифодалайди. Бундай ҳолда, бошқа бир дилбар муболағани ҳам идрок этиш мумкин-сенинг холинг қаролиғда шу қадар қуюқки, оқ саҳифага томган сиёҳ қандай яққол бир тарзда мавжуд бўлса, холинг қаро сатҳда ҳам шундай малоҳатли, гўзал бир тарзда кўзга ташланади. Тўғрироғи, бу ерда Навоийнинг сонсиз маҳорат қирраларидан бири бўлмиш, бу мақсадга қаратилган кўп маънолилик, яъни шоир айтган гапни ҳар хил нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин, лекин буларнинг барчаси асосий ғояни ҳар тарафлама ёритишга хизмат қилади, ҳолос. Навоийнинг бу байтдан чиқадиган марказий ҳулосаси, инсон ва унинг юзидаги хол-инсоннинг илоҳиёт билан чамбарчас экан-

лигига ишора ҳамда шу саодатнинг рамзи эканлигидир.

Мавриди келдики, қаро рангнинг маънавиятимиз тарихида тутган бошқача ўрнига ҳам мухтасар тўхталсак. Маълумки, “Сабъаи сайёр” достонида биринчи иқлимнинг дарвеши шу иқлим подшоси томонидан қурилган қора қасрда Баҳромга Ахий бил Фарруҳ ҳақидаги афсонани гапириб беради. Мазкур ҳикоятдаги барча нарсалар қора тусда тасвирланади. Бу ҳақда батафсил баёнга ўтиш ҳозир бизнинг мақсадимизга кирмайди. Лекин шуни эслатиб ўтиш жоизки, йўл қўйган хатолари учун жазо бўлароқ, қора ранг Баҳром учун кулфат рамзига айланади.

*Бошига солиб ул қаро жу,
Ҳар туки сою бир қаро қайғу.*

Ахий ва Фарруҳларга эса дўстлик ва муҳаббатдаги садоқатлари учун қаро ранг бахт келтиради. Навоий ўз “Хамса”сида муборак қаро ранг ҳақида қуйидагича хулоса чиқаради:

*Қаро ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичра дур муборакдур.*

Ушбу ғазалда тавсифланаётган гўзалнинг холидаги ранг ана шу ёвузлик учун кулфат, эзгулик учун бахт келтирадиган қарода бор, демоқда шоир. Бинобарин ёрнинг холидан андоза олмиш ҚАРО фақат ҳусн эмас, балки адолат рамзи ҳамдир. Бу ҳақда кўпроқ билишни истаганлар эътиборини “Сабъаи сайёр”га ҳавола қиламиз-да ғазал ҳақида фикрлашда давом этамиз.

Навоий тафаккури ғазалда мисрадан мисрага худди қуюндек ҳам чарх ура, ҳам юксала боради. Энди Алишербек ҳазратлари бу юз ва бу холнинг яна ҳам аниқроқ мажозларини ахтариб топишга ва бу ахтариб топиш орқали бу юз ва бу холнинг мангуликка, ҳаққа нисбатини аниқлашга ўтади, фикримизча.

*Жонимни ўртаган юзу ҳолингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.*

Нега шундай? Нега илгари юз ва хол-хат ва саҳифа, оппоқ қоғоз ва унга томган сиёҳ-қуронга ишора, мангуликка дахлдорлик эди-ю, энди бундай. Яъни, юз ва холингнинг яна ҳам аниқроқ таърифини билмоқчи бўлсанг, бу ёниб турган ўт ва ундаги сўниб қолган бир чўғ, демакда шоир.

Айтадиларки, Алишер Навоий ҳазратлари тасаввуфнинг фано мақомига эришган зот эканлар. Бу дегани шоир бутун борлиқни Оллоҳ қошида муваққатлигини, инсон эса Ҳақ сари йўл олган бир ўткинчи эканлигини юрак-юракдан ҳис қилган ва ўзининг ҳам бу холини чуқур идрок этиб мана шу “ўткинчиликда” собит, яъни худога интилишда тўхтовсиз ҳаракатда бўлганлар. Эътибор қилинг “жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг” дейди шоир. “Ўртамак” бу “ёқмоқ” дегани. Навоий талқинича инсоннинг юзу холи худо томонидан яратилганлиги билан илоҳий, лекин яратгувчи қошида вақтинчалик бир вужуд. Лекин улар мана шу абадий бир мўъжизани, яъни жонни ёқади. Эҳтимол, юз ва холнинг олов ва ундаги учган учкунга ўхшатилишида, шу юздан айрилиқдаги изтиробларга ишора бордир.

Бу айрилиқнинг ўткинчилиги дийдор оловининг боқий эмаслиги билан чамбарчасдир. Изтироб ва ҳусннинг умрида ҳикматли бир тенглик мавжуддир. Хуллас, нима бўлганда ҳам, бир ҳақиқат аниқ-муҳаббатда юз ва хол, яъни инсоний гўзалликнинг ўзигина бош мақсал бўлиб қолса, инсоннинг юзи, унинг жисмоний борлиги фанога, ўткинчиликка иқрор бўлмаса, гўзаллик ҳақ йўлида эмас, гўзаллик гўзаллик йўлидагина мавжуд бўлса, бундай ҳусндан қўрқуликдир, ундан дўзах ҳиди келади. Яна илоҳийлик. Яна инсонийлик...

Маълумки, юракка, шоир таъбири билан айтганда, “кўнгул”га салгина бир ёт жисм, бирон-бир бегона зарра тушса ҳам, у яшашдан тўхтайдди, урмай қўяди. Бу ҳодисадан Навоий навбатдаги байтда муҳаббатнинг фавқулудда кучини намойиш этиш учун фойдаланади.

*Билмам, кўнгулда холларинг ҳаёлидир,
Ё киприкинг тиканларин айблабсен устувор.*

Эсласангиз, ғазалнинг биринчи байтида, яъни матлаъда шоир ошиқнинг ўз суюқлиси холини ҳаёл қилаверишидан кўзига хол тушганини айтган эди, биз бундан ҳайратлангандик. Лекин ушбу байтда кўрамизки, матлаъда изҳор этилган азоб бунисининг ёнида ҳали ҳеч гап эмас экан.

Маълумки, чинакам кқз, тасаввуфий маънода бу-кўнгилдир (Ҳазрати Жалолиддин Румийни эсланг “Кўзни юмғил, кўзга айлансин кўнгул...”). Бу байтдан маълум бўладики, шоир матлаъда айтган кўзга тушган ҳол бу-кўнгилдаги ҳолларнинг кичик бир нишонасидир. Чинакам ҳоллар-ошиқ кўнглидаги саноқсиз доғлар ёр ҳоларини ўйлайверишдан пайдо бўлганми ёхуд ёр киприклари билан “тиканлар” санчганми ошиқ кўнглига.

Нима бўлганда ҳам, бир мўъжиза аниқ-шоирнинг юраги мана шундай доғлар, ёр киприкларининг «тиканлари» устивор қилаётган бесаноқ жароҳатларга қарамай, ҳамон яшамокда, ҳамон севмокда. Бу юрак сиртдан қараганда, тирикликнинг биз юқорида айтиб ўтган оддий қонунига зид равишда ҳаёт кечирмокдаки, бу ҳам муҳаббат туфайли содир бўлаётган мўъжизадир, бу ҳам руҳнинг жисм устидан ғалабасидир, бу ҳам инсон меҳрининг илоҳийлигига бир ишорадир.

*Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўқзим тийра бўлмоғин
Билгай бировки ёри эрур шўху холдор.*

дейди ўз фикрини давом эттириб шоир. Бунинг билан Навоий муҳаббатнинг ноёб бир туйғу эканлигини, тансиқ бу бахт ҳар ким-ҳар кимга ҳам насиб бўлавермаслигини таъкидлайди. Биласиз, дардли одам ҳамдардга зор бўлади. Айниқса муҳаббат дардига гирифтор бўлган одам ўзига ҳаммаслак, ҳамдард излайди, унга сирларини очгиси, тотли андуҳларини ўзига ўхшаган бир ошиқни топиб, баҳам кўргиси келади. Шоир ушбу байтида ўз муҳаббатининг бетимсоллиги сабабли ана шундай ҳамдарднинг, эҳтимол, йўқлигини таъкид этади, балким, бундай ошиқнинг қайлардадир борлигини тахмин қилади, шунинг учун ҳам бу байтда номуайян бир истак билан, ҳали топилмаган ҳамдарднинг мавжудлиги мумкинлиги эканлиги ҳақида нола қилиш билан кифояланади.

*Машшотаи қазо безамиш холу хаттини
Беихтиёрликда манго борми ихтиёр.*

Инсоннинг измидаги воқеалар бор, измидан ташқари ҳодисалар бор. қазо бу – илоҳий бир қисмат, ёзғит, машшота дегани маликаларни, аслзода аёлларни ясантирадиган ходима. Навоий ўзининг юқоридаги байтларида батафсил изҳор этган улуғвор ҳамда фожиавий кечинмаларига маҳкумлиги, бу маҳкумлик ўз ихтиёридан ташқарида юз бераётганини, бу Худонинг хоҳиши эканлигини айтади. Бу билан, ўзи гирифтор бўлган кулфатнинг, ўзи мушарраф бўлган бахтнинг илоҳийлигига энди очиқдан очиқ ишора қилади. Инсон қазо ҳукмига банд, инсон илоҳий дийдорга эришгандагина (вахдат) узил-кесил мурод-мақсадга етади. Навоийнинг қайта ва қайта таъкидлашича, одамзод ўзининг мана шу маҳкумлигига иқрор бўлмоғи зарур, ана шундагина у фано мақомига доҳил бўлади, ана шундагина у ҳақ йўлидан бораётган бир ўткинчи бўлади. Ёдингиздами,

*Навоий, чорадан қўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш.*

Демак, чинакам дийдор бу-илоҳий муҳаббат орқали эришиладиган дийдордир. Бундай дийдорга муносиб одамнинг унга эришмоғи муқаррардир. Шунинг учун ҳам мақтаъ мана шу икки дийдор ҳақидаги илтижо билан тугайди:

*Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди суврати холиға, эй нигор.*

Навоий ўзининг инсон маъшуқасига, “нигор”ига айтмоқдаки, Навоий худо яратган гўзаллигига мафтунлик билан яшаб ўтади. “Жон бериш” дегани шоир фикрича, бу-яшаб ўтиш, умрбод лабинг холига муҳаббат билан ҳаёт кечириш, дегани. Ана энди биз эътибор беришимиз, алоҳида эътибор беришимиз зарур бўлган ибора келади.

Боқсанг не бўлди сурати холиға, эй нигор.

Навоий холимни суратига, яни ташқи кўринишига боқ, демоқда. Англашилади-ки, бу ҳолнинг сийрати, яъни унинг асли ўзи илоҳий ва унга нигорнинг боқишга бу ҳолни англашга қурби етмайди. Бу ҳолнинг суратини эмас, балки моҳиятини англаши мумкин бўлган “Нигор”-бошқа. У- Аллоҳдир.

Алишер Навоийнинг ғазалларида инсоний ва илоҳий муҳаббат наволари аралаш келади, дейлик, Шайх Фаридидин Аттор, Аҳмад Яссавий ижодида сўфийлик соф, ёмби ҳолида учраса, Навоийнинг меросида Аллоҳга ва Инсонга муҳаббат ва бу муҳаббатнинг мўъжизавий тароналари чамбарчас боғланиб кетадики, бобомиз меросидаги бу хусусият ўз зиммамиздаги инсонлик маъсулиятимизнинг бир лаҳза бўлсин унутишга маънавий ҳуқуқимиз йўқлигини қайта таъкидлаб, бизни қутлуғ бир тарзда безовталантириб туради.

ЮЛДУЗЛАРДАН ОЛИНГАН ИБРАТ

Ҳамжиҳатлик борлиқни тутиб турган қудратдир. Осмондаги сайёралар бир –бирини ушлаб турибдилар. Улар бир –бирига муносиб, акс ҳолда сўниб тушган бўлур эдилар.

Заминдаги табиатда, хусусан, одамлар орасида бу хусусият бирмунча мураккаб кечади. Фалакларда биз ҳозиргина зикр этган ҳодисаларга ҳилоф вазиятлар ҳам одамлар ўртасида истаганча топилади. Биз самода бир –биримизни ушлаб турганимиз йўқ, бинобарин, хато –камчиликларимиз, ихтиёрли –ихтиёрсиз юз берган кўнгилсизликлар, бевафоликлар –буларнинг ҳеч қайси бири биримизни осмондан тушириб юбормайди. Аслида –ку, инсонларнинг муносабатларига номутаносибликларнинг оқибатида, эҳтимол, самовотдан ҳам, юксак, бутун борлиқнинг яратилишидан Бош мақсад бўлган ана шу инсоннинг маънавияти лат ейди. Бу шикаст, бу қусур осмондан ҳам баланд юксакликлардаги юлдузларникидан ҳам улуғвор мувозанатларни бузиб юборса ажаб эмас. Бундай мудҳиш инқирознинг оқибатларини Алишер Навоийдек буюк шоирларгина билсалар, башорат қилсалар ажаб эмас:

*Қилди душман раҳм, баским, қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.*

Душман менга бор –йўғи раҳм қилишни тўхтатди, дўст эса озор бермоқда. Бу аччиқ ҳолдан иккинчи мисрада хулоса чиқиб келмоқда. Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши, дейди халқимиз. Бу байтдаги “душман топ эмди”, деган сўзлар, айниқса, фожеали жаранглайди. Бу, албатта, аччиқ кесатиқ. Шунинг билан бирга ўта жиддий огоҳлантириш ҳам. Бу мисралар бизни дўст танлашда –бу дўст хоҳ инсон тарзида бўлсин, хоҳ ҳаётий дастуриламаллар тарзида бўлсин –ниҳоятда ҳушёр бўлишга даъват этади.

Навбатдаги байтда хиёнатнинг табиати яна ҳам чуқурроқ таҳлил этилади. Навоий таърифлаётган дўст шу қадар ғофилки, ўзининг нақадар озорбахшлигини фаҳмламайди ҳам.

*Душман ар жонимни ҳам афгор этар, қилдим биҳил,
Жавр тийғидин чу кўнглим айламиш афгор дўст.*

Тиғ яраси битади, тил яраси битмайди, дейдилар. Тиғ яраси бу –душманнинг иши, тил яраси дўстдан бўлиши ҳам мумкин.

Алишер Навоий ғазалларининг лирик қаҳрамони дўстлик бобидаги ўз маънавий камолотидан келиб, бошқаларга талаб қўяди ва улардан ўз руҳий даражасига муносиб садоқат кўрмаганидан ўзини изтироблар гирдобига ташлайди. Юқоридаги байтдаги “биҳил” сўзининг “гуноҳдан ўтиш” маъносида эканлигини айтсак кифоя. Мазмунни зийрак ўқувчининг ўзи илғаб олади.

Навбатдаги байт дўст дўстни ғафлатдан халос қилиб яшамаклиги зарурати хусусида.

*Кеча душманларғаким ноламдан уйқу келмади,
Ранжамен мундин дағиким, бўлмади бедор дўст.*

*“Ранжамен” – азобдаман, изтиробдаман.
“Доғиким” – тағинким, янаким.*

Модомики, лирик қаҳрамон ўзининг эътиқод даражасидан келиб чиққан ҳолда буюк дардлар соҳиби экан, унинг душманлари, яъни бундай эътиқоддан, бундай маънавиятдан йироқ одамлар қаттиқ ғафлатдадирлар. Шоир муболағасини кўрингки, ҳатто ана шу ғофиллар лирик қаҳрамон фарёидан безовталанадилар, ухлай олмайдилар. Дўстлар эса шу қадар бефарқ бўлиб қолганларки, “Мен”нинг ноласи уларнинг ҳатто уйқусиниям бўзмайди.

Шоирнинг байтларида лирик қаҳрамоннинг дўст бзётанлашда қаттиқ адашувларидан ўкинчи ҳам зимдан кўзга ташланади. Бу дўстлар бир вақтлари қаҳрамон ўз бошидан яхши кунларни кечириётган вақтида дўст тутинганлари, эндиликда – унинг бошига дард тушиб, ўлар ҳолатга етгач руҳан унинг душманлари томонига ўтиб, ўша душманларнинг раъйига қараган ҳолда ўзларини душманларга ўхшатиб тутадилар. Улар, албатта, бунинг ўз қўрқоқликларидан қиладилар. Бу фожеали аҳволнинг даҳшати шу даражадаки, лирик қаҳрамоннинг душманлари, табиийки, унинг тарафига ўтмасалар ҳам, кўнгил учун, одамгарчилик юзасидан ўзларини “дўстваш”, яъни дўстларга ўхшатиб тутадилар.

Бундай аҳволда ўзларини сиртдан “дўстваш” тутаетган душманларнинг ичдан, пинҳона кулишлари табиий бир ҳолдир. Чунки “Мен” кўп дўст топди ва улар дастидан яна ҳам кўпроқ жафо чекди.

*Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам жафо,
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.*

Шу қадар оқибатсизликлардан сўнг шоир бунинг сабабини излайди. Нега шундай? Поэтик таҳлил шуни кўрсатадики, борлиқнинг тузилишида ўзи вафосизлик бор. Оламнинг айланишида, заминнинг чарх уришида, Ернинг ўзи ва қуёш атрофида айланишида бир – бири билан муштарак бўлган бахт ва кулфат мавжуд. Бу кулфат ўтаётган вақтдир. Вақтнинг ўтишида, бунинг оқибатида одамнинг умри тугамагида шоир фалакнинг улуғ бир вафосизлигини кўради. Модомики, инсон мана шу бевафо фалакдан нур эмиб, ҳаво олиб яшар экан, шу нур, шу ҳавонинг таъсиротида етилган неъматлардан тановул қилиб вояга етган экан, у ҳам вафосизликка маҳкум, демоқчи бўлади шоир.

*Чархнинг меҳриға мағрур ўлмағилким, гарди бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.*

“Меҳр” – “қуёш” дегани...

Юқоридаги байтдан кейингина Алишер Навоий дўстликнинг илоҳий томонига эътибор беради ва эътиборимизни қаратади. Хўш, деб фикрлаймиз навбатдаги байтни ўқиганда, инсоний дўстлик мана шундай нуқсонли экан, бу дарднинг давоси қаерда? Шоир улуғ бир Нуфуз истайди, у шундай бўлмаги керакки, инсонлар ўртасидаги иллатли дўстликни бар-тараф қилиб турсин, қуёш ўз тасарруфидаги сайёраларни ўзига жалб қилиб тургани каби, бутун оламини, шу жумладан, бутун инсониятни парокандаликдан асраб, ўзи ва ўзи Воситачилигида, бир – бирига жипслаб яшасин. Шоир бундай Нуфузни Соқий деб билади. “Соқий” сўзининг оддий, луғавий мазмуни “май қуювчи” дегани. Бироқ тасаввуф таълимоти таъ-

сирида шаклланган мумтоз шеъриятимизда “соқий” сўзи бутун бир мазмунлар мажмуасини изҳор этадиган истилоҳдир. Булардан энг муҳими, соқий дунё иллатларини унуттириб, инсонни илоҳга бошлайдиган раҳбар, халоскор мазмунидадирки, шунинг учун ҳам шоир дейди:

*Соқийё, қил дўстлуқ, тут бодаким, йўқдур ғами,
Бўлса олам душмани, ҳар кимга сендек бор дўст.*

Ана шундай Соқийни дўст деб билган одамлар гуруҳи бир –бирига ва соқийга итдек садоқатли ёр –дўст бўла оладилар. Бундай “ит”ларнинг ғавғоси вафосизликлар оқибатида ўлаёзган одамни ҳаётга қайтаради, ҳушёр торттиради.

*Итларинг ғавғо қилур, гўё Навоий ўлдиким,
Боши узра жамъ бўлиб, афғон қилурлар ёр –дўст.*

Алишер Навоийнинг нодўстлик даражасида қолиб кетган дўстлардан ҳасрати, албатта, ғазаллардаги “Мен”нинг, биз аксар шоирнинг шахси билан кенг кўрадиган инсоннинг ўз афзаллигини пеш қилиши эмас, балки инсонларнинг ўзаро муносабатда бир –бирига илоҳий бир холисликка муносиб бўлишга даъватидир. Инсон инсонга дўст бўлмай туриб, инсон Оллоҳга дўст бўлолмайди. Бир –биримиз билан дўст бўлишимиз Худо билан дўстлашувнинг муборак машқидир.

Мақоламизни осмондаги юлдузлар ҳамжиҳатлиги ҳақидаги мушоҳададан бошлагандик. Инсонларнинг юраклари бир –бирини ана шу юлдузлардек бир –бирига тортиб яшасалар, бундай маънавий жозибадан башарият руҳининг осмони ҳамиша чарақлаб туражакдир. Навоий ғазалиётида комил дўстликдан сурур ва номукамал дўстликдан ҳасрат юлдузлар жозибасидан ибрат олишга чақирувчи муқаддас даъватнома десак, хато қилмаган бўламиз.

ИЛОҲИЙ ҲАЛҚА

“Кўзинг не бало” ғазалини шарҳлашдан аввал тазмин санъати ҳақида мухтасар маълумот берсак. Бу санъатда ҳар бир шоир ўзи ёзаётган асаридан муқаддам битилган бошқа шоир қаламига мансуб шеърнинг ибтидосидан айнан кўчириб, сўнгра уни ўзича давом эттиради ва ниҳоясига етказади.

“Кўзинг не бало” худди ана шу усулда битилган ғазал. Бу ҳақда Алишер Навоийнинг ўзи “Мажолис ун –нафоис” асарида маълумот бериб, мазкур “Кўзинг не бало қаро бўлибдур, ким жонга қаро бало бўлибдур” матлаъининг самарқандлик шоир Мирзобек қаламига мансублигини айтади. Навоий Мирзабекнинг фавқулодда истеъдод эгаси эканлиги, бироқ ўзи бунёд этган шеърларга парвоси бўлмаганлигига таассуф билан тўхталиб, мана шу матлаъни унинг ижодидан мисол қилиб келтиради ва ўзининг бу ғазални ниҳоясига етказганлигидан хабар беради. Буюк шоиримиз яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтадики, бу асар “тарди акс” усулида ёзилгандир ҳам зулқофиятайндир, яъни қўшқофиялиқдир. “Тарди акс” санъатининг моҳияти эса шундан иборатки, биринчи мисрадаги асосий сўз бирикмаси (бу ерда “қаро бало”) навбатдаги мисрада акслантирилиб (“бало қаро”), бу тескари бирикмалардан иложи борича бир –бирига қарама –қарши ёки гўзал бир тарзда тафовут қиладиган маъно келтириб чиқарилади, бироқ бу аксликда, бу тафовутда мантиқий бир қарама –қаршилиқ кўрилмайди, аксинча бу зоҳирий ихтилоф ботиний мазмунни жиловлаб, бўрттириб туради.

Хоразм шевасида ҳозир ҳам фаол истеъмолда бўлган “Не бало қаро”, “қаро бало” бирикмаларида –яқинлашаётган довулдан нишон бергувчи олисдаги булут парчаси, шунингдек, тобора шиддат билан ёпирилиб келаётган ёв қўшининг дастлаб олисдан қора нуқтадек кўриниш ҳолати мавжудлигига ишора қилишиб, ёр кўзининг қароси ҳам улкан бир ғалаёнлардан дарак бериши англатилади.

Қаро рангнинг мумтоз шеъриятимизда кўпгина таъкидланадиган фазилатларидан бири, фикримизча, бу рангнинг ёғдунинг ватани эканлигида ҳамдир. Яъни, қоронғулик бўлмаса ёруғлик бўлмаганидек, маъшуқа кўзининг қаросида ҳамиша ошиқ муҳаббатининг нури, демак, ишқ моҳияти жилваланиб туради. Шунга кўра, “Кўзинг не бало қаро бўлибдур” мисрасида кўзнинг қаролигидан таҳлика эмас, балки бу қароликдан ўзини гуё қўрқаётгандай қилиб кўрсатиб, маҳфий шодланиш англашиладики, бундай билиб билмасликка олишни шеърятда тағофил санъати деб юритганлар.

Ана энди иккинчи мисрада «не бало қаро»ликнинг сабаби айтилиб, дастлабки фикр тугалланади. “Ким жонга қаро бало – бўлибдур”.

Алишер Навоий “Мажолис ун –нафоис”да мана шу иккала санъатга, яъни зулқофиятайнлик ҳамда тардиаксга риоя қилган ҳолда шеърни тугатиш ўзи учун мушкул бўлганлигини айтади, Мирзабекка қойил қолади. Бироқ ғазал билан батафсил таниша борганимиз сайин, Алишер Навоий бу мушкул вазифани нақадар юксак бир маҳорат, мукамаллик билан адо этганлигига гувоҳ бўла борамиз.

*Мажмуи давони дард қилди,
Дардинги манго даво бўлибдур.*

Маънавий мақсаднинг ўзи мажозий маънодаги дарддир. Оллоҳнинг жамолига етиш истагидир. Бу дардга фақат бу дарддан келиб чиқадиган иштиёқнинг ўзигина шифобахш этмаги мумкин. Бу даво дардни бартараф қилмайди, балки кучайтиради. Кучайган дард эса муолижани яна ҳам авж олдиришни тақозо этади. Яъни думалоқ дунё каби сирли ва беадоқ илоҳий ҳалқа вужудга келади.

Шунинг учун ҳам навбатдаги мисрадаги “СЕН” да, яъни шу дард ва шу дардни келтириб чиқараётган манбага фидо бўлган жоннинг ҳар бирига юз жон фидо бўлса арзийди, бу юз жон ҳам фидолар сафидан ўрин олади, бинобарин уларнинг ҳар бирига ҳам юз жон қурбон бўлмоғи лозим ва ҳоказо.

*Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санго фидо бўлибдур.*

Байтдаги бу чексизлик орқали эзгулик эътиқодининг юқумлилигини ва бунинг шарофатидан инсониятнинг яқдил бўлиб қола билиши имкони миқёсини ҳис қилса бўлади. Бу “занжирли ғалаён” яна шуни ҳам кўрсатаки, бу фидоликка узил –кесил эришмакнинг имкони йўқ, туғилиш ва ўлимларнинг боиси шундан, ҳаёт абадийлигининг ҳикмати ҳам ана шунда.

Мана шу ҳикмат юз бериб турмаса, ёғийликлар авж олади. Дўст билан душманнинг фарқини билиб бўлмай қолади.

*Бегона булибдур ошнодин.
Бегонаға ошно булибдур.*

Бу байтни яна шундай ҳам англаш мумкинки, Оллоҳ учун бегона ёки ошно деган гап йўқ. Ҳамма миллат, элат, табақалар унга баб –баравар, гап кимнинг юзаки ошно ёки бегоналигида эмас, балки ички эътиқодида, иймонида. Иймонни йўқотган ошно унга бегона бўлиши, эътиқод қўйган бегона ошно бўлиши мумкин.

Мана шу жамол, яъни Оллоҳнинг дийдори, умумэзгуликнинг муштарак мақсади Навоийда “Юз”, яъни рухсор деб олинади, Токим жонлар шу юзни ҳавас қилиб талпинар эканлар, орзу –ҳавас ҳар жонни юз томонга талпинтиради. Паришонлик жамликни, жамлик паришонликни келтириб чиқаради.

*То қилди юзинг ҳавоси жоним,
Юз сори анго ҳаво бўлибдур.*

Бу байтда Алишер Навоий тажнис. яъни шаклдош сўзларни ҳар хил маънода ишлатиб, мазмунни чуқурлаштириш санъатидан фойдаланган. Юз “ҳавас” қилинади ва бу ҳавас билан юз тарафга “ҳаво” қилинади.

Бу байтда тариқатнинг суврати ҳам чизилгандир, яъни ҳамма тариқатлар юзлаган мафкураларни тарбиялайди, бироқ ҳаммасининг мақсади битта —одамни худонинг жамолига восил қилишдир, етказишдир. Шунинг билан бирга бу байтда навбатдаги мисралардаги маънога тафаккурий ҳозирлик кўрилади, ўқувчининг руҳияти шунга шайлантирилади.

Қуёш тасарруфидаги ҳамма зарралар ундан нур олиб яшайдилар, унга интиладилар,

унинг жамолига ошиқлар. Агар шу жамол бўлмаса, ҳеч бир зарра учун ҳеч қандай тириклик йўқдир. Ҳар бир зарра офтоб нурида ҳар тарафга ҳаракатланиб, изтироб қилгани каби бутун борлиқ илоҳий маърифат нурида тинимсиз фаолиятда бўлиб туради. Фанонинг ҳикмати ҳам шунда. Ҳаёт ҳаракатдалигининг, ҳаракат ҳаётдалигининг боиси ҳам шу.

*Боқий топар улки бўлди фоний,
Рахравга бақо фано бўлибдур*

Мисралари эса ғазалда оқиб келаётган фикрнинг узвий давоми мантиқий хулосасидир. “Боқий” –мангу. “Фоний” –ўткинчи., “бақо” –абадият. “Фано” – вақтинчалик.

Рахрав эса –йўловчи дегани. Фанога иқдор бўлиш, яъни ҳар бир нарсанинг вақтинчалик эканлигини,худодан бошқа ҳеч бир зот абадий эмаслигини тан олиш муслимликнинг муҳим фазилатларидан биридир. Йўлга чиққан одам ўз йўлида кетаётганлиги ўз манзилга етиб боргани сингари дунёдаги жамики мавжудот, шу жумладан, инсон ҳам ўзининг фонийлигига иқдор бўлиши шарофатидан худога етади.

Бу ғоя, илгари ўйлаб келганимиздек, тарки дунёликка олиб бормади. Манзилга интилаётган одам йўлни ёмон кўрмагани каби, илоҳий бир мақсадга талпинаётган киши ҳам, охир натижада шу мақсадга олиб борадиган ҳаётни ардоқлаши мутлақо табиий бир ҳол.

Охирги байт –мақтаъда Навоий ўз шеърларининг ишқ аҳли аро наво бўлганлиги сабабини ҳам “ишқ”ни яъни олий мақсадга етказадиган рағбатни куйлаганлигида деб кўрсатади. Мақтаъ матлаъни ойдинлаштиради. Аён бўладики, «қаро бало» ва «бало қаро»лар ишқ ояти эканлар.

Навоий бу ғазалда тазмин боғланаётган илк байтдаги қоидаларга бутун ғазал мобайнида оғишмай риоя қилади. Шунинг учун ҳам бу ғазални ўқиганда ва куйлаганда ана шу қоидалардан бири бўлмиш зулқофиятайнликка алоҳида аҳамият бермок керак: “манго –даво”, “санго –фидо”, “бегонаго ошно”, “анго –ҳаво”, “бақо –фано”, “аро –наво” каби жуфт қофиялар билан ифодалиликка интилмоқ зарур. Тарди акс тебранишлари ҳам ғазал оҳангидан ўз ўрнини йўқотиб қўймаса гўзал ботиний маънога муносиб бир зоҳирий либос ҳам кийгизилган бўлади.

Бу ғазалнинг Мирзабек томонидан тугалланмай қолганлиги кулфат бўлса, Алишер Навоийдек сиймонинг қаламига дуч келганлиги мукаммал ниҳоясини топганлиги адабиёти-мизнинг бахтидир.

ЭЪГИҚОДНИНГ ЗАЪФАРОН МАЛҲАМЛАРИ

Алишер Навоийнинг ғазалларида ранглар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Шоир зикр этганидай сўзларнинг имконияти чеклангандир. Товуш ва ранглар эса ўзлариининг чексиз жилолари билан жилваланиб, инсон тафаккури учун беҳудуд имконият очади. Шоир ижодида, хусусан ранглар лирик қаҳрамон кайфиятидаги турли жиҳатларни яна ҳам ойдинлаштиришга унумли хизмат қилган.

Биз қуйида шоир томонидан сариқ рангнинг истифода қилинишини икки ғазал тим-солида таҳлил этамиз. Сариқ рангда мўътадил бир ҳазинлик руҳи бор. Мазкур рангнинг бу хусусиятидан буюк шоиримиз, одатдагидек ҳайратланарли бир юксак маҳорат билан фойдаланиб, уни ўзи истаган маънавий кайфият яратишга хизмат қилдиради. Шоирнинг бундай санъати «Беҳи рангидек ўлмиш» деб бошланадиган ғазалда айниқса яққол намоён бўлган.

*Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдан манго сиймо
Димоғим ичра ҳар тухми янглиғ донани савдо.*

«Донани савдо»—қора доналар беҳининг уруғи бўлса ошиқда бу—дард доғларидир. Маълумки, беҳининг ичидаги қаро уруғлардан дарахт униб чиқади, насл кўпаяди. Ошиқнинг ичидаги қаро доғлар ҳам муҳаббат туйғусини кучайтирадиган, бинобарин, бошқаларнинг руҳиятига таъсир қилиб, уларда ҳам муҳаббат туйғусини пайдо қиладиган ишқ тухмидирки, мева ҳамда инсоннинг муштараклиги фақат сувратда эмас, сийратда ҳам зоҳир бўлмоқда. Феълда ҳам.

Навбатдаги байтда бу муштараклик яна ҳам кучаяди, яна ҳам фожеалироқ тус ола боради. Шунинг баробарида, бизда лирик қаҳрамоннинг чекаётган дардларига ҳамдардлик руҳи ҳам тағинда кучая борадики, ана шу жиҳатдан ҳам ғазал ниҳоятда «юқумли», тарбияловчидир.

*Мазаллат тупроғи сориғ юзимда бордир андоқким,
Беҳида гард ўлтурган масаллик тук бўлур пайдо.*

Беҳидаги «гард ўлтурган масаллик тук», гарчи меванинг рангини бироз хира торттириб турса ҳам, унинг тип –тиниқ сариқ рангини ҳимоя қилиб турган ниқоб вазифасини ўтайди. Мана шу туклар, беҳини чириб кетишдан асраб туради. Демак, қаҳрамонимизнинг юзига тушган беҳининг туклари каби «мазаллат тупроғи», яъни хорлик чанги ҳам аслида ошиқнинг поклигидан дарак беради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бир қарашда кўримсиз қилиб кўрсатадиган туклари: бу шифобахш неъматни ташқи салбий таъсирлардан қандай асраб турса, ошиқнинг юзидаги маломат ранглари, хорлик тупроқлари ҳам унинг покиза зийнاتини, беғубор руҳий дуйёсини ёмон кўзлардан ҳимоя қилиб туради.

Маълумки, қиш фаслида беҳининг шифобахшлиги яна ҳам кучаяди. Унинг шираси қуюқлашади, одамларнинг вужуди эса қишда бундай ноз –неъматга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож бўлади. Оппоқ матога ўралган сап –сариқ беҳи қандай азиз бўлса, узоқ умр мобайнида хикматлар билан бойиган, ақли тажрибалар билан тўлган тафаккури, кечинмалар билан чиниққан туйғулари туфайли кекса одамлар бошқалар учун мўътабардир.

*Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чехрам,
Момуғ ичра беҳини чирмоғон янглиғ киши амдо.*

Модомики, ғазалда кечинмалари таърифланаётган ошиқнинг муҳаббати шу қадар мусаффо экан, унинг ўз маҳбубаси дастидан озор чекишида табиийки, адолатсизлик бор. Мана шу адолатга хилоф, ғайритабиий чекилаётган уқубатни ҳам шоир беҳининг табиатидан келиб чиқиб таърифлайди.

*Юзумда тийғи ҳажринг заҳми ҳар сори эрур беважҳ
Беҳини тийғ илан чун қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.*

Беҳи арчиб эмас, артиб ва ювиб тановул қилинади. Шунинг учун ҳам ошиқ ўзининг беҳига монанд юзида фироғ тигларининг изларини асоссиз деб билади.

Беҳининг шохлари ожиз бўлса, улар эгилиб, мевалар тупроққа тегиб қоладилар. Ошиқнинг вужуди ҳам муҳаббат изтироблари оқибатида дард чекаверганидан заифлашиб, қомати эгилган. Шу сабабли унинг юзи тупроққа теккан. Бу муболағали ҳолат ғазалда ўз аксини куйидаги тарзда топган.

*Юзум туфроқдадур ҳар дам қуруғон жисм ранжидин
Беҳига сарнигунлик шохи заъфидин бўлур гуё.*

Бу байтда эътиборни тағин шу жиҳатга қаратмоқ зарурки мева уқун шу мева пишиб етилаётган дарахтнинг шохлари нақадар соғлом бўлиши лозим бўлса, ошиқ учун маъшуқанинг илтифоти, раҳму шафқати, меҳри шунчалик зарур.

Шоир бундай кулфатдан халос бўлишнинг тағин бир иложини эгилган беҳининг шохи-дек вазиятдаги ибодатда кўради:

*Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиғ
Кийиб пашмина, тоатқа қадин ҳам айламоқ авло...*

Ғазалдаги хазоний руҳнинг ўзига хос диалектик бир хусусияти бор, у ҳам бўлса япроқлар тўкилишининг ғамгинлиги билан ғарқ пишган мевадан юракларда уйғонадиган сурур, заъфарон бир шодлик туйғусидир.

Тағин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ожиз новдадаги ғарқ пишган беҳи мевасининг шу новда билан баравар эгилиб ибодат қилишида муаззам бир шукроналик бор. Лирик қаҳрамоннинг ўз саждасини беҳининг ана шу ибодатига ўхшатиши ҳикматлидир.

*Навоий гар қуёш норанжидан беҳрак кўрар, тонг йўқ,
Бсҳиким лутф қилмиш маҳди уйлó исматуд дунё.*

“Норанж” апельсин деган.

Маҳди уйлó исматуд дунё” —энг юксак тахтдаги дунё поклигининг туҳфаси мазмунини беради. Демак, Оллоҳнинг туҳфаси бўлмиш беҳини Навоий қуёшдан ҳам афзал кўрса, бунинг чиндан ҳам ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Навоий ҳазратлари ранглардан, шу жумладан, сариқ рангдан ҳам фақат бир хил кайфийтни ифода қилиш учун фойдаланмайди. Шоир ижодида бир хил рангнинг ўзиёқ кайфиятга қараб, турли хил ижодий мақсадга бўйсундирилади. Албатта, муайян бир рангнинг турли хил ижодий мақсадларда ижодий истифода қилиниши, умуман олганда ўша рангнинг табиатига хилоф тарзда амалга оширилмайди, балки юксак маҳорат туфайли маълум даражада ҳамоҳанглик касб этадики, бу ҳам шоирнинг ўзи танлаган бадий воситадан унга нисбатан зўравонлик ишлатмасдан фойдаланганлигидан дарак берадики, бу услуб, шубҳасиз, буюк ижодий ютуқ гаровидир.

Беҳи ҳақидаги бу ғазал –кексалик шаънига битилган маҳзун қўшиқдир. Эгилган бошнинг пишган мевадек Ҳақ йўлига фидо қилиниши, юздаги ажинларни ҳижрон тифи билан тилимланишга менгзатилиши, сариқ юзнинг оқ соч –соқолга бурканиши —булар Оллоҳ дийдорига шайланган кекса бир зотнинг мевасини тўккан дарахт билан муштаракликдаги қаноат ва тазарруси оҳангини ташкил қилса, “Сориғ оғриғ бўлдим” ғазалида шоир сариқ ранг орқали кучли бир изтироб, бемаврид бошга тушган ишқ кулфатидан чекилаётган уқубат тафсилотларини баён этади. Бу ғазалнинг юқорида англашга ҳаракат қилганимиз ғазал билан ҳамоҳанглиги фақатгина ҳар иккала ғазалда ҳам сариқ рангнинг шоир ижодий мақсадини очишга хизмат қилдирилганлигидадир.

*Сориғ оғриқ бўлдим, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар маики, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо.*

“Асфар” сариқ рангли. “Қаҳрабо” –луғавий маъноси “сомон тортадиган”, шу номли сариқ тусли маъдан ҳам бор.

Лирик қаҳрамоннинг “сориғ оғриғ”лиги, бу кулфатларнинг айрилиқ хазони мавсумида рўй бераётганлиги ҳамда ошиқ беморнинг бу дарддан фориг бўлиши учун “Асфар май” тилаётганлиги фожеанинг ниҳоятда чуқурлигидан далолат. Дард қанча оғир бўлса, дармон шу қадар кучли бўлмоғи лозим. Аён бўладики, сориғ оғриғ шунчаки бир сариқ касаллиги эмас, инсонни ўзи истаган барча эзгуликлардан жудо қилиб турган нифоқлар мажмуаси ва буларни, заҳарни заҳар кесади деганларидек, фақат сариқ шароб, яъни “асфар майи”гина даф қилиши мумкин.

Беҳи ҳақидаги ғазалида Навоий мевали дарахтни образ қилиб олиб, фкрни Самара нуқтаи назаридан юритган эдилар. Навбатдаги байтда ҳам лирик қаҳрамон ўзини сарғайиб хазон бўлган, ҳатто қуриб қолган дарахтга нисбат беради. Бироқ бу гал дарахтнинг меваси ҳақида гап юритилмайди. Бу ҳол ғазалдаги фожеани яна ҳам кучайтиради.

*Юзу жисмимдир сориғ барге қуруғон шох уза,
Шоҳу баргеким, қуруб сорғорса, ким қўрмиш даво.*

Фикримизча, бу ғазал беҳи ҳақидаги ғазалнинг тадрижий давомидир. Беҳи ҳақидаги ғазалда МЕВА, ИБОДАТ ҳақида гап кетиб, лирик қаҳрамон ўзини меваси ғарқ пишиб, боши ибодатга эгилган дарахтга ўхшатган ШУКРОНАЛИК ва ТАСАЛЛИ газали эди. Ушбу ғазалда бўлса шоир рангни ДАРД –САРИҚ дарди билан боғлаб фикрлайди. Бу ғазал самарали заъфаронлиқ ҳақида эмас, балки қовжирашдан дарак бераётган муҳлик бир дард ҳақидаги асар. Бироқ, бу қандай завол? Жисмонийми ёки маънавий?...

*Не мараздур буки бир гулрух шарори ишқидин
Бўлди сориғ лола кўзим оқию доғи қаро.*

Бу байт – дард тарихи. Гулюзли гўзалнинг ишқ ўтидан кўзнинг оқи сариқ лолага айланган. Сариқ лоланинг доғи вазифасини бўлса кўз қорачиқлари ўтамоқда. Ҳикматни кўрингки, сариқ касаллигида кўзларнинг сарғайиб кетишидек хусусиятни шоир ўз маънавий мақсадига буюк бир маҳорат билан хизмат қилдирмоқда. Гулрухни кўриб, унга лирик қаҳрамонимизни мафтун қилган «айбдор», аввало кўздир. Шунинг учун кўз ҳам бу дарддан омон қолмаган. Шуниси муҳимки, дард қанчалик мушкул бўлмасин, унинг давоси бор. Бу ғазалда дард чекаётган ҳам, бу дарднинг сабабини аниқлаб, унга ташҳис қўяётган ҳам ва ниҳоят унинг тадбирини топаётган табиб ҳам шоир шахси билан чамбарчас бўлиб кетган лирик қаҳрамондир.

*Суд эмиш кўз тушса асфар жинси сори, ваҳ, қани
Сарвинозимким, сориғ гул баргидан киймиш қабо.*

“Суд эмиш” — манфаатли, фойдали эмиш.

“Қабо” — узун бир кийим, тўннинг бир хили. Бундан ташқари, бу сўз бирон – бир тадбирга ҳозирлик кўриш маъносини ҳам билдирар экан. Афтидан, қадимги замонларда муайян маросимларни қабо кийиб амалга оширилганлигидан иккинчи маъно келиб чиққан бўлса керак.

Маълумки, сариқ касаллигини даволаш учун халқ табobatiда сариқ рангдан кўп фойдаланилади. Сариқ рангдаги балиқ тановул қилинади, маккажўхори сўтасидан дори қилинади ва ҳ.к. Ғазалдан маълум бўладиги, сариққа чалинган бемор нафақат сариқ рангли неъмат қилибгина қолмасдан, балки сариқ рангли нарсаларга ҳам нигоҳ ташлаб туриши керак экан.

Алишер Навоий мана шу юқорида келтирилган байтда юрак муолижаси, дард давосини амалга оширишни орзу қилади, бунинг учун у сариқ рангли қабо кийиб висолга ҳозирланган маҳбубасининг ташрифини умид этади ва бу ташриф чоғидаги дийдор туфайли соғайишни мақсад қилиб қўяди.

Шоир бу ғазалда ўз “Мен”ининг туйғулари камёб эканлигини муҳаббат дардига бу қадар қаттиқ гирифтор бўлганларнинг якка – ёлғиз эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ёлғизлик ошиқнинг уқубатини кучайтиради. Шу ўринда “табиб табиб эмас, дард чеккан табиб” эканлигини ўйласак, лирик қаҳрамонимизнинг нима учун ўз дардига ўзи малҳам излаётганлиги аён бўлади қўяди.

*Сорғориб қолдим ҳаводис кожиға ҳижрон куни,
Бир сориғ қушдекки қундуз қолғай ул қушлар аро.*

Биз фойдаланган манбада “ул қушлар аро” битилган эҳтимол бу ифода асл манбада “ол қушлар”, яъни қизил қушлар орасида, деб берилган бўлса ажаб эмас.

“Ҳаводис” — ҳодисалар, кечинмалар.

“Кож” — шапалоқ.

Бу байт ҳақидаги юқоридаги мулоҳазаларимизга қўшимча қилиб яна шуни айтишимиз мумкинки, “кундуз қолгай ул қушлар аро” нфодаси одамни бир мунча ўйлантириб қўйиши мумкин. Ортиқча тараддудни бартараф учун қизил қушлардан сариқ қушларни кечаси фарқ қилиб бўлмаслигини эслатиб ўтсак кифоя.

Шундан кейинги байтда шоир ўзининг севимли услубини қўллайди. Яъни лирик қаҳрамон фожеасининг шунчаки бир тасодиф эмаслигини, бу фожеа фалакдаги сайёраларнинг ҳаракати билан боғлиқ эканлигини, Оллоҳнинг иродаси туфайли содир бўлаётганлигини тонг ва шомнинг зоҳирий хусусиятларидан ғазалнинг руҳига ажойиб бир ҳамоҳанглик кашф қилган ҳолда баён этади.

*Шом ила субҳ гар сориғ оғриқ эмаслар, бас недур,
Тун сочни ёйиб, қуёш йиртиб юзни, тутмоқ азе.*

Шоир тонготар ва кунботар пайтларини сариқ касаллигига ўхшатади. Бу байтда бир ҳақиқат яққол кўринади. Ҳазрат Навоий яшаган даврларда сариқ касаллигига ҳеч қандай даво топилмаган. Бу касаллик билан оғриганлар ўлимга маҳкум саналган кўринади. Қунки Тун ва Тонгнинг аза тутилганда сочни ёйиб, юзни йиртиб кўз ёшлар ўрнига юлдузлар билан йиғлаши тимсол қилиб келтириლაётир ва бу мотамга Шом ва Субҳнинг сариқ дардига чалинганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Дардда ҳам дард бор, ўлимда ҳам ўлим бор.

Виз ишқ дардининг поклантирувчи кучи ҳақидаги Алишер Навоийнинг беназир каломларини таъкидлашдан олдин бир воқеани айтиб ўтишни уринли деб ҳисоблаймиз. Навоий бобомиз “Насойим ул –муҳаббат” асарларида ҳикоя қилишларича Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари илм талаб қилиб, кўпгина ғашликларни бошдан кечиргач, Шайх Аммор Ёсир ҳузурига борадилар ва ҳали жуда навқирон бўлган Нажмиддинга маълум синовлардан кейин Пийри бир шапалоқ, яъни кож уради, “Сени менинг ҳузуримга юборган устозингга бориб айт, бошқа мислари бўлса, яна жўнатаверсин ҳаммасини олтин қилиб қайтараман” дейди. Шундан кўринадик, “Кож”, одамга қусурлари учун бериладиган хайрли жазо бўлиб, бу жазо инсонни мукаммаллаштирадиган хусусиятга эга. Юқоридаги байтлардан бирида шоир “Сорғориб колдим ҳаводис кожига” деб эди. Демак ҳаётда бошимиздан ўтган ҳар бир кечинма яъни ҳодисаларнинг ҳар биттаси бизни олтинга айлантирадиган ўзига хос Пийрдир.

Эй ишқ, ғариб кимиёсен, деб хитоб этган эди Навоий ҳазратлари. Кимё—тупроқни олтинга айлантирадиган фан.

Одам бўлса, маълумки, тупроқдан яратилган. Мана шу мулоҳазалардан ксйин шоирнинг ғазал ниҳоясидаги фикри бир мунча ойдинлашса ажаб эмас.

*Дард туфроққа ниҳон қилди Навоий жнсмани,
Топибон бир шиша олтун, дафн қилгандек гадо,*

Ишқ дарди вужуди тупроқда бўлган ошиқ танасини худди гадо сингари яна тупроққа яширди. Бироқ бу икки тупроқнинг орасида муҳим тафовут бор. Биринчиси оддий тупроқ, ошиқнинг “туфроқ” танаси бўлса ишқ туфайли тупроқда бунёд бўлган “олтун”.

Шоир асарларидан аёнки, ранглар ранглар эмас, балки буюк бир инсоний камолот учун яратилган мўъжизалардир. Шоир нжодида бирон –бир товуш ҳам улкан маъно билдирмай турмагани каби рангларнинг ҳам вазифаси бағоят улкан. Бунини ҳис қилиш учун эса шоир асарларини мутолаа қилинаётганда ранглар жилосига алоҳида қўнт қилишнинг ўзи кифоя.

ҲАЙРАТ МЕЗОНИ

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадир,
Не ажаб, чун, сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир.*

Ҳазрат Навоийнинг бу машҳур ғазали ҳақида суҳбатлашишдан аввал ота-боболаримиз коинотни ўн саккиз минг оламдан иборат, деб англаганликларини эслаб ўтиш жоиз. “Ошуб” - ғавғо, тўполон дегани. Хўш, нима учун шоир “Ўн саккиз минг олам ошуби”, дейди? Маълумки, бизга ана шу “Ўн саккиз минг олам”дан кичик бир қисм – ер юзининг ўзимиз яшайдиган бўлагидаги ғам ташвишу, ғалаёнлар, жунбушларгина аёндир.

Чексизликдаги жамики “ошублар”нинг ҳайбатини бизлар ҳатто тасаввур қилишга ҳам баъзан ожизлик қилиб қоламиз. Бироқ Алишер Навоий идеалидаги инсоннинг, мумтоз маҳбубанинг етуклиги шу даражадаки, унинг бошида нафақат мазкур “Ўн саккиз минг олам ошуби” ҳақида тасаввур, балки ана шу ошубнинг, ана шу ғалаённинг ўзи бордир. Шу ўринда Алишер Навоийнинг ҳар бир инсон шахсига нақадар буюк аҳамият берганлигини, қанчалик залворли юк юклаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Инсоннинг, ҳар бир шахснинг ўзи алоҳида бир оламгина бўлиб қолмасдан, балки “Ўн саккиз минг олам ошуби” нинг соҳиби эканлиги буюк шоиримизнинг бу борадаги ўзига хос мезонидир.

Биз ҳар лаҳзада ер юзига неча минглаб одамлар келишини ва ҳар лаҳзада қанчадан-қанча гўзаллар ҳар куни ўн саккиз ёшга кириб туришларини бир ўйласак ва уларнинг ҳар бит-тасининг бошида ўн саккиз минг оламда содир бўлаётган ғалаёнлар мавжудлигини тафаккур қилсак, буларнинг барчаси ва булардан ташқари Навоий лирик қаҳрамони томонидан васф этилаётган ўн саккиз минг олам муаммоларини ўз бошига жам қилган маҳбубанинг зоҳирий ва ботиний кўрки нақадар сарҳадсизлиги аён бўлади.

Ҳазалдан аёнки, ҳар бир кун шунчаки кун эмас, ҳар бир лаҳза шунчаки лаҳза эмас, балки қанчалаб мумтоз гўзалларнинг ва уларнинг ичида битта энг етук соҳибжамолнинг ўн саккиз ёшга тўлиб турадиган бир мўъжизасининг ўлчамидир. Бир лаҳзадаки шунчалик мўъжизалар қудрати мавжуд экан, ўн саккиз йил қанчалик ҳусндан иборат эканлигини кўз олдингизга келтираверинг. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ушбу маҳбубанинг илк байтдаги таърифи билан кифояланиб қолмасдан, соҳибжамолида ҳар бир лаҳзаси ана шундай баркамол кўрклардан иборат бўлган яна тағин ўн саккиз йилнинг ҳусни борлигидан хабар бераётир ва мазкур ҳусннинг чексизлигига чексизлик қўшаётир.

*Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда бунча фитнаким бошиндадир.*

Юқоридаги байтда “фитна” сўзига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Маълумки, оламдаги барча ғалаёнлар диалектик қарама-қаршиликларнинг содир бўлишларидан, яъни “фитна”лардан ташкил топади ва шунинг туфайли мулки борлиқ ҳаракатга келиб туради. Демак, Алишер Навоий тавсифидаги гўзал фақатгина чексиз ҳусн соҳибаси бўлиб қолмасдан, борлиқни ҳаракатга келтириб тургувчи қудратга ҳам эга бўлган бир мўъжизадир.

Алишер Навоий ғазалда ўз лирик қаҳрамонига маҳбубасининг тимсолидаги инсоний гўзаллик ва унинг яратувчиси қудрати ҳақидаги тафаккур изланишини аёвсиз бир шиддат билан давом қилгизади. Шоирга бу тенгсиз соҳибжамолнинг ўн саккиз йил ҳусни соҳибаси

эканлиги ҳам камдек кўринади. Ҳар лаҳзаси тенгсиз ва чексиз гўзалликларни ўз ичига қамраб олган юз саксон йил қадар баҳайбатланади энди бу мезон.

*Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса улдурур
Хусн шоҳи ул балоларким кўзу қошиндадир.*

Кўзу қоши қанчалаб “ўн саккиз минг оламлар” балоларини ўзида жамлаган бу баркамоллик эгасининг соҳиб мўъжизалик даражасига ҳайрон қолишга инсоннинг ақли ожизлик қилади. Шу сабабдан бўлса керак, шоир “ҳайрат этмон усни нақшидаки”, деб хитоб қилади. Ва Аллоҳнинг ўзи яратган мўжизаларига Аллоҳнинг ўзининггина ҳайрат қудрати етиши муқаррарлигини шоир қуйидагича баён этади: “Ҳар ҳайратки бор, Барчаси эзид таоло сунъи нақшиндадир”. Бу мисрадан шуниси яна ҳам ойдинлашадики, чексиз бу мўъжизага ҳайрат ана шу мўъжизанинг ўзидан иборатдир. Яъни ҳайрат “Сунъи нақшинда”, демак яратувчининг ўзида, яна ҳам аниқроғи “нақш”нинг, яъни парвардигори оламнинг яратгувчилик қудратидадир. Шоир таърифича, бундай илоҳий қудрат туфайли юз берган мўъжизага ҳайратланиш учун ҳам ҳамма-ҳамманинг қурби етавермайди.

Маълумки, оламнинг ишлари сиртдан қараганда ялтироқ, унинг замирига нигоҳ ташласак, шоир илк байтда таъкидлаганидек, “ошуб”ларга тўла. Шунинг учун ҳам бу дунёни, аксар, “ёлғончи дунё” деб айтадилар. Алишер Навоий ўзи таърифлаётган гўзалнинг ҳусни нақадар чексиз деб таъкид қилмасин, барибир у ҳам муайян маънода ўзи мансуб бўлган оламнинг тимсолидир. Яъниким,

*Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадир.*

Яъни, унинг бадани кумушдан; ақли юз ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, мана шу кумуш баданнинг ичида тош юрак пинҳон қилингандир ва у кўриниб туради.

Шундан кейин Алишер Навоий ўзи иншо этган бу мураккаб ҳусн салтанатининг таърифини тўхтатиб, анъанавий лирик чекинишга ўтади. Бироқ бу лирик чекиниш ҳам зимдан асосий мавзу билан боғлиқ, яъни чексиз олам ва унда ҳаёт кечираётган баркамоллиги чексиз одам мавжуд бўлган борлиқнинг ҳайратланарли эканлигини тараннум қилишда давом этишдан иборатдир.

*Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булъ ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадир.*

“Май” - эътиқодга қаттиқ берилишнинг тимсоли.

“Муғ” - майфуруш, инсоннинг ўз эътиқодига қаттиқ берилишида воситачи шахс.

“Масиҳ”-Исо пайғамбарнинг лақаби, Исо пайғамбарнинг муҳим фазилати шундан иборат бўлган-ки, у гапириб ўликларга жон кирита олган.

“Булъ ажаб” - ғалати, ҳайратланарли дегани.

“Хуффош” бу – кўршапалак.

Маълумки, кўршапалаклар гумбазларнинг ичини ўзларига уя қилиб оладилар. Дунё ҳам, олам ҳам ўзига хос гумбаздир. Бироқ бу гумбазнинг кўршапалаклари шу қадар мўъжиза-

кор, ҳайратланарлики, бундай ҳайратланарли кўршапалаклар яратган мўъжизаларга ҳатто Исо Масиҳнинг ўзи ҳам ҳайрон қолади.

Хуффош, яъни кўршапалак, кўзлари кўрмаса ҳам, сезгирлигига таяниб қоронғуда бема-лол учиб юрадиган мавжудот. Сезгирлик, мажозан, уннг кўнгил кўзидир.

Маълумки, мутафаккирлар ҳақиқий муҳаббатда ҳам, мажозий муҳаббатда ҳам сувратни-гина кҳра оладиган зоҳирий кўзни эмас, балки сийратни идрок эта оладиган “кўнгил кўзи”-ни афзал билганлар. Демак, Алишер Навоий таърифлаётган олий жамолни илғамоқ учун ҳар бир инсоннинг кўнгил кўзи чарақлаб туриши керак. Бошқалар учун қоронғу бўлиб ту-юлган ерларда ҳам ўзига ёруғ йўл топа билмоғи лозим. Бундай оламда одамнинг нақадар буюк мўъжизалар содир эта олишига таажжубланмаса ҳам бўлади, демакчи бўлади шоир. Мақтаъ, яъни ғазалнинг охирги байти қуйидагичадир:

*То Навоий тўкти ул ой фурқатидин бағри ашк,
Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадир.*

Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони ўзи таърифлаган ойдан айрилиб, шундай кўзёшлар тўкадики, мўъжизакорликда унинг ҳар қатра кўзёши ана шу ойга тенглашади. Нега биз шундай демоқдамиз? Эътибор қилинг - Қуёш нури ҳамиша ойда акс этади. Шоир бўлса “Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадир” демоқда. Ҳар қатрасида бир қуёш акс этган бу “кўз ёш денгизи”, яъни буюк қайғу шунчаки қайғу бўлиб қолмасдан, балки бор-лиқни ўзида акс эттирадиган кўзгу ҳамдир.

Шоирнинг бу охирги байтидан шундай хулоса келиб чиқадики, маъшуқа нақадар бир-камол бўлмасин, ошиқ ўзи чеккан дардлари туфайли, камолот даражасида унга баравар-лашади. Муҳаббатнинг қудрати ҳам шунда, яъни нуқсонли севгувчини мумтоз севилгувчи даражасига етказишидадир.

Биз ушбу ғазални мутолаа қилаётиб, баҳоли қудрат бунёд бўлган фикрларимизни сиз-лар билан баҳам кўрдик. Эски битикларда ёзилганидек, ҳамма нарсани билгувчи фақат Ху-додир.

ЛАҲЗАДАГИ МАНГУЛИК

Кечмиш мингйилликнинг улуғ сиймоларидан ҳазрат Навоийнинг вақт ҳақидаги поэтик мулоҳазалари билан ошно бўлмоқнинг, назаримда, ҳозир айна мавридидир. Шоир ёзган эдики:

*Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга фано бақо бўлибдур.*

Ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам ҳар биримиз билан бирга дунёдан ўтиб боради ва айна вақт-да халқимиз билан, ватанимиз билан мангулашаваради.

Улуғ шоир бизни ўтаётган вақтнинг кўп сир асрорларидан огоҳ этади. Шулардан энг муҳими, вақтнинг тадрижий ўзгаришда бўлиши ва бу ўзгаришнинг қай йўсинда кечиши. Шоир қарашича, одамлар оламнинг чарх ураётганлигига монанд саргашта бўлибгина қолмасдан, огоҳлик билан ана шу туғёнларни интизомга келтириб турувчи салоҳият эгалари ҳамдирлар:

*Олам аҳлига не тонг саргашталик, невчунки бор
Чарх паргорида давру, давр паргорида печ.*

Алишер Навоий инсон умрининг ўткинчи эканлигини таъкидлар экан, шеърхонни елиб бораётган вақтни эъзозлашга даъват этади. “Хамса”да шундай байтлар бор:

*Соқол оқи ўлумга пеширавдур,
Йигитлик майсаси узра қиравдур.
Ани узмоқ йигит бўлмоқ ғамида
Соқол юлмок эрур ўз мотамида.
Ики учни юлуб юз айлаган реш
Топар беш олти кундин сўнг ўн –ўн беш.*

Шоир рақамлар тадрижи билан таъкидлаётган маъно ўтаётган вақтга бизнинг боғлиқлигимиз, бизни яна ҳам фаолроқ бўлишга, фанога эришмакка, яъни умрнинг ўткинчилигини англаб, боқий қоладиган ишларни амалга оширмаққа даъват. Бу ҳақда у гапирибгина қолмасдан, бетимсол бир ибрат намуналарини қам кўрсатиб кетган.

Ҳазрат Навоийда ўтаётган вақтнинг ҳайратланарли бир аниқлик билан чизилган суврати бор:

*Чун кулар ёни сўкилган жисми зоримни кўруб,
Йиғлагайму ёни емрулган мазоримни кўруб.*

Ўзига фанони, маъшуқасига бақони раво кўриб ёзилган бу шеърнинг ҳаммамиз учун муштарак жиҳати шундаки, биз бугун буюк шоиримизнинг беназир ижодиётидан мангулик қадар қадрли жавоҳирлар тўкилаётганини кўриб билиб, баҳраманд бўлиб турибмиз.

Оламнинг фарзанди бўлмиш ҳар бир одам ихтиёрсиз равишда ўз улуғ волидасига тақлид қилиб яшайди. Шунинг учун ҳам унинг умри ғалаёнлар билан тўлиб тошгандир. Оламга тақлидан яшаётган ҳар бир одамдан вақт деб аталган ўқ ўтиб туради. Бу вақт эса, ўз навба-тида, ҳам суқун, ҳам суръатдадир.

*Дард сипеҳри таним, тўзгану ўтган ўқинг,
Ламъаи пайкон ила собиту сайёрадур.*

Шунинг учун ҳам, гарчи:

*Кўк тегирмон тоши айлантирмак истар бошима,
Доим ой -у кун бошим узра буқим сайёрадур*

— бизнинг сабримиз чексиз ва бундай туғёнли мўъжизаларнинг иштирокчиси бўлаёт-ганлигимиздан шукримиз кўпдир. Шунинг учун ҳам:

*Давр жоми бирла таскин топмас эрмиш, соқие,
Кимники саргашта қилган бу тўқуз паргор эрур.*

Бошимиз устида саккизта сайёра давра ясаб чарх уради. Бизнинг шукримиз шунинг учун ҳам чексиз ва сабримиз чўнгдирки, тўққизинчи планета бу — бизнинг ҳар биримиздир.

Нафас олмай турсангиз, лаҳзанинг нақадар узунлигини биласиз. Навоий лирик қаҳрамо-ни учун эса бир лаҳза севмай яшаш, тўғрироғи, нафас олмай туриш билан баробар. Шунинг учун ҳам у барча эзгуликларнинг тажассуми бўлмиш Қуёш ҳажрида бир дамлик хаёлини етти денгиз сиёҳдон бўлиб, бу сиёҳларни етти қат осмон варағига сарф қилиб ёзишга ар-зийдиган ҳасрат, деб билади.

*Етти чарх авроғи тўлғай, етти баҳр ўлса мидод,
Ул қуёш ҳажрида бир дамлик хаёлимни десам.*

Навоийнинг назарида лаҳзада мангуликдаги салмоқ, мангуликда эса лаҳзанинг йилди-римлиги мавжуд.

Одам боласи Вақтнинг, абадият аталмиш чек билмас аёвсизлик қўлида гаровдамиз. Бун-дан бизни фаол ҳаётимизгина халос этажак. Биз Вақтнинг қадрини қай даражада билсак ва бу билимимиздан қанчалик амалий хулосалар чиқара олсак, шу даражада одамлармиз. Одамзоддан бошқа ҳеч қайси бир мавжудотга вақтни ҳис қилиш, уни қадрлаш ёки қадрла-маслик эркинлиги берилмагандир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу эркинлик мут-лақо нисбийдир ва биз вақт оқимиға қарши қулоқ отаётган сузгувчилармиз.

Вақтнинг қадрига етиб, ундан ақл бовар қилмас даражада унумли фойдаланган, Оллоқ берган бебаҳо неъмат — Вақтнинг нақадар беҳудуд мўъжиза эканлигини ўз умри билан исбот этган одамларнинг бу ҳақдаги фикрлари, шаксиз, беқиёс нуфузга эгадир. Файласуф-лар айтганидек, ўзи мақтовга муносиб одамнинг мақтовидагина субут бўлади.

Алишер Навоий ана шундай сиймолардандир.

Ноннинг ушоғи ҳам нон, деганларидек, ҳар бир дақиқанинг ўзи кичик бир мангуликдир. Шунинг учун ҳам асрларнинг –да, минг йилликларнинг –да қадр –қиммати уларни ташкил

этган лаҳзаларга ҳар бир одамнинг муносабатидан шаклланади.

*Қилди ишқимни шафақгул ҳажр бепоён тун,
Хулласин чек тонгинг, эй гардун, ки, қон бўлғусидир.*

Бу ҳам шоирнинг ўтаётган вақт ҳақидаги ҳасратидир. Ҳажр бепоён тунининг бепоёнлиги ва имиллаб ўтиши шоирни қаттиқ оғринтираётгани бу мисралардан ёрқин аён бўлиб турибди. Хуллас, буюк шоиримизнинг ижодида акс этган абадиятнинг сувратини баҳоли қудрат илғаб олишга саъй кўргузишнинг ушбу муборак кунлар айна мавриди ва биз бунга имкон қадар ҳаракат қилиб кўрамиз.

Алишер Навоий ижодида вақт мавзуи салмоқли ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ меросдаги Вақт мавзуини муфассал таҳлил этишга биз ҳозир журъат қилолмаймиз. Ниятимиз ана шу ҳақдаги айрим мисралар ҳақида мухтасар суҳбатлашмоқдир.

*Кечди умрим нақди ғафлат бирла нодонлиғда хайф,
Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда, хайф.*

Маълумки, инсоният тарихида Навоий каби маҳсулдор меҳнат қилган аллома ниҳоятда кам. “Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушмаъно булбули йўқ эрканини шоҳи суҳандонимға айт”, “Навоӣ қаламнинг жавфи баҳр йўлимудир. Ҳеч тинмайин андин дурри шоҳвор келур” каби мисралар буюк шоир ўз ижоди аҳамиятини, ўз маҳсулдорлигининг нақадар ноёблигини чуқур ҳис қилганлигини кўрсатади. Шунга қарамай, шоир “пичоқни ўзига уриб” фикрлайди. Вақтни бани Одам томонидан қадрланмаслик иллатларини ўз менига жамлайди.

Шоир навбатдаги байтида умрни сермазмун қилиш учун риёзат чекиш муҳимлиги ҳақида ёзади. “Авқот”, яъни вақтларини — бебаҳо нақдини, бойлигини “таносонлиқ”қа, яъни жонининг роҳатига исроф қилганлигини “жонга бир душворлиқ қўймаганини” — ҳамиша қийинчиликлардан қочганини изҳор этади.

*Жонга бир душворлиқ қўймай риёзат ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим таносонлиғда, хайф.*

Вақт, Навоий талқинича, эътиқодни мустаҳкамлаш учун инсонга илоҳ томонидан берилган имкон ҳамдир. Бундан келиб чиқадики, эътиқод, агар у тўғри парвариш қилинса, вақт ўтгани сайин мустаҳкамлана боради. Ҳадиси шарифларда зикр қилинишича, одамнинг энг яхшиси энг узоқ яшаган ва солиҳ амалларини кўп бажарган инсондир. Бинобарин, Вақт инсонга ўз салоҳиятини тараққий топтириш учун абадият томонидан қилинган тухфадирки, бу шоирнинг қуйидаги байтидан аён бўлади.

*Боғладим паймонадин паймон, фиғонким, ақлу дин,
Бўлди бу паймонаву ул сустпаймонлиғда хайф.*

Шоирнинг навбатдаги байти юқоридаги байтга маълум маънода иллюстрация вазифасини ўтайди.

*Эй мусулмонлар, билингким, бўлди умрим ҳосили
Нафси кофир фитнасининг номусулмонлиғда ҳайф.*

Демак, чинакам куфр бу — инсонлар ўртасига фитна солиш, улар орасига адоват уруғини сепишдир. Бу фикрни яна ҳам ривожлантирадиган бўлсак, одамлар ўртасига фитна солишгина эмас, балки шу фитнага учиб ҳам кофирликдир. Шу ўринда Навоий нафси кофир фитнасини учганларга озгина имкон қолдиради, яъни уларни, шу жумладан, ўзини ҳам энди кофир деб эмас, балки номусулмон деб атайди. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, биз ўтаётган вақтдан юмушларни бажариш учунгина эмас, балки кофирни мусулмон қилиш учун фойдаланмоғимиз керак. Мусулмон қилишимиз керак бўлган энг биринчи кофир эса нафсимиздир.

Алишер Навоий фикрича, ҳақиқат ҳам ўтаётган вақт каби муқаррардир. Чин сўзни комил инсонгина гапира олиши мумкин. Камолотнинг эса чеки йўқ. Бинобарин, ҳақ сўз ҳам худди уфқдек бизга шундоққина кўриниб туради, интиганимиз сари у биздан қочади. Бу, бир қарашда, эришдек туюлиши мумкин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, ўз ҳаётимизда ҳам шундай синоатга дуч келиш мумкин: кечаги ҳамма қаттиқ ишонган ҳақиқатлар бугун чиппака чиқмоқда. Ғоялар эскирмоқда, эътиқодлар таназзулга юз тутмоқда. Шундан кўринадики, шоир даврида ҳам айнан шундай ҳолатлар юз бериб турган, ҳақиқатнинг бундай омонатлигини Навоий бобомиз ҳам ўз бошларидан кечирган. Шунинг учун ҳам ул зот ҳақиқатни фақат ОЛЛОҲ деб билган.

*Ҳар не ўткан сўзларим чиндир десам ёлғон эрур,
Чин будирким, дегамен умр ўтди ёлғонлиғда ҳайф.*

Демак, зоҳирий дабдабалар, маҳобатлар, молу дунё, мансабу маснадлар, тахту тожлар кеча рост бўлса, бугун ёлғондир, деб изоҳлайди шоиримиз. У ўз фикрини давом эттириб, аксинча, биру борнинг ҳузурида бу дунёнинг хою ҳавасларига берилиб керилганларнинг гуноҳи камтарларникидан оғир бўлади. Худонинг олдида ҳамма гадодир. Шу жумладан, султонлар ҳам.

Шуни англамай тахту тожга сарфланган гадонинг вақтига ҳайф.

Кўринадики, “Чин будирким, дегамен умр ўтди ёлғонлиғда ҳайф”, деб шоир камтарлик қилган. Чунки шоҳларга уларнинг гадолигини уқтиришдек қалтис бир ростгўйлик йўқ. Маълумки, Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқарога бир умр содиқ дўст бўлиб яшади. Навоий ўз дўстини “Фақирларнинг султони, султонларнинг фақири” деб алқаган эди. Бу Навоийнинг орзуси, бу Навоийнинг даъвати ҳам эдики, энди бу фикрни шоир огоҳлантириш йўсинида такрорлайди.

*Чун енгилракдир ҳисоб ўлғонда султондин гадо,
Ҳайфким, бўлғай гадо авқоти султонлиғда ҳайф.*

Мақтаъ тазаррудан иборат:

*Эй Навоий, воқиф эрман халқдин бори менинг
Кечти умрим нақди ғафлат бирла нодонлиғда, ҳайф.*

Бу ихтилофлардан бир –бирини инкор қилмайдиган, аксинча, тўлдирадиган, тақозо қиладиган хулосалар келиб чиқади. Шоир ўзининг ғазалларидан бирида ёзади:

*Манга вафо қилур эрсанг, шитоб қил, эй умр,
Нединки, умр деган бевафо шитобдадир.*

Бу мисраларда парадокс бордек. Бироқ бу парадокснинг замирида метин мантиқ пинҳондир. Биринчи мисрада умр вафо қилиши учун шитоб қилиши керак, иккинчи мисрада эса шитоб қилганлиги учун у бевафо. Аён бўладики, биринчи мисрадаги ўз шитоби билан вафо қилиши керак бўлган умр — бу меҳнатга тўла, асл маъноли инсоний ҳаётдир. Шунинг учун ҳам у нақадар суръатли кечса, яъни инсон умри шиддатли меҳнатларнинг тезкор самаралари билан тўлиқ бўлса, инсонга вафо қилади. Шунчаки умр, яъни мазмунсиз кечадиган вақт бесамардир. Шуниси билан ҳам у бевафо. Бу фикрни шоир навбатдаги байтларидан бирида шундай тасдиқлайди.

*Ҳисоб айлама умрингниким, неча ўтмуш,
Ки умр ғафлат ила ўтса, не ҳисобдадур.*

Алишер Навоий беғафлат умрни севиб яшади. Сиз шоирнинг “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз” рубойисини, албатта, яхши эслайсиз. Бу шунчаки бир хитоб эмас, балки ҳар бир товуши минг ҳикмат билан тўлган, энг муҳими, Навоий бобомизнинг ҳаёти билан исботланган муборак бир иқрорномадир. Шоир ҳатто Оллоҳдан Вақтни ўтказмай туришини илтижо қилади. Ўз ғазалларидан бирида Навоий сайёралар айланиши сабаб ўтадиган вақтни хумдан олиниб қадахларга қуюлаётган шаробнинг даврада айланиши туфайли охир оқибатда кайфу сафонинг тугаб қолишига ўхшатади. Шу боисдан ҳам у соқийдан хумни ҳам, қадахни ҳам, ерни ҳам, юлдузларни ҳам ҳаракатлантирмай туришини ўтинади.

Бу асрлар, бу минг йилликлар қанчалаб узоқ давом этмасин, барибир, ўтди. Бироқ, шунчаки ўтмади. Бунёдкорлик ишлари мазкур бунёдкорликларни амалга ошириш учун сарфланган вақтдан улкандир. Дейлик, Навоий ҳазратлари:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир –бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш*

– деб хитоб этар экан, бу мисраларни битиш учун бир нечагина дақиқалар, кифоя қилгандир. Бироқ, бу мисралар неча асрлардан бери янграб келаётир ва неча асрлар мобайнида жаранглаб туражак. Шунга кўра, ажаб эмаски, ушбу минг йиллигимиз ўзининг кўплаб фазилатлари билан бир қаторда Алишер Навоий ижодиётини яна ҳам теранроқ англаш ҳамда унинг орзу –умидларин амалга ошириш минг йиллиги бўлса. Шоир азал ва абадга

махлиё бўлиб, кечаётган дамни қадрламаслик ақлдан бўлмаслигини, вақт олдимиздан оқаётган дарё ва уни ардоқлаш ҳар бир инсонни қутлуғ бурчи эканлигини шундай уқтиради:

*Шу дамни тут ғаниматким, келар дамдан асар йўқ
Не дамким, ўтти, худ, андин топмас нишон ҳаргиз*

Мозий ва истиқболга муносиб бўлиш учун, келинг, биз ҳам мана шу табаррук айёмларнинг тотини теран ҳис қилиб, шукроналик билан ҳаёт кечирайлик.

КОМИЛЖОН РАҲИМОВ

**ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР ҲАЁТИ
ВА ИЖОДИ ҲАМДА УНИНГ
«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИ
ҲАҚИДА**

ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАМДА УНИНГ «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши улуғ аждодларимиз қолдирган бой тарихий-маданий меросни кенг ўрганиш ва тарғиб этиш, жумладан, собиқ шўролар замонида ўрганилиши тақиқланган ёки чекланган шахслар – давлат, илм-фан ва маданият арбоблари ҳаёти, фаолияти ва ижодини кенг ва холисона ёритиш имкониятини берди. Мустабид тузум даврида ҳаёти ва фаолияти, бадиий ва илмий ижодининг кўпгина қирралари ёритилмасдан қолган улуғ аждодларимиздан бири буюк шоир ва олим, йирик давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийдир. Мустақиллик шарофати билан ушбу буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодининг барча жиҳатлари билан кенг танишиш имконияти туғилди.

Дарҳақиқат, ўзининг серқирра ижоди ҳамда улкан адабий ва илмий мероси билан ўзбек халқи илм-фани, маданияти ва адабиёти тараққиётида катта ўрин тутган, она тилимиз ўзбек тилини нафақат ўз даврининг йирик бадиий ижод тилларидан бирига, балки кўплаб юртлар ва ҳудудларни ўзида бирлаштирган темурийлар давлатининг расмий тилига ҳам айланишига катта ҳисса қўшган Алишер Навоий нафақат кўплаб шеърӣй ва насрий асарлар яратган шоир ва ёзувчи, адабиётшунослик, тилшунослик, тарих ва тасаввуфга оид қимматли китоблар ёзган олим, балки темурийлар давлати сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнаган йирик давлат ва жамоат арбоби ҳамда илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳомийси сифатида ҳам машҳурдир.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти тўғрисида турли манбаларда кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн»¹, Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»², улуғ шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий кўплаб асарлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро»³, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Маҳмуд Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»⁴, Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор»⁵, «Ҳабиб ус-сияр»⁶ ва «Макорим ул-ахлоқ»⁷,

¹ Қаранг: Самарқандий, Абдураззоқ. *Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн*. – Тошкент: 1969.

² Қаранг: Ҳусайн Бойқаро. *Рисола*. – Тошкент: 1991.

³ Қаранг: Самарқандий, Давлатшоҳ. *Тазкират уш-шуаро*. (Муҳаммад Рамазоний томонидан нашрга тайёрланган). – Техрон: Падида, иккинчи нашр, 1987.

⁴ Қаранг: 1373 // Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд. *Равзат ус-сафо*. (Зарёб Хуӣй томонидан нашрга тайёрланган). Етти жилдлик. – Техрон: Илмӣй, 1373/1994.

⁵ Қаранг: 1345 // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-аҳёр* («Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар»). (Гўё Эътимодӣй нашрга тайёрлаган). – Кобул: 1966.

⁶ Қаранг: 1333 // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ал-башар* («Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимайи ҳоллар»). (Устод Жалолиддин Ҳумоӣй нашрга тайёрлаган). 4 жилд. – Техрон: 1954.

⁷ Қаранг: 1360 // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Макорим ул-ахлоқ* (Мир Алишер Навоӣйнинг ҳаёти, асарлари ва қурилиш-ободончилик ишлари тўғрисида). (Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва шарҳлар муаллифи Абдулғаффор Баёний). – Кобул: Кобул давлат матбааси, 1981; 1378 // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Макорим ул-ахлоқ*. (Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида). – Техрон: Нашри мероси мактуб, 1999.

Сом Мирзо Сафавийнинг «Тухфайи Сомий»¹, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадойиъ ул-вақойиъ»², Абдулвосиъ Низомий Бохарзийнинг «Мақомоти Жомий»³, Мирзо Абдуллоҳ Афанди Исфаҳонийнинг «Риёз ул-уламо ва ҳиёз ул-фузало»⁴, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»⁵ асарлари ва шу каби бошқа кўпгина манбаларда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида турли даражадаги маълумотлар келтирилган.

Бироқ булар орасида Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳамда адабий, илмий, сиёсий, ижтимоий фаолияти, шунингдек унинг буюк шахсияти, олий инсоний фазилатлари, мамлакат, давлат, халқ, маданият, адабиёт ва илмга қилган улкан ва беқиёс хизматлари тўғрисидаги энг кўп маълумотларни ўз ичига олган китоб бўлиб, Навоий ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Буюк шоир темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукуматининг вазири сифатида ўзининг фаол сиёсий фаолияти билан давлатни марказлаштириш ва сиёсий жиҳатдан мустақкамлаш, ушбу давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, махсус лойиҳалар ва дастурлар амалга ошириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда халқнинг фаровонлик даражасини ошириш ишига катта ҳисса қўшиш баробарида олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, табиблар, ҳунармандлар, меъморлар ва муҳандисларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши билан илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланишида беқиёс ўрин тутди. Алишер Навоийнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг тараққий топиши учун лозим бўлган инфратузилма иншоотлари – йўллар, кўприklar, меҳмонхоналар, ҳовузлар, ҳаммомлар, шифохоналар ҳамда ўша даврнинг олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар қуриш борасида кўрсатган саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг кутубхоналар ҳамда адабий ва илмий тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш, рассомчилик, наққошлик, меъморчилик ва муҳандислик каби муҳим фаолият турлари соҳасида амалга оширган ишлари темурийлар даври маданияти тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилган бўлса, унинг таълим соҳасида амалга оширган тиббиёт ўқув юртлари очиш, кўплаб ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тайинлаш каби муҳим ишлари ўша давр таълим тизими учун катта янгилик бўлган.

Алишер Навоий фаолиятининг айнан ана шу қирралари Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида керакли даражада кенг ёритиб берилганлиги ҳам бу асарнинг навоийшуносликдаги аҳамияти ва қимматини оширади. Қисқача қилиб айтганда, «Макорим ул-ахлоқ» буюк шоир ва олим Навоийнинг йирик давлат ва жамоат арбоби ҳамда илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги шахсиятини бор бўйи билан кўрсатиб берадиган муҳим манбадир. Хондамир ўзининг дебоҳа, муқаддима, ўн мақсад (боб), хотима ҳамда Навоийнинг қандай вафот этганлиги тўғрисидаги бобдан иборат бўлган ушбу асарида асосий диққат-эътиборни унинг донишмандлиги ва юксак заковати, олимлик, шоирлик ва ёзувчилик борасидаги истеъдодлари ҳамда раҳмдиллик, саҳийлик ва хокисорлик каби

¹ Қаранг: Сом Мирзо Сафавий. *Тухфайи Сомий*. (Рукниддин Ҳумоюн Фаррух таҳрири остида). – Техрон: Асотир, биринчи нашр, 1996.

² Қаранг: Зайниддин Маҳмуд Восифий. *Бадойиъ ул-вақойиъ*. (Александр Болдирев таҳрири остида). – Техрон: Эрон маданият жамғармаси, 1971.

³ Қаранг: Абдулвосиъ Низомий Бохарзий. *Мақомоти Жомий*. (Нажиб Мойил Ҳиравий таҳрири остида). – Техрон: Най, биринчи нашр, 1992.

⁴ Қаранг: Мирзо Абдуллоҳ Афанди Исфаҳоний. *Риёз ул-уламо ва ҳиёз ул-фузало*. (Саййидаҳмад Ҳусайний ва Саййидмаҳмуд Маръаший томонидан нашрга тайёрланган). – Қум: Ал-Хайём, 1984.

⁵ Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. *Бобурнома*. (П.Шамсиев, С.Мирзоев, Эйжи Мано (Япония) нашри асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: Шарқ, 2002.

гўзал хулқлари ва олижаноб хислатларига қаратиш билан биргаликда, ушбу буюк шахс ҳаётида унинг болалик чоғларидан тортиб умрининг охиригача бўлган даврда юз берган муҳим воқеаларни ҳам имкони борича қамраб олишга ҳаракат қилган.

I. ХОНДАМИРНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ¹

1. ХОНДАМИРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон мамлакатларида темурий сулолалар ҳукмронлик қилган XV аср охирлари – XVI аср бошларида яшаб ижод қилган, Хондамир таҳаллуси билан танилган Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин ўз даврининг машҳур тарихнавислардан ҳисобланган. Хондамирнинг отаси Хожа Ҳумомиддин ибн Жалолиддин Муҳаммад ибн Хожа Бурҳониддин Шерозий² темурий ҳукмдорлардан бўлган Мирзо Абусаиднинг ўғли Маҳмуд ибн Султон Абусаид (1453 – 1494) саройида вазирлик лавозимида фаолият кўрсатган. Хондамирнинг онаси ўз замонасининг таниқли тарихчиси Мирхонднинг қизи бўлган. Хондамир шу сабабдан ҳам ўзини ушбу тарихчининг ўғли ўрнида, уни эса ўзининг отаси ўрнида биларди. Бу эса баъзиларнинг Хондамирни Мирхонднинг тўғридан-тўғри ўғли, деб хато хулоса чиқаришларига олиб келган. Ваҳоланки унинг ўзи «Ҳабиб ус-сияр»да Мирхонднинг отаси Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳнинг таржимайи ҳолига тўхталиб, ўзининг бу шахсга қандай қариндош эканлигини тушунтиради. Жумладан, у шундай деб ёзади: «Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳдан учта ўғил қолган. Улардан бири «Равзат ус-сафо»нинг муаллифи Амир Хонд Муҳаммад бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи онасининг падари бузруквори бўлади»³.

Хондамир Мирхонднинг таржимайи ҳоли тўғрисида шундай дейди: «Ушбу сўзлар муаллифи ўзини ул ҳазратга нисбатан фарзанддек тутати ва ўзини ул зотнинг шогирдлари жумласидан деб ҳисоблашга журъат этади.

*Заррани Қуёшга тенглаб бўларми?
Гавҳар шодасидан дона тушарми?
Эъзоз топмоқ эрур – орзуйим,
«Унинг шогирдиман», – демоқ, обрўйим.
Шогирдмас, тўғриси, нотавон қулман,
Хирмонидан бошоқ терган мен улман»⁴.*

¹ Хондамирнинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида маълумотлар тайёрлашда бошқа манбалар билан биргаликда «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Кобул нашрига Абдулғаффор Баёний томонидан ёзилган муқаддима, шунингдек, ушбу асарнинг Техрон нашрига Муҳаммад Акбар Ашиқ ёзган муқаддимадан фойдаландик. Қаранг: Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти, асарлари ва қурилиш-ободончилик ишлари тўғрисида). (Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва шарҳлар муаллифи Абдулғаффор Баёний). – Кобул: Кобул давлат матбааси, 1981.; Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. (Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида). – Техрон: 1999.

² Афғонистонлик тадқиқотчи Пуҳонд Ҳабибий ўзининг «Ориёно» журналида чоп этган мақоласида Хондамирнинг отасининг номини «Хожа Ҳумомиддин ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Ҳиравий» кўринишида эслатган. «Ориёно» журнали. 1966 йил 7–8-сон. 351-б.

³ Ҳабиб ус-сияр. 3-жилд. Учинчи қисм. – Техрон: 1954. 239-б.

⁴ Форсадаги асли:

Чи нисбат зарраро бо меҳри анвар,
Намешояд хазф дар иқди гавҳар.
Агар хоҳам, ки бошад обрўям,

Маҳдум отамиз ҳаётларининг охириги даврларида узлат ва ғўшанишинликка майл билдирдилар»¹.

Хондамирнинг ёзишича, Мирхонднинг отаси Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ Мовароуннахрнинг улуғ саййидларидан ҳисобланган Саййид Ажалл Бухорий (1210 – 1279) авлодларидан бўлган. Хондамирнинг она томонидан бўлган аجدодлари бизнинг ватандошларимиз бўлганлиги сабабли, уларнинг шажарасига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Тарихчи Рашидуддиннинг «Жоме ут-таворих» асарида келтирган маълумотларига кўра, Бухоронинг улуғ саййидларидан бўлган Саййид Ажалл Бухорий мўғуллар томонидан босиб олинган Хитой мамлакатини бошқарган ва у ерда Юань сулоласига асос солган Чингизхоннинг набираси, Тулихоннинг тўртинчи ўғли Хубилай хоқон (1210 – 1294) ҳукуматининг (1251 – 1294) Маҳмуд Ялавочдан кейинги буюк вазири ҳамда Қарожонг (Юньнань) вилояти² ҳокими бўлган. Мўғулларнинг Хитойдаги Юань сулоласига йигирма беш йил хизмат қилган Саййид Ажалл оламдан ўтгач, унинг ўғли Носириддин отасининг ўрнига Қарожонг вилояти ҳокими этиб тайинланган. Носириддиннинг ўғли Абу Бакр ҳам ушбу сулола хизматида бўлиб, Зайтун (Цюаньчжоу)³ шаҳри ҳокими бўлган⁴. Шуниям айтиб ўтиш лозимки, Саййид Ажалл Бухорийнинг Юань сулоласи ҳукмдорлари саройидаги буюк вазирлиги шунчалик муҳим ўрин тутганки, Хубилай хоқоннинг набираси Темур хоқон (1265 – 1307) ҳукмронлиги замонида (1295 – 1307) «саййид ажалл» сўзи «буюк вазир» маъносида ишлатила бошлаган⁵. Саййид Ажаллнинг набираларидан яна бири Носириддин Юань сулоласи ҳукмдорларидан яна бири Тўғон Темур ҳукмронлиги даврида (1333 – 1368) давлат девонининг бошлиғи бўлиб, уни ҳам «Саййид Ажалл» деб чақиришган⁶.

Тарихий манбаларда Саййид Ажалл Бухорийнинг тўртинчи бўғин авлоди, яъни эваралари тўғрисида бирор бир маълумот қолмаган. Аммо унинг чевараси Саййид Камолиддин Маҳмуд (ваф. XV аср) аجدодлари ватани бўлмиш Бухорода яшаган ва фарзанди Саййид Бурҳониддин (ваф. 1457 йилдан кейин) ҳали ёш бола бўлган чоғларида оламдан ўтган. Саййид Бурҳониддин отасининг вафотидан сўнг Бухородан Балхга кетиб, у ерда таҳсил олади. Маълум вақтдан сўнг сўфийлик тариқатига кириб, ўзига сўфиёна Ховандшоҳ лақабини олган Саййид Бурҳониддин Шохруҳ Мирзо (1377 – 1447) давлатининг (1405 – 1447) пойтахти Ҳиротга йўл олади ва бу шаҳарда ўша даврнинг машҳур шайхларидан бўлган Шайх Баҳоуддин Умар муридлари қаторидан жой олади⁷.

Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳдан Амир Хонд Муҳаммад, Саййид Низомиддин Султон Аҳмад ва Саййид Неъматуллоҳ деган уч ўғил қолган. Унинг тўнғич фарзанди, кейинчалик

Ҳамеғўям, ки ман шогирди ўям.
На шогирдам, ғуломи камтаринам,
Ба гирди хирмани ў хўшачинам.

¹ Ҳабиб ус-сияр. 1-жилд. – Техрон: 1954. 5–6-б.

² Мўғуллар 1254 йили Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Юньнань вилоятини ишғол этгандан сўнг унга Қарожонг деб ном беришган.

³ Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган Фунцянь вилоятида, денгиз соҳилида жойлашган Цюаньчжоу порт шаҳри бу ерга кўчиб келган мусулмонлар томонидан Зайтун деб ҳам атала бошланган.

⁴ Қаранг: Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний. *Жоме ат-таворих*. (Муҳаммад Равшан ва Мустафо Мусавий томонидан нашрга тайёрланган). Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Техрон: Албурз, 1373/1994. 5, 914, 927 – бетлар.

⁵ Ўша асар, 949–950-б.

⁶ Ўша асар, 907-б.

⁷ Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ал-башар* («Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимайи ҳоллар»). (Устод Жалолиддин Ҳумоий нашрга тайёрлаган). 4 – жилд. – Техрон: 1954. 105-б.

Мирхонд тахаллуси билан донг таратган Амир Хонд Муҳаммад (1433 – 1498) ёшлигидан ўша замонда кенг тарқалган билимларни чуқур эгаллайди.

Айтиб ўтиш лозимки, Мирхонднинг ўз давридаги машхур тарихчилардан бири бўлиб етишишида Ҳусайн Бойқаро ҳукуматининг вазири Алишер Навоийнинг ҳиссаси катта бўлган¹. Чунки илмий ижод билан шуғулланиш учун бирор бир ҳомий тополмаганлиги сабабидан умрининг эллик йилини бирор бир асар ёзмасдан ўтказган Мирхонд илм-фан ва маданият ҳомийси Навоий билан учрашганидан кейингина ўз тарихнавислик фаолиятини бошлаган. Мирхонднинг ўзи келтирган маълумотларга кўра, Навоий унга пайғамбарлар, халифалар ва подшоҳлар тарихи ҳамда буюк кишиларнинг қилган ишлари тўғрисида етти жилддан иборат бир асар ёзишни буюриб, бунинг учун Ихлосия хонақоҳидаги ўз уйи ҳамда ўзининг машхур кутубхонасини унинг ихтиёрига топширган². Шунга кўра, «Равзат ус-сафо фи сияр ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар таржимайи ҳолларининг ям-яшил боғи») асарини ёзишга киришган Мирхонд, ушбу асарнинг олтинчи жилдини ёзиш чоғида касалликка учраб, еттинчи жилдни ёзишга киришмасдан оламдан ўтган. Кейинчалик ушбу асарнинг еттинчи жилди унинг набираси Хондамир томонидан ёзиб тугатилган. Мирхонддан бошқа асар қолмаган бўлса-да, Алишер Навоий унинг шоирлик истеъдодига эга бўлганлиги тўғрисида ҳам сўз юритиб ўтган³.

Мирхонднинг фарзандлари тўғрисида ҳам тарихий манбаларда бирор-бир маълумот учрамайди. Бизга маълум бўлгани шуки, унинг бир қизи бўлиб, уни темурийлар давлатининг амалдорларидан бири Хожа Ҳумомиддин ибн Жалолиддин Муҳаммад ибн Хожа Бурҳониддин Шерозийга турмушга берган. Ана шу оилада Хондамир тахаллуси билан машхур бўлган Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин дунёга келган.

Хондамирнинг туғилган йили тўғрисида турлича маълумотлар учраса-да, кўпчилик тадқиқотчилар унинг тахминан 1475 йили таваллуд топганлиги тўғрисида гапиришади. Хондамирнинг туғилган жойи тўғрисида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Баъзилар унинг она томонидан бобоси Мирхонднинг Ҳиротда яшаганидан келиб чиқиб, унинг Ҳирот шаҳрида туғилганлиги тўғрисида ёзишса, бошқа баъзилар унинг бошқа жойда туғилганлиги тўғрисида далиллар мавжудлигини таъкидлашади. Жумладан, эронлик тадқиқотчи Аббос Жидорий Каримиён «Ҳабиб ус-сияр»да келтирилган маълумотларга⁴ асосланган, яъни Хондамирнинг отаси Ҳумомиддин темурий ҳукмдорлардан бўлган Мирзо Абусаиднинг ўғли Мирзо Султон Маҳмуд ҳукмронлиги даврида унинг вазири бўлганлиги, Мирзо Султон Маҳмуд эса ҳижрий-қамарий 873 (милодий 1468/1469) йилда Ҳиротдан қувилиб, умрининг охиригача (ҳижрий-қамарий 900 (милодий 1494) йилга қадар) Самарқандда яшаганлиги, шунга кўра Хондамирнинг отаси Ҳумомиддин ҳам ушбу даврда – йигирма етти йил давомида Самарқандда истиқомат қилганлигидан келиб чиққан ҳолда, Хондамирнинг Самарқанд шаҳрида туғилганлиги эҳтимоли борлигини таъкидлайди⁵.

Болалигидан она томондан бобоси Мирхонд тарбиясида бўлган Хондамир ўша замонда урф бўлганидек, болалик ва ўсмирлик чоғларини ўз даврида кенг тарқалган билимлар: тафсир, адабиёт, тил ва тарихни ўқиб-ўрганиш билан ўтказди.

¹ Қаранг: Марям Муиззий. *Саййид Ажаллнинг Эрондаги авлодлари*. «Гуманитар фанлар бўйича тадқиқотлар» журнали. – Техрон: 2007 йил, қиш фасли, 52-сон, 279-б.

² Қаранг: Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд. *Равзат ус-сафо*. Зарёб Хуий томонидан нашрга тайёрланган. Етти жилдлик. Биринчи жилд. – Техрон: Илмий, 1373/1994. 2-б.

³ Қаранг: Алишер Навоий, «Мажолис ун-нафоис». Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том, – Тошкент: Фан, 1997. 105-б.

⁴ Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр*. 4 – жилд. – Техрон: Хайём, учинчи нашр, 1983, 97– 98-б.

⁵ Аббос Жидорий Каримиён. *Хондамир*. // «Китоби моҳ» («Ой китоби») журнали. – Техрон: 1389 йил ўрди-беҳишт / 2010 йил май ойи, №144, 76-б.

Хондамир Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройига, жумладан, унинг вазири Амир Алишер Навоийнинг ҳузурига йўл топади ҳамда ушбу илмпарвар вазирнинг ҳомийлиги ва рағбатлантириши билан ўзининг илк асари – «Маосир ул-мулук» («Подшоҳларнинг улуғ ишлари») китобини ёзади. Бу ёш йигитдаги юксак истеъдодни кўрган Алишер Навоий 1499 йили ўша замонда Хуросоннинг энг бой китоб хазиналаридан бўлган ўзининг катта кутубхонасини Хондамирнинг ихтиёрига топширади. Унинг ўзи бошқа бир асари «Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-аҳёр»¹ («Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар») муқаддимасида шундай деб ёзади:

«Ҳаётимнинг тонги бўлган ёшлик давримнинг бошларидан улуғ кишиларнинг ҳаётлари тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаттиқ қизиқиб, эсимни таниган чоғларимдан бошлаб азиз умримни китоблар ўқишга сарфладим ва ҳар доим аждодлар ҳаёт йўллари саҳифаларига ҳамда авлодларнинг улар тўғрисидаги қизиқарли ривоятларига кўз ташлаб келдим.

Олам тўғрисидаги билимлардан хабардор бўлиб, умматларнинг ҳаётлари ва қилган ишлари тўғрисида бир озгина маълумотга эга бўлгач, шунингдек, Ҳазрат Амир Алишернинг адолат ва иноят нурлари ушбу нотаваоннинг юзига тушиб, бу ҳолат кун сайин кучайиб, лаҳза сайин такомиллашгач, ҳижратнинг 904 йилида² донишманд вазир ва фозил садр Низомиддин Алишер ўз китоблари хазинасини менинг ихтиёримга топшириб, мени ушбу нафис кутубхонадан фойдаланиш шарафига муяссар қилдилар. (Ул ҳазрат) ўзларининг кутубхоналарида бўлган тарих ва ривоятларга бағишланган ҳар қандай китобни мендек бир нотаваонга тақдим этиб, мени ушбу асарларни ўқиб-ўрганишга рағбатлантирдилар»³.

Хондамир ўзига берилган бундай катта имкониятдан самарали фойдаланиб, олти ой ичида ўзининг иккинчи асари – «Хулосат ул-ахбор»ни ёзиб тугатади ва ўз ҳомийси Алишер Навоийга тақдим этади.

Хондамир Навоий вафот этган 1501 йилгача унинг хизматида бўлиб, буюк шоир жон бераётган чоғда ҳам унинг ёнида бўлган. У ўша йили ўз хожасининг гўзал хулқлари ва юксак инсоний фазилатлари тўғрисидаги «Макорим ул-ахлоқ» китобини ёзади.

Ушбу санадан сўнг у билан яқин алоқага ва унга нисбатан яхши муносабатда бўлган Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли шаҳзода Бадиуззамон Мирзонинг хизматида кириб, унинг вазири сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Хондамир ушбу шаҳзода умрининг охиригача унинг барча сафарлари ва юришларида ҳамроҳлик қилади. Бадиуззамон Мирзо ҳам ўзининг донишманд вазирига нисбатан катта ҳурмат билан муносабатда бўлар, ҳатто унга ўз сирдоши сифатида муносабатда бўларди. Жумладан, бу шаҳзода ўзининг жанглари, юришлари, баъзида эса мағлубиятлари тўғрисида унга сўзлаб берар, бу борада камдан-кам нарсаларнигина ундан сир тутарди. Бадиуззамон Мирзо энг қийин сиёсий ва дипломатик топшириқларни унга топширарди. У Хондамирга ўзининг энг биринчи дипломатик топшириғини 1504 йилда Муҳаммад Шайбонийхон қўшинлари Хуросон ерларига ҳужум қилган бир пайтда беради⁴.

Бадиуззамон Мирзо шайбонийлар ҳужуми хавф солиб турган бир пайтда отасидан ёрдам сўрайди. Бироқ ўрталарига тушган совуқчилик туфайли отаси унинг бу сўровига

¹ Бундан кейин умумий ўринларда қисқача қилиб «Хулосат ул-ахбор» кўринишида келтирамиз.

² Милодий 1498/99 йилда.

³ Гиёсиддин ибн Ҳумоиддин Хондамир. «Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-аҳёр» («Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар») асарида бир бўлим. (Гўё Ётимодий нашрга тайёрлаган). – Кобул, 1966. 4-б. (Бундан кейин қисқача қилиб қуйидаги шаклда келтирилади: Хулосат ул-ахбор асарида бир бўлим. Кобул. 1966.).

⁴ Ҳабиб ус-сияр. Арбоблар. Сўзбоши. – Техрон: 1954. «вов» ва «зе» саҳифалари.

эътиборсизлик билан қарагач, унинг ўзи Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳужумини олдини олиш чораларини излашга тушади. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳужумига қарши туриш учун Қундуздан ёрдам олиш мақсадида Хондамирни ўз элчиси сифатида элчилик ҳайъати билан биргаликда Қундуз ҳокими Амир Хусравшоҳ саройига жўнатади. Аммо Амир Хусравшоҳнинг ўзи Муҳаммад Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султон қўшинлари ҳужумларига учраётганлиги сабабли Бадиуззамон Мирзога ёрдам беролмасди. Шу сабабли Хондамир ва унга ҳамроҳ бўлган элчилик ҳайъати бирор натижага эришолмасдан орқага қайтади¹.

1506 йилнинг 4 майида Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро вафот этади. Унинг васиятига кўра унга тобе бўлган ерлар Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн ўртасида бўлиб олинади. Уларнинг ҳар иккаласи ўзларига вазир тайинлашга киришишади. Бадиуззамон яна ҳам Хондамирга ўз саройида вазирлик лавозимини беради².

Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан сўнг вужудга келган қулай вазиятда Муҳаммад Шайбонийхон асосий диққат-эътиборини Хуросонга қаратади. Бадиуззамон 1506 йили Хондамирни ёрдам сўраш учун Қандаҳор ҳокими Амир Шужоъбек ҳузурига жўнатади. Бироқ Хондамир Ҳиротга етиб келган чоғида Бадиуззамоннинг қизи Чучукбегим вафот этганлиги туфайли Қандаҳорга бора олмай қолади.

Нихоят Муҳаммад Шайбонийхон 1507 йилда Ҳиротга ҳужум қилади. Хуросоннинг теурий шахзодалари – Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Ҳирот яқинидаги «Марал» деган жойда Шайбонийхон қўшинларидан мағлубиятга учрайдилар. Бадиуззамон Мирзо ушбу мағлубиятдан сўнг Ҳиротдан Гўргонга кетади ва Эрон шоҳи Шоҳ Исмоил ҳузуридан паноҳ топади.

Мана шундай вазиятда ҳиротликлар беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида Шайбонийхон қўшинларига қаршилик кўрсатмасдан, унга таслим бўлишга қарор қилишади. Ҳирот шахри улуғларининг ҳижрий-қамарий 913 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кuni ушбу шаҳарнинг Шайхулислом мадрасасида бўлиб ўтган йиғилишида Шайбонийхонга Ҳирот шахрини жангсиз топшириш тўғрисида хат ёзишга қарор қилиниб, ушбу хатни тайёрлаш Хондамирга топширилади³. Шайбонийхон ушбу хатни олганидан сўнг, Ҳирот аҳолисига омонлик бериб, ушбу шаҳарни жангсиз эгаллайди. Хондамир 1510 йилга қадар Ҳиротда қолиб, ўша нотинч ва алғов-далғов даврнинг воқеаларини тарих саҳифаларига муҳрлаб борди. Шунчалик даражадаки, ҳатто ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» асарида ушбу давр воқеаларини ўта аниқ тарзда кунма-кун ёзиб борган.

1510 йилда Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоил Сафавий Хуросонга лашкар тартади. Шундан сўнг Хондамир теурий шахзода Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мирзо Муҳаммад Замон билан биргаликда Ғарчистонга кетиб, ўша ерда яшай бошлайди. 1514 йили Мирзо Муҳаммад Замон Ғарчистонда ҳокимиятни эгаллаб, 1515 йили Балх шахрини ҳам Эрон сафавийларидан озод қилади. Хондамир ўз шахзодаси билан бирга Балхга бориб, шоҳнинг хос маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатади⁴.

Балхда ҳокимиятни қўлга олган Мирзо Муҳаммад Замон, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга хат йўллаб, «теурийлар давлати чироғини ёниқ ҳолда сақлаб қолиш» учун ундан ёрдам сўрайди. Мазкур хат Хондамирнинг қўли билан ёзилади⁵.

¹ Ҳабиб ус-сияр. 3-жилд. Учинчи қисм. – Техрон: 1954. 352-б.

² Ҳабиб ус-сияр. 3-жилд. Учинчи қисм. – Техрон: 1954. 360-б.

³ Ҳабиб ус-сияр. 4-жилд. – Техрон: 1954. 380-б.

⁴ Пуҳонд Ҳабибий мақоласи // «Ориёно» журна. 1966 йил 7–8-сон. 350–351-б.

⁵ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. 4-жилд. – Техрон: Хайём, учинчи нашр, 1983, 3-4-б.

Хондамир ушбу сафарлар, муҳожирликлар ва жангу жадаллар давомида барча ўринларда «махдумзода» (хожамнинг ўғли) деб эслатган ушбу теурий шахзода – Мирзо Муҳаммад Замон билан бирга бўлади. Бироқ 1517 йилда Ғарчистондаги ҳокимиятни қўлдан берган Муҳаммад Замон Мирзо Қандаҳорга кетади ва Хондамир махдумзодасининг ижозати билан Ғарчистонда яшаб қолади¹.

Орадан бир қанча вақт ўтгач Хондамир Ҳиротга қайтиб, тарихни ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан шуғулланади. 1520 йили Хуросон ҳукмрон доиралари вакилларида бири, вазир Амир Ғиёсиддин Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Қозий² уни «Ҳабиб ус-сияр» асарини ёзишга ундайди. Хондамир унинг кўрсатмаси билан ушбу китобнинг биринчи жилдини ёзади. Бироқ ўша йили уни мазкур китобни ёзишга ундаган ва илҳомлантирган Амир Ғиёсиддин Амир Иброҳим томонидан қатл этилади. Бу даврдаги нотинч вазият уни тадқиқот ва ижодини давом эттиришига йўл бермайди.

Ҳиротдаги алғов-далғов вазият Хуросон ҳукмдори Дурмушхонзамонида барқарорлашади. У Каримиддин Ҳабибуллоҳ Соважийни ўзининг вазири этиб тайинлайди. Ушбу илмпарвар вазир Хондамирга нисбатан катта ҳурмат ва қизиқиш билдириб, унга нисбатан илтифот кўрсатади ҳамда умидсизлик ва кўнгли совиганликдан китоб ёзишни тўхтатиб қўйган ушбу тарихчини бошлаб қўйган ишини давом эттиришга ундайди. Хондамир 1524 йилда ўз китобини ушбу шахсга бағишлаган ҳолда ёзиб тугаллайди³.

Шундан сўнг 1526 йил июл ойининг охирларида Ҳиротдан Қандаҳорга йўл олади. Хондамир ушбу шахарда «Ҳабиб ус-сияр» асарини қайтадан кўриб чиқишга киришади. Лекин ҳали бу асарнинг бир қисмини ҳам кўриб чиқишга улгурмасдан, 1528 йилнинг 2 мартада Ҳиндистон томон йўл олади. Аммо йўлдаги вазиятнинг ёмонлиги боис ушбу сафар етти ойга чўзилиб, нихоят 1528 йилнинг 18 сентябрда Агра шахрига етиб боради. Хондамир Ҳиндистон подшоҳи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига киришга рухсат олади. У 1528 йилнинг 21 ноябрида Бобур бир оз муддат давом этган касалликдан шифо топганидан кейин «Ҳашт беҳишт» боғида катта бир тўй бераётган чоғида Бобур саройига кириб боради⁴. Хондамир ўша йили Бобурнинг Бенгалия ва Ганг дарёси соҳилларига қилган юришида унга ҳамроҳлик қилади.

1530 йили Бобур вафот этганидан сўнг унинг ўғли Ҳумоюннинг саройида хизмат қила бошлайди. Бу даврда Хондамир унга бағишланган «Қонуни Ҳумоюн» («Ҳумоюн қонуни») асарини ёзади ва «Амиралмуаррихин» («Тарихчилар амири») лақабини олади⁵.

«Тарихи фаришта» асарининг муаллифи «ичбуруғ касали туфайли ўткинчи дуёдан ўтган» Хондамирнинг вафот этган йилини ҳижрий-қамарий 941 (милодий 1534) йил деб кўрсатган. Ваҳоланки Хондамир ҳижрий-қамарий 942 (милодий 1535) йилда вафот этган Мавлоно Шаҳобиддин Муаммоийнинг вафоти санасини англатувчи шеър ёзган ва ўзи ҳам ана шу йили оламдан ўтган. Бундан ташқари «Шоҳиди содиқ» («Тўғри далил») тазкирасининг муаллифи ҳам унинг вафот этган санасини ҳижрий-қамарий 942 (милодий 1535) йил деб кўрсатган.

Хондамирнинг васиятига кўра уни Деҳлидаги Низомиддин Авлиё ва Амир Хусрав Деҳлавийларнинг қабрлари ёнига дафн этишган. Бу пайтда у олтмиш икки йилга яқин умр кўрган эди⁶.

¹ Ҳабиб ус-сияр. Арбоблар. Сўзбоши. – Техрон: 1954. «сод» ва «то» саҳифалари.

² Ушбу шахс тўғрисида маълумот олиш учун қаранг: Ҳабиб ус-сияр. Арбоблар. – Техрон: 1954, 235–240-б.

³ Бу тўғрида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ҳабиб ус-сияр. 1-жилд. Муаллиф дебочаси. – Техрон: 1954.

⁴ Хулосат ул-ахбор асарида бир бўлим. Иловалар. – Кобул: 1966. 67-б.

⁵ Пуҳонд Ҳабибий мақоласи // «Ориёно» журнали. 1966 йил 7–8 сон. 352-б.

⁶ Дастур ул-вузаро. Сўзбоши. – Техрон: 1938. «сод» саҳифаси.

Хондамирдан икки ўғил қолган. Унинг катта ўғли Амир Маҳмуд отаси билан Ҳиндистонга кетмасдан, Ҳиротда қолган ва ота-боболари каби тарихчи бўлиб етишган. Марҳум Саид Нафисий «Дастур ул-вузаро» сўзбошисида Хондамирнинг катта ўғли тўғрисида шундай деб ёзади: «Хондамирнинг Мир Маҳмуд деган ўғли бўлиб, ё отасининг вафотидан сўнг Ҳиндистондан Ҳиротга қайтиб келган, ёки умуман отаси билан Ҳиндистонга бормаган. Нима бўлган тақдирда ҳам, Ҳиротда яшаган. Хондамирнинг ушбу ўғли тўғрисидаги бор-йўқ маълумот шундан иборатки, у Эрон ҳукмдорлари Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Таҳмосбларнинг ҳаёти ва фаолияти тарихи тўғрисидаги китоб муаллифи бўлиб, ушбу асарни 1543 йилда Эронда ҳукмрон бўлган сафавийлар саройи амирларидан Муҳаммадхон Шарафиддин ўғли Таклуга бағишлаб ёза бошлаган ва 1550 йилда ёзиб тугатган¹. Шундан маълум бўлишича, у отасининг вафотидан ўн беш йил кейин ҳам ҳаёт бўлган»². «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини тайёрловчи Муҳаммад Акбар Ашиқнинг айтишича, Амир Маҳмуд ўша йили оламдан ўтган³.

Хондамирнинг кичкина ўғли Саййид Абдуллоҳ отаси билан Ҳиндистонга кетган. Ёшлик чоғларидан Ҳиндистоннинг темурий ҳукмдори Акбар саройига хизматга кириб, еттиюзбошилиқ лавозимигача кўтарилиб борган ва сўнгра умрининг охиригача ҳарбий хизматда бўлган⁴. Британия музейида сақланаётган қўлёзмалар каталоги муаллифи Чарльз Рио «Хулосат ул-ахбор» асари тўғрисида маълумот бераркан, Хондамирнинг қисқача таржимайи ҳолини келтириш асносида унинг кичкина ўғли тўғрисида шундай деб ёзади: «Хондамирнинг ўғли Акбарнинг замондоши бўлиб, унинг саройида хизмат қилган. Акбар унга «Хоний» лақабини берган. У Саййид Абдуллоҳхон номи билан машҳур бўлган ва 1588 йили Кашмир вилоятида вафот этган»⁵.

2. ХОНДАМИРНИНГ ЁЗГАН АСАРЛАРИ

Хондамир сермахсул ижодкор бўлиб, ёшлик чоғларидан то ҳаётининг сўнгги пайтларига қадар ижод билан шуғулланди ва умрининг қирқ йилга яқин қисмини турли асарлар ёзишга бағишлади. Хондамир ёзган асарларнинг аксарияти тарихга оид бўлиб, у бўш вақт топган пайтларида олдин ёзиб тугатган асарларига ҳам ўзгартиришлар киритар ҳамда уларни янги маълумотлар ва хулосалар билан такомиллаштирарди.

Бироқ Хондамир тарихнависликнинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан, шеърый ижод билан ҳам шуғулланган. Сом Мирзо Сафавий ўзининг «Тухфайи Сомий» тазкирасида Хондамирни шоирлар қаторида эслатиб ўтаркан, унинг муаммо санъатидаги маҳоратига урғу беради. Хондамир Муаррих таҳаллуси билан маснавий, қитъа ва рубоий жанрларида шеър ёзган бўлиб, унинг аксарият шеърлари таърих ва марсиялардан иборат. Хондамирнинг аксарият шеърлари унинг тарихий асарлари матнида муайян мавзулар билан боғлиқ равишда келтирилган.

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарига ёзган муқаддимасида ўзининг ёзган асарлари тўғрисида ҳам эслатиб ўтган. Қуйида унинг «Макорим ул-ахлоқ»дан бошқа асарлари тўғрисида умумий ва қисқача маълумотлар келтирамиз.

¹ Қаранг: *Эрон Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Таҳмосб Сафавий даврида*. Амир Хонд ибн Хондамир. (Ғуломризо Таботабой томонидан нашрга тайёрланган). – Техрон: Афшор Яздий вақфлар жамғармаси, 1991.

² Дастур ул-вузаро. Сўзбоши. – Техрон: 1938. «жим» саҳифаси.

³ «Макорим ул-ахлоқ» асарига Муҳаммад Акбар Ашиқ муқаддимаси // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. (Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида). – Техрон: 1999. 26-б.

⁴ Ўша асар, 26-б.

⁵ Ҳабиб ус-сияр. Арбоблар. Сўзбоши. – Техрон: 1954. «йо» саҳифаси.

1. «Маосир ул-мулук» («Подшоҳларнинг улуғ ишлари»)

Қадимги замонлардан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврига қадар ўтган пайғамбарлар, донишмандлар ва подшоҳларнинг ҳикматли сўзлари ҳамда улуғ ишлари тўғрисида ҳикоя қилувчи бу китоб Алишер Навоийнинг рағбатлантиришлари билан 1498 йилдан олдин ёзилган бўлиб, муаллифнинг илк асаридир. Унинг ўзи бу асар муқаддимасида ушбу китобни ёзаётган чоғида она томондан бобоси, «Равзат ус-сафо»нинг муаллифи, ҳижрий-қамарий 903 (милодий 1497/98) йилда вафот этган Мирхонд ҳали ҳаёт бўлганлигини эслатиб ўтган.

Ушбу китоб қуйидаги уч бобдан иборат:

Биринчи боб: Каюмарсдан Анушервонгача бўлган қадимги ажам шоҳларининг қилган улуғ ишлари.

Иккинчи боб: Одам алайҳиссаломдан тортиб Бузургмехргача бўлган ҳакимлар ва донишмандларнинг қилган улуғ ишлари.

Учинчи боб: Ҳазрат Расул ва покиза имомларнинг қилган улуғ ишлари.

Ушбу боблардан кейин уммавийлар сулоласи¹ халифалари, аббосийлар сулоласи² халифалари, тоҳирийлар сулоласи³ ҳокимлари, сомонийлар сулоласи⁴ амирлари, ғазнавийлар сулоласи⁵ султонлари ва куртлар сулоласи⁶ ҳокимларининг қилган улуғ ишлари тўғрисидаги боблар келтирилади. Бу асарнинг сўнгги боби турк хоқонларининг қилган улуғ ишлари баёнига бағишланган.

Бу китобнинг ягона нусхаси Британия музейида 29-рақам билан сақланаётган бўлиб, мазкур музейда сақланаётган қўлёзмалар каталоги муаллифи Чарльз Рио ушбу рўйхатнинг учинчи жилди 18-бетида бу асар тўғрисида эслатиб ўтган.

Ушбу асар 1993 йилда Мирҳошим Муҳаддис томонидан Техронда нашр этилган⁷.

2. «Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-ахёр» («Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар»)

Қадим замонлардан 1470 йилгача бўлган даврдаги тарихий воқеаларни ўз ичига олувчи умумий тарихга бағишланган бу китоб 1499 йилда ёзилган бўлиб, бир муқаддима ҳамда пайғамбарлар, подшоҳлар, илм-фан, адабиёт ва сиёсат арбобларининг ҳаётлари ва фаолиятлари тўғрисидаги ўн мақолани ўз ичига олади. Асар муқаддимаси олам ва инсоннинг яратилиши шарҳига бағишланган бўлса, унинг хотима қисмида Ҳирот шаҳри ва муаллифнинг айрим замондошлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

¹ Умавийлар сулоласи – 661 – 750 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳр ва ислом дини тарқалган бошқа минтақаларда ҳукмронлик қилган, пойтахти Дамашқ бўлган араб халифалари сулоласи.

² Аббосийлар сулоласи – 750 – 1258 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳр ва ислом дини тарқалган бошқа минтақаларда ҳукмронлик қилган, пойтахти дастлаб Куфа, кейинчалик Бағдод бўлган араб халифалари сулоласи.

³ Тоҳирийлар сулоласи – 821 – 873 йилларда араб халифалигига қарам ҳудудлардаги халқларнинг мустақиллик учун кураши натижасида вужудга келган, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, пойтахти дастлаб Марвда, кейинчалик Нишопурда бўлган маҳаллий халқлар сулоласи.

⁴ Сомонийлар сулоласи – 875 – 999 йилларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда ҳукмронлик қилган, пойтахти дастлаб Самарқанд, кейинчалик Бухорода бўлган маҳаллий халқлар сулоласи.

⁵ Ғазнавийлар сулоласи – 962 – 1186 йилларда Хуросон, Шимолий Ҳиндистон ва қисман Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, пойтахти Ғазни шаҳри бўлган туркий сулола.

⁶ Куртлар давлати – мўғул истилосидан кейинги даврда, 1245 – 1389 йилларда Хуросоннинг Ҳирот воҳаси ва Ғур тоғли вилоятларида мавжуд бўлган, Эронда ҳоким бўлган мўғул сулоласи Ҳулокийларга номигагина тобе бўлган давлат.

⁷ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Маосир ул-мулук* (Подшоҳларнинг улуғ ишлари). (Хулосат ул-ахбор ва Қонуни Ҳумоюнӣ билан бирга. Мирҳошим Муҳаддис таҳрири остида). – Техрон: Расо маданий хизматлар муассасаси, 1993.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, 1499 йили Алишер Навоийнинг катта кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритган Хондамир олти ой ичида ўзининг иккинчи асари – «Хулосат ул-ахбор»ни ёзиб тугатади ва ўз ҳомийси Алишер Навоийга тақдим этади. Муаллифнинг ўзи бу тўғрида шундай деб ёзади:

«Амир Алишер Навоий ҳижрий-қамарий 904 йилда¹ ўз кутубхонасини менинг ихтиёримга топширди. Олти ойлик ўқиб-ўрганиш ва изланишлардан сўнг ушбу китобни (битиб,) ул ҳазратга тақдим этдим».

Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Калькутта, Кобул, Тошкент ва Истамбулда сақланади. Бу китобнинг бир боби биринчи марта 1945 йили Сарвар Гўё Эътимодий томонидан нашрга тайёрланиб, «Ориёно» журналада, кейинчалик эса, 1966 йили китоб ҳолида Кобулда чоп этилган². 1994 йили эса «Хулосат ул-ахбор»нинг Мирҳошим Муҳаддис томонидан тайёрланган варианты Техронда нашр этилди³.

Ушбу китоб француз ва инглиз тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

3. «Дастур ул-вузаро» («Вазирларнинг улуғи»)

Ислом даврининг бошланишидан то 1509 йилгача бўлган даврдаяшаб, фаолият кўрсатган машхур вазирларнинг ҳаётлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи бу асарнинг ҳам икки таҳрири мавжуд бўлиб, Хондамир унинг биринчи таҳририни Алишер Навоий ҳаётлиги чоғида бошлаган ва 1500 йилда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳамда унинг вазир Хожа Камолиддин Маҳмудга бағишлаган ҳолда тугатган. Муаллиф мазкур асарнинг иккинчи таҳририни Хуросон Шайбонийхон ҳукмронлиги остига ўтган замонда – 1508 йилда ёзган. Яъни унинг олдинги вариантыни қайта кўриб чиққан ва такомиллаштирган бўлиб, унда Шайбонийхон яхши сифатлар билан эсга олинган. Асарда келтирилган охирги сана 1508 йил бўлиб, бу нарса асарнинг ҳали Шайбонийхон ҳаётлик чоғида ёзиб тугатилганлигини кўрсатади. «Дастур ул-вузаро»нинг иккинчи таҳририга кўра, асар Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ва Хожа Камолиддин Маҳмудларга бағишланган бўлиб, уларнинг номлари зикр этилган.

Бу китобнинг бир неча қўлёзма нусхаси Европа ва Осиё мамлакатларидаги бир неча кутубхонада сақланмоқда.

Ушбу асар 1938 йили Саид Нафисий томонидан Техронда нашр этилган⁴.

4. «Номайи номий» («Атоқли китоб»)

Ёзувчилик санъати ва унинг турли йўналишлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Номайи номий» («Атоқли китоб») катта тарихий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, «Девони ҳинд» кутубхонасида сақланаётган қўлёзма асарлар рўйхатидан жой олган.

Хондамир ушбу асарини 1520 йилда бошлаб, 1523 йилда тугатган⁵. Асар икки қисмли бир унвон ва тўққиз бобдан иборат. Унда қадим замонлардан то 1521–1522 йилларгача мусулмон оламида ёзувчилик санъатида қалам тебратган етук олим ва фозил шахслар

¹ Милодий 1498/99 йилда.

² Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. «Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-ахёр» («Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар») асаридан бир бўлим. (Гўё Эътимодий нашрга тайёрлаган). – Кобул: 1966.

³ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Хулосат ул-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-ахёр*. (Мирҳошим Муҳаддис таҳрири остида). – Техрон: 1994.

⁴ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Дастур ул-вузаро* (Вазирларнинг улуғи). (Саид Нафисий нашрга тайёрлаган). – Техрон: 1938.

⁵ «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини тайёрловчи Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу нашрга ёзган муқаддимасида «Номайи номий» асарининг 1519 йили ёзиб тугатилганлигини эслатиб ўтган. *Қаранг*: «Макорим ул-ахлоқ» асарига Муҳаммад Акбар Ашиқ муқаддимаси // Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Макорим ул-ахлоқ*. Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида. – Техрон: 1999.

тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, ундан турли ижтимоий табақа вакилларининг мактуб, ёрлиқ, фармонлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар намуналари ўрин олган¹.

Китобнинг ўн бешта қўлёзмаси маълум бўлиб, шулардан тўққизтаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади. Уларнинг энг қадимгиси ҳижрий 979 / милодий 1571–1572 йили китобат қилинган ва у 312 варақдан иборат².

5. «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ал-башар» («Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимайи ҳоллар»)

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Хондамир умумий тарихга бағишланган ҳамда фактларга бой бўлган бу асарини 1520 йилда вазир Амир Гиёсиддин Муҳаммад ал-Хусайний ал-Қозий ҳомийлигида ёзишга киришган. Бироқ 1521 йили Амир Гиёсиддин Муҳаммад қатл этилгач, унинг ўрнига вазирликка тайинланган Каримиддин Ҳабибуллоҳ Соважийнинг рағбатлантиришлари билан ушбу асарни ёзишда давом этган. «Ҳабиб ус-сияр»нинг биринчи таҳрири 1521 йили ниҳоясига етказилади. Бироқ муаллиф кейинчалик 1524 йилгача бўлган воқеаларни ҳам унга киргизади. Шундан сўнг, Хондамир асарни қайтадан ишлаб чиқиб, унинг биринчи жилдини уч таҳрирда, иккинчи жилдини икки таҳрирда, учинчи жилдини икки ёки уч таҳрирдан ўтказди. Хондамир ушбу асарининг охириги таҳририда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан ҳам фойдаланган. Тўрт жилддан иборат бўлган бу асар уч йилу саккиз ойдан сўнг 1524 йилнинг январь ойида Хуросон ҳокими Дурмишхон ҳамда унинг вазири Каримиддин Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланган ҳолда ёзиб тугалланган.

Катта ҳажмдаги маълумотларни ўз ичига олган «Ҳабиб ус-сияр» форс тилида ёзилган тарих китоблари орасида энг яхшисидир. Айниқса ушбу асардаги аксарият бўлимларнинг охирида келтириладиган илм-фан, адабиёт, санъат ва тасаввуф арбобларининг ҳаёт ва фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

«Ҳабиб ус-сияр» Одам алайҳиссаломдан исломгача бўлган давр тўғрисидаги тарихий ривоятларнинг қисқача хулосаси ҳамда ислом пайдо бўлишидан то 1524 йилгача бўлган вақт ҳамда ўзи яшаган давр тарихи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, тарихнинг 1468 йилгача бўлган даври воқеалари тўғрисидаги маълумотлар Хондамирнинг бобоси Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида келтирилган бўлиб, ундан кейин ўтган эллик етти йил давомида юз берган муҳим воқеалар тўғрисидаги маълумотлар Хондамир томонидан «Ҳабиб ус-сияр»да келтирилган. Жалолиддин Ҳумоий томонидан «Ҳабиб ус-сияр»нинг Техрон нашрига ёзилган сўзбошида айтилишича, «Ҳабиб ус-сияр»ни бошқа тарих китобларидан алоҳида ажратиб турадиган қисми ҳам ана шудир³.

Хондамирдан сўнг «Оламоро» ва «Аҳсан ут-таворих» асарларининг муаллифлари ва бошқа бир қатор тарихчилар ҳам Хондамирнинг тарихнависликдаги ушбу услубига эргашганлар. Хондамир содда ва равон ёзишда она томондан бобоси бўлган «Равзат ус-сафо»нинг муаллифи Мирхонднинг услубига эргашган.

6. «Равзат ус-сафо фий сияр ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар таржимайи ҳолларининг ям-яшил боғи») асарининг еттинчи жилди

¹ Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. 358–363-б. Бу жойда асар мазмуни таҳлили ҳам берилган.

² Собрание восточных рукописей. Том 1. №363; Собрание восточных рукописей. История. № 977; Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. Стр. 66.

³ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ал-башар* (Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимайи ҳоллар) (Устод Жалолиддин Ҳумоий нашрга тайёрлаган). Муқаддима. – Техрон: 1954. 32-б.

Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Ҳидоят Ҳусайн («Қонуни Ҳумоюнӣ»нинг Ҳиндистон нашри сўзбошисида) «Равзат ус-сафо»нинг еттинчи жилдини ҳам Хондамир ёзган асарлар қаторига қўшган. Бироқ Хондамирнинг қаламига мансуб эканлигига шубҳа бўлмаган мазкур еттинчи жилд аслида мустақил бир асар бўлмасдан, «Ҳабиб ус-сияр» асари тўртинчи жилдининг бир қисми бўлиб, унда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ва унинг авлодлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Биз ушбу қисмни «Ҳабиб ус-сияр» асари Техрон нашрининг тўртинчи жилдининг 110-бетидан¹ кейин топишимиз мумкин².

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини тайёрловчи Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу нашрга ёзган муқаддимасида келтиришича, «Равзат ус-сафо» асари муаллифи 1497 йили вафот этганидан сўнг, Хондамир бобосининг бошлаган ишини поёнига етказишга бел боғлайди ва ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» асарида мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда «Равзат ус-сафо»нинг еттинчи жилдини ёзиб тугаллайди. Ушбу асар «Такмилайи Равзат ус-сафо» («Равзат ус-сафога қўшимчалар») номи билан ҳам машҳурдир³.

7. «Қонуни Ҳумоюнӣ» («Ҳумоюн қонуни»)

Хондамир бу китобни Ҳиндистонга кўчиб борганидан кейин 1534 йили Бобурнинг ўғли, Ҳиндистоннинг темурийлар сулоласидан бўлган шоҳи Ҳумоюннинг буйруғи билан унга бағишлаб ёзган. Ушбу китоб шоҳлик давлатини идора қилиш қонунлари, Ҳумоюннинг давлатни бошқариш ишларига киритган янгиликлари ҳамда Ҳумоюн томонидан қурдирилган бинолар ва иншоотлар тўғрисида бўлиб, Хондамир ёзган асарлар орасида энг охиргиси бўлади. Бу асар «Ҳумоюннома» номи билан ҳам машҳурдир. Бу китобнинг ягона қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланади.

«Қонуни Ҳумоюнӣ» 1940 йили Ҳидоят Ҳусайн томонидан мазкур қўлёзма нусха асосида инглизча сўзбоши билан Ҳиндистонда, 1993 йили эса Мирҳошим Муҳаддис томонидан Техронда нашр этилди⁴.

Булардан ташқари Хондамир яна бир неча асар ёзган бўлиб, уларнинг қўлёзмалари ҳалигача топилмаган. Қуйида унинг ана шу асарларини санаб ўтамиз:

1. «Ахбор ул-ахёр» («Хайрли ишлар қилувчилар тўғрисида қиссалар»)

Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» асарига ёзган муқаддимасида эслатиб ўтишича, бу асар орифларнинг таржимаи ҳоллари ва ҳаёт йўллари тўғрисида ёзилган.

2. «Мунтахаби тарихи Вассоф» («Вассофнинг тарих китобидан сайланма»)

Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» асарига ёзган муқаддимасида бу китобни ҳам ўзининг ёзган асарлари жумласидан санаб ўтган.

3. «Осор ул-мулук ва-л-анбиё» («Подшоҳлар ва пайғамбарлардан қолган ёдгорликлар»). Эронлик тадқиқотчи Аббос Жидорий Каримиён бу асарни «Ҳабиб ус-сияр»нинг қисқартирилган варианты бўлса керак, деб тахмин қилган⁵.

4. «Ғаройиб ул-асрор» («Ғаройиб сирлар»).

5. «Жавоҳир ул-ахбор» («Энг муҳим маълумотлар»).

Бу икки асар У. Элиотнинг «Ҳиндистон тарихи тўғрисида ёзилган қўлёзма асарлар рўйхати»да Хондамирнинг қаламига мансуб асарлар сифатида эслатиб ўтилган.

¹ Ҳабиб ус-сияр. 4-жилд. Учинчи қисм. – Техрон: 1954. 110-б.

² Хондамирнинг ёзган асарлари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлашда Пуҳонд Ҳабибийнинг «Ориёно» журналининг 1966 йил 7-8 сонидида чоп этилган мақоласи маълумотларидан фойдаланилди.

³ Қаранг: Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида. – Техрон: 1999.

⁴ Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Қонуни Ҳумоюнӣ. Хулосат ул-ахбор ва Маосир ул-мулук билан бирга. Мирҳошим Муҳаддис таҳрири остида. – Техрон: Расо. 1993.

⁵ Аббос Жидорий Каримиён. Хондамир. // «Китоби моҳ» («Ой китоби») журнали. – Техрон: 1389 йил ўрдибеҳишт / 2010 йил май ойи, №144, 78-б.

Хондамирнинг шеърятда ҳам қалам тебратиб, буборада ўзини синаб кўрганлиги маълум. Бироқ унинг асосий иши тарихнавислик бўлиб, шеър ёзиш унинг иккинчи машғулоти ҳисобланган. Биз шу ўринда «Ҳабиб ус-сияр»дан фойдаланган ҳолда, Хондамирнинг турли муносабатлар билан ёзган шеърларидан бир неча парчани келтирамиз. Жумладан, Хондамир Алишер Навоийнинг вафоти санаси тўғрисида қуйидаги таърихни ёзган:

«Ушбу сўзларни ёзувчининг кўнглига ушбу оғир мусибат¹ санаси борасида қуйидаги қитъа келди:

*Жаноби Амири ҳидоятпаноҳий,
Ки зоҳир аз ў ғашт осори раҳмат.
Шуд аз хорзори жаҳон сўйи боғе,
Ки онжо шигуфтаст гулзори раҳмат.
Чу нозил шуд анвори раҳмат ба руҳаш,
Бижў соли фавташ зи «анвори раҳмат».*

(Мазмуни: (Бу) ҳидоятга паноҳ бўлган бир Амир бўлиб, ундан раҳмат белгилари намоён бўлди. (Ул зот) дунё тиканзоридан раҳмат гулзори гуллаб-яшнаб турган боғ томон йўл олди. Унинг руҳига раҳмат нурлари ёғилган экан, вафот этган йилини ҳам «раҳмат нурлари»дан излагин.²)»

Шунингдек, Хондамир Муҳаммад Шайбонийхон қўшинларининг ҳижрий-қамарий 909 (милодий 1504) йилда Балх ва унинг атрофидаги ерларга ҳужумининг санаси ҳамда ушбу ҳужум оқибатида юз берган вайронгарчиликлар ва халқнинг бошига тушган қийинчиликлар борасида қуйидаги қитъани ёзган:

*Муҳаммадхон чу аз Омуя бигзашт,
Шароби айши аҳли Балх шуд талх.
Тамоми шаҳр вайрон ғашт аз жанг,
Аз он таърих шуд «вайронийи Балх».*

(Мазмуни: Муҳаммадхон (Шайбоний) Амударёдан ўтгач, Балх халқининг айш шароби аччиқ бўлди. Бутун шаҳар уруш натижасида вайрон бўлди. Шу сабабдан ҳам (бу воқеаларнинг) юз берган санаси «вайронийи Балх» («Балхнинг вайрон бўлиши») бўлди³.)

Ўз даврининг ҳалол ишлайдиган қозиларидан бўлган Қози Низомиддин Муҳаммад Фароҳий ҳижрий-қамарий 900 йилнинг муҳаррам (милодий 1494 йилнинг октябрь) ойида вафот этади. Хондамир унинг вафоти санаси тўғрисида қуйидаги рубоийни ёзган:

*Он кас, ки шарият ба низом аз вай шуд,
Аз ҳукми қазо сижилли умраш тай шуд.
Аз сафҳайи дил чу маҳв шуд номи Низом,
Тавзеҳ пазируфт, ки «фоний кай шуд»?*

¹ Яъни Алишер Навоийнинг вафоти.

² «Анвори раҳмат» («раҳмат нурлари») иборасини абжад ҳисоби асосида рақамларга ўгирсак, 906 сони ҳосил бўлади. Бу эса Алишер Навоийнинг ҳижрий-қамарий 906 (милодий 1501) йилда вафот этганига ишорадир.

³ «Вайронийи Балх» («Балхнинг вайрон бўлиши») иборасини абжад ҳисоби асосида рақамларга ўгирсак, 909 сони ҳосил бўлади. Бу эса Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳижрий-қамарий 909 (милодий 1504) йилда Балхга ҳужум қилганига ишорадир.

(Мазмуни: Шариат у туфайли тартибга солинган ўша кишининг умр дафтари тақдирнинг ҳукми билан ўқиб бўлинди. Низом номи кўнгил саҳифасидан ўчгач, «фоний кай шуд» («қачон бу дунёдан ўтди», яъни қачон бу дунёдан ўтганлиги) тўғрисида изоҳ берилди.¹)

3. ХОНДАМИР ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Ўзбекистонда Ғиёсиддин Хондамирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш академик Б. Аҳмедов томонидан бошлаб берилган бўлиб, ушбу олим Ғиёсиддин Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун дастур») асарини тадқиқ этиб, ундан бир қисмини таржима қилган².

Б. Аҳмедовдан кейин бир неча ўзбек олимлари Хондамирнинг ҳаёти ва сермахсул ижодини ўрганиш, жумладан, ушбу тарихчи асарларининг халқимиз тарихини ўрганишдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишда катта ишларни амалга оширишди. Улар орасида машҳур ўзбек хондамиршуносларидан ҳисобланган тарих фанлари доктори Д. Ю. Юсупованинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. 1979 йилдан буён Хондамир ҳаёти ва ижодини мунтазам равишда ўрганиб келаётган ушбу олима 2001 йили тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «Творческое наследие Хондамира как источник по истории и культуры Центральной Азии XV–XVI вв.» мавзусидаги докторлик диссертацияни ёқлаб, 2006 йили шу асосда «Жизнь и труды Хондамира» номли йирик монографиясини нашр эттирди. Бундан ташқари, олима temuрийлар даври маданиятига оид бошқа тадқиқотларида ҳам Хондамир асарларидан кенг фойдаланган³. Айтиб ўтиш лозимки, Д. Юсупованинг «Жизнь и труды Хондамира» махсус тадқиқотида Хондамир ёзган асарлар ҳамда уларнинг ўрганилиши, таркиби, қисқача мазмуни ҳамда уларнинг қўлёзма нусхалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Булардан ташқари, ўзбек олимлари ва таржимонларидан М. Аҳмедов, И. Бекжонов, Ж. Ҳазратқулов кабилар ўз таржималари ва тадқиқотлари билан Хондамирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшишмоқда⁴.

¹ «Фоний кай шуд» («қачон бу дунёдан ўтди») иборасини абжод ҳисоби асосида рақамларга ўгирсак, 900 сони ҳосил бўлади. Бу эса Қози Низомиддин Муҳаммад Фароҳийнинг ҳижрий-қамарий 900 (милодий 1494) йилда вафот этганини билдиради.

² Қаранг: Аҳмедов Б. Хондамир. «Дастур ул-вузаро»дан / Навоий замондошлари хотирасида / Тарихдан сабоқлар. Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.

³ Қаранг: Юсупова Д. *Наука. Образование. Медицина // Амир Тему́р в мировой истории*. Париж, 1996; Юсупова Д. *Наука. Образование. Медицина // Амир Тему́р в мировой истории*. 2-ое изд. Ташкент: «Шарқ», 2001; Юсупова Д. *Творческое наследие Хондамира как источник по истории и культуры Центральной Азии XV–XVI вв.* Автореф. дис. доктора ист. наук. Ташкент, 2001; Юсупова Д. *Жизнь и труды Хондамира*. Ташкент: Фан, 2006; Юсупова Д. *История глазами очевидцев / Народное слово* (газета). 2014 г. 14 мая; Юсупова Д. *Хондамир ижоди / Шарқшунослик*. 1-тўплам. Тошкент: Фан, 1990.

⁴ Қаранг: Ғиёсиддин Хондамир. *Буюклик хислати*. Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов. Тошкент: «Шарқ», 2011; Хондамир. *Ҳабиб ус-сияр*. Темурийлар, Бобур фаолиятига боғлиқ давр қисми / Таржимонлар И. Бекжонов, Ж. Ҳазратқулов. Тошкент: «Ўзбекистон», 2013; Аҳмедов М. Б. *Хондамирнинг «Қонуни Ҳумоюнӣ» асари – муҳим тарихий манба*.

II. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИ ТЎҒРИСИДА

1. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг Алишер Навоий ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳамда унинг гўзал хулқлари ва юксак инсоний фазилатларига бағишланган, дебоча, муқаддима, ўн мақсад (боб), хотима ҳамда Навоийнинг қандай вафот этганлиги тўғрисидаги бобдан иборат бўлган «Мақорим ул-ахлоқ» асари 1501 йилда ёзилган. Айтиш мумкинки, «Мақорим ул-ахлоқ» муаллифнинг ўз ҳомийси ва рағбатлантирувчиси бўлган Алишер Навоийнинг унга кўрсатган яхшиликларига жавоб тариқасида ёзган асаридир. Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг муқаддимасида ушбу асарнинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, Низомиддин Амир Алишернинг иноятлари ва меҳр-муҳаббатларидан баҳраманд бўлганлиги, жумладан, болалик чоғларидан унинг ҳомийлигида таълим олганлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг «фазилатлари, олижаноб хулқлари, чиройли одоблари, ажойиб сийратлари, мақтовга сазовор хулқ-атворлари, бошқаларда кам учрайдиган ҳолатлари ва кайфиятлари, қизиқ ва ғаройиб ишлари, сеҳрли истеъдоди хусусиятлари ва нозик ибораларни қоғозга туширадиган қалами ҳосилалари» тўғрисида бир асар ёзишга киришганлигини эслатган.

Хондамир шундан сўнг бунга қўшимча қилиб, ҳали бу ишини охирига етказиб улгурмасидан хожаси оламдан ўтганлиги, аммо «кишини оғир аҳволга солиб қўядиган бу воқеа қайғуси ... ҳайрат водийсида саргардон бўлган» унинг «кўрар кўзларини хира» қилганлигига қарамасдан, «ўзидан баракатлар сочгувчи ул зотнинг қандай касал бўлганликлари ва қай ҳолатда вафот этганликларини баён лавҳига битиш»га қарор қилганлигини маълум қилади.

Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» китобига ёзган муқаддимасидан маълум бўладики, у ўзининг ушбу асарини Амир Алишер Навоийнинг вафотидан олдин ёза бошлаган. Навоий оламдан ўтганидан сўнг бу асарни янада такомиллаштириб, унга илм-фан, маданият ва адабиётнинг йирик намоёнчаси ҳамда машҳур давлат арбоби бўлган ушбу буюк донишманд шахснинг қандай вафот этгани, дафн маросими, замона шоирларининг унинг вафотига атаб ёзган шеърлари тўғрисидаги маълумотларни киргизади. Бу маълумотлар «Мақорим ул-ахлоқ»нинг охириги бобида келтирилган.

Муаллиф асарнинг «мақсад» деб аталмиш ҳар бир бобининг бошланишида мазкур бобда ёритилган мавзуга оид Қуръон оятлари, ҳадислар ва ривоятлардан намуналар келтириб, унга мос шеърӣ парчалар билан безак берган.

«Мақорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини амалга оширган Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу китобга ёзган муқаддимасида ушбу асарнинг бадиий характерга ҳам эга эканлигига тўхталиб, шундай дейди: «Мақорим ул-ахлоқ»нинг мазмуни ва унда ёритилган мавзуларнинг жойлашиш тартибидан маълум бўлишича, бу асар Алишер Навоийнинг ҳаётида юз берган воқеалар кетма-кетлиги баёнидан иборат бўлган биографик асар эмас, балки унда муаллиф ўз ҳомийси ҳаётининг турли қирралари тўғрисида батафсил сўз юритган адабий-тарихий асардир»¹.

Нима бўлганда ҳам, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асари ҳажман кичкиналигига қарамасдан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, жумладан, буюк шахсияти, олий инсоний фазилатлари, ёзган асарлари, эл-юртга қилган муҳим хизматлари тўғрисидаги

¹ Қаранг: «Мақорим ул-ахлоқ» асарига Муҳаммад Акбар Ашиқ муқаддимаси // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. (Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида). – Техрон: 1999.

энг кўп, бунинг устига шу чоқча бизга маълум бўлган бошқа асарларда учрамайдиган маълумотларни ўз ичига олган китоб бўлиб, нафақат Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, балки у яшаган давр адабиёти тарихи ҳамда темурийлар давридаги ижтимоий муносабатлар тарихини ўрганиш учун ҳам қимматли асар ҳисобланади.

2. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

«Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзмасининг Лондон нусхаси. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг бизнинг давримизгача етиб келган қўлёзма нусхалари орасида энг қадимгиси Лондон шаҳридаги Британия музейида сақланади¹. Уни хаттот Муҳаммад ибн Ҳамза ал-Ҳусайний 1558 йилнинг ёзида настаълиқ хатида кўчирган. 1879 йили чоп этилган «Британия музейи кутубхонасида сақланаётган форсий қўлёзмалар каталоги» муаллифи, машҳур инглиз шарқшунос олими Чарлз Ръё ушбу каталогнинг 1-жилдида «Макорим ул-ахлоқ» асарини қуйидагича тавсифлаган: «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ягона² қўлёзма нусхаси Султон Муҳаммад Фахрий Ҳиравийнинг «Латойифнома» асари қўлёзмаси билан бир жилдда жойлашган бўлиб, Британия музейида Add.7669 рақами остида сақланмоқда».

Қўлёзманинг ўлчами бўйига 24 см. ва энига 13,38 см. бўлиб, унинг ҳар саҳифасида 7,65 см. узунликдаги 14 сатрдан иборат матн ёзилган. Бир жилдда жойлашган ушбу икки асарнинг умумий ҳажми 185 варақдан ёки 370 саҳифадан иборат бўлиб, унинг 1-варағидан 120-варағигача «Латойифнома», 121-варағидан 185-варағигача эса «Макорим ул-ахлоқ» асари жойлашган³. Ҳар иккала қўлёзма ҳижрий-қамарий 965 йилнинг рамазон ойида (милодий 1558 йилнинг 18 июни билан 17 июли оралиғида) Муҳаммад ибн Ҳамза ал-Ҳусайний номли хаттот томонидан настаълиқ ёзувида аниқ ва чиройли бир тарзда кўчирилган».

Машҳур шарқшунос М. Сальенинг ҳақли равишда ёзишча, инглиз олими томонидан Ғиёсиддин Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарига «балоғатли мадҳия» деб нотўғри баҳо бергани сабабли, бу китобга бошқа шарқшунослар муносиб эътибор бермаганлар⁴.

«Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзмасининг Холмуҳаммад Хаста нусхаси. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини тайёрловчи Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу нашрга ёзган муқаддимасида ушбу асарнинг ҳижрий-қамарий 1078 / милодий 1647 йили кўчирилган қўлёзмасидан афғонистонлик хаттот Холмуҳаммад Хаста томонидан тайёрланган нусхаси тўғрисида ҳам сўз юритган⁵. Бироқ шу кунгача ушбу қўлёзма тўғрисида керакли маълумотларни қўлга киритиш имкони бўлмади.

«Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзмасининг Тошкент нусхалари. 1939 йили Ўзбекистонда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш доирасида «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Британия музейида сақланаётган қўлёзмасидан микрофильм олинди. 1940 йили эса ўзбек шарқшунослари ва хаттотлари Ибодулло Одилов (тартиб рақами №5340, ҳажми – 159 варақ) ва Ҳасан Комилов (тартиб рақами №5278, ҳажми – 86 варақ) ушбу микрофильм асосида асарнинг иккита янги қўлёзма нусхасини яратишди⁶.

¹ Rieu Ch. Catalogue of the Persian manuscripts in the British Museum. V. I. – London: 1879, p. 367.

² Кўринишидан Чарлз Ръёга ушбу асарнинг ҳижрий-қамарий 1078 / милодий 1647 йили кўчирилган қўлёзмаси маълум бўлмаган.

³ Rieu Ch. Catalogue of the Persian manuscripts in the British Museum. V. I. – London: 1879, pp. 365–367.

⁴ Салье М. «Книга благородных качеств и ее автор / Родоначальник узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навои. Ташкент: Изд-во АН Уз. 1940. Стр. 170.

⁵ Қаранг: «Макорим ул-ахлоқ» асарига Муҳаммад Акбар Ашиқ муқаддимаси // Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида. – Техрон: 1999. 35-б.

⁶ Собрание восточных рукописей. Т. X, №№ 6778, 6779. (Инв. №№ 5340; 5278).

Ушбу қўлёзма нусхалар тўғрисида кўп томлик «Шарқ қўлёзмалари тўплами» каталогининг Х томида шарқшунос олим Д. Вороновский томонидан қисқача тавсиф берилган¹. Бироқ Д. Юсупова ва Р. Жалилова томонидан тузилган «Шарқ қўлёзмалари тўплами» каталогининг алоҳида «Тарих» номли томида Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ушбу икки қўлёзмаси тавсифи тушириб қолдирилган².

«Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзмасининг 5340 рақамли нусхаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Нодир» фондида №5340-тартиб рақами остида сақланаётган 1940 йил 23 сентябрда хаттот Ибодулло Одилов томонидан кўчирилган мазкур нусха 1^а варақдан 81^б варақчага белгилаб чиқилган 81 варақ ёки 162 саҳифадан иборат бўлиб, матн ўлчами 17х27 см. бўлган фабрика қоғозига, асосан 15 сатрлик (1^а варақдан 56^б варақчага) ва қисман 16 сатрлик (57^а варақдан 80^а гача) мистар асосида битилган. Асар матни 1^а варақдан 80^а варақчага бўлган 79 варақ ёки 159 саҳифага кўчирилган бўлиб, 80^б ва 81^а варақлар очиқ қолдирилган, 81^б варақда эса библиограф Абдулла Носировнинг араб имлосидаги ўзбек тилида ушбу нусханинг кўчирилиш санаси тўғрисида битган қайди мавжуд.

«Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзмасининг 5278 рақамли нусхаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Нодир» фондида №5278-тартиб рақами остида сақланаётган, 1940 йили хаттот Ҳасан Комилов томонидан кўчирилган мазкур нусха 1^а варақдан 88^а варақчага белгилаб чиқилган 88 варақ ёки 176 саҳифадан иборат бўлиб, асар матни ўлчами 8,4х15 см. бўлган қоғозга, ҳар саҳифада 13–15 сатрдан жойлаштирилган. 87^б варақда библиограф Абдулла Носиров томонидан араб имлосидаги ўзбек тилида ушбу нусханинг кўчирилиш санаси ва бошқа маълумотлари тўғрисида турли йилларда битган бир нечта қайди, 88^а варақда эса ЎЗР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Дилором Юсупованинг ушбу нусханинг кўчирилиш сабаби тўғрисида 1993 йилда битган қайди мавжуд.

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг Ибодулло Одилов ва Ҳасан Комилов томонидан кўчирилган 5340 ва 5278 рақамли қўлёзма нусхаларининг тўлиқ тавсифи ҳамда уларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар «Иловалар» қисмида келтирилган.

3. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИНИНГ НАШРЛАРИ

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг Кобул нашри. Алишер Навоий таваллудининг 540 йиллиги нишонланаётган 1981 йили Афғонистонлик навоийшунос Абдулғаффор Баёний томонидан Кобулда нашр этилган «Макорим ул-ахлоқ» асари ушбу асарнинг илк нашри ҳисобланади³. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Британия музейидаги қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган ушбу нашр Афғонистоннинг ўша вақтдаги Ахборот ва маданият вазири Мажид Сарбаландий сўзбошиси билан чоп этилганлиги қўшни Афғонистон халқи ва ҳукуматининг буюк ўзбек шоири Алишер Навоийга бўлган катта эътибори ва юксак ҳурматини кўрсатади. Мажид Сарбаландий ўзининг ушбу сўзбошисида темурийлар, хусусан, Алишер Навоий даврининг нафақат Хуросон, балки бутун Осиёдаги илм-фан,

¹ Собрание восточных рукописей. Том 10. Ташкент: Фан, 1975. Стр. 33–35. Ундаги тавсифда икки қўлёзма тўғрисида қисқача маълумот берилган бўлса-да, унинг моҳияти ва мазмуни яхши ёритилмаган.

² Собрание восточных рукописей. История. Ташкент: Фан, 1998.

³ Қаранг: Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти, асарлари ва қурилиш-ободончилик ишлари тўғрисида). (Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва шарҳлар муаллифи Абдулғаффор Баёний). – Кобул: Кобул давлат матбааси, 1981.

маданият ва адабиёт тараққиётида беқиёс ўрин тутганлигини таъкидлар экан, Хондамир ва унинг «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўша давр тарихини ёритишдаги аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтган.

Абдулғаффор Баёний «Макорим ул-ахлоқ» асарининг қўлёзма нусхасини тадқиқ қилиш орқали унинг нашрини тайёрлабгина қолмасдан, ушбу асар ва унинг муаллифи, шунингдек, асарда номлари келтирилган шахслар ва жойлар, асарда келтирилган халқлар, уруғлар ва ижтимоий гуруҳлар ва бошқалар тўғрисида маълумотлар ҳам тўплаб, асар матнига илова қилиб келтирган.

1981 йили Афғонистон Ахборот ва маданият вазирлиги Маданият ва санъат бошқармаси томонидан Кобул давлат матбаасида минг нусхада чоп этилган нашрнинг титул varaғидан кейинги саҳифасида Алишер Навоийнинг сурати, ундан кейинги саҳифада эса Афғонистон Ахборот ва маданият вазири Мажид Сарбаландийнинг бир бетлик сўзбошиси жой олган. Асарнинг икки бетлик мундарижасидан сўнг эса Абдулғаффор Баёний томонидан тайёрланган Хондамирнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Муаллифнинг таржимаи ҳоли тўғрисида» (1 – 7-бетлар), «Хондамирнинг асарлари» (7 – 11-бетлар) ҳамда «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ёзилиш тарихи, қўлёзма нусхаси ва унинг ўрганилиши тўғрисидаги «Макорим ул-ахлоқ» тўғрисида» (12 – 15-бетлар) деб номланган бўлимлардан иборат бўлган ношир муқаддимаси келтирилган.

Абдулғаффор Баёний томонидан тайёрланган ушбу муқаддима алоҳида саҳифаланган бўлиб, улардан кейин келган асар матни қайтадан, яъни биринчи бетдан бошлаб саҳифаланган. Шундай қилиб, дебоча, муқаддима, ўн мақсад (боб), хотима ҳамда Навоийнинг қандай вафот этганлиги тўғрисидаги бобдан иборат бўлган асар матни янгитдан – биринчи бетдан бошлаб саҳифаланган 1 – 133-бетлардан жой олган.

Асар матнидан сўнг асарда номлари келтирилган шахслар ва жойлар, асарда келтирилган халқлар, уруғлар ва ижтимоий гуруҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи «Иловалар» қисми (135 – 200-бетлар), шахслар, жойлар ва асарлар номлари ҳамда мавзулар кўрсаткичи (201 – 233-бетлар), тузатишлар (234 – 238-бетлар), асар матнига берилган изоҳлар (239-бетлар) ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати (240 – 241-бетлар) келтирилган.

Айтиб ўтиш лозимки, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Кобул нашрига Афғонистон Ахборот ва маданият вазири Мажид Сарбаландий томонидан ёзилган сўзбоши ҳамда Абдулғаффор Баёний томонидан тайёрланган Хондамирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисидаги бўлимлардан иборат бўлган муқаддимада «Макорим ул-ахлоқ» асарининг 1941 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб, кейинчалик 1948 ва 1967 йилларда икки марта қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда нашр этилганлигининг аҳамияти таъкидланиши билан биргаликда, ушбу таржиманинг тўлиқ эмаслиги эслатиб ўтилган¹.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Кобул нашрини амалга оширган Абдулғаффор Баёний бир неча алломаларнинг, жумладан, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. Жумладан, 1991 йилнинг февраль ойида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан ушбу мутафаккир шоирнинг бир неча асари, жумладан, «Хамса» Абдулғаффор Баёний томонидан нашрга тайёрланиб, унинг муқаддимаси билан Кобул давлат матбаасида эски ўзбек ёзувида офсет усулида нашр этилди.

¹ Қаранг: Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти, асарлари ва қурилиш-ободончилик ишлари тўғрисида). (Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва шарҳлар муаллифи Абдулғаффор Баёний). Сўзбоши ва ношир муқаддимаси. – Кобул: Кобул давлат матбааси, 1981.

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашри. «Макорим ул-ахлоқ» асари унинг 1981 йилда Кобулда амалга оширилган илк нашридан ўн саккиз йил ўтиб, 1999 йилда Афғонистонлик бошқа бир тадқиқотчи Муҳаммад Акбар Ашиқ томонидан ушбу асарнинг Британия музейидаги қўлёзма нусхаси ҳамда асарнинг ҳижрий-қамарий 1078/милодий 1647 йили кўчирилган қўлёзмасидан Холмуҳаммад Хаста томонидан тайёрланган нусха асосида нашрга тайёрланиб, Техрондаги «Нашри мероси мактуб» («Ёзма мероси нашри») нашриётида икки минг нусхада чоп этилган нашри ушбу асарнинг иккинчи нашри ҳисобланади¹. Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу нашрни тайёрлашда асарнинг Кобул нашридан ҳам фойдаланган.

Жами 295 саҳифадан иборат бўлган ушбу нашр «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» ёзилган алоҳида саҳифа (1-бет) билан бошланиб, титул варағи (3-бет) ва китобнинг библиографик маълумотларидан (4-бет) сўнг «Нашри мероси мактуб» нашриёти томонидан тайёрланган қисқача сўзбоши (5-бет) ва китоб мундарижаси (9 – 16-бетлар) жой олган. Айтиб ўтиш лозимки, «Макорим ул-ахлоқ»нинг Техрон нашри мундарижаси асарнинг Кобул нашри мундарижасидан фарқли ўлароқ анчагина кенг ва батафсил тузилган бўлиб, унда нафақат асар қисмлари ва бобларининг номлари ёзилган, балки уларнинг ҳар бири ноширнинг ўзи томонидан мавзу жиҳатидан бир неча бўлимларга бўлинган ҳолда келтирилган.

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашри Муҳаммад Акбар Ашиқнинг Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарлари ҳамда «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи йигирма саҳифали муқаддимаси (17 – 36-бетлар) билан бошланган. Айтиб ўтиш лозимки, ушбу муқаддимада асарнинг Кобул нашрини тайёрловчи томонидан ёзилган муқаддимада мавжуд бўлмаган анчагина, жумладан, Хондамирнинг аждодлари тўғрисидаги, шунингдек, Хондамир ҳаётида юз берган айрим муҳим воқеалар борасидаги маълумотлар келтирилиши билан биргаликда, айрим муҳим маълумотлар тушириб қолдирилган ҳам. Жумладан, асарнинг Техрон нашри муқаддимасида Хондамир асарларининг тўлиқ рўйхати келтирилмаган. Шунингдек, ушбу муқаддимада Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳамда «Макорим ул-ахлоқ» асари борасида амалга оширилган тадқиқотларга унчалик кенг тўхталиб ўтилмаган.

Техрон нашрида асар матнининг бобларга бўлиниши ва уларнинг номланиши ҳам Кобул нашридан бир оз фарқ қилади. Жумладан, унда асарнинг дебоча қисми алоҳида боб сифатида эмас, балки асар муқаддимасидан олдинги бобнинг бир қисми сифатида келтирилган. Шунингдек, Техрон нашрида хотима боби билан Навоийнинг қандай вафот этганлиги тўғрисидаги боб битта хотима боби сифатида кўрсатилган.

«Макорим ул-ахлоқ»нинг Техрон нашрида асар матнидан кейин келтирилган «Иловалар» қисми (169 – 212-бетлар) алоҳида қимматга эга. Ушбу иловаларда асарда номлари келтирилган шахслар, жойлар ва иншоотлар тўғрисида Кобул нашридагидан кўра кенгроқ ва батафсилроқ маълумотлар берилган. Бундан ташқари, асарнинг Техрон нашри иловаларида Кобул нашри иловаларида мавжуд бўлмаган анчагина маълумотлар келтирилган. Жумладан, унда Хуросоннинг машҳур шаҳарлари (Ҳирот, Марв ва Ҳ.к.) ва иншоотлари (Низомия мадрасаси, Ихлосия хонақоҳи, Инжил ариғи ва Ҳ.к.), Шайбонийхон, Бадиуззамон Мирзо, Масъуд Гулистоний ва бошқа тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳамда Алишер Навоийнинг асарлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Китобнинг «Кўрсаткичлар» (215 – 273-бетлар) қисмидан асарда келтирилган Қуръони карим оятлари, ҳадислар, ривоятлар, форсий, арабий ва туркий шеърӣ парчалар, таърих ва муаммо жанрига оид шеърлар, илмӣ, адабий, динӣ, тасаввуфӣ ва маъмурий термин-

¹ Қаранг: Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. (Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида). – Техрон: Нашри мероси мактуб, 1999.

лар, шахслар, жойлар, халқлар, мазҳаблар, тариқатлар ва асарлар номлари кўрсаткичи жой олган.

«Макорим ул-ахлоқ» асари Техрон нашрининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, ундаги «Сўзлик» (275 – 288-бетлар) қисмида асар матнида қўлланилган терминлар ва ибораларнинг изоҳи келтирилган.

Китобнинг 289 – 295-бетларидан «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати жой олган.

Китобнинг охирида «Нашри мероси мактуб» нашриёти томонидан тайёрланган қисқача сўзбошининг инглизча таржимаси (296-бет), китобнинг инглиз тилидаги библиографик маълумотлари (297-бет) ва асарнинг инглиз тилидаги титул варағи (298-бет) келтирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Техрон нашрини амалга оширган афғонистонлик тадқиқотчи Муҳаммад Акбар Ашиқ «Макорим ул-ахлоқ» асаридан ташқари, Ўрта Осиё тарихига оид иккита ва Эрондаги сафавийлар сулоласи тарихига оид битта асарни нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. Жумладан, у Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Амир Олимхоннинг хотираларидан иборат бўлган «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» китобини нашрга тайёрлаб, 1991 йилда Покистоннинг Пешовар шаҳрида босмадан чиқартирди. Шунингдек, 1997 йили Мирзо Шамс Бухорийнинг Бухоро, Қўқон ва Кошғар хонликлари тарихига, хусусан, Бухорода Амир Ҳайдар, Қўқонда Муҳаммад Алихон ва Кошғарда Жаҳонгирхўжа ҳукмронлик қилган даврга бағишланган «Бухоро, Қўқон ва Кошғар тарихи» ҳам Муҳаммад Акбар Ашиқ томонидан нашрга тайёрланиб, Техрон шаҳридаги «Ёзма мерос» тадқиқот маркази томонидан чоп этилган.

4. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг қўлёзма нусхасидан тадқиқот мақсадида биринчилардан бўлиб фойдаланган шахслардан бири ҳинд олими Саййид Муҳаммад Абдуллоҳдир. Бу олим Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида мақола ёзиб, Ҳайдарободда чиқадиган «Oriental Collage Magazine» («Шарқшунослик коллежи журнали») журналининг 1934 йил, 36-сонидан нашр этади. Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ ушбу мақолада «Макорим ул-ахлоқ» асари қўлёзма нусхасининг бир неча жиҳатига умумий тарзда тўхталиб ўтган. Жумладан, у Амир Алишер Навоий томонидан қурилган ёки таъмирланган кўприklar, работлар, ҳовузлар, ҳаммомлар ва масжидларнинг сонини келтириш билан чекланиб, мақола охирида унинг вафоти тўғрисида ҳам қисқача маълумот берган.

Ушбу мақола ўша йили афғон олими Гўё Эътимодий томонидан таржима қилиниб, Афғонистонда нашр этиладиган «Мажаллайи адабийи Кобул» («Кобул адабий журналы») нинг ҳижрий-шамсий 1313 (милодий 1934) йил 11-сонидан эълон қилинади¹. Ушбу таржима иккинчи марта 1967 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний саъй-ҳаракатлари билан Афғонистон Тарих жамияти томонидан нашр қилинган «Амир Алишер Навоий (Фоний)» китобига илова тарзида қайтадан чоп этилади.

«Макорим ул-ахлоқ» асари борасида амалга оширилган иккинчи йирик тадқиқот сифатида ўзбекистонлик шарқшунос М. Салье томонидан ушбу асарнинг рус тилига қилинган қисқартирилган таржимаси ва бу борада амалга оширган тадқиқотини эслатиш мумкин. Ушбу олим 1940 йили «Макорим ул-ахлоқ» асарини рус тилига қисқартирилган

¹ Қаранг: «Мажаллайи адабийи Кобул» («Кобул адабий журналы»). 1313/1934 й. 11-сон. 22-27-б.

ҳолда таржима қилиш билан биргаликда, ушбу таржиманинг бир қисmini ушбу асар тадқиқотига бағишланган мақола билан биргаликда чоп эттиради¹. Аммо «Макорим ул-ахлоқ» асарининг М. Салъе томонидан амалга оширилган тўлиқ таржиманинг тақдири ҳалигача номаълум бўлиб қолмоқда².

Айтиб ўтиш лозимки, М. Салъе Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Ғиёсиддин Хондамирнинг Алишер Навоий таржимаи ҳоли тўғрисида маълумотлар беришдаги хизматини кўрсатиб бериш баробарида «Макорим ул-ахлоқ» асари таркиби, мазмуни ва аҳамиятини очиб берган. Унинг аниқлашича, Ғарб ва Шарқ олимлари Ғиёсиддин Хондамир ва унинг меросига яқин вақтларгача эътиборсизлик билан қараб келишган, хусусан, Ч. Стори ва Е. Бертельс ушбу тарихчи тўғрисида ўта қисқа маълумотлар келтириш билан чекланишган.

М. Салъе ўзининг қимматли мулоҳазаларини баён қилар экан, бу асарни ҳақиқий замонавий маънодаги таржимаи ҳол деб аташ мумкин эмас, деган хулосани илгари сураккан, «Ғиёсиддин Хондамирнинг мақсади Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини изчил баён этиш эмас, балки унинг олижаноб хусусиятларини ёритишдир»³, деган ҳақли фикрни билдиради. М. Салъе ўзининг ушбу тадқиқотида асарнинг таркибини батафсил баён этади⁴. Бироқ унинг тавсифида негадир ўнинчи қисм тушиб қолган. У: «Хотима ўрнида Алишер Навоийнинг касаллиги ва вафоти жуда батафсил ҳикоя қилинади», деб ёзади.

М. Салъенинг «Макорим ул-ахлоқ» асарининг аҳамияти тўғрисидаги қуйидаги хулосаси эътиборлидир: «Ушбу қисқа баёндан ҳам «Макорим ул-ахлоқ» асарининг таржимаи ҳол руҳидаги жуда қимматли ёдгорлик экани аниқ бўлмоқда. Хондамир асарининг асосий аҳамияти шундаки, у Алишер Навоий ҳаётининг охирларида унга яқин бўлган замондоши томонидан ёзилган. Ўша даврга хос бадиий услуб ва кўтаринки руҳдаги баён ичидан биз буюк шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ёрқин сиймосини кўрамиз. Энг муҳими эса унинг инсонийлигидир»⁵.

«Макорим ул-ахлоқ» асари борасида амалга оширилган яна бир муҳим тадқиқот унинг ўзбек тилига қилинган таржимаси ҳамда ушбу таржимага ёзилган сўзбошидир. Маълумки «Макорим ул-ахлоқ» асари биринчи марта 1941 йилда М.Фахриддинов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, кейинчалик 1948 ва 1967 йилларда М.Фахриддинов ҳамда таниқли навоийшунос ва манбашунос П.Шамсиевлар томонидан икки марта қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда нашр этилган⁶. Ушбу таржимага сўзбоши ёзган Иззат Султон Алишер Навоий ва Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқа маълумот келтириб, асар мазмунини тўлдиришга хизмат қиладиган айрим фактлар келтиради. Иззат Султон ўзининг ушбу сўзбошида «Макорим ул-ахлоқ» асарининг улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги аҳамиятига урғу бериш билан биргаликда, ушбу асарнинг шу чоққача Ғарб олимлари эътиборига тушмаганлиги сабаблари тўғрисида сўз юритади. «Макорим ул-ахлоқ» асари биринчи таржимасига ёзилган мазкур батафсил сўзбошида асар маълум даражада таҳлил ва тадқиқ этилган⁷.

¹ Ғиёсиддин Хондемир. «Книга благородных качеств» / Родоначальник Узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навоии. Ташкент: Изд-во АН Уз. 1940. Стр. 177–213.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. 352–353 бетлар; Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. Стр. 48.

³ Салъе М. Упом. Соч. Стр. 174.

⁴ Салъе М. Упом. Соч. Стр. 174–176.

⁵ Салъе М. Упом. Соч. Стр. 176.

⁶ Қаранг: Xandemir. *Makarimul-axloq*. Naşrga tajjarlavci S. Mutallibov. Taşkent, OzFAN naşriyati, 1941; Хондамир. *Макорим ул-ахлоқ («Яхши хулқлар»)* / Форсчадан М. Фахриддинов, П. Шамсиев таржимаси. Сўзбоши муаллифи Иззат Султон. Учинчи, қайта ишланган, тўлдирилган нашри. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.

⁷ Иззат Султон. Асар ҳақида / Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. / Форсчадан М. Фахриддинов, П. Шамсиев

«Макорим ул-ахлоқ» асари борасида амалга оширилган навбатдаги тадқиқот 1979 йили инглиз шарқшуноси Тўрхон Ганжаий томонидан «Макорим ул-ахлоқ» қўлёзмаси факсимиле нашрининг амалга оширилишидир¹. Тўрхон Ганжаий ушбу китобга ёзган қисқача сўзбошисида (7 – 13-бетлар) Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари, «Макорим ул-ахлоқ» асари таркиби ва мазмуни тўғрисида маълумотлар келтирган. Шунингдек, инглиз шарқшуноси сўзбоши охирида (12 – 13-бетларда) айрим сўз ва ибораларнинг талаффузи тўғрисида изоҳлар бериб, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тақдим этган. Бундан ташқари, асар матнига шахслар, жойлар ва асарлар номлари ҳамда жуғрофий атамалар илова қилинган².

1981 йили Кобулда афғонистонлик навоийшунос олим Абдулғаффор Баёний томонидан Британия музейидаги қўлёзма нусха асосида «Макорим ул-ахлоқ» асарининг илк босма нашрининг амалга оширилиши ушбу асарни тадқиқ этиш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу нашрни керакли текстологик изоҳлар бериш баробарида Баёний унга ёзган муқаддимасида Хондамирнинг ҳаёти ва асарлари ҳамда «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисидаги маълумотларни, ҳажман катта бўлган «Иловалар» қисмида эса асарда номлари келтирилган шахслар ва жойлар тўғрисида маълумотлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтирган.

«Макорим ул-ахлоқ» асарининг 1999 йили Муҳаммад Акбар Ашиқ томонидан Техронда нашр этилиши ушбу асарнинг Эронда ҳам тадқиқ этилишига йўл очиб берди. Агар Муҳаммад Акбар Ашиқ ушбу нашрга ёзган муқаддимасида «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ёзилиши сабаблари, тузилиши ва унда баён этилган асосий мавзулар тўғрисида сўз юритган бўлса, эронлик тадқиқотчи Мужтабо Табризниё ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» китобида Амир Алишер Навоий сиймоси» мақоласида «Макорим ул-ахлоқ»нинг Техрон нашри ҳамда ушбу асарнинг тузилиши ва ундаги ҳар бир бобда ёритилган мавзулар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтириш билан биргаликда ушбу асарни ёзишда қўлланилган услублар ҳамда Хондамирнинг ушбу «тарихий-бадий» асарда Алишер Навоий сиймосини ёритиб беришдаги бадий маҳоратига тўхталиб ўтган. Бундан ташқари, ушбу мақолада Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарини ёзишда Роғиб Исфаҳонийнинг «Аз-зариъа ила макорим аш-шариъа» ҳамда Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асарларида қўлланилган услублардан фойдалангани тўғрисида сўз юритилган³.

Булардан ташқари, ўзбек олимларидан Б. Аҳмедов ва Д. Юсупова кабилар ўз асарларида Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарини тадқиқ этишган ҳамда ушбу асарга у ёки бу даражада тўхталиб ўтишган. Жумладан, Б. Аҳмедов тузган «Навоий замондошлари хотирасида» тўпламида «Макорим ул-ахлоқ» асарининг М. Фахриддинов ва П. Шамсиевлар томонидан амалга оширилган таржимасидан парчалар ўрин олган⁴. Хондамирнинг ушбу асари борасида тадқиқотлар олиб борган ҳозирги замон ўзбек олимларидан эса Д. Юсуповани эслатиб ўтиш мумкин. Ушбу олима ўзининг бир неча асарларида «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисида маълумотлар келтириш билан билан бирга ушбу асар борасида муайян тадқиқотларни ҳам амалга оширган⁵.

таржимаси. Сўзбоши муаллифи Иззат Султон. Учинчи, қайта ишланган, тўлдирилган нашри. Тошкент: Фафур Гулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1967. 3–18-б.

¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Факсимиле. Кембридж нашри. 1979.

² Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. Стр. 48–49.

³ Қаранг: Мужтабо Табризниё. «Макорим ул-ахлоқ» китобида Амир Алишер Навоий сиймоси. «Тарих ва география бўйича ой китоби» журнали. 1378 йилнинг баҳмани (2000 йилнинг феввали). №28. 45 – 48-б.

⁴ Навоий замондошлари хотирасида / Тузувчи Б.Аҳмедов. Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 79–112-б.

⁵ Қаранг: Юсупова Д. Творческое наследие Хондамира как источник по истории и культуры Центральной Азии

III. «МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНГАН ИККИНЧИ ТАРЖИМАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, буюк шоир ва олим, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, буюк шахсияти, олий инсоний фазилатлари, давлат, халқ ва маданиятга кўрсатган улкан ва беқиёс хизматлари тўғрисида ёзилган Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг биринчи марта ўзбек тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилинганидан буён етмиш йилдан ортиқ, ушбу таржиманинг охирги – учинчи нашри босмадан чиққанидан буён эса ярим асрга яқин вақт ўтди. Ўз даврининг етук шарқшунослари ва таржимонлари бўлган М. Фахриддинов ва П. Шамсиевлар томонидан амалга оширилган ушбу таржима ана шу ўтган давр мобайнида буюк мутафаккир ҳаёти ва фаолиятининг муҳим қирралари билан танишишда энг муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилиб келди. Бироқ, «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг илк ўзбекча таржимаси аҳамиятини камситмаган ҳолда, ўзбек халқи тарихи ва маданиятига ҳолисона муносабатда бўлмаган, балки халқимизни унинг буюк ўтмишидан маҳрум қилишга уринган мустабид совет тузуми ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги замонида амалга оширилган бу таржимада, биринчидан, ўша давр талабларидан келиб чиқиб, иккинчидан, таржимонларнинг эътиборсизлиги туфайли йўл қўйилган маълум хато ва камчиликлар, шунингдек, асарнинг иккинчи ўзбекча таржимасида (унинг биринчи таржимасидан фарқли ўлароқ) қўлланилган услублар, умуман олганда, ушбу асарнинг ҳозир қўлингизда турган иккинчи ўзбекча таржимасини амалга ошириш заруратини юзага келтирган сабаблар тўғрисида гапириб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

«Мақорим ул-ахлоқ» асарининг биринчи ўзбекча таржимасида кўзга ташланадиган биринчи камчилик шундан иборатки, унда анчагина ўринлар, жумладан, диний мавзуда сўз юритилган қисмлар ҳамда таржима қилиш қийин бўлган жойлар – ҳаммаси бўлиб асар асл матнининг тахминан тўртдан бир қисми таржима қилинмасдан ташлаб кетилган. Бундан ташқари биринчи ўзбекча таржимада маълум қисқартиришлар билан таржима қилинган ҳамда соддалаштириб таржима қилинган ўринлар кўплаб учрайди. Ушбу таржиманинг жиддий камчиликларидан яна бири шундаки, унда тўлиқ ўзбекчалаштирилмасдан, форсча сўзлар, иборалар ва жумлалари сақланиб қолган ўринлар, ўзбекча гап тузиш қоидалари қўпол равишда бузилган, жумладан, гап тузишда ғализликларга йўл қўйилган ўринлар, гапда сўзлар ва сўз бирикмалари бир-бирига тўғри боғланмаган ҳамда гап ўта чўзилиб кетган ўринлар кўплаб учрайди. «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг биринчи ўзбекча таржимасида кўплаб учрайдиган бутунлай хато ўгирилган сўзлар, сўз бирикмалари, иборалар, жумлалар ва гаплар эса асар матни мазмунининг ўқувчига нотўғри етказилишига, қолаверса, ушбу асарда Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида берилган айрим маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади¹.

«Мақорим ул-ахлоқ»нинг иккинчи ўзбекча таржимасини амалга ошириш учун манба сифатида асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхалари, шунингдек, асарнинг афғонистонлик навоийшунос Абдулғаффор Баёний томонидан 1981 йили Кобулда ҳамда Муҳаммад Акбар Ашиқ томонидан 1999 йили Техронда босмадан чиққан нашрлари асос қилиб олинди.

XV–XVI вв. Автореф. дис. доктора ист. наук. Ташкент, 2001; Юсупова Д. *Жизнь и труды Хондамира*. Ташкент: Фан, 2006; Юсупова Д. *Хондамир ижоди / Шарқшунослик*. 1-тўплам. Тошкент: Фан, 1990.

¹ «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг биринчи ўзбекча таржимасида йўл қўйилган камчиликлар ва хатолар тўғрисидаги батафсил маълумотлар алоҳида тарзда асарнинг қўлингиздаги иккинчи ўзбекча таржимасига илова қилиб берилмоқда.

«Макорим ул-ахлоқ»нинг камина томонидан амалга оширилган иккинчи ўзбекча таржимасида асарнинг биринчи ўзбекча таржимасида йўл қўйилган мазкур камчилик ва хатолар тузатилиши билан биргаликда, асарнинг илмий таржима талабларига жавоб берадиган тўлиқ ва аниқ таржимасини таъминлаш мақсадида, асар матни ҳеч қандай тушириб қолдиришлар ва қисқартиришларсиз ҳозирги ўзбек тилига тўлиқ ўгирилиши асносида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхалари ҳамда ушбу асарнинг Британия музейида сақланаётган қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган Кобул ҳамда Британия музейи ва Холмуҳаммад Хаста нусхалари асосида тайёрланган Техрон нашрини ўзаро солиштириш асосида ушбу икки нусха ва бир нашр матнлари ўртасидаги барча фарқлар аниқланиб, улар ўртасидаги асосий тафовутлар тўғрисидаги изоҳлар саҳифа остидаги бир юз қирқ еттита ҳаволада берилди. Бунда таржима учун мантиқан тўғри деб топилган вариант танлаб олинар экан, бошқа нусха ёки нашрда берилган вариант ҳам саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб борилди. Биз мазкур изоҳларда асарнинг ушбу нусхалари ва нашрларида, шу билан бирга, асарнинг биринчи ўзбекча таржимасида учрайдиган нуқсонлар ва хатоларни ҳам кўрсатиб боришга ҳаракат қилдик. Жумладан:

1) «Макорим ул-ахлоқ»нинг қўлёзма нусхасини кўчирган котиб томонидан айрим сўзларни кўчириб ёзишда йўл қўйилган, аммо асарнинг Тошкентда сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхаларини кўчириш, шунингдек, асарнинг Кобул нашрини тайёрлаш чоғида тузатилмаган хатолар саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб борилди. Жумладан, асарнинг форсча матнининг «Ҳазрат султоннинг яқин кишиси бўлган ул олий жанобнинг ўткинчи дунёдан абадий дунёга сафар қилишлари баёнида» бобида Алишер Навоийнинг вафот этган йили бўлмиш ҳижрий-қамарий 906 йилни кўрсатиш мақсадида келтирилган **شاه را چون بدید جان بسپرد** «Шоҳро чун бидид жон бисупурд» (шоҳни кўрди-ю жон берди) жумласидан абжад ҳисобида кўзда тутилган 906 сони эмас, балки 908 сони ҳосил бўлишидан келиб чиққан ҳолда, аслида **بدید** «бидид» (кўрди) ёки **بسپرد** «бисупурд» (берди, топширди) сўзларининг бирида абжад ҳисобида 2 рақамини билдирувчи **بی** «би» ўтган замон феълини ясовчи олд кўшимчаси бўлмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

2) «Макорим ул-ахлоқ»нинг Кобул нашрини тайёрлашда асарнинг қўлёзма нусхасидан нотўғри ўқилиш туфайли йўл қўйилган хатолар саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб борилди. Жумладан, асарнинг Кобул нашрида **پادشاه اوزبک** «подшоҳи ўзбак» (ўзбек подшоҳи) иборасидаги **اوزبک** «ўзбак» (ўзбек) сўзи хато ўқилиш натижасида **اورنگ** «авранг» кўринишида келтирилганлиги каби кўплаб ҳолатлар кўрсатиб ўтилди.

3) «Макорим ул-ахлоқ»нинг Техрон нашрини тайёрлашда асарнинг қўлёзма нусхасидан нотўғри ўқиш туфайли йўл қўйилган хатолар ҳам саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб борилди. Жумладан, ушбу нашрда **به زبان سرتیز** «ба забони сартез» (ўткир тил билан) ибораси **به زبان سریر** «ба забони сарир» (тахт тили билан) (44-б, 19-қ.), **پولي نغور، مارامماتي پولي فوشانج** «Пули Нигор, мараммати Пули Фушанж» (Нигор кўприги, Фушанж кўпригини таъмирлаш) қисми **پولي نغار سرمست، پل فوشنج** «Пули Нигори сармаст, Пули Фушанж» (Нигори сармаст кўприги, Фушанж кўприги) кўринишида хато ўқилганлиги (94-б, 1-қ.) каби айрим ҳолатлар кўрсатиб ўтилди.

4) «Шаббодаси эсишларида» маъносини билдирувчи **بتتميم نسيم** «ба танассуми насим» бирикмаси асарнинг 5278 рақамли (1⁶-варақ, 8-қ.) ва 5340 рақамли (1⁶-варақ) қўлёзма нусхалари ҳамда Техрон нашрида (39-б, 9-қ.) хато тарзда **به تبسم نسيم** «ба табассуми насим» (шаббодаси табассуми билан) кўринишида келтирилганлиги эслатиб ўтилди.

5) Асарнинг биринчи ўзбекча таржимасини амалга оширишда асарнинг қўлёзма нусхасидан хато ўқилган сўзлар, шахс ва жой номлари саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб, уларнинг тўғри вариантлари бериб борилди. Жумладан, «Макорим ул-ахлоқ»нинг олдинги ўзбекча таржимасида Мовароуннаҳр ҳокими Султон Али Мирзонинг амирларидан бири бўлган Амир Сайид Юсуф Ўғлоқчининг исмидаги «Ўғлоқчи» қисми «доғлоқчи» деб хато ўқилганлиги (121-б.) кўрсатиб ўтилди ва иккинчи ўзбекча таржимада ушбу хато тузатилди. Шунингдек, асарнинг Кобул нашрида **سپید روان** «Сапедравон» кўринишида келтирилган жой номи (115-б.) «Макорим ул-ахлоқ»нинг олдинги ўзбекча таржимасида «Сайид равон» шаклида ўқилганлиги (115-б.) кўрсатиб ўтилди ва иккинчи ўзбекча таржимада ушбу хато тузатилди.

2. Асарнинг биринчи ўзбекча таржимасидан, қолаверса, ҳозирги замонда ҳам форс тилидан ўзбек тилига амалга оширилаётган кўпчилик таржималардан фарқли равишда, форсий изофани қўйишда хатоликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида, шеърий парчаларнинг форсча аслини кирилл ёзувида беришда **э** ҳарфи билан ифодаланувчи чўзиқ **[и]** товушини сўз охирида келган ҳолатларида **ий** ҳарфлар бирикмаси, сўз охирида изофани билдириб келувчи ва ҳарфости белгиси билан ифодаланувчи қисқа **[и]** товушини эса **и** ҳарфи воситасида бердик. Жумладан, асарнинг олдинги ўзбекча таржимасида «Чу моя**и** хирад ёфти дар жаҳон» (31-б.) жумласи «Чу моя**ий** хирад ёф**тий** дар жаҳон» кўринишида ислоҳ қилдик. Шунингдек, асарнинг олдинги ўзбекча таржимасида «То сайд кун**и** ҳазор дил ҳар нафасе» (31-б.) жумласи «То сайд кун**ий** ҳазор дил ҳар нафасе» кўринишида ислоҳ қилдик.

3. Асарда келтирилган форсча шеърий парчаларнинг транскрипцияси ва таржимасини мазкур шеърларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги уч кўринишда бердик: а) асар матнида муаллифи кўрсатилмасдан шеърий мисол сифатида келтирилган шеърий парчаларнинг ўзбекча таржимаси берилиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг форсча аслининг кирилл ёзувидаги транскрипцияси берилди; б) Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган ёки ўша даврнинг машҳур шоирлари томонидан бевосита Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган форсча шеърий парчаларнинг аввал форсча аслининг кирилл ёзувидаги транскрипцияси, сўнгра эса қавс ичида уларнинг ўзбекча мазмуни берилди; в) Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий жанрлардан ёки поэтик санъатлардан ҳисобланган муаммо ва таърих жанрида ёзилган шеърларда муаммонинг ўртага ташланиши ва ечилиши ҳамда шеърда яширинган маълум санани топиш бевосита араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилиш қоидалари ва арабча ҳарфларнинг шаклий рамзлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу шеърларнинг форсча асли улар дастлаб битилган арабча ёзувдаги шаклида, сўнгра ушбу шеърлар форсча аслининг кирилл ёзувидаги транскрипцияси, ундан сўнг эса қавс ичида уларнинг ўзбекча мазмуни берилди.

4. Асарнинг форсча матнида иқтибос сифатида келтирилган Қуръони Карим оятлари ҳамда ҳадис намуналарини ўзбекча таржимаси билан биргаликда саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг арабча аслини ҳам келтирдик.

5. Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий жанрлардан ёки поэтик санъатлардан ҳисобланган муаммо жанрида ёзилган шеърларда муаммонинг ўртага ташланиши ва ечилиши бевосита араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилиш қоидалари ва арабча ҳарфларнинг шаклий рамзлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, асарнинг форсча аслида келтирилган муаммо жанридаги шеърларнинг ўзи ва номланишини ўзбекча таржимаси билан биргаликда уларнинг форсча аслини нафақат кириллча, балки арабча ёзувдаги шаклида ҳам келтирдик.

6. Шарқ мумтоз адабиётида кенг қўлланилган абжод ҳисоби, яъни араб ёзувидаги сўзларда мавжуд бўлган ҳар бири муайян сонни билдирувчи ҳарфларни бир-бирига

қўшиш орқали ҳижрий-қамарий йил ҳисобидаги маълум тарихий санани – маълум йилни кўрсатиш ҳам бевосита араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилиш қоидалари ва арабча ҳарфларнинг шаклий рамзлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, асарнинг форсча аслида келтирилган таърих жанридаги шеърларнинг ўзи ва номланишини ўзбекча таржимаси билан биргаликда уларнинг форсча аслини нафақат кириллча, балки арабча ёзувдаги шаклида ҳам келтирдик.

7. Асарнинг биринчи ўзбекча таржимасида Алишер Навоий қаламига мансуб форсий тилда ёзилган тўққизта муаммодан «Хон» ва «Ҳамза» номли иккитаси ечилиб (53-б.), уларнинг қолган еттитаси улар тўғрисида маълумот берилган тегишли матнлари билан биргаликда тушириб қолдирилган. Биз таржима қилинмасдан тушириб қолдирилган ана шу еттита муаммодан олтитасини ўзбекчага таржима қилиш билан биргаликда уларнинг ечимларини ҳам топдик. Бироқ Навоий қаламига мансуб бўлган «صفي و بر و اياپ» «Сафию бадру иёб»¹ («Танланган, тўлин ой, қайтиш») номли муаммонинг ечимини тополмадик.

Биз ечган муаммоларга мисол:

زدي در چشم ای ترک شکاری خدنگ کبیری کفتاد گزری

Задий дар чашм, эй турки шикорий,
Хаданги кабирэ, к-афтод корий.

(Мазмуни: Эй овчи гўзал, кўздан урдинг. Катта бир ўқ ўз ишини кўрсатди. Муаммонинг ечими: Овчи гўзал кўздан ургач, яъни چشم «чашм» (кўз)дан уриб, چ ва ش ҳарфларидаги уч нуқталарни тўкиб юборгач, چشم «чашм» (кўз)дан حим қолади. Катта бир ўқ ўз ишини кўрсатса, яъни битта¹ «алиф» ҳарфи ана шу چشم «чашм» (кўз)дан қолган حим нинг ўртасига бориб тушса, у حим дан حسانم «ҳисом» (ўткир қилич)га айланади).

8. Асарнинг биринчи ўзбекча таржимасида Алишер Навоий қаламига мансуб форсий тилда ёзилган тўққизта таърихдан Мавлоно Тўтий шоир, Амир Султон Ҳасан ва унинг ўғли Мирзобек ҳамда Хожа Фахриддин битикчиларнинг вафоти санасига бағишлаб ёзган таърих жанридаги шеърлардан учтаси ечилиб (54-55 б.), уларнинг қолган олтитаси, шунингдек, Хондамирнинг ўзи томонидан Навоийнинг вафоти санасига бағишлаб ёзилган таърих жанридаги бир шеър ҳам улар тўғрисида маълумот берилган тегишли матнлари билан биргаликда тушириб қолдирилган. Биз таржима қилинмасдан тушириб қолдирилган ана шу етти таърих ўзбекчага ўгирилиши билан бирга уларнинг ечимлари, яъни шеърый парчаларда яширинган саналар ҳам аниқланди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг 20-жилдидаги «Таърихлар» қисмида шоир қаламига мансуб форсий тилда ёзилган ушбу таърихлардан фақатгина биттаси – Абдурахмон Жомий вафотига бағишланганидаги сана чиқариб берилган бўлиб, унда ҳам كشف اسرار اله «кашфи асрори илоҳ» (илоҳ сирларини очиш) иборасидаги яширин сон – 898, яъни Абдурахмон Жомий вафот этган ҳижрий-қамарий йил хато топилиб, у ерда 989 сони кўрсатилган. Қизиғи шундаки, у ерда Жомий вафотининг милодий санаси – 1492 йил тўғри кўрсатилган.

Биз чиқарган таърихларга мисол:

خواجه خواجگان عبيدالله مرشد سالکان اهل يقين
شد بخلد برين در فوتش سال تاريخ گشت خلد برين

¹ Асарнинг Кобул нашрида шу ўринда эслатиб ўтилганки, қўлёзма матнининг шу жойида бир неча ҳарф ўчиб кетган бўлиб, уларни тўғри ўқишнинг иложи бўлмаган. 38-б.

Хожайи хожাগон Убайдуллоҳ,
Муршиди соликон, аҳли яқийн.
Шуд ба хулди барийн, ки дар фавташ
Соли таърих гашт «хулди барийн».

(Мазмуни: Хожаларнинг хожаси Убайдуллоҳ соликлар муршиди ва яқийн¹ аҳли² эди. У шу жиҳатлари туфайли жаннатий бўлди ва вафот этган йили ҳам «хулди барийн» (жаннатнинг энг юқори қавати)га тўғри келди. Таърихнинг ечими: **خالد برين** «хулди барийн» (жаннатнинг энг юқори қавати) иборасини абжад ҳисоби асосида рақамларга ўгирсак, 896 сони ҳосил бўлади. Шундан маълум бўладики, Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ҳижрий-қамарий 896 йилда, яъни милодий 1490/1491 йилда вафот этган).

9. Асарда номлари келтирилган айрим машҳур шахслар тўғрисидаги қисқача маълумотлар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (ўн икки жилдлик, Тошкент: «ЎЗМЭ» давлат илмий нашриёти, 2000–2006), Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» («Мукаммал асарлар тўплами», йигирма томлик, ўн учинчи том, Тошкент, «Фан», 1997) ва «Насойим ул-муҳаббат» («Мукаммал асарлар тўплами», йигирма томлик, ўн еттинчи том, Тошкент, «Фан», 2001) асарлари ва бошқа манбаларга таянган ҳолда тайёрланиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда кўрсатиб борилди.

10. Асарнинг ўзбекча таржимаси матнида учрайдиган ўрта асрларга хос бўлган илмий, жумладан, адабиётшунослик, фалсафа, тарих, астрономия ва бошқа фанларга оид, шунингдек, диний ва тасаввуфий атамаларнинг маънолари ҳамда улар билан боғлиқ изоҳлар «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (беш жилдлик, Тошкент: «ЎЗМЭ» давлат илмий нашриёти, 2006 – 2008), «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (Тошкент, «Фан», тўрт томлик, 1983), «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (ўн икки жилдлик, Тошкент: «ЎЗМЭ» давлат илмий нашриёти, 2000–2006) ҳамда форс тилининг мўътабар изоҳли луғатларидан Али Акбар Деҳхудонинг «Луғатномаи Деҳхудо» («Деҳхудо луғати») (Техрон. 1324-1359 (1946-1982) йиллар), Муҳаммад Муиннинг олти жилдлик «Фарҳанги форсий» («Форс тили луғати») (Техрон. 1342 (1963) й.), Ҳ. Анварийнинг саккиз жилдлик «Фарҳанги бузурги Сухан» («Сухан» катта луғати) (Техрон, «Сухан», 2003) ва бошқа манбаларга таянган ҳолда тайёрланиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда бериб борилди.

11. Асарнинг форсча матнида учраган туркийча сўзлар таржимада асл ҳолида келтирилиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг маънолари ҳамда улар билан боғлиқ изоҳлар юқорида эслатилган манбаларга таянган ҳолда тайёрланиб, бериб борилди.

12. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига тўлиқ илмий-изоҳли таржимасини амалга ошириш билан биргаликда, асарда номлари келтирилган шахслар ва жойлар, Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди, «Макорим ул-ахлоқ» асари, ушбу асарнинг Британия музейида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхалари, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Кобул нашри, мазкур асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхалари ҳамда ушбу асарнинг Кобул нашри матнлари ўртасидаги фарқлар жадвали, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига қилинган бирин-

¹ **يَقِين** **яқийн** арабча – 1) қатъий ишонч, комил ишонч; 2) *тасаввуфда*: банданинг ғайб олами ва ундаги нарсаларга қалбан қатъий ишониш орқали бу борадаги барча шубҳа ва иккиланишларни бартараф қилиши.

² **яқийн аҳли** – *тасаввуфда*: ғайб олами ва ундаги нарсаларга қалбан қатъий ишониш орқали бу борадаги барча шубҳа ва иккиланишларни бартараф қилиш йўлини тутган сўфийлар гуруҳи.

чи таржимасидаги камчиликлар ва хатолар ҳамда шахс ва жой номлари кўрсаткичи каби бўлимларни ўз ичига олувчи иловалар тайёрланди.

12. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига тўлиқ илмий-изоҳли таржимасини амалга ошириш билан бирга, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи кириш қисми тайёрланди:

1) Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди.

а) Хондамирнинг ҳаёт йўли.

б) Хондамирнинг ёзган асарлари.

в) Хондамир ижодининг ўрганилиши.

2) «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисида.

а) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ёзилиши.

б) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг қўлёзма нусхалари.

в) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг нашрлари.

г) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўрганилиши.

3) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг иккинчи таржимаси тўғрисида

13. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига тўлиқ илмий-изоҳли таржимасини амалга ошириш билан биргаликда, қуйидаги қуйидаги материалларни ўз ичига олувчи «Иловалар» қисми ҳам тайёрланди:

1) Асарда номлари келтирилган шахслар ва жойлар тўғрисида маълумотлар.

2) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Британия музейида сақланаётган Add.7669 рақамли қўлёзма нусхаси ва унинг хусусиятлари.

3) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 рақамли қўлёзма нусхаси ва унинг хусусиятлари.

4) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5340 рақамли қўлёзма нусхаси ва унинг хусусиятлари.

5) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 5278 ва 5340 рақамли қўлёзма нусхалари ҳамда ушбу асарнинг Кобул нашри матнлари ўртасидаги фарқлар жадвали.

6) «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига қилинган биринчи таржимасидаги камчиликлар ва хатолар.

7) Шахслар, жойлар ва асарлар номлари кўрсаткичи.

Шуни ҳам айтиб ўтишни лозим деб билардикки, «Макорим ул-ахлоқ» асарининг биз томонимиздан амалга оширилган иккинчи ўзбекча таржимаси юртимиз озодлиги ва унинг шарофати билан юзага келган янги муҳитнинг меваси ҳисобланиб, ушбу таржима собиқ совет тузуми давридаги чекланишлар ва тазйиқларга қарамасдан халқимизнинг шонли ўтмиши ва буюк маданий меросига оид асарларни келажак авлодларга етказиш йўлида жонбозлик кўрсатган ватанпарвар ва миллатпарвар олим ва таржимонларимиз, жумладан, халқимизни буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олувчи «Макорим ул-ахлоқ» асари билан таништириш йўлида ушбу асарнинг қисқартирилган бўлса-да таржимасини амалга оширган М. Фахриддинов ва П. Шамсиев каби навоийшуносларимиз бошлаган шарафли ишнинг давомидир. «Макорим ул-ахлоқ»нинг навбатдаги тўлиқ ва мукамал таржимаси Алишер Навоий ҳаёти ва серқирра фаолиятининг ҳали яхши ёритилмаган томонларининг ўрганилиши ва тадқиқ этилиши ишига маълум ҳисса бўлиб қўшилади, деб умид қиламиз.

МУНДАРИЖА

ЗУҲРИДДИН ИСОМИДДИНОВ

ШАВҚИ НАВО

Икки оғиз	7
Навоийнинг идеали	11
Навоийнинг журъати ҳақида Бобурнинг бир қайди	18
Адабиётимизнинг мавлуд ойи	21
Навоийнинг сўзлари ва навоий ҳақида сўзлар	29
Ғазаллар талқини	32
Баҳорий бадииятдан баҳрамандлик	49
Мустазод	149
Мустазод	154
Тўққиз фарднинг талқини	159

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ

ҲАЙРАТ МЕЗОНИ

Матназар аканинг назари	166
Абадий ҳамдард	168
Холу хаттинг	173
Юлдузлардан олинган ибрат	178
Илоҳий ҳалқа	181
Эътиқоднинг заъфарон малҳамлари	184
Ҳайрат мезони	190

КОМИЛЖОН РАҲИМОВ

ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАМДА УНИНГ «МАКОРИМ УЛ АХЛОҚ» АСАРИ ҲАҚИДА

Ғиёсиддин хондамир ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг «Макорим ул-ахлоқ» асари ҳақида.....	200
--	-----

I. Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди

1. Хондамирнинг ҳаёт йўли	202
2. Хондамирнинг ёзган асарлари	208
3. Хондамир ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши	214

II. «Макорим ул-ахлоқ» асари тўғрисида

1. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ёзилиш тарихи215
2. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг қўлёзма нусхалари216
3. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг нашрлари217
4. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўрганилиши220

III. «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўзбек тилига қилинган иккинчи таржимаси тўғрисида 223

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Зухриддин Исомиддинов: Шавқинаво; Матназар Абдулҳаким: Ҳайратмезони; Комилжон Раҳимов: Ғиёсиддин Хондамир ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг «Макорим ул ахлоқ» асари ҳақида; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 232 бет.

Ж.15: Зухриддин Исомиддинов: Шавқи наво; Матназар Абдулҳаким: Ҳайрат мезони; Комилжон Раҳимов: Ғиёсиддин Хондамир ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг «Макорим ул ахлоқ» асари ҳақида. 232 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5 -1

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

Ўн бешинчи жилд

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ШАВҚИ НАВО

Матназар Абдулҳаким

ҲАЙРАТ МЕЗОНИ

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)

Комилжон РАҲИМОВ

**ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАМДА УНИНГ
«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» АСАРИ ҲАҚИДА**

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*

Муҳаррир: *Одил Икром*

Мусахҳих: *Шохрўз Мўминзода*

Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*

Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*

Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.

2013.02.10. да берилган.

2021.17.11. да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 ¹/₁₆.
Cambria гарнитураси. 14,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.